
АЛИШЕР НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# АЛИШЕР НАВОИЙ

## Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

Узб.
Н 14

# АЛИШЕР НАВОИЙ

## Тўла асарлар тўплами

Учинчи жилд

**Хазойин ул-маоний**

Бадоеъ ул-васат

835487
TDIU
kutubxonasi
СБО

**Алишер НАВОИЙ**

# Хазойин ул-маоний

# БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ

## АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

**1**

Эй навбахори оразинг субхига жонпарвар хаво, Андин
гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво.

Тубию шохи сидрадур куюнг гиёхи, негаким
Ушшоц ашку охидин хар дам топар сую хаво.

Захри фироцингдин цаю ошицки булди талхком, Нуши
висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.

Чун цозиюл хожот сен даъвои махринг цилгали, Дарду
фироц андухидин келтурмишам икки гуво.

К^илмай цабул ижоднинг имкони йуц, сунгра яна
Мацбулини рад айламак лутфунгдин улгайму раво.

Зохид, кунгулнинг хилватин матлуб гайридин орит, Сен сайр
цилсанг цил, керак кунглунгга булса инзиво.

Десанг Навоий жон аро махбуб булгай жилвагар, Аввал
кунгул кузгусидин махв айла нацши мосиво.

**2**

Не сунъунгдин ажаб юз минг жахон булмоц яна пайдо, Не
мулкунгга халал юз минг жахондек булса нопайдо.

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йуц, Агар юз
минг жахондек булса нопайдо ва ё пайдо.

Азал хам сен, абад хам сен, не аввал бирла охирким, Анга
йуц ибтидо пайдо, мунга йуц интихо пайдо.

Иродаанг бирла тацдирингдин улгай икки кавн ичра, Агар
булса фано зохир вагар булса бацо пайдо.

Фалак хам ожиз, ахтар хам забун, сайру сукун ичра Ки,
сендиндур, не булса анжуму афлок аро пайдо.

Байона уммохот улдию обо йукса сунъунгдин, Ато бирла анога не атову не ано пайдо.

Нечаким бахр ила кон булса, сендин тарбият етмай,
Эмастур мумкин улмок дурру лаъли бебахо пайдо.

Чу бахри рахматинг мавж урса, пайдо булмагай хасча,
Неча журм ахлидинким булса юз кухи хато пайдо.

Навоийнинг тилин шукрунгга гуё айлаким, булгай Анга хамдинг гулистонида хар дам юз наво пайдо.

**3**

Эй, килиб лутфу ато бирла улус коми раво, Эй,
вужуду адам иккиси вужудингга гуво.

Сен солиб навъи башар хайли мизожи аро заъф, Сендин
афлок тибоида кави барча куво.

Офариниш сипахида бир эмас юз мингдин Мехрким, чекти
фалак буржида зарбафт ливо.

Етмаса гарди рахинг кухли булуб Рухуллох Ожиз
айлар чоги хуффош амосига даво.

Лутфунг оллида кириб равзага ахли исён, ^ахринг
улганда тушуб вайлга ахли такво.

Шаркдин гарбни бир дам бориб ахли талабинг Ким, булуб
химмат аёги била ул кавм раво.

Гулшани васлинга хар кушки хаво кургузди,
Етмади лек агар етти килиб эрди хаво.

Зотинга гайрни кимса начук этгай ташбих,
Мосиваллох чу саво келдию ул зот сиво.

Ё раб, ул барг насиб этки, Навоий топкай
Боги тавхид гулу булбулдек баргу наво.

**4**

Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро, Лек
улуб ул жилва комил мазхари инсон аро.

Топмаган булса лабингнинг шарбатидин чошни,

Бас бу не жонбахшлицдур чашмаи хайвон аро.

Нега олам уртади, хуснунг утидин ламъае, Тушмаган булса жамоли Юсуфи Канъон аро.

Тушмаган булса цуёшингдин цулига партаве, Бас не байзо эрди жайби Мусаи Умрон аро.

Эсмайин лутфунг риёзидин чаман сари насим, Гулга булбул цайда вола булди бу бустон аро.

Файз агар олмас вужудунг гулситони атридин, Шаммаи нацши вужуд имкон эмас имкон аро.

Тортибон солгил Навоийни карам дарёсига Ким, булубтур гарца бахри бодаи исён аро.

**5**

Ё раб, улгон чогда жоним жисми вайрондин жудо Ул булуб мундин жудо, сен булмагил андин жудо,

Чун жудо булсам мени гамнок йуцу бордин
Не гамим, сен булмасанг мен зори хайрондин жудо.

Нацди жон чицканда имон гавхарин кунглумга сол, Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, цилганда зиндон ичра хибс ^илма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Хашр гавгоси аро осийлигимга рахм цил, Лутф ила илгим тутуб, цил ахли исёндин жудо.

Гарчи улдум кофири ишц ахли ислом ичра цот, Ул замонким булгуси кофир мусулмондин жудо.

Элга махлас истасанг, етти тамугни айла кул, Айлабон бир шуъла бу охи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат цилмагил Кавсару тубию цасру хуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навоийга цилиб васлинг насиб, Килмагил, ё раб, ани мундин, муни андин жудо,

**6**

Эй гулшани рухсоринг улуб дахрга оро, Рухсор
уза сочинг гул уза анбари соро.

Гунг этти Масихонию тор этти цуёшни, Ул
нутци дилором ила ул хусни дилоро.

Гесуву юзунг сунбулию барги гулидин, Девона
мену шифта лайлан ва нахоро.

Ул ердаки рахшинг цилибон жилваи парвоз, Учмоцца
фалак цушларига анда не ёро.

Захм элдин улуб зохиру сендин бори мархам, Эл унф аён
айлабу сен барча мадоро.

Лаълингга етиб хора агарчи ушатибдур, Чун анда
етиб лаъл булуб цадрда хоро.

Билди чу хадисингни Сахих эмди Навоий, Маскан чу тилар
булса не Батхо, не Бухоро.

**7**

Эй, санга муцтадолиц ики кавн аро, Анта хайрул
башар, анта хайрул варо.

Кимки фавцус сурайё эди манзили, Тобеъинг
булмагач кирди тахтас-саро.

Зотинга фахр этиб етмиш икки фариц, Оразинг
шамъидин ёруб икки саро.

Нафсинга рахмати хац била ицтирон, Муъжиз
отингга сихру фусун ифтиро.

Хашрга тегру меърожинг афсонаси, Хайли
хайл малойик аро можаро.

Хам рафъатингга арши баринда макон, Хам
Буроцингга хулди баринда чаро.

Ким касофат била цуйди юз наътингга, Гар цуёш
эрдиким, булди юзи царо.

Ё набийаллох, ахволима цил назар, Журму
исёну ожизлигим мо таро.

То аининг бирла булгай, Навоий, сенинг Наъту
хамдинг баёнига достон саро.

**8**

Улки ишк ахлини ултурмак эрур одат анга, Жон керак
булса кунгул айламагай рагбат анга.

Х,ажр мухлик эканин мундок агар билсам эди, Тутмагай
эрдим агар улсам эди улфат анга.

Ул парий сувратига телба кунгул булди асир, Ишк аро,
войки, юзланди ажаб суврат анга.

Юзи кузни ёритур, лек куёш хира килур,
Билур улким кузи борким, мунга йук нисбат анга.

Тош урарлар мени Мажнунгаки, козмиш Фарход, Ишк аро
менча качон эрди экин шиддат анга.

Улди Мажнун курубон дилбарину мен курмай, Менча йук
эрди экин улганида хасрат анга.

Дийда побусин аёгингга магар элтур ашк, Йук эса мунча
югурмакда недурур суръат анга.

Мени саргаштада хижрон укидин минг пайкон, Чархи
гардонга мушобих курунур хайъат анга.

Дахрнинг гулшанидин буйи вафо тутма тамаъ Ким, сабо
машшотаси сепмади бу накхат анга.

Эй хуш ул риндки, муг дайрини килди маскан, Етса хам
мугбачалар ишкида юз офат анга.

Эй кунгул, куйма Навоийники, хушёр улгай, Куп етардек
эса даврон элидин мехнат анга.

**9**

Килк эрур жисмимки, тил булмиш демакдин лол анга,
Ичда печу тоблиг ноламни англа, нол анга.

Сунъ килкидин ёзилди гуйи, ул гуйи закан, Нукталар
янглиг занахдонингда икки хол анга.

Кокулунг элга жахонни тийра килгон дуд эрур, Х,ар сари зулфунг ики ёнида тушкан дол анга,

Куйнда овора кунглум хаста эрмиш, эй рафиц, Лутф этиб маълум цилсангким, не булмиш хол анга.

Эй мусаввир, топмасанг Лайлию Мажнун чехрасин, Дилбаримни бил мунга ухшаш, мени тимсол анга.

Социё, кунглумни даврон цилди куптин-куп малул, Булгали фориг керак бир жоми моломол анга.

Эй Навоий, кимки цилди хажр бедодин цабул, Рахбари сарманзили васл улди бу ицбол анга.

**10**

Лаъли лабингки, жоним эрур мубтало анга,
Махлас демонки, истарам улгай фидо анга.

Хажринг балосига не илож айлагай Масих,
Ранжидур улки захр емакдур даво анга.

Васлинг цушики ашк ила охимдин этти рам, Гуё ярашмади бу су бирла хаво анга.

Маръям кеби ано эди туццонда ул Масих, Тарсо эмон десамки, ким эрди ато анга.

Дашномим этса шод нечук булмайинки, мен Андоц хацирменки, дей олмон дуо анга.

Соций майики ёр лабу орази кеби Булгай назар харимида рангу сафо анга.

То ичсам ани ул юзу лаб жилва айласа, Жон кузгусида рафъ булуб мосиво анга.

Улким замона ахлидин истар вафову мехр Ким, нацши мехр курди мунга ё вафо анга.

Айб этмангиз, Навоий агар булса бенаво,
Куйдиму давр чархи мухолиф наво анга.

**11**

Хажридин хар нечаким булди кунгул зор манга, Хеч рахм этмади ул шухи жафокор манга.

Еунчадекдурким, очарлар куч ила баргларин,
Булгали хажрида цонлиг кунгул афгор манга.

Оташин лаълдек ахгар тукадурлар хар дам, Лаби хажрида ики дийдаи хунбор манга.

Зулфидин шиддати куфрум эрур ул хадгачаким, Сабха торича эрур риштаи зуннор манга.

Яхшироц равза саводидин, агар даст берур Ул цуёш куйида бир сояи девор манга.

Чунки бу цуббаи хазро аро жуз ходиса йуц, Эй кунгул, авло эрур кулбаи хаммор манга.

Эй Навоий, не маю мутрибу не хуону не ишц Хонацах тарки эрур, англаки, ночор манга.

**12**

Лабларингдин гарчи цон ютмоц дамо-дамдур манга, Гар даме жоми висолинг йицса, не гамдур манга?!

Панд эшитмай, куруб ани, юз балога учрадим, Кузларим чицсунки, юз мунча сазо камдур манга?!

Крфи шавцум шархини тахрир цилдим, вах, не суд Ким, анга ирсол учун Семург махрамдур манга?!

Ёрким, мундоц нихондур куздину мен телбамен Ким, дегайким, фитна булган насли одамдур манга,

Крра чирмаб ёш тукуб, афгон цилурмен хомадек, Эткали нолон кунгул бу навъ мотамдур манга?!

Узга юзга боцма деб, бир-бир кузумга бости мухр, Ийнак-ийнак хар цора бир нацши хотамдур манга?

Дахр аро тушкан хаводис утидин монеъ эмас,
Куз ёшимдин гарчи куз тушкунча бир намдур манга?!

Социё, жоми жахонбин тутки, андин кашф этай Ким, куп иш бу коргах вазъида мубхамдур манга?!

Дилбари оллида Мажнун нацди жон сарф этмади, Эй Навоий, ишц атвори мусалламдур манга?!

**13**

То сенингдек цотили хунхорае бордур манга, Биллах, ар улмакдин узга чорае бордур манга?!

Нуши жон хар бодаким ахбоб ила нуш айладинг, Гарчи харгиз демадинг оворае бордур манга?!

Васли ицболию мен, хайхот, басдур бу шараф Ким, йироцдин давлати наззорае бордур манга?!

Деб эмиш хар кимда бор захме, отай мархам бир уц, Шукр эрурким, хар сариму ёрае бордур манга?!

Борди ул хуршиду ашким оцти, вах, толеъ курунг Ким, не янглиг ахтари сайёрае бордур манга?!

Сабр солдим кунглума васлинг тилаб, вах, бот келиб Турфа курким, шиша ичра хорае бордур манга?!

Дема куп, эй нафским, дунё арусин ицд цил, Уйда баъзидек согин маккорае бордур манга?!

Дев уруб ишци мажозий ичра мажнун айлаган, Ёва дер, буким парий рухсорае бордур манга?!

Эй Навоий, куймакимни цилмагайсен манъ, агар Жон аро билсанг не оташпорае бордур манга?!

**14**

Лабинг сари токим назардур манга, Ёш урнида хуни жигардур манга.

Дема мендин айрил, доги умр сур Ки, ул умр улумдин батардур манга.

Тугонлар дирам шаклидур зод учун, Адам сари чунким сафардур манга.

Килур айб ошицлигим барча халц, Улус айби, вахким, хунардур манга.

Табибо, яна сабрдин дема суз

Ки, бу шарбатингдин зарардур манга.

Дема майни тарк этки, соций юзи Бу
кузгу аро жилвагардур манга.

Навоий, ул ой хажрида туну кун Котиц шому
тийра сахардур манга.

**15**

Жавру зулмунг гарчи улмаклик нишонидур манга, Чунки сендиндур хаёти жовидонидур манга.

Ул париваш ишцидин, носих, мени манъ этмаким,
Телбалик вацтию ошицлиц замонидур манга.

То уцубмен ишц харфин дарсу такрору сабац Вомицу Фарходу Мажнун достонидур манга.

Музтарибмен чарх янглигким, нужуми тийрадин Танда хар кун юз туман доги нихонидур манга.

Хеч ранже зохир улмай мен худ улдум, эй табиб, Лек билким, цасди жон эткан фалонидур манга.

Эйки, дерсен ишц аро улмак зиёндур, умр суд, Хар не судидур санга, неким зиёнидур манга.

Курмишам вожиб бацосин равшан, андоцким цуёш Токи имкон соя янглиг кузда фонидур манга.

Бу фано дайрин бацосиз эрканин то англадим, Эл суруди ишрати мотам фигонидур манга.

Эй Навоий, воизу фирдавси аъло зикриким, Боги хулд ул хури пайкар остонидур манга.

**16**

Килди юз пора кунгул булгали афгор санга, Юз кунгул бирла мени ишц гирифтор санга.

Йуц бадан бирла кунгулдин манга юз мехнату дард Ким, булубтур бадан афгору кунгул зор санга.

Гам туни субх тиларсен, кунгул уз, захминг куп, Воциф улким, дамидин етмасун озор санга.

Эйки, дерсен манга ошицмусен, ахволима боц, Вахки, тил бирла нечук цилгамен изхор санга.

Эйки, даврон гамидин йуц сенга бир лахза амон, Билки, хуш маъман эрур кулбаи хаммор санга

Май ич, эи шайхки, матлуб юзи жилвасидин, Килмади манъ бажуз пардаи пиндор санга.

Васл куйида, Навоий, турубон истама ёр, Муддаи борида ул куйда не бор санга.

**17**

Бахона катлимадур ишкдин фасона санга, Килурга катл не хожатдурур бахона санга.

Уки утунлари ичра сен утсен, эй кунглум, Бошоглари учидан хар тараф забона санга.

Курук таним ук учидин курунмас, эй чобук, Якин кетур, керак эрса сунгак нишона санга.

Ихота айладинг, эй бахри ашк, ер куррасин, Ажаб эмастур, агар йуктурур карона санга,

Дам урма мугбачалар ишвасидин, эй зохид, Вужуд накшин окизмай майи мугона санга.

Замона таркини ком айлабон халос улгил, Десангки, солмаса нокомлиг замона санга.

Навоиё, гами чун жону кунглунг олди, не суд, Суруди дилкаш ила жонфизо тарона санга.

**18**

Мехнат укидин кабакдек колмишам афгон аро Ким, букун чобуксуворим йуктурур майдон аро.

Тийраликдин кур этибтур кузларим хар кунги гард Ким, бор эрди тутиё бу дийдаи гирён аро.

Сенки майдон ичра йуксен, пайкаредур жони йук, Х,ар пари пайкарки маркаб секретур жавлон аро.

Гарчи хар шухе сурар майдонга ук янглиг саманд, Чун сенинг рахшинг эмас, биллах, укидур жон аро.

Тер окизган аблакингдектур сени келгайму деб, Х,ар сари тушкан кузум юз минг дури галтон аро.

Онсиз урмиш халка чобуклар, не янглиг этмайин
Ким, курунмас зарра, хуршид улмаса даврон аро.

Мехрдек гар тавсани гардунга мингилким, сипехр Паст этарда фарц йуц хуршид ила Кайвон аро,

Гар цуёш зангин фалакрафторлиг рахшингга ос Ким, тузар ул занг навханг нагмасин афгон аро.

Эй Навоий, кет бу майдондин, гар ул хур улмаса, Биллах, улсам турмагаймен равзаю ризвон аро.

**19**

Вахки, расвомен яна девонаву оцил аро, Бул-ажаб холим булуб афсона хар махфил аро.

Музтар эрдим хажрдин, ёр эткан эрмиш тарки мехр, Мушкуледур ищцдин хар дам манга мушкул аро.

Ацлу сабру хуш итиб, кунглумда цолди доглар, Корвон кучса, цолур утлар ери манзил аро.

Уцларинг мужгон кеби гирён кузум атрофида, Рост бордур ул цамишлицким бутар сохил аро.

Кирпикинг тушкан кунгул ичра хаёлинг, эй парий, Гуйиё Юсуф нузул этмиш чахи Бобил аро.

Куллугунг догидин улсам, истамон озодлиц Ким, бу тамгадур нишони Мудбиру Муцбил аро.

Масканинг истар Навоий, нася жаннат ахли зухд,
Мунча-уц булур тафовут олиму жохил аро.

**20**

Эй алифдек рост цаддинг хасрати жонлар аро, Жисм ичинда жон кеби сен барча султонлар аро.

Кушца ухшарким, тикандур ошиёни, эй кунгул, Тийри борони гамингдин цолди пайконлар аро.

Гам топар хажрингда ашким ичра кунглум порасин, Иш куни топцан кеби эл гойибин цонлар аро.

Чок кунглум хублар кунгли аро топти шикаст, Вах, бутун цолгайму ёруц шиша сандонлар аро.

Доглар ичра алифлар зор жисмим мулкида, Гам сипохига ьиличлар булди цолцонлар аро.

Элга куюнгдур макон, мен цулни цавмоглиг недур, Булбул улса, зог хам булур гулистонлар аро.

Иста йиртуц жанда кийганларда маъни махзанин Ким, бу янглиг ганж улур ул навъ вайронлар аро.

Атласу зарбафт аро нодон анингдек хашв эрур Ким, хатойи сафхада сабт улди афшонлар аро.

Бу эшикни чун тилаб келди Навоий тенгридин, Ул сабабдин гуйиёким цолди дарбонлар аро.

**21**

Демаки, кирди цатл вацти цоним аро Ким, ул алиф кеби кирди уларда жоним аро.

Улуб эдим гами хажрингда, булмаса эрди Лабинг тахайюли жон жисми нотавоним аро.

Гар айласам ватан ул куй аро, мени цовманг Ки, ишц шуъласи ут солди хонумоним аро.

Кузу кунгул цурумиш, не тукай аёгингга Ки, цолмамиш дуру лаъли ушбу бахру коним аро.

Ажаб йуц, оцса эриб магзи устихонимким, Утун сунгаклар эрур шуълаи нихоним аро.

Сабухи истаю еткач сахар очилди эшик, Бу фатх дайрида утмас эди гумоним аро.

Навоий, истама жуз йигламоц, унумдинким Нашот замзамаси йуцтурур фигоним аро.

**22**

Сенингдек буте йуцтурур Чин аро, Бути
чин сенинг банданг ойин аро.

Магар оби хайвонга кириш Масих,
Каломинг лаби лаъли ширин аро.

Гуландомлар ичра, эй гулъузор, Кизил
гул кебисен раёхин аро.

Кадингдек десам сарвни, килма айб, Агар
тушмади рост тахмин аро.

Фирок ичраким ваъда килдинг висол, Ажаб
лутф килдинг аён кин аро.

Кунгулда сен улсанг, тафовут недур,
Йулум булса гар куфр, агар дин аро.

Навоий дуо айлар ул хур учун,
Малойик, мадад айланг омин аро.

**23**

Багир хунобидин заъф улди голиб хаста жонимга, Огир
эрди гизо, авд этти захмат нотавонимга.

Лабинг хажрида жисмим конидин бир пора лаъледур
Кунгул захмида, яхши боксалар хар катра конимга.

Адам дуржики огзинг хуккасидур, мархаме андин Даводур
гунчадек кунглумдаги доги нихонимга.

Сариг юзумдин эл йиглар, магарким улмаким етти Ки,
мундок хосият баръакс булди заъфаронимга.

Салохим пардаси куйди ул утлуг юз хаёлидин, Фигонким,
ойни ёд этмак зарар килди катонимга.

Ул ой кулбамга келди, жондуру хуноб ила охим, Бу
тортиглар мураттаб айламишмен мехмонимга.

Карору аклу хушум ишкинг ути бирла чурканди, Самум
эсди бало даштида озган корвонимга.

Замон аврокию ишким эди Фарходу Мажнундин, Фалак
бир-икки фасл этти изофат достонимга.

Навоий, Зухра удин мотамим тутконда куйдурди Фалак сари эришиб борган учкунлар фигонимга.

**24**

Утга солгил сарвни, ул кадди мавзун булмаса, Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун булмаса.

Сарсари охим эсар гам шоми хижрон тогига,
Яхшидур тонг отцуча бу тог хомун булмаса.

Телбаликдин, вахки, хар дам дардим афзундур, агар Ул парий ишцида хар дам дардим афзун булмаса.

Гар кунгул цатл истабон сен ваъда цилдинг тонгла деб, Ушбу дам ултур, бу эхсон бирла мамнун булмаса.

Хирца жинсин рахн учун, эй шайх, олмас пири дайр, Бода бермас, токи узлук жинси мархун булмаса.

Фоний ул, васл истар улсанг, бенаволигдин не гам,
Булмасун харгиз матоъе дунёи дун булмаса.

Эй Навоий, тонма, гар дер ул парий мажнун сени, Ошиц улгайму парийга, улки мажнун булмаса?!

**25**

Хотирим вайронлигин билгай биров хижронида, Улки хар соат бировни йуцлагай вайронида.

Англагай бекаслигимни бир цуёш цилган гумон,
Тебранурда соя хам тебранса ногах ёнида.

Тийра шомим шиддатин андин сурунгким, булмагай Нур бир шамъи шабистондин саро бустонида.

Кулбам айвонин фалак йиццонни сур ул зордин Ким, аниси йуц, йицилгур кулбаси айвонида.

Хажр Канъонида шаънимда уцир сабр оятин
Улки, хажр оятлари нозилдур анинг шонида.

Эйки, айтурсен фалак бедодидин курмай ситам, Давр аёгин солмагил цулдин фалак давронида.

Рахм этиб ахбобца гардун, Навоий курди зулм, Кушмади
гуё ани ахли мухаббат сонида.

**26**

Дахрким, ёр йуц манго анда,
Бор эса доги йуц вафо анда.

Тоза догедурур кузум цондин Ким,
булубтур нихон цоро анда.

Уйла зиндон дурур фироцки, йуц Мен
кеби кимса мубтало анда.

Захми куп кунглум улди гам тоги,
Лолалар хар тараф яро анда.

Дардинга жону кунглум улди ватан,
Истаган топти мунда ё анда.

Каъбадин дайр сари чек мениким, Ринд
улур кирса порсо анда.

Фурцат ичра Навоий ул гулсиз
Булбуледурки, йуц наво анда.

**27**

Тушта курдум ёрни хандон рацибин утруда, Рашкдин хар
лахза тиш цирчиллатурмен уйцуда.

Ул парий васли аро ёдимга кирса фурцати,
Телбалар янглиг тукармен ашк айни кулгуда.

Кузгу жаннат равзанидурким, тамошо цилгали Хур
келмиш гуйиё, аксинг эмастур кузгуда.

Юлдуз иткандек цуёш ёгдусида, итти цуёш
Оразинг хуршиди чун цилди тулуъ ул ёгдуда.

Социё, бир журъа тут, шоядки юзлангай нашот, Неча
булгай хажрдин озурда кунглум цайгуда.

Узлукумни ашк элтиб, уздин андоц ётмен
Ким, узумни тонимон, аксимни хам курсам суда.

Чун Навоий ёр сари юзланур, цайгу цолур, Соя
цолгандек кейин, хуршид булгач утруда.

**28**

Бехи рангидек улмиш дарди хажрингдин манга сиймо, Димогим ичра хар бир тухми янглиг донаи савдо.

Мазаллат туфроги сариг юзумда бордур андоцким, Бехида гард ултургон масаллик тук булур пайдо.

Оцартиб ищц бошимни, ннхон булди сариг чехрам, Момуг ичра бехини чирмаган янглиг киши амдо.
Юзумда тиги хажринг захми хар сари эрур беважх, Бехини тиг илан чун катъ килмок расм эмас катъо.

Юзум туфрокдадур хар дам куругон жисм ранжидин, Бехига сарнигунлик шохи заъфидин булур гуё.

Бу гулшан ичра бехбуд истаган доим бехи янглиг, Кийиб пашмина, тоатка кадин хам асрамок авло.

Навоий гар куёш норанжидин бехрак курар, тонг йук, Бехиким лутф килмиш махди улё исмат уд-дунё.

**29**

Жисми беморимга бор ул наргиси шахло бало, Жони хунхоримга хам ул лаъли рухафзо бало.

Дахр ичинда офият нетсунки, ичкач бир кадах, Ёгдурур оламга ул шухи кадах паймо бало.

Не балодурким, кутулмасмен балодин бир нафас Ким, манга етмас даме ул шухдин илло бало.

Войким, жонимга кузу кошу хатту холидин, Ё адамдур, ё малолат, ё суубат, ё бало.

Касдима азм этти, вах, улмактин узга чора не Ким, эрур хам жилва офат, хам кади раъно бало.

Севгали ул шахни мен мунглуг, бало хар дам ёгар, Бор эмиш булмок гадонинг дилбари мирзо бало.

Ул балога урганибмен, уйлаким жоним чикар, Курмасам бошимда бир соат мени шайдо бало.

Жоми минойи иликдин куйма, бу даврондаким, Ёгдурур давр ахли узра гунбади мино бало.

Эй Навоий, фарк аро кил мосиваллох дафъиким, Келди солик бошига дунёву мофихо бало.

**30**

Тиги захр олудидин жисмимда сар-тосар яра, Чашмаи захри гамидин ичмакимга хар яра.

Найлай улмай, эй кузи котилки, юз минг ярадии,
Жисми афгорим уза мухликдурур аксар яра.

Итларинг мехмоним улса, туъма ярам цонидур, Котил улгач, турфа курким, булди жонпарвар яра.

Кон борурдин гарчи жисмим богига булмиш хазон, Турфароцким, цондин очмиш юз гули ахмар яра.

Ярага цуйган момуглардин булуб бошимга тож, Лаълу ёцут айламиш ул тожга зевар яра.

Ёгмаган булса танимга тийри борони фироц, Бир баданда кимга булгай бу цадар бовар яра.

Яра гар махбубдин юз мунча етса бок эмас, Чун етар ахбобдин, айлар мени музтар яра.

Десанг, эй соций, бадал булсун, цадах тут бехисоб, Ким тукар цонимни бехад, ким эрур бемар яра.

Эй Навоий, цайси бир яранг унгалгай, негаким, Тургани бирла эрур бу нотавон пайкар яра.

**31**

Гулу гулзор сенинг боги жамолингга фидо, Сарву шамшод доги тоза нихолингга фидо.

Бутубон мехригиях донаси хам сочилса, Оразинг гулшани ичра хату холингга фидо.

Йуц менинг, балки Хизр бирла Масихо жони, Чашмаи нуш аро жонбахш зулолингга фидо.

Янги ой, балки тулун ой демайин, балки цуёш, Тулин ою цуёшинг узра хилолингга фидо.

Эй кунгул, васли хаёлини цилурсен доим Ки, менинг жону жахоним бу хаёлингга фидо.

Туттунг, эй ринди харобот, манга согарким, Рух боданггаву тан эски сафолингга фидо.

Эй Навоий, лабидин нукта сурарсен, юз жон Буйла ширин сузу жонбахш мацолингга фидо.

**32**

Мажнун бошини саждадин олмас эди асло, Гар Лайли итининг жулидин топса мусалло.

Найлай цора наргисни, бошимга урайинму Ким, бошима офат кетурур ул кузи шахло.

Ёзганда юзунг мусхафини котиби тацдир, Ишц оятини цилди менинг шаънима имло.

Ул мугбача гуёки чицибтур яна усрук, Йуцса не учун дайрда бор элга алоло.

Дузахни агар ишц ути бирла цизитурлар, Дард ахлига учмоцдин эрур бас тамуг авло.

Мацсадни йигитлар гами ишци аро иста, Ёхуд царилар химматидин айла тавалло.

Васлига етушкунг неча саъб эрса, Навоий, Гар цилса карам тенгри таборак ва таоло.

**33**

Дарди хажримга ул икки лаъли хандондур даво Ким, улар Исо дамию оби хайвондур даво.

Не даво Исо дамин фахм айла, не хайвон суйин, Хажр жонин олгон элга васли жонондур даво.

Ишц аро заъфим давоси шарбат эрмас, эй хаким, Шарбати васл этмайин хосил, не имкондур даво.

Хажр аро дардим давосин ёр мушкул, деб эмиш, Рахм агар цилса, анинг оллида осондур даво.

Дарддин гамгин кунгулда хона цилмиш юз мавод, Эй, цора куз, дафъига бир ниши мужгондур даво.

Зулфи зуннорига чирманган узорин очти ёр, Зулмати куфр ичра элга нури имондур даво.

Гар менинг бедиллигим дарди давосин истасанг, Эй Навоий, бу маразга кунглум олгандур даво.

**34**

Гулбарг уза цилмишсен то сабзаи тар пайдо, Кун кузгусида гуё занг этти асар пайдо.

Лаълинг гамидин суда гул яфроги келгандек, Ашкимда келур хар дам парканди жигар пайдо.

Жисмимдин оциб цони, пайкони аён булди, Шох узра булур доим гул кетса, самар пайдо.

Жон риштасидек эрмас кузларга белинг маръи, Чобуклик учун цилдинг багларга камар пайдо.

Ул зулф саводида улдум юзини курмай, Вахким, йуц эди мухлик шомимга сахар пайдо

Даврон гамидин кунглум мацбуз эрур, эй соций, Басти учун эткайсен хам бода магар пайдо.

Килкида Навоийнинг жон шираси музмардур, Хар найда цачон булгай бу навъ шакар пайдо.

**35**

Килур ишц юз минг бало ошкоро, Вале
борин айлар манго ошкоро.

Бало, курки, агёрга кургузур ёр Нихон мехру
бизга жафо ошкоро.

Дедим: ишцни ошкор этмай, аммо Ёшурдум
мен, этти цазо ошкоро.

Нетиб мен нихон асрайин, айтинг охир, Тилар
булса дардим худо ошкоро.

Жунунум бу булса, гамим булгусидур Нечаким
ёшурсам яно ошкоро.

Килур юз жафо ошкораву бир хам Вафо
цилмас ул бевафо ошкоро.

Едим тийр борони хажрингда минг захм Ки,
булди не уцу не ё ошкоро.

Неча бода махфий, чу фош улди ишцим,. Тут
эмди цадах, социё, ошкоро

Ки, то маст улуб ишц рамзида, тортай Навоий
кеби бир наво ошкоро.

**36**

Эй, санга цомати дилжу раъно, Тавру
тарзинг доги асру раъно.

Пайкару цаддинга волихменким, Ул
бири нозук эрур, бу раъно.

Ул парий учцуси раънолицдин, Одами
мунча булурму раъно.

Коматинг нозуку туби нозук, Сарв
раънову таронгу раъно.

Эй мусулмонлар, уларменким, эрур Асру ул сарви суманбу
раъно.

Бевафодур бу чаман, куп булманг, Эй, сапидор ила ножу
раъно.

Бил, Навоийки, гизолингча эмас, Чин
гулистонида оху раъно.

**37**

Зихи лаълинг майидин жонга ягмо,
Кузунгнунг куфридин имонга ягмо.

Бузуг кунглумга торожингни бас цил, Киши солмайдурур
вайронга ягмо.

Юзунг куз мардумининг нурин олди, Парий солган кеби
инсонга ягмо.

Булур хар шух ягмойи асири, Чу ул чобук
солур майдонга ягмо.

Ажаб хайрон цолибменким, не олгай, Солиб ул куз мени
хайронга ягмо.

Юзунг кургуз манга андин бурунким, Хазондин еткай ул
бустонга ягмо.

Кузидин зулф агар тулгонди, тонг йуц Ки, солмиш турк
Х,индистонга ягмо.

Жунун даштида не ахз айлагай ишц, Буким солгай мени
урёнга ягмо.
Навоий, анда чекти давр аёги
Ки, солди жоми май давронга ягмо.

**38**

Ёр жавлонгахидин келди сабо, Пайкарим
туфрогини цилди хабо.

Юз саманди аёгига цуярим, Мисли ках
баргдурур кахрабо.

Буки куксумни гаминг цилди шикоф, Хилцатим
кунглакини цилди цабо.

Булди багрим яраси ила афан Ки,
шамимидин эрур бийми вабо.

Бошима ёгса цилич ищцингда, Булмасун
бошим, агар цилсам ибо.

Вахки, жоним била уйнар ул тифл, Шухлуг
лозимаси келди сабо.

Панжа пашминага урдумки, эрур, Эй
Навоий, панахим олий або.

**39**

Эй, юзунг гулбаргига ошуфтаву хайрон сабо, Телбалардек
гулшани куюнгда саргардон сабо.

Купмоги мумкин эмастур, балки тебранмаклиги, Топмаса жонбахш лаълинг нуктасидин жон сабо.

Сунбули зулфин агар ошуфта цилмайдур, недур Ким, шабистонга эсар хар дам абирафшон сабо.

Пора-пора жисм аро охим нетиб цолгай нихон, Булмог имкон йуц хасу хошок аро пинхон сабо.

Ёрдин келди сабо кеч келмакин айларга фош, Кунглум ичра тез цилди шуълаи хижрон сабо.

Нотавонлар охи ул гул куйида хар субхидам, Уйладурким, гулситон ичра эсар хар ён сабо.

Субх чун эсти сабо, ичкил цадахким, булмогунг
Сену куп эстургуси бу бог аро даврон сабо.

Лоларухлар ахдининг махкамлиги мумкин эмас, Собит
улмоц лахзае бир ерда не имкон сабо.

Тонг эмас, солса Навоий охи куюнгда гирев, Чун
гулистон сайрида зохир цилур афгон сабо.

## БЕ ХАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 40

Хац узин цилди мухиб, сен ойни махбуб, эй хабиб, Ул
мухибца сен кеби махбуб эрур хуб, эй хабиб.

Рогиб эрдинг ул мухиб васлига, чун шоми уруж
Топтинг, улким хотирингга эрди маргуб, эй хабиб.

Бир сариму олам ахли бугзидин парвойи йуц, Айлаган
узнн сенинг хуббунгга мансуб, эй хабиб.

Булсалар ахли мухаббат хар кишининг толиби, Бизга
сендурсен ики оламда матлуб, эй хабиб.

Хар киши ахбобинг ичраким узин айлар хисоб,
Бермайин жон ул мухибца цайда махсуб, эй хабиб.

Чун шафоат дафтари сендин тутармен куз, не гам, Хар
цулумга берсалар махшарда мактуб, эй хабиб.

Чун мухаббат ахлига тоат хунардур, рахм цил Ким,
Навоий келди ул хайл ичра маъюб, эй хабиб.

**41**

Ёр гулгун тун енгинму юзга айлабтур хижоб, Ё
ёшурмиштур цуёш рухсорини гулгун сахоб.

Йуцки, ишц ахлига оламни цоронгу цилгали Ул
шафацдин ёпти хуршид узра гулнори ницоб.

То цизил тун ичра булди жилвагар мохим менинг,
Мехр этар хар тун шафац хуноби ичра изтироб.

Кон ёшим аксиму ол этмиш фалак миръотини
Ким, булубтур лаългун атласда сойир офтоб.

Тун кийиб гулранг, оламни гулистон айладинг,
Бизга кисм айлаб хазони хажр аро хори азоб.

Сокийи гулчехра, гулгун бода беандоза тут Ким, бу
гулшан ичрадур хори малолат бехисоб.

Икки оламда, Навоий, сурхрулуг истасанг, Х,ам наби,
хам олий хуббига дуруст эт интисоб.

**42**

Вахки, ул мугбача, хар дамки чекар бодаи ноб,
Кузгалур арбадасидин бу кухан дайри хароб.

Ёка чоку, узи бебоку белида зуннор,
Бир иликида пичок, бир кулида жоми шароб.

Кузи ислом элининг жонин олурга котил, Зулфи
такво элининг бугзидин осмокка таноб.

Юзида куфр утининг шуъласидин юз минг нур,
Сочида дин халалидин тушубон юз минг тоб.

Ултуруб дайр эшики оллида туфрог узра, Дурди
жомики томиб, рух топиб ахли туроб,

Жонларидин юб илик барча харобот ахли, Узни
куткаргали хар кайсига бир сари шитоб.

Буйла холатда кузи тушти мангаву кулибон Юз туман
лутфу карам бирла бу навъ этти хитоб:

«Ким аё ринди вафо пешаву мехр андиша, Келиб ич бир кадаху чекма хумор ичра азоб».

Югуруб туштум аёгигаву туфрог уптум, Берди май илгима хайвон суйи оллида сароб.

Чектиму хуш юзин курмадим, андин сунгра Тушмишам куйи харобот ичида масти хароб.

Эй Навоий, ангаким бор эса бу рох насиб, Рухуллоху таоло валаху хусни маоб.

**43**

Парийдек улки эрур хублар аро махжуб, Х,ижоб сизу мен улдур бу телбага матлуб.

Хаёси бирла хижобида гарчи воламен, Килибтурур мени оллида ноладин мажхуб.

Мухаббат ахлига ноз эткучидин эрмиш саъб, Тарици хилму адаб зохир эткучи махбуб.

Чу ищц голиб эрур, эхтиёж эмас Лайли Килурга ишваки, Мажнунни айлагай маглуб.

Кишики, даъвои ищц ичра уздин олди хисоб, Бу муддаода агар улмагай, эмас махсуб.

Фано йулида сабукбор истасанг узни, Узунгдин айла бурун узлукунг юкин маслуб.

Навоий, асру муаддабдур ул махи мактаб, Адаб тарици била ёзгасен анга мактуб.

**44**

Лабингдин хаста жонким булди бетоб, Эмас бетоб, анга эрур шакархоб.

Ёшимдин обруюм борди, билдим Ки, равнацсиз цилур олтунни сиймоб.

Кошинг хажрида хар наълики кессам, Келур пайваста, жоно, шакли мехроб.

Килич боги белинг цучцон хасаддин
Кузумга аждаредур шакли цуллоб.

Кузум оллидадур лаълинг хаёли,
Эмас кирпикларим остида хуноб.

Фироц илги фигон жон риштасидин
Чицарур, тордин андоцки мизроб.

Фалак бошингга цоплаб ит терисин,
Сен ани жахлдин деб кишу санжоб.

Ажаб йуц, одамилигни унутсанг,
Узунгни буйла ит чармида асроб.

Навоий, ранж курма, огзин истаб Ким, ул
бир жавхаредур — асру ноёб.

**45**

Шахд аро огушта гулбаргедурур ул икки лаб, Хар суз
андинким чицар, ширин эса, йуцтур ажаб.

Жоним ичра кирпиги ниши тешук цилган кеби
Билгурур огзи, табассум айлагач ул икки лаб.

Ишцини жон риштаси бирла муцайяд айладим, Эй
хирад, кетким, сени цайд эткали йуцтур сабаб.

Хоксорин ул цуёш юзлик парий малшун демиш,
Тенгри бизга осмондин нозил этмиш бу лацаб.

Куйида мацбул улус хажрида билмас куймаким,
Дузах ахлидин не огах равзада ахли тараб.

Топти Лайли ноцаси Мажнун фигонидин худи,
Мумкин эрмас пуядин таскини анинг, эй араб.

Дайр аро хар дам йицилма важд этиб, эй шайхким,
Пири дайр оллида мустахсан эмас хар беадаб.

Куп ачигланма, агар булсанг улустин талхком, Улча
цисмингдур цазодин, кимга айларсен газаб.

Эй Навоий, олма ёр оллида юз туфрогдин
Ким, бу шаръ ичра мухаббат саждасидур мустахаб.

**4**
**6**

Булмайин хусн кунгул топмади ишц ичра тараб, Анга хацдин талаби ишцдурур хусн талаб.

Дахр бустонида бир хусн гули очилмас,
Булбули ишц агар булса навосиз, не ажаб.

Оташин юзга етиб, цайда кунгул уртангай, Булмаса зулф каманди анга бу ишда сабаб.

Талхлиц бирла берурму киши ширин жонин, Ноз ила талх хадис айламаса ширин лаб.

Бир цуёш машъалидин жонима ур ишц ути, Йуц эса шамъи хаётимни учиргил, ё раб.

Социё, ишц ути гар йуц, май утин равшан цил Ки, кул улсун нафаси хору хас, ранжу тааб.

Кургач-уц ахтари хусн, улса Навоий, тонг йуц Ким, утуб умр, тулуъ этти бу фаррух кавкаб.

**4**
**7**

Жамолин айла улус кузидин нихон, ё раб,
Нихон утумни анинг кунглига аён, ё раб.

Аёги чунки етар остони туфрогига,
Бошимни айлагил ул хоки остон, ё раб.

Агарчи эмин эмон бир замон жафосидин,
Чекардин ани манга бермагил амон, ё раб.

Демонки, лутфини, жаврини доги мендин угун Биров хаёлига уткарма, ногахон, ё раб.

Замон-замон чекибон ишц ути шуъласини, Ёрут кунгулни ул ут бирла хар замон, ё раб.

Агарчи айламасанг яхши, яхши кургузгил
Мени анга нечаким бор эсам ёмон, ё раб.

Навоий охини еткур анга, вале цуйма Анинг жамолида бу дуддин нишон, ё раб.

**4**
**8**

Эй, жамолинг гулшани хубу висолинг боги хуб, Элга лутфунг хуб эса, жонимга зулмунг доги хуб.

Майдин ул рухсора гул-гул, бас мулойимдурки, бор
Соф су узраки бир-бир тушса гул яфроги, хуб.

Лаъли кунглум холини сургоч, тирилдим хажр аро,
Не бало бор эрмиш анинг лаълининг сурмоги хуб.

Дема бу оламда ул ой хуб ё жаннатда хур,
Курмамишмен андагин, бори эрур мундоги хуб.

Мехрига кукта шафац хуб эрмас андоцким манга.
Мовий терлик узра ул ойнинг цизил ширдоги хуб.

Тут йигитликни ганиматким, царигач англадим Ким,
йигитлар ишци бор эрмиш, йигитлик чоги хуб.

Зохидо, сен бул риё авжи уза маснаднишин Ким,
Навоийга эрур фацру фано туфроги хуб.

**4**
**9**

Эй, фирокингдин манга гам рузию мехнат насиб,
Охким, хажрингда уз шахримда булмишмен гариб.

То гариб эрдим, насибим гам емак эрдию бас,
Шахрим ичра доги гам булса насибим ё насиб.

Еурбат ичра истар эрдим кезибон ёру диёр, Чунки топтим, истамак гурбат эрур бехад гариб.

Уз диёримда бузуг кунглум не янглиг туктасун Ким,
эрур бегона хам ахбоб мендин, хам хабиб.

Ким ракибим булса, баским, ёр айлар илтифот, Олам ахлин согинурменким, менга булмиш ракиб.

Дахр аро, эйким, дединг: айлаб вафо, курдум жафо,
Ким вафо ахлидурур, бу суз анга бордур ажиб.

Эй Навоий, ёр васлин топмасанг, йуктур ажаб, Нуш йук, лекин курар юз ниш гулдин андалиб.

**50**

Юзунгда киронинг эрур бас ажойиб Ки,
ой даврида халка урмиш кавокиб.

Ажаб сафхадур оразингким, эсиркаб,
Ани хат била килмади тийра котиб.

Юзунг оллида хар нафас тутма кузгу,
Куёшни камар ёпмок эрмас муносиб.

Эрур сувратинг зеби андокки, булгай
Ракам айлаган суврат упмакка рогиб.

Киши сухбатидин коч, эй луъбати Чин Ки,
луъбатларинг-ук санга бас мусохиб.

Йигитлар иши пардадарлигдир, эмди
Буладур кунгул пардадарлигларга рогиб.

Навоий, йигитликни куй, чун каридинг,
Килиб тавба, бул зухду таквога толиб.

**51**

Ишцинг ихфосига не янглиг булайин муртакиб Ким,
булурмен, хар киши отингни тутгоч музтариб.

Эйки, дерсен: бормасун ул юз сари кунглунг цуши,
Ким курубтур шамъдин парвона булмог мужтаниб.

Курмаган мушкин сахоб ичра паёпай соица, Дуди
охимдин дамо-дам шуълалар кур мултахиб.

Гах кузидин ултурур, гохи лабидин жон берур,
Шухлигдиндур анга хар дам бурайи мунцалиб.

Риндлар, ифлосдин гам йуц, тукилган бодадин Айш
этарсиз, чунки муг дайрига кирди мухтасиб.

Итларингга нисбатимни рост цилсам, цахф ити
Одамиларга узин цилган кебидур мунтасиб.

Маркабинг жавлонида бошин Навоий цилди гуй,
Ишц аро булди ажаб саргашталикка муртакиб.

**52**

Куйди кунглум, шуъла утлуг достонидин тушуб, Рост ул цушдекки куйгай, ут фигонидин тушуб.

Борурам урён тушуб тан захмидин, нолон кунгул Ул цаландардекки, цолгай занг ёнидин тушуб.

Куйидин тушган йироц кунглум эрур оворае, Ким эрур девона, айру хонумонидин тушуб.

Тиги бедодинг била боргон шахиди ишцнинг, Рустахези дахр аро хар цатра цопидин тушуб.

Еунчаси рангин булуб лаъли майидин, уйлаким, Ут туташцай ошици кунглига жонидин тушуб.

Рухи исён туфрогидин авж топмас, уйлаким, Бир малак журм айлабон олий маконидин тушуб.

Холи хажридин Навоий кунгли огрир, негаким, Огригай элнинг цора доги нихонидин тушуб.

**53**

Ишк нобуд этти бизни волаю шайдо килиб, Катл учун хар лахза мухлик боисе пайдо килиб.

Эккали гам тухми хайли дард ашким сайлидин
Айлабон вайрон чу кунглум кишварин, ягмо килиб.

Хушу аклу ному нангим шишасин синдургали
Нозанин сийминбарим кунглин казо хоро килиб.

Ишк кимни курмасун деб одамилигдин нишон,
Дилбарин анинг парий пайкар, малаксиймо килиб.

Ибтидо айлаб алифдин, мухр айлаб догдин, Ишк маншурин чу даврон отима иншо килиб.

Топибон Фарход ила Мажнун тарики офият, Ишк бедоди аро ерда мени расво килиб.

Сокиё, тут жоми рухафзоки, мухлик хажрдин Ким, булуб махзун иложин согари сахбо килиб.

Эй, хуш ул ринди хароботики, маст улгон замон
Дахрга хукмин суруб, гардунга истигно килиб.

Ишки кофир, чун Навоий телбани дин мулкидин
Хориж айлаб, мойили дайру мугу тарсо килиб.

**54**

Вах, не бало экинким, ул чикти самандин уйнатиб,
Кошлари ёсини чекиб, гамзаси укларин отиб.

Фитна килурга отланиб, гох чопиб, гахи ёниб, Хар
тарафеким айланиб, узгача лаъб курсатиб.

Тизгиниб, уйлаким куюн, айланиб уйлаким тутун,
Рахши солиб чу дубдурун, хайли балони кузгатиб.

Элга очиб узорини, гул кеби юз бахорини, Дарду
фирок хорини кукрагим ичра урнатиб.

Ишки чу элга ут ёкиб, икки кузум суйи окиб, Хар
сариким кула бокиб, дард ила бизни йиглатиб.

Мугбача ишкида мени тезрак итти пири дайр, Нечаки
маст ташлади, куйи бошига судратиб.
Итти Навоий ох ила, нолаи умри кох ила, Чунки шаху
сипох ила сиррини элга англатиб.

**55**

Ул мени сурмакка хар дам ханжари хижрон чекиб,
Мен аёгидин бошим олмай, йулинда жон чекиб.

Ул ичиб эл бирла рухафзо цадахлар ошкор, Мен бало
жомида захри гуссани пинхон чекиб.

Васл не мумкинки, то ошицмен, ул цатлим учун Уц
чекиб цош ёйига, мен захмдин пайкон чекиб.

Мен чекиб куз цонидин юз узра хатлар бирга юз,
Нилдин хатким баногуши аро жонон чекиб.

Зикрида охим дамо-дам уйладурким, ахли зухд Хар
замон бир мад уцурда ояти Куръон чекиб.

Давр базмида не майким халц нуш айлар, мени Кон ютарга ул арода социйи даврон чекиб.

Ул парий боргач, Навоий дашт сари цуйди юз,
Телбалар янглиг яцосин чок этиб, афгон чекиб.

**5
6**

Ишц ути ичра хар дам кул булурмен уртаниб,
Гах-гахи хам телба итлардек чицармен чурканиб.

Тоблиг гисусига чирмар мени саргаштани, Курмадук икки цуюн бир тор бирла чирманиб.

Маст булсам, остонинг бас манга бош цуйгали, Не хадимким, такя цилгаймен, тизингни ёстаниб.

Ишцдин куп маърифат харж айлади Мажнун манга, Булмаса мажнун, цилурму харж, мендин урганиб.

Мен киму густох упмак илгинг, эй султони хусн, Итларингнинг чун кафи пойин упармен ийманиб.

Ёрдин булмас жудо, жонга бало булган кунгул, Куш болосидекки, айрилмас кичикдин урганиб.

Хажр аро саргаштамен андоцки, то тутцум царор: Иш йицилмоцдур, бори олам бошимга айланиб.
Бевафодур чун жахон гулзори, эй кунглум цуши,
Булма бир гул волехи, булбулга ногох утканиб.

Ёрига борса, юз иш булса, Навоий тарк этиб, Лек цайтур вацти хар соат бир ишга куйманиб.

**5
7**

Ул парий кунглум цушин сайд этти, зулфин дом этиб,
Юзи бирла холи су донасидин ром этиб.

Солди ут кунглумгаву ором тутти гайр ила, Шуъла янглиг сузлуг кунглумни беором этиб.

Кофиреким диним олди, доги кирди цаср аро, Калъаи Хайбарга кирди, горати ислом этиб.

Базм аро мен улсам, ул жон топса, тонг йуцким, манга
Тутти захри хажр, узи нуши тараб ошом этиб.

Эй кабутар, чун дамим уртар малак болу парим,
Сендин улмас ищцим утин ёрга пайгом этиб.

Ул цуёш хажринда, эй соций, шафацгун май манга
Тут лаболаб, лек даври чарх зарфин жом этиб.

Яхши от бадномлнг бирла чицаргил улгуча, Эй Навоий, узни яхши от била бадном этиб.

5
8

Ичсангиз май суйидин, ишрат уйин обод этиб,
Журъае хам цуйгасиз туфроцца, бизни ёд этиб.

Соз этинг аввал гамимдин нагмаким, бир усл эрур Уй
иморат айламак, хоро била бунёд этиб.

То хавоиймен ул ой хажрида андоцким, булут Тоцца
хар дам юзланурмен, ёш тукуб, фарёд этиб.

Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, гам тогини
Козгамен, тирногларимни тешаи Фарход этиб.

Ул цуюндурмен фано даштидаким, булдум адам, Хар
не боримни бошимдин чуюриб, озод этиб.

Хар замон кунглум цотиг эрмас дема, эй сиймбар,
Ёшурун цолмас биллур ичра нихон пулод этиб.

Воциф улким, дахр дехцони сенинг цасдингдадур,
Исмим анинг гул цилиб, отин мунунг шамшод этиб.

Майга таргиб этмакинг кофидурур, эй пири дайр,
Мундин узга ишни найларсен манга иршод этиб.

Истама лаълин, Навоийким, маразда эмганур,
Табъини сиххатлиц эл шарбат била муътод этиб.

5
9

Вафони цилди куп озурда ул ой, чун жафо айлаб,
Адам даштида кунглумни ватан цилмиш, жало айлаб

Вафо андоцки цочти ул жафогардин, агар мен хам
Коча олсам, яна ишцин хавас цилмай, хато айлаб.

Демон даврон аро йуцтур вафо айлаб вафо курган
Ки, йуцтур минг жафо тортиб, цутулган, бир вафо айлаб

Йицилган ишц аро, сиххат тамаъ цилма Масиходин
Ки, бу беморлигдин кимса цупцон йуц, даво айлаб.

Сафоли фацр ол, жону жахон нацдин бериб, гарчи
Киши Жамшид жомин сотцин олмайдур, бахо айлаб.

Кутулсанг бевафовашлар гамидин, эй кунгул, шукр
эт, Яна чекма бало, узни бировга ошно айлаб.

Бизинг афсонамиздин нукта сурманг, эй хирад ахли,
Нединким, бу жунун фасли туганмас, можаро айлаб.

Манга йуц, узгага бори вафо цилганни гар топсам,
Бошига эврулай, оллида жонимни фидо айлаб.

Кунгулким, рузгоримни цорартиб булди овора,
Топилса, кездурай даврон аро, юзун цора айлаб.

Гадоларга гахе лутф эт, шахо, бу шукр учунким, хац
Сени лутф айлабон шох айлади, бизни гадо айлаб.

Навоий, кимса йуцким, чарх зулмидин забун эрмас,
Наво жовид кимга берди, бизни бенаво айлаб.

**60**

Ун чекармен ишц аро, бир наргиси жоду куруб,
Баглаган итдекки, фарёд айлагай, оху куруб,

Вах, нетиб машшотани оллинда кургайменки, ёр
Аксидин гайрат цилурмен, оллида кузгу куруб.

Оразу холинг хаёл эткач, етишти новакинг, Килди ул
цуш майл, гуё дона бирла су куруб.

Чекти бош хаттинг лабу холинг цошида, вах, не тонг,
Гар мулойим булса тути шаккару хинду куруб.

Лаблари хандон булур, кургач кузумда йигламоц,
Кузларим йиглар, лаби жонбахшида кулгу куруб.

Носихо, не навъ майи жомини огзимдин олай Ким,
ичармен, майда соций оразин утру куруб.

Гар Навоий муфрит афгон этса, жоно, цилма айб, Сен
халок этган кунгул сунгида йиглар укуруб.

**6
1**

Уртанурмен, кунглига андин асар булгайму деб,
Булса таъсир, анга холимдин хабар булгайму деб.

Телмурурмен мунграйиб ул бевафога муттасил, Бир
хам андин дарди холимга назар булгайму деб.

Уртанур, эй воиз, охимнинг шароридин сипехр, Не
сурай, дузахца мундоц бир шарар булгайму деб.

Сурса майдон ичра хар чобук, югурмоцдур ишим
Кейинича, ул чобуки заррин камар булгайму деб.

Телбалик курким, цучармен бог аро хар сарвни,
Бириси ул сарв цадди сиймбар булгайму деб.

Дахр бустони аро сур богбондин, эй рафиц, Жуз
балият мехр нахлига самар булгайму деб.

Эй Навоий, нечаким цилдим гадолиг, сурмади, Ё раб,
ул мажнуни зор дарбадар булгайму деб.

**6
2**

Ул парий ишцида йуцким мени девона куюб,
Ясаганлар хам узин, оцилу фарзона куюб.

Ишц утидин киши бир цатла куюб булса халос, Чун
яна цайтибон ул шуъла сари, ёна куюб.

Ишц куксумга чу ут солди, кунгул хам куйди, Чугз
хам уртаниб, ул утцаки вайрона куюб.

Юзидин уртанибон талпинур оллида кунгул, Шамъ
аёгида урунган кеби, парвона куюб.

Эйки сурдунгки, цачон куйди бузуг кунглунг уйи,
Оразинг барци чацилгонда, бу кошона куюб.

Уртаниб ацлу кунгул, ишц чу айлаб тугён, Андаким барц тушуб, оцилу фарзона куюб.

Чун Навоий чекиб ул ой гамидин шуълаи ох, Ошно кул булуб ул утдину бегона куюб.

**6
3**

Хорлар бир гул гамидинким кунгулга бутрашиб, Хар бири мужгонининг бир захми ичра урнашиб.

Ё раб, андин саъброц холат була олгаймуким, Икки хамдам бир-биридин айрилурда йиглашиб?

Бу уцубатца талофий хажр дафъ улгоч будур Ким, цучушцойлар алар бир-бирга ногах учрашиб.

Истагайму хури жаннат ёнида кавсар суйин, Кимки ёри бирла бир кун бода ичти ёндашиб?

Сарв цаддим ишцидин куп тулганиб, мен кургали Бог ароким чицти сарву ишци печон чирмашиб.

Улса улдумму дегай, улким севар ёри била Колсалар хилват аро, агёр хар ён тарцашиб.

Социё, май бирла сол жонимга андоц шуълаким,
Ранжу мехнат дуди чиццайлар бошимдин тулгашиб.

Гам хазонида тукармен ашклар, тортиб гирев,
Навбахор андоцки ёгцайлар булутлар кукрашиб.

Эй Навоий, бевафо давр ахлига индурма бош Ким, алар цошида бош индурган эл буйнин цашиб.

**6
4**

Куйсалар Фарходу Мажнун ишцдин афсона деб,
Зохир этмаслар манга ул нуктани, девона деб.

Ишц ичинда мунгларим деб, эйки, йиглаттинг мени,
Жон фидонг айлай, яна бир лахза йиглат, ёна деб.

Бир йули ишц ахли орименки, цуймаслар мени Жам аро бир йули, ацлу хушдин бегона деб.

Сунгги уйцум шиддатин нацл этма, рови, зинхор, Келтурур булсанг анга уйцу кеча афсона деб.

Мен хамулменким, цовар мажнун деб эмди тифллар Ким, тилар эрди улуглар оцилу фарзона деб.

Тушти зулфи домига кунглум цуши майл айлагач, Ул тараф рухсори кузгусин су, холин дона деб.

Тонгла барча яхшилар булгуси кавсар даврида, Мен ёмонни махрам этманг сокини майхона деб.

Найлаб ул товус пайкарни тилай кулбамгаким, Чугз цунмас, дам-бадам емрулгудек вайрона деб.

Шохлигдин ор этар, чунким Навоий кирса маст Дайр куйига, суруду нагмаи мастона деб.

**6**
**5**

Май цуёшиму ичимда уёциб,
Ё фалак мехр ути кунглумда ёциб.

Х,ажр аро васли доги хар ишин
Айтиб ахбобу менинг ашким оциб.

Телбалик хуштур, агар судрасалар
Зулфи занжирини буйнумга тоциб.

Тушубон юз тубан эл куз ёшидек
Куз учи бирла чу хар сари боциб.

Х,ажр тошию салосил темури
Телбалик утини кунглумга чоциб.

Май бати дайрда учмоц тилабон,
Мастлар анда овуч, баски, цоциб.

Дебки, мархам ёкайин захмингга, Ул
неким деса, Навоийга ёкиб.

Котил кузунгки ултурур элни бокиб туруб, Бокмас
манга, кузум нечаким турса телмуруб.

Хар катла ит кеби тушарам узга рахнадин, Хар
лахза чун мени чикарур куйидин суруб.

Сингон кадах кебики, окар хар тараф майи, Конлар
окиб, чу гам тоши бошимни синдуруб.

Хар бир булуб бир ахтари нахсе чу шоми хажр, Чун
дуди охим учкунини кукка еткуруб.

Ишкинг бош урса зор танимдин, эмас ажаб, Хошок
ичинда шуълани булгайму ёшуруб.

Андок латифдур таниким, ичса жоми май,
Борур танида курсогига тегру билгуруб.

Булбул парин не гулки совурди бу бог аро, Дай
сарсари анинг доги баргини совуруб.

Даврон элига кимки вафо нуши арз этиб, Ул
хам мукобилида жафо ниши еткуруб.

Буким ковар жафо била, эй кош, куйида
Итларга туъма килса, Навоийни ултуруб.

## ПЕ ХАРФИНИНГ ПАРИВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 67

Нечаким кунглумда бор ул дилрабонинг ёди куп, Бор анинг
ёд этмаки озрок, вале бедоди куп.

Лайлию Ширинвашимнинг ишк дашту тогида Менча бир
йук, гарчи бор Мажнун ила Фарходи куп.

Хублар водийсида топилмас эл кунгли куши, Не
учунким, бордурур бу бешанинг сайёди куп.

Топмагай нахли кадингдек бир нихоли хуш хиром, Гарчи
булгай богбоннинг сарв ила шамшоди куп.

Телба кунглумдин эмон розики, хар тун куйида
Итларининг огритур бошин анинг фарёди куп.

Кирпигингга цатл таълимин ажал бермиш, валек Узидин устодроц этмиш анинг устоди куп.

Шайх ила ахли риёву дайр пири бирла ринд Ким, фано ичра керактур пирнинг иршоди куп.

Умр цасрин неча кун тутцил ганиматким, дариг Хуш бинодур — пойдор эрмас вале бунёди куп.

Давр аёгидур иложи, кимки даврон ахлининг Жавридин озурда булмиш хотири ношоди куп.

Тарцанг, эй ушшоцким, сайд этти бизни мугбача, Дайр аро сиз хам кезинг, куфр ахлининг авлоди куп.

Тифллар уйнар Навоий бирла мажнун деб, магар Тифл эканда ул доги бу цавм ила уйноди куп.

**68**

Жавр уцин хоки танимга урма куп,
Кукка бу туфрогни совурма куп.

Ишцдин бастур манга уртанмаким, Хажр
барци бирла хам куйдурма куп.

Юзига, эй куз, чу йуц тоби назар, Бас,
анинг сари боциб, телмурма куп.

Нуши лаълингдин агар жон истадим, Бу
гунох учун мени ултурма куп.

Доимо расми мухаббат бор эмиш,
Бизни ушбу журм чун ёзгурма куп.

Васлга чун йуц нихоят жуз фироц, Бас,
вафо ахлин цошингдин сурма куп.

Хеч иш улмас айру холиц амридин,
Илтижо махлуцца келтурма куп.

Эй гадо, чун шайалиллох дединг, ут,
Айлабон ибром боциб турма куп.

Тут гадолигни, Навоий, мугтанам,
Шохлар оллинда бош индурма куп.

## ТЕ ХАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «БАДОЕЪ» ДИН

### 69

Тахту жохинг кишвари мулки Скандар булди, тут, Хизр
умри хам бу мулк узра муяссар булди, тут.

Буйла мулку умрдин сунг жину инсу вахшу тайр Хукму
амрингга Сулаймондек мусаххар булди, тут.

Мунча хашмат топмогингдин сунгра бировни цулунг Жох
ила мукнатда Корунча тавонгар булди, тут.

Поя етти зиналиг тахтингга, етти чарх улуб,
Тахтпушунг зинати тарсиъ ахтар булди тут.

Буйла тахт узра булуб бошинг уза хуршиди тож, Мундоц
олтун тож уза Биржис гавхар булди, тут.

Базми ишцинг бодасин кавсар дейин ё салсабил, Жоми
Жам ул жонфизо сахбога согар булди, тут.

Хар неким зикр улди, охир чун солиб кеткунгдурур,
Тенгдурур, гар булмади тут, барчани гар булди тут.

Умрга чун йуц вафо, тенгри неча бу дахрча
Ёна халц айлаб, санга хукме муцаррар булди, тут.

Чун борурсен, авло улким, йул ярогин айласанг,
Колибон аксар гунохинг, доги аксар булди, тут.

Суст химматлиг била учмог не мумкин, эй хаким, Хикмат
авроци ики эгнинг уза пар булди, тут.

Деб эдинг, социйки, вацт улгоч, тутай бир жоми май,
Даврдин миръоти авцотим мукаддар булди, тут.

Улса деб эрдинг Навоий, тиргузай васлим била Билтур
улганлар била ани баробар булди, тут.

### 70

Тутти кук ферузагун жомини шингарфи булут, Социё,
нилуфари жом ичра гулгун бода тут.

Чарх даври чун малолат боисидур, неча кун Чархдек
жому шафацгун май била узни овут.

Топса кундуз кавн шуглидин замиринг тийралик, Кеча бори май цуёшидин замирингни ёрут.

Чун унутцунгдур сен элни, эл сени, бори чекиб Айш жомин, бу унутмогларни бир соат унут.

Носихо, чун умр утар, цуйким, булай ишрат била, Айш таркин ким буюрдунг, уктадур бу навъ угут.

Гар зулоли васл, эй солик, цилурсен орзу,
Хотирингни орзулар утидин аввал совут.

Эй Навоий, чицти чун рангин булут, рангин май ич Ким, сен улмай цилгуси куп жилва бу рангин булут.

**71**

Жон фарах топти, лабинг жавхари булгач анга цут,
Оллох-Оллох, не муфаррих булур эрмиш ёцут.

Нола манъин циласен, хотами лаъл огзима цуй, Бу нигин нацши била цуйгил анга мухри сукут.

Майи лаълинг не ажаб бодаки, кайфиятидин Рух лояъцилу андин хирад улмиш мабхут.

Ханжаринг тигида юз курдунгу ашким ёгди, Ёмгур эрмас ажаб, улгонда цуёш манзили Хут.

Хусн мулки уза, оё, не парий эркинсен
Ки, булур садца санга чарх уза хайли малакут.

Узлуки боцию зохид урадур лофи вусул, Фоний улмай киши топцайму бу даъвога субут.

Жон халок улди Навоийгаву тан зору нахиф, Ул улукка ясамиш ушбу сунгакдин тобут.

**72**

Вахки, лаълинг цилди багрим тах-батах цон оцибат, Катра-цатра куздин ул цон булди галтон оцибат.

Бордингу огзимга цуйдунг мухр, афгон чекма деб, Бу ишингнинг мухри булди доги хижрон оцибат.

Фуркатинг тиги бузуг кунглумни йикти, охким, Сайли офат бирла емрулди бу вайрон окибат.

Кунглума кошинг хаёли булди танвин нунидек, Уйла нунга нукта булди доги пинхон окибат.

Улмиш эрдим гам туни, лаълинг хаёли берди жон, Зулмат ичра булди пайдо оби хайвон окибат.

Сокиё, жом айла доирким, ганиматдур хаёт, Туткусидур чун ажал косини даврон окибат.

Эй Навоий, ёр васли гарчи бас душвор эди, Фоний улгач, буйла душвор улди осон окибат.

**73**

Куздин учти ул парий, вахким, анга етмакка бот, Кош анингдек чикса дермен икки эгнимдан канот.

Новакинг кунглумда гар итти хамул андоз ила, Ани топмок истасанг, жоно, яна бир новак от.

Кош сенсиз улсам эрди, эй париваш, килма таън Ким, мени мажнунга ортуктур улумдин бу уёт.

Сокиё, бехудмен андокким, килурмен касби хуш, Имтихонга доруйи бехуш агар жомимга кот.

Хонаках шайхи ушатти согарин, эй пири дайр, Сен каромат кургузуб, рагмига тавбамни ушот.

Эй тани хоки, ул ой оллида хукми бирдурур, Гарддек чик кукка ё туфрогдек йулинда ёт.

Бир дирамким калб булгай, арзимассен, эй кунгул, Хар неча мехру вафо бозорида узунгни сот.

Телбалар юз пора кунглидек ясабсен болу пар, Гарчи гайбатда парийга хожат эрмастур канот.

Чун Навоий жонига офат эрур луливаше, Согинур гули биёбон, курса кунгроту киёт.

**74**

Бошим чу гарду кузум кур сенсиз улмади бот, Кошингда бош кутариб, куз очарга куймас уёт.

Эрур малойикаи рахмат укларинг жонга, Малак танида, ажаб йук, агар уч улса канот.

Хизр суйики эрур зулмат ичра, тенгму булур Лабинг билаки куёшдин чикарди оби хаёт.

Хабиб ишки аро буки улмадинг, эй Хизр, Ичиб хаёт суйи, зойеъ айладинг авкот.

Куёшка кимки юзунг борида килур сажда, Парастиш айламак англа илох оллида Лот.

Кириб куёш кеби куйма вужуд гайрга хеч Ки, кунглум ичра хавотирдур уйлаким заррот.

Навоий улди укунг хасратидин, эй чобук, Иноят айла бир ук, секретиб анинг сари от.

**75**

Еаминг каттиглигин килсам хикоят,
Эшитса тош, анга айлар сироят.

Кунгул гам шомидин чикмокка булди, Бошоглиг новакинг шамъи хидоят.

Не навъ оллингда шавкумни килай шарх Ки, хуснунгдек анга йуктур нахоят.

Хаёлинг кунглум ичра музтарибдур Ким,
ул вайрона иссигдур багоят.

Кузунг конимни ичмакка не хаддим Эрур,
ани итинг ичса, кифоят.

Дема бир йулдурур ишк ичра, эй шайх Ки, мунда мухталиф келди ривоят.

Навоий конин ул куз бирла туктунг, Тирик булким, будур айни иноят.

**76**

Танимни килса гамзанг юз жарохат,
Ётар хар захмдин жонимга рохат.

Халоват топмайин жоним лабингдин, Солур захмим аро туз ул малохат.

Жамолинг субхи очиб эрди юз гул, Куёш
саргарди, кургач ул сабохат.

Супурдум куз била куюнг физосин Ки,
жонлар жилвагохидур бу сохат.

Булур зохир лабингдин цатл этар чог, Улукни
тиргузурдек юз фасохат.

Чу сендин айру эрмас ёр, недур Уйин
истаб жахон цилмоц масохат.

Кабих этти Навоий хац жахонни, Элидин
тутмагил куз жуз цабохат.

**77**

Бошига май чицибон, булди ул ситамгар маст, Йуц ахли
хусн аро бир уйла цотили сармаст.

Начукки сарв нихоли насимдин эгилур, Хиром вацтида
ул нахли мохи пайкар маст.

Кабутар уйнамогидин кунгул цуши бехуд, Хуруж этар
булубон уйлаким кабутар маст.

Не масти арбада гар сенки, чицса базмингдин, Бузар
замонани бадмастлиг била хар маст.

Лабинг халоки агар бодануш, агар тоиб, Кузунг
хароби агар хушёр эрур, гар маст.

Лабинг хаёлидан ар мастмен, не тонгки, эрур Бу май
хаёли била олам ахли аксар маст.

Навоий усрук агар цилса арбада, тонг йуц
Ки, шайн улур иши, мажнунни гар цилурлар маст.

**78**

Ё раб, ул ой хуснининг идрокин элга мубхам эт, Куз
била кунглумни ул сирри-хафига махрам эт.

Куйию цадду лаби ёдин манга цОилгил фузун, Жаннату
туби била кавсар таманносин кам эт.

Дийда курмак истаса анинг юзидин узга юз, Кийрлар
бирла бу икки суцба жавфин махкам эт.

Гар кунгул васлидин узга васл сурин истаса, Кисм анга хижрон сиях чолида доим мотам эт.

Хотири савдои ар ул зулфдин узга хавас Килса,
ани зулфдек ошуфтахолу дархам эт.

Рух ул цад жилвасидин узга цилса орзу, Хажр ути ичра анга дузах азобин хар дам эт.

Кунглум улди хажр утидин реш, эй соций, манга Бодаи кофургун дурдидин олиб мархам эт.

Йуц чу олам богида буйи вафо, эй пири ишц, Жилвагах бир жом ила кунглумга узга олам эт.

Ишц журмига Навоийни цоварсен, эй парий, Ковма, жавру зулм цил, девонаву расво хам эт.

**79**

Харфи ишц улди азалдин сафхаи жонимда сабт, Хар не андин узга барча лавхи нисёнимда сабт.

Дедим: эй кунглумга уц ургон, недур оттинг, дегил, Деди: боцким, айламишлар ани пайконимда сабт.

Кайси шахлар боши цасринг даврида бормиш десам, Дерки: боццилким, эрур ул тоци айвонимда сабт.

Булса тобеъ Вомицу Мажнун, не тонгким, айламиш Ишц тугросин цазо килки менинг шонимда сабт.

Ишц авроцида, эйким, уцидинг юз минг бало, Юз туман онча эрур авроц хижронимда сабт.

Дарди ганжи шархини, эйким, тиларсен, цилмишам, Русса ниши нуги бирла кунжи вайронимда сабт.

Не уцирсен цissада Яъцуб хузнинким, эрур Онча юз бир ой гамидин байтул-эхзонимда сабт.

Жузв-жузвимни айирибким паришон айладинг,
Бордур анинг шархи ажзойи паришонимда сабт.

Ишц тиги ярасидин улганим тарихини,
Эй Навоий, назм айлаб, айла девонимда сабт.

**80**

Вахки чицди отланиб бир маст лояцил йигит, Сарвдек елдин от узра хар тараф мойил йигит.

Лаъли нуши бирла юз йиллиг улукка рух бахш, Еамзае нишидин Масиху Хизирга цотил йигит.

Тиги хунрези ажалдек цатли ом айлаб валек, Сурса хар жониб нечукким умр мустаъжил йигит.

Англамонким хурму эркин, малакму ё парий Ким, башар жинсида андоц курмадук хосил йигит.

Кунгли цотиглицдин элни ултурур, рахм айламас, Оллох-Оллох ким курубтур буйла сангин дил йигит.

Захри чашму тиги цотил гамзайи хунрез ила, Килгучи элга тириклик расмини мушкил йигит.

Еорати дин цилдию кофирлиг иршод айлабон, Ахли куфр алфози бирла хар замон цойил йигит.

Карибон цилма йигитлар сухбатин хар дам хавас Ким, царини истамас базм ахлига дохил йигит.

Эй Навоий, нега булдунг телба деб куп сурмаким, Ацлу хушум цолмади чиццач бу лояцил йигит.

**81**

Вах цаён борди бузуц кунглумни зор этган йигит, Жавр тиги бирла куксумни фигор этган йигит.

Оразин очцанда кунглумни очиб гул-гул валек, Кирпикидин онда юзминг хор-хор этган йигит.

Неча кунглум тоату тацвоким айлаб ихтиёр, Жилва цилгач маст ани беихтиёр этган йигит.

Бизни ишц ойинида расвойи олам айлабон, Офият ахли цошида шармисор этган йигит.

Ишц таркидаки юз тадбир этиб кунглум нихон, Дафъига юз лабу афсун ошкор этган йигит.

Мени салоху офият ишцингда тарк этган
цари, Сен жафою зулм цатлимга шиор
этган йигит.

Тавба айлаб эрдим, эй зохид, нетай тутти
манга, Лолагун май бер, узорин лолазор этган
йигит.

Билки не ажзу ниёз ойину расм этган
цари, Колгуси не нозу истигною сор
этган йигит.

Носихо тарки жунун цилмас Навоий
келмайин, Ишц даштида ани девонавор
этган йигит.

**82**

Олами ишц ичра дардинг утдурур, хажринг хам ут,
Дарди хажринг сузидин кунглумда олам-олам ут.

Доги ишцинг уйладурким хирцатин
уксуткали, Ёцса булгай устига анинг
начукким мархам ут.

Не хароратдур, майи ишцингда токим ичмишам, Кукка
дудимни чекар, кунглумга солиб хар дам ут.

Шуълае тушмиш фироцингдин хазин кунглумдаким,
Ашкдин туктим ети дарё суйин, булмас кам ут.

Вах, не мухлик хол эрур жонимга лаълинг хажрида Ким,
солур дафъига анфоси Масихи Марьям ут.

Бу кеча воциф булунг эвлардин, эй хамсоялар Ким,
манга тушмиш фироц оташгахидин махкам ут.

Хажр кунглум кишварин бир ут била куйдурдиким,
Килди ишц ахлига дудидин саводи аъзам ут.

Дахр бустони аро сунбул била гул
демаким, Чарх зулми солмиш анда дуд
бирла дархам ут.

Эй цуёш, найлаб Навоий куймасинким, бор анга
Ишцинг ут, хуснунг хам ут, лутфунг хам ут, цахринг хам
ут.

**83**

Ёр булмоц тонг эмас мен зори расво бирла дуст Ким,
парий гохи булур мажнуни шайдо бирла дусх.

Лаълини севдум, кузининг катлидин кайгурмогум, Не
гам улмактин, киши булса Масихо бирла дуст.

Зулфи савдоси, бу савдойи бошинда куптурур, Булса
савдо ахли, тонг йук, ахли савдо бирла дуст.

Сарв кадлик, гулжабинлик дустнинг хижронида
Булмогум не гул била, не сарви раъно бирла дуст.

Хажрдин олам коронгудур вале, гам йук, гахе Жилва
килса ул жамоли оламоро бирла дуст.

Хизр юз мехр ила туткан жоми Жамдин яхширок, Тутса
май дурдини юз торожу ягмо бирла дуст.

Булма дунё дуст, гар истар эсанг осудалик, Лек хар не
килсалар, бул ахли дунё бирла дуст.

Эй Навоий, неча душман булса, ёнма дустдин,
Чун санга булмиштур ул юз минг таманно бирла дуст.

**84**

Чу килди жилвагар ул шухи нушлаб су врат,
Мени заифка кургузди юз ажаб суврат.

Жамоли свратини сафхада куруб, иттим,
Тушуб жахонни кезарга килиб талаб суврат.

Не навъ сувратидин куз олайки, маънидин Булурга бир
хабар улмиш манга сабаб суврат.

Нишот сувратидин топкамен дедим, вахким,
Муяссар улмайин ул берди юз тааб суврат.

Фирок андухида, сокиё, кадах тутким,
Бу кузгу ичра манга кургузур тараб суврат.

Ул ой жамоли аро зулфидин ажаб колдим Ки,
ой аросида килмиш аён занаб суврат.

Навоий осо дарду фигон илан менким,
Булардурур манга зотию муктасиб суврат.

**85**

Куйи гардидин кузумни аввал, эй хамдам, ёрут,
Сунгра. мархам айлабон куксум шикофин доги тут

Гар унутти ёр бу махзунни, вахким, кунглума, Бор ани
хар дам согнндирмоц десам, сен хам унут.

Кадду рухсоридин айру дуду утдур, эй рафиц,
Дема сарву гул била бир лахза кунглунгни
овут.

Захри хажринг бирла чун юз цатла цилдинг талхком
Нуши лаълинг бирла хам бир цатла огзимни чучут.

Зулфи занжири жунунум чорасидур, эй хаким,
Ацлдинму эрди бу девонага бермак угут.

Ваъдаи васл айлади ул ой, хамоно келгуси, Тиги
хажридин шикоф улгон кунгул бу сузга бут.

Асру вахшийдур менинг мушкин гизолим, эй кунгул,
Чин кийиги гуйиё бермиш анга туццонда сут.

Эй кунгул, даврон элининг тарки тут ё хар
нафас Багринга бир ханжари бедод еб, хуноба
ют.

Олам ахли, демангиз эмди Навоийким, мени Бир цуёш
хажри хавони цилмиш андоцким булут..

**86**

Бахор эл гулга мойил, багрима юз хор хар соат,
Етиб хар хоридин кунглумга минг озор хар
соат.

Бу ацшом нотавон кунглумдин, эй ахбоб, улунг воциф
Ки, холидин борур заъф айлаб ул бемор хар соат.

Булурмен уйлаким, курган замон вайрон булуб кунгли
Бошимда йиглагай хам ёру хам агёр хар соат.

Эмас вайронада хар дам улардек холатим, вахким,
Турубтур бошима емрулгали девор хар соат.

Дамо-дам заъфим андиндурки, мужгонинг хаёлидин
Жарохатлиг кунгулга санчилур бир хор хар соат.

Жунунум хар дам афзун булса, эй хуш ахли, тонг йуцким, Кузумга жилва айлар ул парий рухсор хар соат.

Майи лаълингга не кайфият эрдиким,
насимидин Булурлар масту бехуд юз туман
хушёр хар соат.

Бу базм ичра не амну айшким, хар давр аёгинда Иицар
бир нотавонни гунбади даввор хар соат.

Фано дайрида гар май важхи йуц, бас хирцаву дафтар,
Мени майхонадин судратма, эй хаммор, хар соат.

Агар бошимга ёгса тош гардундин, тонг эрмаским,
Борурмен ул парий куйига Мажнунвор хар соат.

Навоий, то жахон ахлига сен вобаста, кунгронма, Алар
жавридин улса хотиринг афгор хар соат.

**87**

Танимга берди жон ул нахли цомат,
Дема цомат ани, дегил циёмат.

Вафога майл цилмас нахли цадднНг Ки,
топмиш жавр аро куп истицомат.

Юз очма, гарчи тутцай курса маъзур,
Мени ищцингда арбоби маломат.

Не гам гар юз менингдек улса, ё раб
Ки, булсун ул масиходам саломат.

Абад умрича бор оллида улмак,
Буюрма, эй насихатгу, надомат.

Недур, эй шайх, ушатмоц согаримни,
Бутун цил, бор эсанг ахли каромат.

Навоийни дединг куюмдин утма,
Саломат бул, десанг айлай ицомат.

**88**

Эй цошинг фитнаву ул наргиси шахло офат,
Иуцтур ул иккида жуз фитнаву илло офат,

Не цаду, не кузу не гамзаки, хар дам андин Ё
балодур манга, ё фитнадурур, ё офат.

Дема раъно цад ила жилвасидин холингни,
Жилва жонимга бало, ул цади раъно офат.

Манга не офият улгайки, хаёл этсам, эрур
Юзини юз саридин жонима пайдо офат.

Мунча офатки эрур дахрда, сендин тушмиш, Йуцса
оламда бурун йуц эди мунча офат.

Социё, бодаки, тацвою риё офатидин Яхшироц,
булса манга согару сахбо офат.

Вахки, кирпикларининг офати кунглумга кириб,
Солмиш ул кулба аро бу кеча гавго офат.

Фоний улгил, тиласанг васлки, бу йулда эрур
Хирцаву дафтару тасбиху мусалло офат.

Асл улдурки, санамлар сори куз солмагасен, Эй
Навоий, тиласанг курмамак асло офат.

## СЕ ХАРФИНИНГ САМИН ГАВХАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «БАДОЕЪ» ДИН

### 89

Агар жахонга фалакдин гаме булур ходис, Эрур
бу хастани гамнок айламак боис.

Магар улар куни Фарход бирла Мажнуннинг Балову
дардига ишц айлади мени ворис.

Фироц хирмани йигдим, висол тухмин экиб, Замона
мазраида борму мен кеби хорис.

Иёдатимдин ул ой гар цупар, чицар жоним,
Тирикмен ар булур ул умр бир замон мокис.

Тарици ишцу мухаббат мангаю Мажнунга
Анингдек улдики, топмас сипехр анга солис.

Сен иста файзи фано дайр гунгу лолидин Ки,
ишц дарсини билмас мужодилу бохис.

Эрур Навоию ишц ичра минг бало, гуё Фалак
хаводиси барча анга булур ходис.

**90**

Менинг мажнунлугумга ишцу савдо гар эрур боис, Ва
лекин бу иккига бир пари пайкар эрур боис.

Дема боис недурким, талпинурсен хар кеча то субх,
Тикилган кирпикингдин жонга юз ништар эрур боис.

Кунгулда оташин лаълинг гами, айб этма куйсамким, Туташмоцца
таним хошоки ул ахгар эрур боис.

Уцунгдин пар чицардим, куюнга цилсам хаво, тонг йуц Ки, учмоц
майли цилмоцца бу болу пар эрур боис.

Фироцинг биймидин юз цатла жон бергай эдим, лекин Хаётимга
умиди лаъли жонпарвар эрур боис.

Чу мендин юз эвурдунг, тонг эмас, бошингга эврулсам, Бу
саргардонлигимга гардиши ахтар эрур боис.

Агар рахн улди тасбиху ридо майхонада, эй шайх, Ичарга
дайр пири илгидин согар эрур боис.

Фано бахрига чуммоцдин гараз толибца васл улди Ки,
гаввос улмакига гарц улуб, гавхар эрур боис.

Навоий жисмининг заъфига боис булди бедиллиц, Вале
бедиллигин сурсанг, анга дилбар эрур боис.

**91**

Ваъдаи васлидин этса ул сузи ширин хадис, Гарчи
ёлгон айтур, ани согинурмен чин хадис.

Истасам васлини, дер гам тоги цоз тирнoг ила, Буйла
харгиз цилмади Фарход ила Ширин хадис.

Чунки хар бир нукта дерсен, сочилур ёцуту лаъл, Оллох-Оллох, ким
деб эркин бу сифат рангин хадис.

Базми айшида хадисимни деманг, эй дустлар Ким, эрур
гам мужиби неким цилур, гамгин хадис.

Гар такаллумдин улукни тиргузурлар хублар,
Барчасига махвашим гуё цилур талцин хадис.

Ишц сиррин шарх цилмоцдин чу цосирдур баён, Бас керак
ошиц демакни цилмаса ойин хадис.

Дарси ишцингни, Навоий, уйла дер ушшоц аро Ким, дегай
илм ахлига Сайид Жамолиддин хадис.

## ЖИМ ХАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 92

Эй жахон мулки хирожи санга бир гавхари тож,
Мулклар шохи куюб даргахинга тожу хирож.

Тузубон адл, кунгул мулкини обод эттинг, Мулк
маъмур булур, адлга шах берса ривож.

Тенгрига гавхари зотинг эди кулли максуд, Сунъ
дарёсин азал субхи килурдин мавваж.

Эхтиёж айлабон изхор куёш раъйингга, Халк андокки
куёш нурига булгай мухтож.

Пайкаринг туфрогига хайли малойик хомил, Тахти
иззу шарафингга тукуз афлок даввож.

Чун чикиб тахти хилофат уза хакдин, булубон Хукми
гарданкашига мулкдин амри ихрож.

Буйла мардуд хадисин нега килдинг макбул Ким,
таназзулга бадал булди санга ул меърож.

Не тагофул эдиким, уйла адув макр била Хоксор этти
сени, мулкунга солиб торож.

Рузгоринг корариб зулмати исён ичра,
Зор эдинг, афв илки тутмаса оллингга сирож.

Эътироз этма, Навоию фузул улмаки, хак Халк этиб
севди, яна дард бериб килди илож.

Эл не билсун не эди хакка бу ишда хикмат, Мехр
нурин не билур шаппараки тийра мизож.

### 93

Телба кунглум пуясига анбарин бандинг илож, Хаста
жоним заъфига лаъли шакархандинг илож.

Солиб эрди чоклар багримга тигинг хар тараф, Булди мужгон укиднн хар сори пайвандинг илож.

Мухлик улди шавк, ё сур тиг, ё кил жилваким, Бу икидин узга топмас орзумандинг илож.

Хажр катлидин мени тиргузди лаъли, эй Масих, Ожиз эрдинг, сен нафас асра, гар ургандинг илож.

Юзу лаъли хажридин бемор улубмен, эй хаким, Умр зоеъ цилма, цилмас чунки гулцандинг илож.

Дарди хажрим саъб эрур — кел, эй ажал, бошимгаким, Васлдин айру эмас маълум монандинг илож.

Кунглунг, эй булбулки, юз парканд эрур, гар келса гул, Барг-баргидин топар парканд-паркандинг илож.

Муршидесен бас ажаб, эй ишцким, матлубнинг Васлидин хам истамас мехнатца хурсандинг илож.

Ул парий хижронида булгон Навоий носихе, Айлай олгайму жунун маглубига пандинг илож.

**94**

Эй, сочинг ошуфтаси юз хайли савдоий мизож,
Курмадук занжир хам савдога боис, хам илож.

Васл ишида асру нозуклук тушубтур, эй кунгул, Ким эрур хам нозук ул гулчехра, хам нозук мизож.

Дарди хажрим арз цилсам, дерки, сабр эт, войким,
Захр ила мухлик маразга курмадук харгиз илож.

Тиг тортиб тожварлар, бошига чун чопти рахш,
Тандин учти, вахки, хар ён бошу боштин учти тож.

Зулмунга булсам забун юз важх ила, не айбким,
Сен ганисен — мен гадо, сен шах — мен ахли эхтиёж.

Туз буюнг оцу цоралик, долу гул тундин эрур, Уйла уцким, обнус улгай анга пайванд ож.

Кишвари ишц ичра золим шахдур ул султони хусн
Ким, кунгуллар мулкидин жон нацдини олур хирож.

Арш цандили гумон цил шишадек софий кунгул,
Урмагил дамким, топар елдин халал равшан зужож..

Охи мухликдур, Навоий кунгли захми исланиб, Эл
улар, топса хавога чун уфунат имтизож.

**95**

Эмас лаълинг цатили жонга мухтож,
Кузунгнунг кофири имонга мухтож.

Лабинг мухтожидур кунглум, начукким,
Скандар чашмаи хайвонга мухтож.

Чу майдон ичра сурдунг, бас бу офат,
Эмас наззора гар жавлонга мухтож.

Тилар кунглум узин ищцинг шахиди Ки,
бор ул гамзаи фаттонга мухтож.

Кочар кунглум цуши тан кулбасидин,
Агарчи чугз эрур вайронга мухтож.

Юзунг цурси цамар, мухтож анга мен,
Гадо андоцки булгай нонга мухтож.

Фано майхонасида цил гадолиг, Десангким,
булмайин султонга мухтож.

Анга мухтожроц менмен, агарчи Эрур
куп гар боцар хар ёнга мухтож.

Навоий жонга мухтож эрмас, аммо Эрур
юз жон била жононга мухтож.

## ЧИМ ХАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕ^РАКУШОЙЛИГИ «БАДОЕЪ»ДИН

**96**

Кузи цатл этти, кунглум ичра зулфи мубтало булгач Ки,
цуш бисмил учундур, бастаи доми бало булгач.

Етиб мунглуг кунгул васлига хеч уз холини билмас, Ажаб
эрмас гадо узни итурса, подшо кургач.

Не сурдунг бир йули ногах цорарган рузгоримни, Бу хол
улди бир ой хижронидин шомим цора булгач.

Качон булдунг деманг бегона ацлу, хушу тацводин, Муни
сурмог не хожат, ул парига ошно булгач,

Малойик хайли жонидин тула булди фалак жавфи Жахонда
ул пари васлига жон нацди бахо булгач.

Улусца тийри борони балият ёгди, ул ойнинг Сипохи
хусн аро мужгони новак, цоши ё булгач.

Хижолатлар келур Фарходу Мажнун рухига хар дам,
Менинг ишким сузидин халк ичинда можаро булгач.

Замон ахли вафосизлик била гар килдилар катлим, Фарах
топкай магар рухум, алар даъби вафо булгач.

Чу кетти баргу гул, булбул наводин колдн, кургилким
Навоийдек эмиш ул доги бебаргу наво булгач.

**97**

Турра маргулин очиб рухсори мах сиймога соч, Тун
саводи анбарин мехри жахон орога соч.

Сарви гулруйим килур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сариг, кизил гул, ул гули раънога соч.

Йиглама, эй кузким, ул ой булгусидур мехмон, Гар
сочарсен юз гухар, ул гавхари яктога соч.

Ёрдур шамъи шабистоним бу акшом, эй сипехр,
Ахтарингнинг дурларин бу базми мехросога соч.

Ташнага бер файз, эй абри карамким, йук осиг, Гар суни
юз катла дарёдин олиб, дарёга соч.

Дайр аро дин ахлининг кунглига зулфи булди кайд,
Булажаб зуннордур, ул дилбари тарсога соч.

Зухд элин май бирла расво айладинг, эй мугбача, Журъае
хам нетти рахм айлаб мени расвога соч.

Йук у дунёда вафо, эй сарсари дашти фано,
Гарди нисён совуруб, дунёву мофихога соч.

Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу, Бас
хаётинг накдини ул лаъли рухафзога соч.

**98**

Тулгади сабрим, кулин зохир килиб дилдор куч, Гарчи нозукдур ва лекин бор анга бисёр куч.

Ишк уйларни йикар, ошикка кин килмок недур, Мур хайлига качон пил айламиш изхор куч.

Кош агар будур, сенинг ёйингни чекмак саъб эрур, Кимса илгида чу макдур эрмас ул микдор куч.

Кузларинг бедоди жон бирла кунгулга тонг эмас, Не ажаб, дин ахлига гар кургузур куффор куч.

Заъф аро ул куйдин судрар цулум тортиб рациб, Банддин ойиргудекдур цилса ноханжор куч.

Социё, мен хастадин бадмастлиг эрмас ажаб, Кургузур купрак заиф элга майи хаммор куч.

Ишц аро андоц забундурменки, айларлар манга Хам гадо, хам шох куч, хам ёру хам агёр куч.

Сог эканда хажр аро куч бирла узни асрарам, Лек май ичканда айлар йигламоц бисёр куч.

Куч била ултурди ул золим Навоий хастани, Неча торта олгай охир бир заифи зор куч.

**99**

Чицти боглаб яна ул кофири хунрез цилич, Маст хар сари сурар рахш, чекиб тез цилич.

Киличин курдуму жонимга тараб юзланди, Турфадур цон тукуб улмоц, тарабангез цилич.

Катра цонларки, томар тигиднн, учмоц гулидур Ки, шахидин цилур ул гамзага хунрез цилич.

Хар цаён тиг солур, кунглум осиглигдур анга, Буйла цатл ахлида ким курди диловез цилич.

Ламъайи тиги дема, барц чоцилган кебиким, Гуйиё кескали илгидин этар хез цилич.

Ишц аро ажзини кургилки, уларга Фарход Хасми фартут тилин айлади Парвез цилич.

Шах Навоий тилидек тиг ила куп мулк очти, Тортмиш
очцали Багдод ила Табриз цилич.

**100**

Чицти жон, цошима жонон киргач, Ким
халок улгон экин жон киргач?

Келурингга ясадим кунглум уйин,
Ясалур кулба, чу мехмон киргач.

Узни асрармену кунглум чекар ох,
Ногах ул сарви хиромон киргач.

Охдин шуъла етишкандек эрур,
Укидин кунглума пайкон киргач.

Юз жунун шуъбаси айлар пайдо, Ул
парий кунглума пинхон киргач.

Дахр уйи ичра икомат тилама,
Чикмамок анда не имкон, киргач.

Борма куйига, Навоийки, кочар Ёр,
сен телбаи урён киргач.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХАРОМИЙЛАРИНИНГ ХУСН ОРОЙЛИГИ «БАДОЕЪ»ДИН

**101**

Зихи такаддумунг одамга бас хадиси сахих, Бу нукта
кунту набиян ишоратида сарих.

Азалда враслингу хажринг магар насиб улди
Ки, жон топарни Хизир олди, жон берурни Масих.

Сузунгни хони нубувватка тенгри туз ясади, Зихи
камоли малохат, зихи каломи малих.

Чу сеп чекиб «ана афсах» таронасин кочириб,
Аларки даъво ила суз очиб, деб узни фасих.

Демак шариати байзони мехрга рожих, Куёшни
заррага килган кебидурур таржих.

Юзунг сабухи азал бодасидин андокккнм, Не субхга
бу сабохат, не мехр мунча сабих.

Навоий улди нихон ишКинг ичра, тиргуз ани, Неча
нихон тутайин, айладим улуб тасрих.

**102**

Бу кухан дайрда ич шому сабох,
Рохати рух тилар булсанг, рох.

Чун куёш лоласи тонг гулшанидин
Чицти, тут лола масаллик ацдох.

Анга тегруки шабистони сипехр,
Еткирур рух димогига риёх.

Яна ул вацтцачаким, хуршид
Кук биёбонида булгай сайёх.

Куйма муг дайрида жом илгингдин, Дайр
пири чун ани цилди мубох.

Рузгоринг бузуг эткан эса чарх, Сен
киму айламак ани ислох.

Куп гирих тушти Навоий ишига, Сен
кушоде бер анга, ё фаттох.

**103**

Эй, хату жонбахш лаълингдин нишон Хизру Масих,
Балки бу икки уётидин нихон Хизру Масих.

Хат лабинг узра, лабинг юз узрадур цилгон кеби Оби
хайвону цуёш узра макон Хизру Масих.

Ул ёшунгой зулмат ичра, бу фалакдин ёнмагай,
Курсалар хатту лабингни ногахон Хизру Масих.

Гар Масиху Хизр куздин гойиб улмишлар, не тонг,
Сабзаву оби хаётингдур хамон Хизру Масих.

Гуйиё Рухул цудс яъни дамингдин етти файз Ким,
муаббад топти умру берди жон Хизру Масих.

Йуц даминг, балким насими гулшанинг айлар сахи
Булсалар мухлик мараздин нотавон Хизру Масих.

Хаттидин лаълига еттим, лаълидин топтим хаёт, Ул икав
булди манга, эй хаста жон, Хизру Масих.

Солики фоний таважжухдин тараддуд айламас, Ётсалар махвий шухуд булган замон Хизру Масих.

Дайр пири цулдабон, тиргузди майдин мугбача, Эй Навоий, бу икавни цил гумон Хизру Масих.

**104**

Бода келтур, чун цуёштин чекти махфий жом субх Ким, эрур жоми нишот ичмакка хуш хангом субх.

Ошкоро бодаи гулранг ичмак хуштурур,
Чун нихон айлар кавокиб гулларин гулфом субх.

Сиймбарларким, сабохат бирла тутцайлар цадах, Не бало хуштур тулуъ этканда сийм андом субх.

Саргариб ашкин тукуб, мендек яцо чок айламиш, Бир нихони мехр ила то булди беором субх.

Вахки, ул субх узору шоми зулф андухидин Йигларам то субх шом, афгон тузуб то шом, субх.

Дахр гулзорида хар тун чеккали жоми сабух, Еткурур тонг булбули фарёдидин пайгом субх.

Субхи васл уммидидин улдн, Навоий шоми хажр, Анга не суд, узгаларга хосил этса ком субх.

**105**

Истамон май булса хуршиди жахоноро цадах, Тутмаса базм ичра ул шухи цадахпаймо цадах.

Ёр чун тутти цадах, ичмон демак булмас, валек То не хол улгум яна ичкач мени шайдо цадах.

Хажр андухида оз май тутмас, эй соций, мени Базм ахлидин тулароц тут манга амдо цадах.

Бир цуёш хажридин андоц менки ичкум сипцариб, Тутсалар, солиб шафацгун май, сипехросо цадах.

Хажр дафъин чун табиби ишцдин сурдум, деди: Ким эрур ё васл, ё жон тарки цилмоц, ё цадах.

Бу фано дайрида зохир булди анфоси Масих Ким, ичиб тутти манга ул дилбари тарсо цадах.

Чун хумор илгимни цилди раъша, жоно, огзима Нетти уз илгинг била тутсанг солиб сахбо цадах.

Су хумор ахли ичарлар, ул хам улгандин зарур, Ичмагум хайвон суйин, эй Хизр, топцум то цадах.

Чун харобот ичра маст улдум ичиб, эй майфуруш, Риндлар бирла солиб гавго мени расво цадах.

Шахна базмига не хосил, гар кириб ошуб ила, Чекмасам шохид била мутриб, цилиб ягмо цадах.

Чексалар, тонгла тутуб Боги жахоноро сари, Дайр аро топиб сурохи, айлабон пайдо цадах.

Вах, не хол улгай аларгаким, Навоийдур дебон, Танибон чорлаб, манга лутф айласа мирзо цадах.

Хусрави Еозийки, жоми Жам анга булсун насиб, То цуёштин кургузур бу торами аъло цадах.

**106**

Эй сенинг куюнг харими туфроги юз пок рух, Солцинидин соврулуб ул навъким хошок рух.

Рух агар юз важх ила туфрогинг улса, не ажаб, Лутф аро жисминг била чун тенг эмас юз пок рух.

Хилцатим богида ул гул хайфким, бордур манга Зор тан, мажрух жон, махзун кунгул, гамнок рух.

Ул цуёш цасрига майл айлар танимдин чицса жон, Кимса улгандекки, булгай озими афлок рух.

Жон фидо булсун сангаву рух садцангким, эмас Жон чучук лаълингдегу цаддинг кеби чолок рух.

Мумин ул ажсод хашригаву даъво цилма куп Ким, азобу неъматин тонгла цилур идрок рух.

Тиги ищцидин Навоийга не дахшат, негаким Телбадур жону фидоидур кунгул, бебок рух.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХУБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «БАДОЕЪ»ДИН

**107**

Жафо тарицида андин эрур жахонга русух Ки,
цилди мехру вафо расму ройини мансух.

Жахонга чунки вафо булмаса, ажаб эрмас Ки,
булса ахли жахонга доги жафода русух.

Согинма барча пишиг сузни таъб этар ошом, Булур
муцайнию хозим чу иккиси матбух.

Камолдин неки утти, яна топар нуцсон Ки, куп яшаб,
кирар атфол чергасига шуюх.

Дурушт хуй цилур элни чирк дунёлиц, Нечукки,
цилгай ирик жамъ булса узвида шух

Чу сифла ганж топар, мужиби халоки эрур Ки,
хайзадур мушук илгига чун тушар маслух.

Навоиё, тила фацру риёе элдин цоч
Ки, одамилар эрур узга, доги узга масух.

**108**

Котилеким, анга эрмас киши асло густох, Тулди
цонимки, булубмен мени шайдо густох.

Эй кунгул, узни ёстлаб маст тилармен хар кун,
Айласам лаълидин упмакни таманно густох.

Бу махол амредурур, чунки тахайюл бирла Кила
олмон ики лаълини тамошо густох.

Мен сияхруз киму васлики, харгиз кундуз Була
олмасмен анинг куйида пайдо густох.

Хатти давригa, не тонг, эврула гар олмас Хизр Ким, бу
журъатда эмас гунбади хазро густох.

Ул пари дахшати ищцидин эта олмон анга Телбалик
бирла хам узни, мени расво густох.

Хонацох ичра тутуб савм, су ичмак булмас, Бул
хароботию чек согари сахбо густох.

Файзи цудсий тиласанг кунглунгга булгай зохир,
Ахли ботин цошида суз дема асло густох.

Эътидол иста, Навоийки, фано дайри аро Улки йул топмади, ё кохил эрур, ё густох.

**109**

Дилраболар гар кунгул олмоцда дурлар асру шуя, Лек дилдорим эрур бу шухлардин айру шух.

Шухлардин баъзи олса жону баъзи берса жон, Сен килурсен иккисин, вах, сен кеби булгайму шух

Шухлуктин хар дам ул тифл айлар узга навъ ноз,
Кунгли истар не килур хубеки, булса тифл шух.

Гах кирар куздин кунгулга, гах кунгулдин жон аро,
Тутмаса ором, тонг йук, нозанин, булди чу шух.

Шухлар ичра бири кунглум олибдур войким, Десалар, де кайси шух олмиш, дей олмонким, бу шух.

Гар намозим сахв булса хар дам, эй зохид, не тонг
Ким, эрур мохимки, анг ултурубтур утру шух.

Эй Навоий, бир замон кунглунг эмас осуда, кош
Кунглунг олган булмагай эрди бу янглиг асру шух

**110**

Гарчи ул ширинлаб ичган май эрур бисёр талх, Лек мен ичган майи хажри юз онча бор талх.

Май неча талх эрса, хижрон шарбатича талх эмас, Захри котил, онгламон, булгайму ул микдор талх.

Аччиг-аччиг дам-бадам шуробам этманг айбким,
Килди айшим хажр ила бир шухи ширинкор талх.

Хажри захри ичканимдинму экин, оё буким,
Набиз сокит булмишу огзим эрур бисёр талх.

Найлай улмайким, хаётим шарбатин мен телбага
Килди хижрон захри бирла ул пари рухсор талх.

Куп чучуклуктин очиглик анфаъ улди ишк аро, Шарбати аттор эрур ширин, майи хаммор талх.

Талх май бирла мени маст айла, эй сокийки, бор Хажр аро умрум, гар улсам лахзае хушёр, талх.

Диним ахволига очиг йигларамким, мугбача Нуш этар дайр ичра хар дам жоми мугкирдор талх,

Ёр ширин лаълидин хар лахза айлар нушханд,
Ишкидин хар дам Навоий гарчи йиглар зор талх.

**111**

Мени хавосида девона айлади ул шух, Жунуну ишц ила афсона айлади ул шух.

Парин кеби чицибон хушу ацл горат этиб, Нихон улуб, мени девона айлади ул шух.

Ушатти шишаву, жому цадахни базм ичра, Уюн тарицини тифлона айлади ул шух.

Кулоц солингки, харобот ичра гавгодур, Магар азимати манхона айлади ул шух.

Кадахга хирцам этиб рахи, вахки, субхамни Кимор айлагали дона айлади ул шух.

Чу олди уйнагали нацди хушу сабримни, Яна топилмадилар — то не айлади ул шух.

Килиб Навоийи оворани жалои ватан, Балову дардга хамхона айлади ул шух.

**112**

Х,ар нечаким санга жафода русух,
Мен жафокашгадур вафода русух.

Банди зулфунгни кимки цилса хавас,
Анга вожибдур ибтилода русух.

Юзи миръотин орзу цилган Керак
этса аён сафода русух.

Социё, бер цадахки, хижрондин
Жонгадур дард ила анода русух.

Сидц аро пири дайр росихдур, Лек
зохидгадур риёда русух.

Килма ишц ичра даъво, ар цилсанг,
Зохир эткил бу можарода русух.

Эй Навоий вусул агар тиласанг,
Ишц аро фош цил фанода русух.

**113**

Сочингки, юр чогида борди хар тараф бир шох, Су ичра сунбули тардур анга мукаррар шох.

Деманки сунбули тарким, суда эрур акси Ки, суда сунбули тар кургузур муанбар шох.

Магарки сунбулунга чирмашур тахайюли бор Ки, зохир этти тарог сандали саросар шох.

Чаманда цилгуси гулгашт гуйиё ул сарв Ки, очти соя учун хар тараф санавбар шох.

Ёшил енгингки сариг дакладин курунди, не тонг, Хазон дарахти булур хам бирорта ахзар шох.

Карам цил, эл панахинг ичра кирсаким, хуштур Чаманда мева доги берса соягустар шох.

Навоий, онгла яцинким, хаёт риштасидур, Кулунгга кирса анинг ицди зулфидин хар шох.

## ДОЛ ХАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «БАДОЕЪ»ДИН

**114**

Кани сенинг кеби махбуби оцибат махмуд Ки, зилли отифатинг булсун эл уза мамдуд.

Жамол аро мутажалли юзунгда партави зот, Камол аро муталоло узунгда нуру жуд.

Вужудунг икки жахон хилцатидин улди мурод, Начукки зотинг улуб икки кавидин мацсуд.

Не жуд эрур, не вужуд элга зотинг оллинда, Санга чу келди мусаллам вужуд бирлан жуд.

Нубувват авжида куп толеъ улди кавкаби саъд, Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Чу сен мушохада шоми шухуд цозгондек,
Киши не билдики, шохид ким эрди — ким машхуд.

Навоий, улса гунах дуди бирла нома сиёх, Еами йуц,
уттин эрур чун шафоатинг мавъуд.

**115**

Хублар базмида жамъ улмоцца бор ул ой мужид,
Хуснин изхор айламакка истар атрофида зид.

Гар жамол ахли жафо бобида бор ахли камол, Лек
ижоди жафо цилмоцца сенсен мужтахид.

Эрни шавцида совуг оху исиг кунглумдин ашк Гох цон
янглиг равон, гах лаъл янглиг мунжамид.

Кахр ё лутф улча андин келса миннат жонима, Менким
улдум булгали мункир анга ё муътацид.

Остонинг такягохимдурки, тахти жох эрур, Лек
дарбонинг мадоросига эрмон мустанид.

Дилбарим андоцки келди хусн мулки ичра фард,
Шукрким, мен доги ахли ишц аромен мунфарид.

Ишци комил гулшани ичра гули раъно недур,
Билхацицат булмаса маъшуцу ошиц муттахид.

Дустлуг ким цилса, душманлиц топардин дахр аро,
Булмамиш гуё мухаббат ахли харгиз мунъацид.

Истарам, кургач ани, афгонлар айлаб улгамен, Социё,
бир жом ила булгил Навоийга мумид.

**116**

Узин шаккар деса лаълингга монанд,
Килай тишлаб ани парканд-парканд.

Лабинг упмакка хаддим йуц, булубмен
Тахайюл бирла упмакликка хурсанд.

Мени чун ул париваш телбаратти, Не
суд, эй носих, эмди телбага панд.

Магар тенгрига одам хилцатидин Мурод эрди
сенингдек турфа фарзанд.

Лабингнинг шаккари айлаб табассум,
Гули хандонга кургузди шакарханд.

Жахон раъносига берма кунгулким, Анга
олдурмамиш кунглин хирадманд.

Навоий найлабон сендин узулгай, Чу
топтинг риштаи жонига пайванд.

**117**

Кунгулнинг хонумонин берди барбод Еами
ишцингки, хонумони обод.

Мени ёд айламакни чун унуттунг,
Унутуб, неттн гохе анласанг ёд.

Фироцинг кунжида тун-кун эрурмен
Еамингдин шоду мендин хам гаминг шод.

Сенга сайд улгали урён булубмен, Качон
юлди тириклай цушни санёд.

Кунгул жинси башардин асраб охир,
Мени девона цилди бир паризод.

Сен ич махсуслар васлида майким, Мени
хажр этти цон ютмоцца муътод.

Вафолиг туз бу гулшан ичра йуцтур,
Агар насрину гул ё сарву шамшод.

Не шайхи хонацах майдин цилур манъ Ки,
цилмиш дайр пири бизга иршод.

Навоий, ёр фарёдингга етмас, Анинг
фориглигидин айла фарёд.

**118**

Ёр васлидин узуб эрдим мени шайдо умид. Шох лутфи
цуймади шайдо кунгулни ноумид.

Уртар эрди хажр навмид эрканимда, войким, Шавц ути
кул цилгудекдур булгали пайдо умид.

Бир назардин гар булур жоним гахе осуда, бас, Мундин
ортуц васлидин йуцтур манга цатъо умид.

Хайрат айларлар менинг холим куруб ахли жунун,
Ацлдин, вах, цайда тутгаймен мени расво умид.

Йуц ажаб, гар одамийлигдин чициб девонамен, Чун
манга бор ул пари пайкар, малаксиймо умид.

Хажр навмид эрканимда уртар уммидимда шавц,
Вахки, ё навмидлиг айлар халоким, ё умид.

Хам жафо, хам жавр умиди бордуру хам лутфу мехр,
Хар жихатдин йуцтурур андин манга илло умид.

Хажр дардига даво бехудлуг эрмиш, социё,
Бу бало ичра тутармен согарн сахбо умид.

Эй Навоий, гарци бахри вахдат улсам, не ажаб, Менки
куз дарёсидин туттум дури якто умид.

**119**

Доми зулфу донаи холидин этса ёр сайд, Йуц
халойицким, малойик булгуси бисёр сайд.

Ул кузи сайёд агар жон цасди айлар сайдга, Оллида
улгай булуб жон бирла миннатдор сайд.

Оллох-Оллох, не бало ул хусн эрур мардум фириб Ким,
ани кургач булур хам ёру хам агёр сайд.

Сайдгахда цочмас андин сайдким, жон бергалн
Секребу уйнаб, нишоту завц этар изхор сайд.

Сайди гулранг олди хирман-хирман ул гул хирмани,
Лолазори дахраро ким курди бу мицдор сайд.

Хуштур улсам итларига туъма, не имкони бор, Шох
фитрокига етмак бир заифи зор сайд.

Хар киши нафс итлигидин айласа узни халос, Вахш
хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

Жоми заррин тутки, булмас мехр кургузмак била,
Кимсага заррин гизоли чархи кажрафтор сайд.

Эй Навоий, гар десанг минг зулм бирла улмайин,
Бевафолар макри бирла булмагил зинхор сайд.

**120**

Буки хар ёндин кукартибдур юзумни кожи дард, Жисм
уйи тоцини олтун бирла цилдим ложуворд.

Май юзунгда гуллар очти, цилма фарёдимни манъ,
Булбул афгони не тонг, очилди чун гулшанда вард.

Бул-ажаблиглардурур ишк ичраким, зохир килур,
Мехрдек утлук кунгулдин дай елидек охи сард.

Гам тоши хоки танимдин хар сари элтур губор Бошима
туфрог совурмогдин эмас теграмда гард,

Ул куёш зулфи хамидин чикса охим тулганиб, Бир
куюн бил аниким, даври эрур гардун навард

Эйки, истарсен узунгни фард ул ой ишкида, Аввал
анинг гайри ёдидин узунгни айла фард.

Эй Навоий, дардлиг назмингни дард ахли билур,
Дардсиз доги булур, ани укугоч, ахли дард.

**121**

Эй жамолинг кошида лол хирад,
Ишкинг ошубига помол хирад.

Андаким сен килибон жилваи хусн, Хуш
улуб зойилу бадхол хирад.

Ишк Масих айлади, гарчи бор эди
Илм ашколига халлол хирад.

Чикмади туз йулидин ишк ахли,
Нечаким айлади излол хирад.

Ишкка акл залил улмаса, кур, Не
колур, чунки кетар дол хирад.

Ич майи ишку Навоий, маст ул,
Келтурур булса куп ашкол хирад.

**122**

Унла хижрон тошларин ёгдурди чархи тезгард Ким
сипехр авжигача хоки танимдин чикти гард.

Ёр ила ахбоб мендин анрую мен барчадин,
Йук ажаб, гар барчанинг дардича булса менда дард.

Хажр тошидин кукарди пайкарим ёхуд бу ранг Айлади
урён танимни, баски чектим охи сард.

Кахкашоидин чекма саф анжум сипохин шоми хажр,
Мен улубмен, эй фалак, хожат эмас цилмоц набард.

Ашку охимдии натижа булди цонлиг тоза дог, Гуйи ул
сую хаводин очилур бу навъ вард.

Эй кунгул, гар худ хазон фасли эмас, хижрон куни,
Нега бог ахлигадур титратмаву рухсори зард.

Халцнинг цайди Навоийни паришои айлади, Кимки
жамъият тилар, цилмоц керактур узни фард.

**123**

Кадинг деб сарвни жон булса хурсанд,
Ажаб ёлгондур, аммо ростмонанд.

Шакар чун цилди ширинликни даъво,
Эшиткач лабларинг цилди шакарханд

Кунгул жонимга етмиш эрди, юз шукр
Ки, цилди итларинг парканд-парканд.

Ити багрим егандин улса, айланг, Кесиб
багрин, кесук багримга пайванд.

Бу навъ ар зулфи савдоси олур хуш, Эрур
саъб, эй хаким, улмоц хирадманд.

Талаб йулинда аввал фоний улгил Ки,
йуц бу йулда узлукдин огир банд.

Навоийга яна куп панд берма,
Кел, эй носих, эшит сен доги бир панд.

**124**

Ишц узлук нафйии айлар, зухд ила тацво не суд, Чун
вужудунг манфи улди, кибру истигно не суд.

Суду сармоянг нечун нобуд цилди бир йули, Сен пишурмак хар замон бир узгача савдо не суд.

Телбараб элдин чициб, йулинда жон бердинг валек Рахм цилмас ул пари панкар малаксиймо, не суд.

Ошиц улдунг васлидин суд истабон, оё фироц Куймади нацши вужудунгдин асар пайдо, не суд.

Ишц дарёсига суд уммидидин кирдинг валек Булмади охир насибинг ул дурри якто, не суд.

Ёр эрур жон ичра, сен гофил вале истаб ани,
Кеча-кундуз ел кеби булмоц жахонпаймо не суд.

Суд цилди улки ичти васл базми ичра май, Бизга соций тутмади бу согари сахбо, не суд.

Истасанг фацр, урта олам суд ила сармоясин,
Кунглунга то эвурулур дунёву мофихо, не суд.

То Навоий ишц бозорида савдоий эрур.
Жуз зиён не топти бир сармоя ул расво, не суд.

**125**

Гарчи ёр этмади харгиз мени ношодни ёд, Лек анинг ёди била кунглум эрур хар дам шод.

Зулфидин сурди кунгулларни кузи арбадаси, Домдин курмадн эл сайдни сурмак сайёд.

Коматинг бандасидур сарв вале хидмат аро Курубон ростлигин ани цилибсен озод.

Катлима чицти этак белга уруб, тиг чекиб, Кон тегардин аяб эркин этагин ул жаллод?

Чунки Ширин кузи бехад цорадур, бас неча мил Тошни сурма недин айлади оё Фарход.

Узгаларга ичур, эй социйи даврон, майи васл Ким, манга захри фироц ичмак улубтур муътод.

Мунча фарёд Навоийдин эмас хажр туни Ким, цилур хар кеча фарёдидин эл хам фарёд.

**126**

Рухсори жонибида ул холи анбаролуд, Ут
гушасида гуё анбар тушуб цилур дуд.

Бахри гам ичра ашким кунглига рахм солди, Дарё
мусофиримен — гардундин айлаган суд.

Базми гамида шахмен, сариг юзумда цон ёш,
Бу лаълранг бода, ул согари зарандуд.

Кунглум гадолиг айлар, огзингни гарчи топмас, Йук
ваъда бирла ани килсанг не булди хушнуд.

Келким, йулунгда туфрок, бошингга садка булсун Хам
жисми дардпарвар, хам жони ранж фарсуд.

Нобуду буд фикрин махв эт замирдинким, Не
буд колгусидур охир санга, не нобуд.

Сархуш таронагустар булмишсен, эй Навоий, Сокий,
сен эмди тут май, мутриб, сен эмди туз уд.

**127**

Туш-тушумдин душману йук дустдин катъо умид,
Килма, ё раб, дустдин душманни мендек ноумид.

Ушбу мухлик варта ичра гарчи элдин колмамиш Хеч
умидим, катъ килмон дустдин аммо умид.

Ула гирдоби бало ичра тушубтурменки, бор Неча
дерсен бийм, аммо йуктурур пайдо умид.

Жон фидо килдим — мени навмид килди васлидин,
Лаълидин жон истар элга йуктурур илло умид.

Сокиё, мухлик гамимга шодлиг имкони йук, Не тутай
сендин яна жоми нишот афзо умид.

Ёр васлидин вафо куз тутмасам, айб этмаким, Умру
давлатдин вафо тутмайдурур доно умид.

Не висолу не умиди васл, вах, улмай нетай, Эй Навоий,
кошки ё васл булса ё умид.

**128**

Хам аёгида утук, хам бошида дастори тунд, Ошик
ултурмак учун боштин аёги бори тунд.

Тундлик манъин не навъ айлай ангаким, узганинг Бир
иши бор эрса, бор анинг бари атвори тунд.

Дахрни рахши агар зеру забар истар, не тонг Ким, эрур
хам уйнамоги тунду хам рафтори тунд.

Ул киши хар лахза билгай улмаким кайфиятин Ким, булур
хар дам анга бир кофири хунхори тунд.

Эй сабо, тунд эрди бадмастим кеча бустон аро, Субхидам
уйцуга бормиш — эсмагил ул сори тунд.

Дайр пирин тунд агар цилмиш хумор, эй мугбача, Жомини
цуйгил туло, анда майи хаммори тунд.

Эй Навоий, дахр коми йуц эса, тунд утмагил, Анда юз
ком арзимас бир дам булурга бори тунд.

## ЗОЛ ХАРФИНИНГ ЗАВИЛ ХАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛУГИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 129

Жунун дафъига цилдим юзда цон ёштин аён таъвиз Ки,
ёзгонда керак шингарф бирла заъфарон таъвиз.

Булубтур тоза цонлиг догу тирног хатлари бирла Таним ул
навъким, курган киши цилгай гумон таъвиз.

Дема таъвизким, афсуни савдо эрди кунглумга Ки, ошти
шуълаи ищцу жунун ёзган замон таъвиз.

Манга ёзинг дуоким, ул парини кургамен ногах,
Ёзарлар чун парий кузга аён булган замон таъвиз.

Жунунумдин парируйумга хам савдо асар цилса,
Битидиклар кузи кунглум цушидин тукса цон таъвиз.

Мени ищц айламиш девона, эй роций, не суд эткай, Неча
цилсанг баён афсун, неча цилсанг аён таъвиз.

Навоий ищц асрорин ёзнб, буйнига осибдур, Тасаввур
цилмагайсен, эй рафици мехрибон, таъвиз.

**130**

Лабинг хукми эрур цонимга нофиз,
Демай цонимгаким, жонимга нофиз.

Неким кофир кузунг фармони булгай,
Эрур ул дину имонимга нофиз.

Эрур, хар зулмким амр айлагунгдур,
Уцунгдек жисми урёнимга нофиз.

Кунгул махкуми амрингдурки, хукмунг Эрур бу
мулки вайронимга нофиз.

Шах улсам, бандамен оллида хошо Ки,
булгай хукм жононимга нофиз.

Кунгул иттики, зулмунг бор эди ул Алохону
аломонимга нофиз.

Навоийни лабинг цатл этса, тонг йуц Ки, анинг
хукмидур цонимга нофиз.

**131**

Эй, лабинг бодасига руху равон ичра нуфуз, Кайси руху не
равон, жавхари жон ичра нуфуз.

Майи ишц уйладурур тезки, ичканга цилур Жузви-жузви
аро хар цатраи цон ичра нуфуз.

Куйди улмакка кунгул жисм ила жоним, гуё Захри хажр
айлади пайдову нихон ичра нуфуз.

Дахр богидин эсар ройихаи ишц, магар Айлади охим
ути табъ замон ичра нуфуз.

Оташин невчун эрур лаълу муфаррих ёцут, Бодаи ишц
агар цилмади кон ичра нуфуз.

Ичтилар куп маю фош айламади, цилгандек Мени
овораи беному нишон ичра нуфуз.

Гар Навоийга эрур руху равон маст, не тонг Ки, майи
ишц цилур руху равон ичра нуфуз.

**РЕ ^АРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «БАДОЕЪ»ДИН**

**132**

Сипехр осебидин солим цутулмоглиц не имкондур Ки, мехре
дашту тигу кулгуси барци дурахшондур.

Мунунгдек мехр кургач, шод улуб кулган зихи гофил, Бу янглиг
кулгу сари мехр солган асру нодондур.

Тенгиз кунглида андоц мехрдин юз шуъладур пайдо, Киё багрида
мундоц кулгудин минг дашна пинхондур.

Хижоридин циёдур анга юз минг тиг ила ожиз, Хубобидин
тенгиз юз минг куз илан анга хайрондур.

Чекиб цавси цузахдин ё кунгуллар цасдига, анинг Ёгин
хадди хадангу цатра сулар анда пайкондур.

Бу ёй бирла анингдек уцни ёгдургоч, халойицнинг Хаёти
цасрида хар сари цилмоц рахна осондур.

Хаёт ичра бацо чун мумкин эрмас Нух булсинким, Улар
холатда тугмай улган угли бирла яксондур.

Бацо сарчашмаси зулматда дерлар, йуцки, ул зулмат
Скандар охи утидин йигилгон дуди хирмондур.

Навоий, уртабон узлук цадам бу йулга цуй, яъни Ки, хар
хамрохким булгай тажарруд мониъи ёндур.

**133**

Менки хижрон даштига кирдим цуюндек бецарор, Оху
вовайлоки, хам саргаштамен, хам хоксор.

Санчилиб урён танимга хар тараф юз минг тикан, Хар
тиканни куйдуруб кунглум утидин бир шарор.

Кайдадур Мажнунки, бергай панду чун фахм этмасам,
Йиглагай холимга багри огригандин зор-зор.

Ё цани Фарходким, гам тогини тирног ила Козганимдин,
тешаву тогидин улгай шармисор.

Билсам эрди бир замонлиг хажр дарди шиддатин, Юз йил
улса васл даври, цилмас эрдим ихтиёр.

Дустлар, мехру мухаббатнинг нихолин экмангиз Ким,
булур эрмиш анга андухи хижрон баргу бор.

Эй сабо, келмиш Навоий хаста жонидин батанг, Элтибон ёр итларининг оллида цилгил нисор.

**134**

Хар кишиким, ер юзинда бир сенингдек мохи бор, Тонг эмас, ер-кукни гар тутцунча ашку охи бор.

Не ажаб, кунглум адам куйи сари азм айласа, Хоссаким огзинг хаёлидек анинг хамрохи бор.

Поку огах булса кунглум халц жавриднн, не гам, Ёрнинг чун табъи поку хотири огохи бор.

Ёрни кунглумда жон янглиг нихон цилгай эдим, Айби кунглумнинг будурким, нолаи жонкохи бор.

Ишц куйида цора туфроцча йуц жон циймати, Йул ярогин доги топмас, улки молу жохи бор.

Мен кеби хижронда жон бермактин узга найлагай, Дилбаримдек кимки бир бегонаваш дилхохи бор.

Ишц водийсидин анруким эрур мур аждахо, Курмадук шахким, гадо оллинда шайаллохи бор.

Эй мусулмонлар, эрур кунглумда бир кофир гами Ким, эрур боиски, тацво жониби икрохи бор.

Эй Навоий, хажр бедоду жафосидин не гам, Хар гадоким, хусрави Еозийдек анинг шохи бор.

**135**

Буким, кунгулнинг ул ойсиз не саъб холати бор, Ул англагайки, бирав хажридин малолати бор.

Куйига тушмиш анинг зулми тигидин бошим, Хануз тиги юзидин магар хижолати бор.

Кулоц дурию юзи икки ахтар этти цирон Ки, олам ичра басе фитнага далолати бор.

Сабо дебон хабар ул гулдин, элни тиргузди, Масихча деса булгай анинг рисолати бор.

Кунгулни зулм ила буздунг, бале булур маъмур Шахеки, мулкида эхсон билан адолати бор.

Кадах цуёши била равшан айла хотирни,
Чу англасангки, фалак зулмидин залолати бор.

Навоий истамас эл ищцин англагай, буким Уз-узи бирла жунун ахлидек мацолати бор.

**136**

Бу тийраи цотилки, оти хажр тунидур,
Охим тутунидур дема, догим тутунидур.

Жисм ичра юзунг хажрида минг дард хаданги, Гуё кунгул оташкадасининг утунидур.

Сунгакдин эмас риштаи жисмимда бугунлар Ул торда ранжим ададининг тугунидур.

Ул шух симоъ ичра учурмокка кунгулдин Хушу хираду сабрни офат куюнидур.

Уйку кетурур су уни, лек уйкуни олгон Элнинг кузидин сайли сиришкимнннг унидур.

Уйнай-уйнай тукса ул ой коним, эмас тонг Ким, барча булар чархи мулоиб уюнидур.

Юз пора бошимни ити рад килди, Навоий Билмаски, сунгакларда борининг бутунидур.

**137**

Ул куёшким, кунглум ичра хажрининг озоридур, Жоним олса хам, кунгул жон бирла миннатдоридур.

Найлаб ул котилдин улгаймен халос, эй ишкким, Жоним афгори, таним бемори, кунглум зоридур.

Хажр ути пайкони захмин мен кеби билмас киши Ким, ичим боштин-аёк ул нишнинг афгоридур.

Хажраро жонинг олай дер, кур не булгай жаврким, Бу манга ул шухдин мехру вафо изхоридур.

Коф агар юздур ададда, Коф тоги мехнатим Шиддати аъдодининг юздин бири микдоридур.

Телба кунглум истаса Фарходу Мажнун сиххатин, Окил эл рагми анга хушу хирад осоридур.

Кир харобот ичра, эй зохид, тилар булсанг бихишт Ким,
майи кавсар зулоли кулбаи хамморидур.

Не ажаб гулшан эрур давронки, дуди охдин Сунбулию ашк
кони сайлидин гулзоридур.

Гар Навоийдек сузунг фахм этмадим, эй порсо, Афв кил,
бир дам хаёлим боданушум соридур.

**138**

Ишцдин, вахким, манга хар лахза холе юзланур Ким,
бузулгон кунглума андин малоле юзланур.

Ёрга узни тахайюл бирла махсус айлабон, Ул
хусусият аро хар дам хаёле юзланур.

Чун хаёл илгида булди нотавон кунглум асир, Бошига хар
лахза савдои мухоле юзланур.

Васл савдосидин уткарсам эмас мумкин дебон, Хотири
ичра анинг хам эхтимоле юзланур.

Махвашимни сузга тортармен тахайюл кунжида, Хар
сузумга ким жавоб айтур, саволе юзланур.

Истамон анинг хаёлин доги цилгаймен малул, Бас
цилурмен, гарчи хар дам цилу цоле юзланур.

Васлини анинг хаёли бирла цилмасмен бадал, Гарчи хар
соат манга сохиб жамоле юзланур.

Чиц бу гулшандинки, паст истар бошингни ер кеби, Онда
хар дамким санга саркаш нихоле юзланур.

Эй Навоий, ёр зулфу цоматидин булгуси, Гар паришон
хотирингга эътидоле юзланур.

**139**

Заъфлиц жисмим цачон нозук белингга чирманур, Зулфунг
икки тори гуё бир-бирига тулганур.

Коматишта сарв тацлид айлабон топти шикаст, Бу сазодур,
гар гиях сарви сихига утканур.

Зулфунга хамсарлиц этмак узда топмас, нечаким Сунбули мушкин цуюндек уз-узига айланур.

Воциф эркин ишц утининг сузидин хусн ахликим, Шамъ агар парвонани уртар, узи хам уртанур.

Уйнамоц бирла солур давронга рахши цузгалон, Хар цачонким базмдин ул шух сархуш отланур.

Бу чаманда тортибон булбул тонг отцунча фигон, Ишц дарсин гуйиё гул дафтаридин урганур.

Дема саргарди Навоийнинг юзи ишк ичраким, Буйла олтунни килурга поймолинг козганур.

**140**

Ёрдин хижрон чекар ушшоки зор, эй дустлар, Неча тортай хажр, чун йук менда ёр, эй дустлар.

Ёр ишкин асрагил пинхон, дебон саъй этмангиз, Вах, не навъ этгум йук ншни ошкор, эй дустлар,

Ишк бирла гар биров лофи вафову ахд урар, Ишвагарлар ахдига йук эътибор, эй дустлар.

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди Менда хам бир нозанин чобуксувор, эй дустлар.

Ёрсиз вайронда кон йиглармен охир, сиз килинг Ёр бирла гашти богу лолазор, эй дустлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йигласам, айб этмангиз Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дустлар.

Дустлук айлаб тутунг гах-гах лаболаб жомким, Касди жон килмиш манга дарди хумор, эй дустлар.

Май ичингким, дахр эли ичра куп истаб топмадук Ахду паймонида булгон устувор, эй дустлар.

Ёрингиз васлин ганимат англабон шукр айлангиз Ким, Навоий улди бекасликда зор, эй дустлар.

**141**

Васлдин, вахким, дамо-дам элга жоминуш бахр, Бизга согар-согар анинг фуркати базмида захр.

Ул кузу кошдин агар кузголса олам, тонг эмас Ким, биридур офати даврон, бири ошуби дахр.

Вах, нетиб сабру шикебим мулки вайрон булмасун, Икки куздин Дажлаю Жайхундек окиб икки нахр.

Хосларга лутфунг улди ом, юз афгонки, мен
Омдинменким, менинг жонимга килдинг хос кахр.

Отланиб чикти магар ул маст золимким, яна
Тушти олам кишварига фитнаву цузголди шахр.

Мехрдин юз цилсаким, гардун аруси Золдур, Рустам ани ацд цилса, нацди жон бергуси махр.

Эй Навоий, ёр ёдинда малак махрам эмас, Фацр
одоби аро тажвиз цилма зикри жахр.

**142**

Вахки, золим ищц жонимга яна бедод этар, Катл умиди бирла гамгин хотиримни шод этар.

Зухду тацво бузди обод айламак бирла мени, Шукрким, ищцу жунун бузмоц била обод этар.

Базми айши ичра гавго уйладурким, ташцари Ким, цулоц солур агар, девонае фарёд этар.

Неча тартиб айласам сабру салох авроцини, Сарсари ищцу жунун еткач, борин барбод этар.

Ищц куйида кунгул холи паришонроц булур, Офият мулкидаги жамъиятин чун ёд этар.

Ул цуёш хижронида бу зарраи саргаштага Ищц зулми бас эмаским, чарх хам имдод этар.

Ищц аро ёлгуз менинг холим куруб хар дам сипехр, Вомицу Фарходу Мажнун холин истишход этар.

Вах, нетиб, эй хонацах шайхи, тутай зухду риё, Дайр пири чун манга фацру фано иршод этар.

Эй Навоий, ани бил озода олам ахлидин Ким,
узин олам эли гавгосидин озод этар.

**143**

Лабки хандон цилибон цошу кузин уйнатадур,
Уйнай-уйнай мени бечорани цон йиглатадур.

Кургач ул ойни, яциндурки фигонлар цилгай, Лек бехудлуг
ила кунглум узин тухтатадур.

Тортмоц мумкин эмас уцини кунглумдинким, Яна уц хар
нафас анинг ёнига урнатадур.

Бахтим уйгонмас агарчи фазаъим дард ахлин
Улум уйцусига боргонлар эса уйготадур.

Кузум ашкин бу жихатдин деса булгай хуноб Ким, бу су
оцса, багир хам анга цонин цотадур.

Сабру ором сипохин нечаким йигсам, ишц
Гах ани синдирадур, гох муни бутратадур.

Еарази буки, хабибимга цул улгай Юсуф,
Хусн бозорида хар нечаки узин сотадур.

Ухшамайдур менинг оллимда, агарчи дехцон
Сарви гулруюма сарву гулини ухшатадур.

Ишц ани келтурадур хаста Навоий тарафи,
Новаки гамзани ул шух цаёнким отадур.

**144**

Чициб ишц ути куксум чокидин, бошимдин ошибдур, Бу
эскирган ёгочца уз ичидин ут тутошибдур.

Жунун ахлига ул ой тори зулфи орзусидин Басе,
сарриштаи савдоки бир-бирга улошибдур.

Камар юзинда мушту кочдин курдум асар хар ён, Хамоно
ул цуёш бадмаст булгонда талошибдур.

Кунгул чокига гам тухмин хатинг фикри тула цилмиш,
Захира, курки, хайли мур маскан ичра тошибдур.

Сабо машшотаси, лутф айлабон гулгун тунин кийдур Ки,
раъно сарвига гулбаргдин хилъат ярошибдур.

Фалакнинг пардаи зайлин буким цилди шафац гулранг,
Магарким ер юзидин куз ёшим хуноби тошибдур.

Мени Мажнун танин тирногларнинг захмидин курган
Дегай Лайли ити хар ён цутур жисмини цошибдур.

Кунгулким, асру тавсан эрди зухд ойинида, кургил Ки,
ищцинг роизидин не забунлардек ювошибдур.

Навоий туркларнинг тарки тутса, айб цилмангким, Анга
бир туркмон махваш гами махкам дулошибдур.

**145**

Кимки олам богида бир сарви гулрухсори бор, Бог
сайридин фароги, сарву гулдин ори бор.

Гул била майни нетар девонаеким, кунглида
Бир париваш лаълидин май, хуснидин гулзори бор.

Гул насиму атридин мумкин эмас топмок илож, Кимки бир
гулчехра хори хажридин озори бор.

Жон етиб огзимга улгум, бир нафас тенгри учун, Эй
Масихим, кел бери, эй муддаи, сен нори бор.

Кузларига хори мехнатдур гул, улким гул чоги
Гулжабинлар кузлари янглиг ики бемори бор.

Дема булбул зулмига гул богламиш бел, гуйиё Чарх
зулмидин анинг хам боглаган зуннори бор.

Колди хуррамлик фалакдин ташкари, кур, эй рафик Ким,
казо наккошининг не гардиши паргори бор.

Факр йулинда огиррок юк эрур вобасталик, Эй кунгул,
тарки тааллук айлабон ул сори бор.

Эй Навоий, узни макбул истасанг, туфрок бул Ким, эрур
мардуд, улким бошида пиндори бор.

**146**

Туррангки, тоби юзда утумга василадур, Ул шамъ
шуъласи аро мушкин фатиладур.

Олса кузунг хиял била кунглумни, айб эмас, Бор ул
фусунгареки, иши макру хийладур.

Ашхабларингки, риштага тортилди дахр аро, Солмокка
рустахез ажойиб тавиладур.

Лайли кабиласи ути кайдин курунса шом, Мажнунни куйдурур, бу не утлук кабиладур.

Кирсанг фано тарикига, девонавор кир, Ул важхдинки, акл бу йулда акиладур.

Эйким, жахон салитасини айладинг никох, Билгилки, хасмкушдур, агарчи жамиладур.

Лаълингга жонин этса Навоий фидо, не тонг Андин олурга ком бу ишлар василадур.

**147**

Бинафша атри била эл тарабни ёд этадур, Кадах кетурки, эгиб цадни хайрбод этадур.

Чаман сахифасида сабза демаким, гардун Тараб сузини яшил хат била савод этадур.

Кишики гунча аро жола курса ишратдин, Хабиб огзида кулмакни эътицод этадур.

Сабух май чекиб олтун пиёлада, наргис Кузининг уйцусига мужиби кушод этадур.

Хуш улки, лола кеби лаълу жом аро манни Зиёда цуймоц ила ишратин зиёд этадур.

Замона боиси гамдур, замоне ахли хирад Кадах кучи била гамгин кунгулни шод этадур,

Пиёла даврини хуш тутки, жуз надомат эмас Анга натижаки, давронга эътимод этадур.

Не келса оллинга, тут сахлким, жафо курар ул, Биравки дахр инодин куруб инод этадур.

Анинг муроди муродимдурур, агарчи мурод Анга будурки, Навоийни номурод этадур.

**148**

Еамзанг ул сайёдким, гулшан аро ороми бор, Хол бирла зулфдин хам донаси, хам доми бор.

Хаттининг навраста жаннат сабзасидек холати, Каддининг наврас нихоли умрдек андоми бор.

Сарв уза гул бутмади харгиз, цани ул шухким, Сарви раънодек цад узра орази гулфоми бор.

Пора-пора багрим узра тинмаса, тонг йуц, кунгул, Шуъланинг ахгар уза бир дам цачон ороми бор.

Васл субхин то абад куз тутмасун ушшоц аро, Кимки хижроним тунидек бир цоронгу шоми бор.

Шукрлар цилдик, манга боциб бировким ёридин Кунда бир цатла назар солгунча чоглиц коми бор.

Катл цилса, йуц ажаб, дин ахлини кофир кузунг, Мунча ислом олибон элдин цачон исломи бор.

Субх ичарга бода ранги уйлаким тожи хурус, Еафлат ахлига хурус афгонидин пайгоми бор.

Итларинг сингон сафолидин Навоий ичса дурд, Улдурур Жамшиду илгинда жахонбин жоми бор.

**149**

Улки солгай шуъла аъзосига утлуг охлар, Кайда билгай куймакин зарбафт кийган шохлар.

Багридин цон томгучи ушшоц захмин билмагай, Тигидин цон томгучи берахм олий жохлар.

Шиддатин Фарход цилгай фахм, йуц Парвезким, Дардни хокилар англар, йуц фалак даргохлар.

Жону кунглум кирдилар гам даштига гум булгали, Мен хам эттим азм, чун азм эттилар хамрохлар.

Булсалар огахки, бир гамгинни хижрон ултурур, Фикр этар холига хижрон дардидин огохлар.

Вах, не билгай хажр занжирида дилхохим недур, Халца ургон базм айши даврида дилхохлар.

Эй Навоий, шохларга чун гадолар фикри йуц, Элткил хам тенгри даргохига шайаллохлар.

**150**

Хатти то бош чекти, кунглин май била хушхол этар, Хусни хат истаб, юз авроцин хамоно ол этар.

Лекин эл утни аёг бирла учургондек босиб, Хаттинннг хайли юзининг шуъласин помол этар.

Хат чицарди ул парий юзига йуцким эгнига, Вах, не пардур буки, андин элни форигбол этар.

Хат эмаским, цилди хусни кишварин зеру забар
Ким, бу янглиг юзни машц авроцидин тимсол этар.

Хусни хаттин сабзи пуш улмоцца норози эдим, Кур: не хол улгайки, ул кисватни эмди шол этар.

Хусни зохирдин не хосил, эй хуш улким, хар нафас Шохиди маъни юзидин узни фаррухфол этар.

То саводи хаттини курмиш Навоий, заъфдин Жисмини килк анда мехнат уцларидин нол этар.

**151**

Шоми хижроним аро жисми чу нолим чирмашур, Зулфи савдосида андоцким хаёлим чирмашур.

Ишц дарси ичра сурсам нукта савдо ахлидин, Турраси тобига чун есам, саволим чирмашур.

Чирмашай деб зулфига юз печ урармен хар кеча, Чун димог ичра бу савдои мухолим чирмашур.

Мен цуюн мисли эмон саргашта савдо даштида, Балки тацлидимни айлай деб мисолим чирмашур.

Зулфию цаддини кур, эй богбон, куп демаким, Ишци печоним била раъно нихолим чирмашур.

Мушкул ар цолгай асар мехру мухаббат ахлидин,
Буйлаким, ул хайлга бу чархи золим чирмашур.

Эй Навоий, кунглум истар зулфи торин, зулфидек Хар дам ул савдойийи ошуфта холим чирмашур.

**152**

Улмасам бу кеча, ранжу дарди гавгоси недур!
Итларингнинг хам бошим узра алолоси недур!

Хажр шоми тийралик бирла мени девонани Чун халок этти, яна бошинда савдоси недур!

Гам туни жоним уцубатлар била гар олмаса, Урнидин тебранмай анжумнинг тамошоси недур!

Жисм уйи вайрон булуб, сабру царору ацлу хуш Колмади бир, эмди ахли ищц ягмоси недур!

Телба кунглим иттингу жонимни барбод айладинг, Ёна келдинг, эй маломат, дашти расвоси недур!

Хилцатимни ищц нобуд эттию чекмас илик, Эмди билмонким, анинг оё таманноси недур!

Савту харф ичра чу сигмас ищц сирри, эй фацих, Килу цол ахлининг оё лову иллоси недур!

Чун азалда хар не цисмат булди, курмай чора йуц, Халц уз комин узидекдин таваллоси недур!

Эй Навоий, ищц аро чун йуцтур имкони висол, Телба кунглум хотирида мунча васвоси недур!

**153**

Хар цачонким хотиримга ул кузу цош эврулур, Хам цошимга чин тушар, хам кузума ёш эврулур.

Ул ой отцон тошни куксумга солдим, чокидин Суртсам хар ён илик, куксумга ул тош эврулур.

Мен нихонмен, заъф бирла вахмдин ултурди рашк, Гулшани куйидаким боди сабо фош эврулур.

Эй жунун арбоби, саргардонлигим афсонасин Гуш цилмангким, эшиткандин ани бош эврулур.

Бас улуг тоатдур ул бут сувратин цилмоц назар, Чун анинг нацшин куруб, хотирга наццош эврулур.

Келки, бу дайри кухан вазъига хайрондур басе Ким, тун анда сиймгун юз нацш хуффош эврулур.

Нацди жон бирла Навоий азм этар майхонага, Хар цачонким кунглига ул шухи цаллош эврулур.

**154**

Шиканжи туррасидинким гирих ёзилмайдур,
Бинафшаедурур, аммо хануз очилмайдур.

Кузунг жафо аро андоцдурурки, билмас узин, Еариб усрук эрурким, узини билмайдур.

Чу хур хуснин этар васф хозини жаннат, Сенинг жамолинга гуё наззора цилмайдур.

Дамим бахори булутида дард кожидин Кузумга хеч нафас йуцки, ут чоцилмайдур.

Эрур мулк аро ишцим сузи, тутунг маъзур Ки, бу фасона хануз эл аро ёйилмайдур.

Такаббур айлама, дехцон, деким, бу гулшанда Качон гуле очилибтурким, ул сочилмайдур.

Улар Навоийи бедилки, халцнинг кунгли Топилди, лек анинг овораси топилмайдур.

**155**

Бу кеча шамъу субх ёцо чок цилдилар, Гуёки улмакимни фироцингда билдилар.

Ишцим зухури Вомицу Мажнунга урди хат, Гар ишц дафтарида бурунроц битилдилар.

Куйида иттилар яна жону кунгул цочиб, Хар цатлаким куп истаб аларни топилдилар.

Ушшоци хажр чохидин улгон замон халос, Куйида мур хайли масаллик ёйилдилар.

Тавхид нуктасида хамуш улди пири дайр, Жамъики шарх цилдилар ани, ёнгилдилар.

Шахдур гадойи майкада, йуц-йуц, галат дедим, Шахни гадолар анда цачон кузга илдилар.

Туз цуй, Навоиё, оёгинг ишц куйида Ким, анда ашк суйидин эл куп тойилдилар.

**156**

Ун сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур, Не ажаб, чун сарвинозим ун сакиз ёшиндадур.

Деса булгайким, яна хам ун сакиз йил хусни бор, Ун сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ун сакиз йил дема, юз саксон йил улса, улдурур Хусн шохи, ул балоларким кузу цошиндадур.

Хайрат этмон хусни нацшидаки, хар хайратки бор, Барчаси эзид таоло сунъ наккошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кунглидин, Аклга юз хайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй мугки, юз хайрат аро колмиш Масих, Бул-ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тукти ул ой фуркатидин бахри ашк, Хар качон боксанг, куёш акси анинг ёшиндадур.

**157**

Неча тортай васл учун мен зори махзун интизор, Вахки, куздин тукти селоби жигаргун интизор.

Демаким, ул ойга куп муштоксен ё мунтазир, Иштиёким бенихоят, андин афзун интизор.

Эл мушаввашдур сени кузларда андокким вухуш, Дашт аро тортар замон Лайлига Мажнун интизор.

Ё куёшимни етур бошимга, ёхуд жоним ол, Куп манга еткурма, эй бемехр гардун, интизор.

Эй сахоби хажр, килма субхи умрум тийраким, Ул куёштин айру тортибмен узун тун интизор.

Бошима бир катла ет, гар худ эрур ултургали, Улди тортардин чу бу зори жигархун интизор.

Ишк шахри мунтазирдурлар Навоий катлига, Ул икига тортсондек тогу хомун интизор.

**158**

Дустлар, мен телба ахволига йигланг зор-зор, Ким соладур гах-гах ут кунглумга тушкан хор-хор.

Истамас булса сабо бир-бир кунгул жамъ айламак, Нега зулфунгни паришонлигдин айлар тор-тор.

Сен куёш бирла муносибсен уюнда, хублар
Икки-икки чунки киргайлар, отошиб ёр-ёр.

Куркарамким, булмагай озурда нозук коматинг, Эгнинга хуш-хушки солмиш чугди анбарбор бор.

Халца-халца буйнума солмиш таноби зулфини, Журми ишцимга магар хукм айлади дилдор дор.

Ишц эрур андоц мураббийким, цилур еткач асар, Булбул улгай, очса юз бир сарви гулрухсор-сор.

Эй Навоий, булди ул бут кофири оташпараст, Не ажаб, вах-вах, гар урса жонинга зуннор нор.

**159**

Ул не раъно цомату рухсори фаррухфолдур Ким, хавас идрокидин лолу хирад бехолдур.

Жон улардин, доги гамзангултурурдин туймади,
Оллох-Оллох, ул не мацтулу бу не цаттолдур.

Ацл пириким малак хайлига эрди муцтадо, Ул
пари ишци аро бозичаи атфолдур.

Хуру туби келмаса оллингга, эрмас айбким, Не бу хам цаддингдурур, не ул санга тимсолдур.

Чун нишиман цилди хуснунг богида кунглум цуши, Узга гулшанга цилурдин майл форнгболдур.

Вахки, чицти шахсуворим секретиб майдонга маст, То не динлар нацди рахши оллида помолдур.

Бас манга мунча шарафким, бергамен нисбат анга Холима андин агар идбор, агар ицболдур.

Кир харобот ичра, эй хамдамки, даврон ахлидин Ранжи гуногун давоси жоми моломолдур.

Дединг, ултургум Навоийнию айларсан хиял, Ул худ улди интизор ичра, бу не ихмолдур.

**160**

Яна бу оцшом бузуг кунглум, басе, бадхолдур, Тан бузуг зиндонида жон хам хароб ахволдур.

Рузгорим тийраликдин юзу холинг хажрида, Рузгори хиракаш рухсори узра холдур.

Ахтари идборим анинг барча нахсият била Толиъимнинг авжи узра кавкаби ицболдур.

Пири аклимким, манга манъи жунун айлар эди, Бир париваш куйида бозичаи атфолдур.

Нотавон жисмим жунун даштидаким булмиш хаёл, Дема Мажнун жисмидинким, рухидин тимсолдур.

Жаннати куюнгда тан сойирдурур, кунглум итиб, Шукр, ул учмогда жисмим эмди форигболдур.

Кунглум олди ишцу итти аклу сабру дин, бу дам Ул бузуг мулк ичра золим шахга истицлолдур.

Бевафолар ут, вафо ахли эрур туфрогким. Чархдин ул саркаш улди, бу доги помолдур.

Эй Навоий, ёр хажри дардида улмакдур иш, Чун тирилгунг йуцтур, истарга бу не ихмолдур.

**161**

Тушумга кирди жаннат ичра хуру тубию кавсар, Магар куйида топцум оразу, цадду лабидин бар.

Мен эттим ишци таркин хам ул этти васлиднн ваъда, Не андиндур манга бовар, не мендиндур анга бовар.

Юзи кузгуга, хатти юзга зийнат берди ким курмиш Камарга субхдин равнац, цуёшца шомдин зевар.

Юзинда хаймудур ё манглайидин цатра, вах, кургил Ки, гулдинму оцар шабнам, цуёшдинму томар ахтар?!

Лабида нутцу нутцида латофат курки, не янглиг Судур ёцут аро мудгам, хаёт ул су аро музмар.

Юзинда партаву ул партав ичра лаълини курким, Ут узра шуъла кургузди ва лекин шуъладa ахгар.

Хумори хажру дарди ишцдин музтармен, эй соций, Карам айлаб, утумга су цуй, аммо жонима озар.

Замондин ахли ё ахли замондин истаган эхсон, Ёнар утдин тиларким су чицаргай, хордин гавхар.

Тилар Лайлини Мажнун, дилбарин мискин Навоий, вах, Керак булбулга гул, девонага ёри парий пайкар.

**162**

Вахки, мен бедилга не ул номусулмондин хабар, Ул мусулмонким хабарга борди, не андин хабар.

Косиду жононадин йуцким хабарсизмен букун Ким, не цосиддин, не жонон, балки не жондин хабар.

Йуц манга андин хабар, доим суруб ахволини, Кайда бир сурмай анга мен зори хайрондин хабар.

Масти ноз ул, нотавонменким кетургай, элткай Ё анга мендин хабар, ёхуд манга андин хабар.

Вах, не кун булгайки, ул гойиб сафардин келди деб, Истабон мендин севинчи, етса хар ёндин хабар.

Хажр агарчи жондин итти бехабар, коши улгамен Бехудеким, булмагай жонимга хижрондин хабар.

Давр аёгин, социё, андоц тула тутким манга, Колмагай не ахли даврондин, не даврондин хабар.

Эй хуш улким, келди андоц мастур борди мастким, Топмади мутлоц не келгандин, не боргондин хабар.

Эй Навоий, ким сурар булса мени оворани, Дашт уза сургай магар гули биёбондин хабар.

**163**

Эй фалак, хижрон гамидин хотирим ношод эрур, Еайри васл ар салтанат берсанг, манга бедод эрур.

Бас неча мужримга бир жаллоди гамзанг хайлидин, Бир ёзуглуц зор кунглумга неча жаллод эрур.

Ноз ила гулшанга чун кирдинг — нихоли цаддинга Банда булгон сарвинозу савсани озод эрур.

Дам-бадам етмайдур эрса ишц зулми кунглума, Хар дам ул мазлуми мехнаткашка не фарёд эрур.

Неча йигсам сабр авроцию тоат хирманин, Сарсари ишцинг етишкач, сарбасар барбод эрур.

Нуш этиб жоми фано, цуйсам риё, айб этмаким, Дайр пиридин манга, эй шайх, бу иршод эрур.

Дард мулки, гам сипохи гусса нацдин арз этиб, Эй Навоий, ишц элига арз истиъдод эрур.

**164**

Охим гамингда гунбади ахзарни куйдурур, Хар учцуни фалакда бир ахтарни куйдурур.

Оташкада утида самандар топар хаёт, Кунглум
ути валек самандарни куйдурур.

То цоматингга не учун ухшатти богбон, Охим самуми сарву сановбарни куйдурур.

Бир утдурур танимдаким, анинг харорати Кунглакни кул цилур, доги бистарни куйдурур.

Дерларки, огиз ут деса куймас, вале бу ох Чун сабт булса, хомаю дафтарни куйдурур.

Лаълинг хаёли кунглума ут солди, вах, курунг, Не тез эрур бу бодаки, согарни куйдурур.

Соций, гам ичра улди Навоий — пиёла тут Ким, гуссалардин ушбу ут аксарни куйдурур.

**165**

Кунглум утин зохир этсам, барча олам уртанур, Шуъласин гар тортсам, туццуз фалак хам уртанур.

Момуг узра ёйибон кофур цуйманг догима
Ким, момуг доги тутошур хам бу мархам уртанур.

Гар гаминг сузокидин куяр кунгул, эрмас ажаб, Хар кунгул ичраки тушти шуълаи гам, уртанур.

Айб эмас, хар лахза охим шуъла чексаким, кунгул Бир юзи утлуц фироци ичра хар дам уртанур.

Ишцинг ути учцунидин жисмим андоц куйдиким, Барц хошок узра тушса, бу сифат кам уртанур.

Кайнабон куз чашмасидин ашк, жисмим уртади, Етса жушон су цаю узв узра, махкам урнатур.

Эй Навоий, кунглум ути узра су куй бодадин Ким, кунгул ул утка етмас булса бу нам, уртанур.

**166**

Зулфунг очилиб, орази дилжу била уйнар, Хинду бачае шухдурур, су била уйнар.

Ул шух кунгул лавхин этиб тийра нафасдин, Бир тифлдур алкиссаки, кузгу била уйнар.

Уйнай-уйнай боглади уйкумни фусундин, То гамзаси ул наргиси жоду била уйнар.

Тонг йукки, кузунг булса кунгул бирла мулоиб, Мажнунга ажаб йук, агар оху била уйнар.

Бир лулийи бозигар эрур чамбар ичинда, Холингки, ушул халкаи гесу била уйнар.

Зохид била нафс этса тамасхур, не ажабким, Ит сайд килур вактда тулку била уйнар.

Муг дайрида маст улса Навоийни курунгким, Бир олма кеби гунбади мину била уйнар.

**167**

Тилаб юзунгни кунгул хажрдин фарог истар, Коронгу тунда начукким киши чарог истар.

Бихишт борида дузах сори килур оханг, Хабиб куйи туруб, улки гашти бог истар.

Салох кунглакини йиртиб, ох утин ёрутуб, Кунгул фироким аро куксум узра дог истар.

Сочингни ислабон ошуфтамен, зихи савдо, Бировки мушкдин осойиши димог истар.

Хаёт бодасидин нашъа доги хайф анга Ки, лабларинг майи даврида узни сог истар.

Бу накд жаннат ародур, бировки дайр ичида Май ичса, мугбачалар илгидин аёг истар.

Куюнг Навоийи бедилни, килса куйига азм
Ки, кунгли итмиш анинг — айламак сурог истар.

Не тонг, агар уци вайрон кунгулга рогибдур: Куруг нихол бузуг бог аро муносибдур.

Сиришк цатралари тийра кулбам ичра, магар Бало сипехри аро нахсваш кавокибдур.

Кошингдаги гирих ул юзни кургали цуймас, Жамол мулкида султон улу бу хожибдур.

Кунгул уйи чу санамлардин улди бутхона,
Магарки, ишц бу бутхона ичра рохибдур.

Талабда шевану гавго эрур менинг айбим, Йуц эрса барча улус хубларга толибдур.

Не ихтиёр улус builtin ерга мундоцким, Нужум луъбати бирла фалак мулоибдур.

Навоий иттию куйида кимса демадиким, Бу куй итлари ичра бириси гойибдур.

**169**

Форигу озода бйлмас мубталолардин хабар, Шох кунглида цачон булгай гадолардин хабар.

Х,ажр водийсинда ким топцай мени оворани, Дам-бадам сургай магар дарду балолардин хабар.

Ул вафосиз олди кунглумнию юз кургузмади, Истасам ани, сурармен бевафолардин хабар.

Еунчадек цонлиг кунгул гум булди ул гул куйида, Эй сабо, тут гох-гохе ул аролардин хабар.

Чун хабар йуцтур цорарган рузгоримдин манга, Кайда топцаймен кузу цоши цоралардин хабар.

Улки масту бехабар дер, ишци жомидин мени, Гуйиёким, англамайдур порсолардин хабар.

Тут Навоий холидин гохе хабарким, айб эмас, Гар навозиш ахли тутса бенаволардин хабар.

**170**

Шоми хижрон субхидек багримни чок этти сипехр, Субхга еткунча жонимни халок этти сипехр.

Субхдек бир чок йук, кунглумни балким гунчадек Ишки мухлик тиги бирла чок-чок этти сипехр.

Гам туни хар кавкабинким жилвагар килди, мени Махвашим хижронидин андухнок этти сипехр.

Гарчи куйдурди мени, хуштурки, кунглум кузгусин Гайр накшидин хамул кул бирла пок этти сипехр.

То бало тошини ёгдурди манга хажр илгидин, Демайинким, хоксор эттики, хок этти сипехр.

Шукрким, жонимни хам мухтож килди зулмига,
Котилимни нечаким бевахму бок этти сипехр.

Гам захира куйгали эрди магар ишк ахлига
Ким, Навоий кунглини юз минг магок этти сипехр.

**171**

Кеча куймак расмини парвона мендин урганур, Шамъ куйдурмак ишида махвашимга утканур.

Ул парий хажринда мен девона чексам утлук ох, Эй малак, гар булмасанг вокиф, канотинг чурканур.

Анжум эрмас, катралар кук сакфида айлар аён, Дуди охимким, фалак токига хар тун чирманур.

Салтанат тахти уза ёткон уюмас рашкдин, Курса бошимники, хар тун остонинг ястанур.

Бахтим уйкудин куз очмас, йукса чун чексам фигон, Сунгги уйку масти булгонлар ул ундин уйганур.

Уз-узумга тулганурмен, кадду зулфин ёд этиб, Сарвга гулшанда сунбул шохи чунким тулганур.

Девващлардин кочиб тутти Навоий бодия,
Бу жихатдин теграсига дашти вахший айланур.

**172**

Кузда су — кунгул аро ут, не курарсен, охир?! Яна ахволин аларнинг не сурарсен охир? 1

Риштаи васл ила бир захмини тик, рахм айлаб,
Хажр тиги неча багрига урарсен охир.

Ул ой ошуфталарин айлар эмиш дилжулиц, Мунда, эй шефта кунглум, не турарсен охир.

Тушта хажрини куруб мен санга шархин айтай, Эй хаким, ани агар акс йурарсен охир.

Тийри боронки, отар чархи муцаввас — басдур, Неча цош ёсини цасдимга цурарсен охир.

Мазраи дахр аро соч лутф ила эхсон тухми, Хар не эксанг, ани-уц чунки урарсен охир.

Гар Навоийга даводур унунг, эй ёр ити, Хординг эркинки, тонг отцунча хурарсен охир.

**173**

Касрнинг хар кунгури узра бало тошимудур? Йуцса ботил ишц даъво цилган эл бошимудур?

Гам туни, билмон, шафацдур ё фалак миръотида, Акс кургузган кузумнинг лаългун ёшимудур?

Кофирему цатл айлар Каъба тоци ичра маст, Йуцса ул хунрезнинг усрук кузу цошимудур?

Бир хумоюн цуш кеча садцанг булур, эй мугбача, Коф анцосимудур ё дайр хуффошимудур?

Богбонким сарв узра айламиш пайванд гул, Сарв буйлуц гулрухумдур, йуцса буйдошимудур?

Илгида жому курар май ичра олам холини, Ё раб, ул Жамшид ё майхона цаллошимудур?

Тонглоги кавсар учун, дерсен, букун май ичмагил, Тек тур, эй зохид, Навоий сен кеби ношимудур.

**174**

Кеча хар кавкаб курунгач, ёдима ойим келур, Ой чу толеъ булди — мехри оламоройим келур.

Зухду тацво, бутрашингким, бу кеча май ичкали Байтул эхзонимга шухи бода паймоним келур.

Бу сариг юзунгни курмаски, Килгай кунгли рахм, Баски, юзга цонлиг ашки чехра олойим келур.

Вах, не хижрондур буким, айлай десам зикри висол, Дам-бадам огзимга охи мехнатафзойим келур.

Шайху ибрицу ридосин чун курармен — ёдима Дайр аро паймона бирла бодаполойим келур.

Озими дашти фано булдум, келур Мажнун доги, Гар цадам тез урмон андиндурки, хампойим келур.

Кузлару, жону кунгулда манзил эт ораста,
Эй Навоийким, букун махбуби худройим келур.

**175**

Музтариб кунглум аро ул юз хаёли айланур, Мавжлуц суда цуёш акси начукким чайцанур.

То узори жилва айлар — жилвагардур зулфи хам, Мехр то айлар тахаррук — соя доги тебранур.

Чун улусца ишци ут солди ажаб йуц куймаким, Бешага чун тушти хар ён шуъла, хас хам уртанур.

Эгма цад бирла мени саргаштадурмен музтариб, Токи чавгон азмига, билдимки, ул шух отланур.

Шухлиц расмин анга таслим этарлар хублар, Секрамакта уйлаким учцун чацинга утканур.

Айлай олмас оразингдин узга ён кунглум хаво, Куш узин машъалга чун урди — цаноти чурканур.

Социё, бер майки, гам шоми хумори хажрдин
Бир паришон туш куруб, бу хаста хар дам сесканур.

Кимки жон айлаб фидо, цозгонса дахр ахлида дуст, Англагил, эй дустким, ул душмани жон цозганур.

Эй хуш улким, бошининг остидадур дилбар цули Ким,
Навоий кечалар бори уз илгин ёстанур.

**176**

Май лабингга етса, жонимга харорат еткурур, Ут агар Исо дами бирла ёрурким, куйдурур.

Дарди хижрон мендадурким, умр утуб курмон юзин, Васл комилдур, буким Лайлига Мажнун телмурур.

Х,ар цулумни тоза цонлиг дог ила узган итинг Ул кишидекдурки, гул бирла ёгочни синдирур.

Келтирур куз богидин ашким багир парголасин,
Бустондин уйлаким гул яфрогин су келтирур.

Ер юзин бахр этти ашким, эйки, айтурсен мени,
Тоглар узра недин ахли жунун янглиг юрур.

Уйгай эрдим кузни тирног бирла, билсам эрдиким, Бир назардин бошима мунча балолар келтирур.

Социё, согарни айландурки, хар соат хумор
Заъфдин бошимни согар давридек айландурур.

Куй тараддудким, фано дайрига кирсанг, мугбача Икки согар бирла кунглунгни узунгдин тиндирур.

Эй Навоий, олам ахлидин цироц тут зинхор Ким,
мулоцоти аларнинг куп малолат еткурур.

**177**

Не ажаб, хар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёгди устига атфол элидин хоралар.

Оразинг атрофида гулдур курунган, эй парий, Ё
цамар даврида саф тортибдурур сайёралар.

Х,ар цуюн гуёки бир саргашта ошиц гардидур,
Баски, туфрог улди ищцинг даштида оворалар.

Англаким, ахбобни кунглумда мехмон этмишам, Итлари огзида гар курсанг багирдин поралар.

Анда Мажнун — мен, буён Лайли — сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён парий рухсоралар.

Хонацах вацфи суйин ичмаслар, эй шайх, англагил, Гар хумор улса фано дайридаги майхоралар.

Эй Навоий, ишц аро улмактин узга чора йуц, Бас,
галат булгай, демак ушшоцни бечоралар.

**178**

Турфа курким, фуркатидин юз малол оллимдадур, Гарчи куз хар сари солсам, ул жамол оллимдадур.

Ул Масиходинки бир дам айру туштум, улмадим, Охким, улгунча ушбу инфиол оллимдадур.

Тузгамен, хар неча булса тийра хижрон тунлари, Гар якин билсамки, айёми висол оллимдадур.

Англамон: оллимдадур лаълинг хаёли муттасил, Ё анинг шавкидин оккан ашки ол оллимдадур.

Жон бериб, лаълин бир упмакни таманно айладим, Эй кунгул, билким, ажаб фикри махол оллимдадур.

Давр жавридин тинармен, эй кунгул, хар лахзаким, Сокийи махваш била жоми зилол оллимдадур.

Эй Навоий, деб эди васлимга етсанг — жон олай,
Булмогум навмид, то ул эхтимол оллимдадур.

**179**

Мену гариблигу хажру бенаволиглар, Диёру
ёр фирокига мубталолиглар.

Шикибу сабр ила бегоналиглар айлаб куп, Балову дард
била бехад ошнолиглар.

Не кузгу тутмок эрур дам-бадамки, хожат эмас Сенинг
жамолинга бу навъ худнамолиглар.

Сени кунгул била жон кишварида шох айлаб, Хаёл бирла
килурмен ажаб гадолиглар.

Кадах кетурки, неча дахр элига кургузсанг Вафо, натижа
эмас гайри бевафолиглар.

Салох сувратида юз фасоду вокиф ёр, Бошимга то не
кетургай бу бехаёлиглар.

Навоий, эмдики муг дайри ичра сен кадах ич Ки, куп совуг
курунур мунда порсолиглар.

**180**

Осилмамиш цулогингдин юз узра гавхарлар Ки, айрилибтур ул ут шуъласидин ахгарлар.

Отинг аёгини упмакка наълу мих эрмас, Сипехр рахшидин инмиш хилолу ахтарлар.

Юзунгда хуй эмас, оби хаёт цатрасидин Куёш жамолига сунъ илги тацти зеварлар.

Бошогларинг учи эрмаски, чицти жисмимдин, Чицармишам учубон еткали сенга парлар.

Узор сафхасида хублар хати демаким, Туз этти ишц мени ултурурга махзарлар.

Бахор фаслида махмур булма, даштца чиц Ки, лола тутти басе лаълранг согарлар.

Навоий олдирибон кунглини агар топмас, Бировдурурки, цулидур жахонда дилбарлар.

**181**

Холу хаттидинки, хар бирининг бир узга холи бор, Хат юзинда нуцтадек мушкин хат узра холи бор.

Чарх уза заррин газол улди шафацдин жилвагар, Ё менинг мушкин газолимнинг харири оли бор.

Бахри ашким ичраким топмас зарар куз мардуми, Гуйиё кирпик найистонидин анинг соли бор.

Гарчи хинду булса, маскан айлагай хуршид уза, Холдек улким жамолингдин хумоюн фоли бор.

Не учун улмайки, эл цатлига айлаб эхтимом, Котилимнинг чун манга навбат етар ихмоли бор.

Кон ила дарё матоин найласун ул кимсаким, Дайр аро лаъли равондин жоми моломоли бор.

Узни маст истар харобот ичра важду хол ила, Гар Навоийнинг бу дам дарс ичра цийлу цоли бор.

**182**

Кофиреким, сен кеби рухсори оташноки бор,

Ут солурдин лашкари ислом аро не боки бор.

Ишк утин кунглум ёрутмок истаса, йуктур ажиб Ким, чурук булгон сунгаклардин курук хошоки бор.

Кунглаким чокин тикарга майл килдинг, эй рафик, Билмадинг гуёки, кунглак ичра куксум чоки бор.

Эйки, дерсен пок хуснумдек жамол ахлида йук, Мен кеби ишк ахлининг хам кайда ишки поки бор.

Катра-катра ашку дафъа-дафъа охим дудидия Ишк мулкининг ажойиб анжуму афлоки бор.

Сол янги ой завракига атласинг, эй чархким, Охдин бу шом ашким бахрининг кулоки бор.

Эй Навоий, куйма бошим шухлар гуй эткали Ким, ани осмокка булсун чобуким фитроки бор.

**183**

Хар гадоеким, жахонда бир мувофик ёри бор, Хизр умрию Скандар хашматидин ори бор.

Кимки ул бир кунгли севган нахл каддин бар еди, Оллох-Оллох, умридин не бахти бархурдори бор.

Билса кунглум холатин, шоядки келгай сургали Улки, кунгли ичра бир бадхуйдин озори бор.

Кузларидин кеча тонг откунча уйкум йуктурур, Кеча найлар анда уйкуким, ики бемори бор.

Шуълалик юз пора кунглум хайли мужгонинг аро Оташин гулдурки, атрофида хадсиз хори бор.

Истасанг даврон жафосидин кутулмок, эй кунгул, Хонаках таркин килиб, майхона куйи сори бор.

Хеч янглиг топмасанг дайр ичра май олмокка важх, Рахн учун булсун Навоий хиркаву дастори бор.

**184**

Икки гул вактидуру икки куёш давронидур Ким, кунгулда ул ики ораз гами хижронидур.

То латофатдин лабинг шавци тушубтур жон аро, Гуйиёким ул мунга тандур, бу анинг жонидур.

Кузда хар сари цизил раглар демаким, мардумин Еамзанг урди, захмлар хар ён югурган цонидур.

Мултафит бул холатим шархигаким, бу достон Шахр аро хар куйнинг бошида эл достонидур.

Хар цуюн гам дашти ичра курса Лайли согинур Ким, хасу туфрог аро Мажнуни саргардонидур.

Улки то мумкиндурур, курмиш фалакдин эътибор, Бас, мазаллат хам керак, куз тутса то имконидур.

Асрангиз узни Навоий шуълаи афгонидин Ким, бу ацшом фурцати ошубининг тугёнидур.

**185**

Луливашимдин айруки, цабримда лоладур, Ул уйнагон кеби ёгоч узра пиёладур.

Гулзор ораму лули этар лаъб тулганиб, Ё гул кеби узорида мушкин кулоладур.

Ул турфа чехра доиранинг чамбари аро, Хуршид даврасида анингдекки холадур.

Таблу нафир маъракаси ичра демангиз Ким, ишцида улус иши фарёду ноладур.

Борму уюн хароратидин чехрасида тер Ё равза гулистонида хар сари жоладур.

Гулшанда гунчадур демаким, чарх чирмаган, Булбул гизоси хар сари цонлиг наволадур.

Пинхону ошкор Навоийдин улмоги Гохе жафо цилиб, яна гохе уёладур.

**186**

Сарв уза гул бутмаса, цад узра рухсори недур? Жон агар ширин эмас — лаъли шакар бори недур?

Номан хажрим кабутар парларин гар уртамас, Ул цора хатлар цаноти узра хар сори недур?

Оразу зулфунгда кунглум кофири ишц улмаса, Бас, анинг бир сари бут, бир сари зуннори недур?

Риштайи зулфига боглицдур кунгул ул шухнинг, Тифл цуш судрар кеби хар сари рафтори недур?

Ишц даштида курунган ерда тушмиш эрди ут, Билдим — анда утдур, андин билмадим нори недур?'

Сабз хатлар васли холо мугтанамдур, эй кунгул Ким, билурким, иццтизои чархи зангори недур?

Гар итинг дебдур Навоий цилмади мехмонлигим, Кеча тишлаб-тишлаб олгон жисми афгори недур?!

**187**

Мен кеби парвона ишц утида бероромдур,
Ким, ани хам уртаган бир сарви сийм андомдур.

Ком ила исломсиз улмак, мусулмонлар, не тонг, Мендек улким цотили бир кофири худкомдур.

Туну кун оцу цорасин найлайин менким, манга Орзу бир хатти сабзу орази гулфомдур.

Холу зулфунг сайди булмоцца магар хам жон цуши» Ким, анингдек цушца лойиц дона бирла домдур.

Айшдиндур, анда наргисдек ул олгай бахраким, Оллида беш курси кофур ичра олтун жомдур.

Чун замон ахли замона ранги тутмоцдур зарур, Дахр нофаржом учун эл холи нофаржомдур.

Эй Навоий, чун замона ахлида йуцтур вафо, Хар неким йуцтур, тамаъ тутсанг, хаёли хомдур.

**188**

Париваше, дедилар, пардаи хижобдадур,
Курарга телба кунгул ани изтиробдадур.

Ити учун тилар эшкай таноб ул чобук Ки, элга
риштаи жон барча печу тобдадур.

Хамул таноб, не тонг, чекса ит кеби мени хам,
Менинг чу риштаи жоним хамул танобдадур.

Хиром вацтида ул ганжи хусн эрур гофил Ки,
иштиёци не чоглиц мени харобдадур.

Манга вафо цилур эрсанг, шитоб цил, эй умр, Нединки,
умр деган бевафо шитобдадур.

Фасона хар киши ул хусндин деди, лекин
Жамоли шохиди мацсуднинг ницобдадур.

Х,исоб айлама умрунгниким, неча утмиш Ки, умр
гафлат ила утса, не хисобдадур.

Парию ёр Навоийга цилдилар жилва,
Бу бирга рогибу ул бирдин ижтинобдадур.

**189**

Кулбамга, баски, гардун гам тоши ёгдурубтур, Сабрим
уйидек ул хам емрулгали турубтур.

Не лоладур, не жолаким, умр уйин бузарга Кук раъдлар
цазонин тог устидин цурубтур.

Фурцат туни эмаским, хижронда куйган элнинг Куйган
кулини даврони гардунга совурубтур.

Мен ох уцию гардун зулм уци ёгдурур, вах Ким, ул уцин
урарни бу уцтин ошурубтур.

Гардун цуёшни уртабким, ерга кумди гуё Ким, мехр журми
бирла бу навъ ёзгурубтур.

Соций, цадах суйидин шуъламни паст цилким, Бу коргахда
хайрат жонимни куйдурубтур.

Сингон сафол аро май ичсам, не тонгки, даврон Гам
тошидин нишотим жомини синдурубтур.

Муг дайрию маю бут, хушвацт улки, кунглин Майдин чу
маст улубтур — бир бутца олдурубтур.

Дунёдин ут, Навоий, осойиш истар эрсанг Ким, шугл, хар
неча куп юз онча гам турубтур.

**190**

Йулида кош мени пора-пора цилгайлар Ки, халц холима бир-бир наззора цилгайлар.

Бу холатимни куруб бори ишц асирлари Вафосиз элни севардин канора цилгайлар.

Васиятим буки, кунглумни кургач-уц ахбоб, Тутуб юзини хамул лахза цора цилгайлар.

Бу дард илаки улармен, мараз чу зохир эмас, Табиблар бу балога не чора цилгайлар.

Тамугни равза согингайлар ахли хашр ул кун Ки, телба кунглум утин ошкора цилгайлар.

Май ички, англамагайлар бу дайрдин рамзе, Гар ахли зухд юз ил истихора цилгайлар.

Сабо, дегилки, Навоийга тортсунлар хат, Аларки ахли вафони шумора цилгайлар.

**191**

Холи хижронида кунглум дарди беандозадур, Догдин боргач цора ташвиши анинг тозадур.

Тушта Юсуф хайъатин курдум хабибим ёдидин Гуйи ул цолип, бу рухи махз учун андозадур.

Захмим огзи бутмасидин уйцум учмиш, эй рафиц, Гуйиё бу узга уйцу келтурур хамёзадур.

Гамзаси жаллодида холин кунгулнинг билмадим, Эй сабо, тенгри учун куйида не овозадур.

Лаъли васфин ёзмишам жон сафхасидин дафтаре, Хар тараф жон риштаси бирла анга шерозадур.

Захмидин цон куп оциб ёхуд жунундиндур буким, Ул парий куйида хар дам телба кунглим озадур.

Итлари цут этсун ултургач Навоий цонини, Барча гар хар цатра бир жаннат гулига гозадур.

Воциф улким, бешаи жахл ичра жисминг хужраси Нафс сайёди хаво сайдин тутарга козадур.

**192**

Лолагун тун ичра, ё раб, ул газоли Чин эрур Ё кузумнинг мардуми цон ёш ила рангин эрур.

Билмон оёким шафац ичра эрур заррин газол, Лолагун тун ичра ёхуд ул газоли Чин эрур.

Айламиш гулдаста банди сунъ туну жисмидин,
Санъатеким аргувон барги аро насрин эрур.

Кадмудур бу ё эрур шингарф ила ёзгон алиф, Белму ё тореки, лаъл ичра анга таскин эрур.

Кунглум ичра солди ул тун акс ёхуд булди цон, Халц кунглин цон этарга, вах, бу не ойин эрур.

Бир цадах гулгун май, эй соций, тула тутким, кунгул Ул бути гулгун цабо бедодидин гамгин эрур.

Эй Навоий, цатл учун гар худ цизил тун кийди ёр, Басдур ул тун ранги не мухтожи цатлу кин эрур.

Дема тогу лола дахр ичра — ажал цаплони бил Ким, кийиклар цонидин боштин аёг рангин эрур.

**193**

Борди улким, сендин айрилгай кунгул то жони бор,
Жавринга цуйдум кунгул, цил ончаким, имкони бор.

Эй Масихим, мен цатили ишцмен, тиргуз мени, Бир нафас, дедим, цабул этким, нафаснинг жони бор.

Новакинг еткач, ики нов очти ашким суйидин, Гуйи ул новакнинг икки новлиц пайкони бор.

Хозини жаннат сену учмог гули бастур манга, Буки хар ён тигининг жисмимда томган цони бор.

Ёрса куксумни, фигон зохир цилур жон риштаси, Кунглак улса чок, узулган торнинг афгони бор.

Жон цуши учцоч, тузатти жисм уйин сайли фано, Эй хумоюнфол, ушул чугзики, бир вайрони бор.

Шайху, бир бодому цон ютмоцки, пири дайрнинг Нуцл ила майдин фано ахлига куп эхсони бор.

Дахр шухи макрига берма кунгул — йул баргин эт, Сен кеби хар гушада невчунки бир мехмони бор.

Лаъли хажрида Навоий кони кайнар демангиз, Янги майдек рухидурким, нолаи пинхони бор.

**194**

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур, Хилъат эрмас, ул бир утдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидururким, анда музмар булди жон, Оташин гулбаргидан хилъатки жононимдадур.

Жон куши хунобидин тутмиш малохат нахли ранг, Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур.

Катл биймидур, тараххумнинг доги уммиди бор. Бу либоси олким ул номусулмонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона шояд колмагай, Бу шафакгун хуллаким шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул сухбатидин сарв узин куп сарфароз, Эй сабоким, ул туни гулгун менинг ёнимдадур.

Сокиё, гулранг май солиб кетур паймонаким, Зухд биймидин халал ишк ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин хар гулдаким, Ул туни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.

**195**

Хаёт богида то сарву лола булгусидур, Менинг муммиди хаётим пиёла булгусидур.

Сурохи улгусидур манга сиймтан махбуб, Бошида кил анга мушкин кулола булгусидур.

Хаёт гулшани, муг кулбасию, мугбачанинг Юзию кадди манга сарву лола булгусидур.

Не айб базмим ичинда хазин фигонки, суруд, Ангаки кон ютар, албатта, нола булгусидур.

Кадахки холима кон йиглар, эмди охимдин Сиришки цатраси гулранг жола булгусидур.

Качон май ичра юзунг акси тушса, эй соций,
Пиёла даври ушул ойга хола булгусидур.

Дединг, фано недурур, мухтасар дейин улмак Ки,
шархини тиласанг, юз рисола булгусидур.

Навоий, истама кавсар майини зухд била
Ки, бода ичкучи элга хавола булгусидур.

**196**

Юзи гулчехра социйнинг тараб хукмига тугродур, Юзинда
май гули ул ёрлиг узра оли тамгодур.

Лаби лаъли халокимен агарчи жон физолигда
Масихо бирла ул гуё улук бирла Масиходур.

Дамим дуди хирад ахлин цилур хар лахза савдои,
Димогимда, курунг, ул зулф мушкидин не савдодур.

Синонин куксума то чекти ул чобук, бу хам цаддим
Хамоно гам сипохи цалбида ул уц учун ёдур.

Лабинг акси кузум шуробаси бахрида гуёким,
Чучук судурки, атрофида анинг талх дарёдур.

Жахонни чун кузумга хажр шоми айламиш тийра, Не суд
андин мангаким, васл субхи оламородур.

Бошим цуш ошиёни, тан жунун торожидин урён,
Не тонг, ёшлар югурмак хар тарафдинким, тамошодур.

Фидоси нацд исломимки, муг дайридаги соций Улус цонин
тукардин вахм цилмас, гарчи тарсодур.

Навоий дайр пири гуйиёким шахр шайхига Фано жомин
ичурдиким, харобот ичра гавгодур.

**197**

Кунгул уйига гаму гусса сайлидин не цусур Ки,
бода лойи била цилмишам ани маъмур,

Бировни мумкин эмас тийра айламак цайгу Ки, солмиш
улгай анга жоми бода ламъаси нур.

Хуш ул майеки, эмастур сафову лавн ичра
Тамуг ути била жаннат суйига ул макдур.

Десам бу ут кул этар гусса хирманин, не ажаб,
Десам бу су тузатур фикр касрини, не кусур.

Жахон гамию узум бодаси гумон килманг Ки,
зохир ахлига бу маъни этти буйла зухур.

Ва лек ахли хакикатка май эрур вахдат,
Гам ушбу касрат эрурким, килур кунгулга хутур.

Ичилса сокийи тавфик илгидин ул май,
Кунгул бу гамдин эмас шубхаким, булур махжур.

Манга бу май била бир жом келтур, эй сокий Ки, кунглум
ул гам аро булмиш асру куп ранжур.

Маломат ахлига, эй пири дайр, аёг тутсанг,
Бу навъ куйма Навоийни бир йули мастур.

**198**

Висол ахли, сизу, жоми муроду комронлиглар, Бизу гам
кунжию хуноби хажру нотавонлиглар.

Танимда хар тараф конлиг яра, гуёки килди ишк Касосим
хукминиким, туттилар теграмни конлиглар.

Эрур Фарходу Мажнун хонумони тог ила водий, Халос
этмиш мени ул кайддин бехонумонлиглар.

Басе диккат эди кунглумда килгач ул парий жилва, Жунун
бирла мубаддал булди барча хурдадонлиглар.

Асар йук кунглида ул шухнинг ному нишонимдин, Натижа
акс берди бизга беному нишонлиглар.

Мен улдум мехридин, юз мендек улса, йук анинг рахми,
Булур эрмиш бировга мунча хам номехрибонлиглар.

Кухан пире йулингда улди, бир хам бокмадинг, ё раб Ки,
уткай хайр бирла бу гурури навжувонлиглар.

Яна зухдум тарикин афв кил, эй пири дайр, охир Ки,
сендин яхшиликдур, неча биз килсак ёмонлиглар.

Навоийни деб эрмишсенки, мендии узгани севмиш, Кам улмас,
Оллох-Оллох, сендин ушбу бадгумонлиглар.

## ЗЕ ХАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 199

Замона богики, гулбаргидур нишотангез,
Не барги гулки, туташмиш тиканга шуълаи тез.

Тааммул эткурубон ранг-ранг гулларни
Ки, очти цатлига булбулнинг ушбу рангомез.

Чу нуши васли аро захри хажр эзилмишдур,
Анинг бу шарбатидин авло айламак пархез.

Не барги гулки, анга шахд цилди огушта,
Санамлар эрни кеби цилди ани шурангез.

Замона ахлига ут солгали эрур хар тун Сипехриким,
цилур анжум шароридин гулрез.

Агарчи тиги жафоси цатилидур Фарход, Бу
тиг цотилидин хам цутулмади Парвез.

Фано йулига цадам цуй, бошингни овучлаб Ки,
йуц бу йулда кишига бу навъ дастовез.

Муроди субхи висолингни тийра цилмоц эрур Ки,
хажр шомин этар мушкпошу анбарбез.

Навоий истаса тардоман элдин улмоц фард,
Фигондин ут сочибон барц янглиг эткай хез.

### 200

Истаганлар бизни, сахрои балода истангиз,
Водийи хижрон ила дашти анода истангиз.

Вомицу Фарходу Мажнундеклар ул водий аро
Булсалар пайдо, мени хам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ищцича дарду балову гуссага Толиб
эл бошига келган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важх фиддорайиндин,
Бохабар булмоц мени юзи цорода истангиз.

Кунглум ул зулф ичрадур, зинхор ищцим шархини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуцта янглигким, вафо узра цилур котиб рацам, Ишц утининг догини ахли вафода истангиз.

Огзи шавцидин Навоий итти, ани истар эл Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

**201**

Жонима цасд айлару бор уйлаким жоним азиз, Мен анга хору манга ул мохи Канъоним азиз.

Кон ютармен, лаъли гулбаргига эсса тонг ели, Тонг эмас, эй дустлар, булса менга жоним азиз.

Келди кунглумга хаёли жону кунглум нацдини, Айладим исорким, бор эрди мехмоним азиз.

Кургач-уц ушшоц аро жонимга сурди тиги цатл, Эл аро бу хор цулни цилди султоним азиз.

Гарчи хор эттинг мени дайри фано ахли аро, Бул мусулмонлар аро, эй номусулмоним, азиз.

Бодаи лаълинг учун азми харобот этгали Риндлар ичра эрур цадрим бийик, шоним азиз.

Дема хар соат Навоийгаки, тарк эт ишцини Ким, менга бехад эрур ул кунглум олгоним азиз.

**202**

Гар улмасам эди ул ойга ошно харгиз,
Бошимга ёгмас эди чархдин бало харгиз.

Тарици ишц аро беэътидол эсам, йуц айб Нединки, тушмамиш эрди бу иш манго харгиз.

Жафосидин, демаким, ишц таркини тутцил, Бу иш булурму вафо ахлидин раво харгиз.

Балои ишцига мен мубталою истамагай
Кутулмац ила балодин бу мубтало харгиз.

Даво чу мумкин эмас ишц дардига, вахким, Илож топмади бу дарди бедаво харгиз.

Ёйилди Вомицу Фарход ишци, йуц эди лек
Менинг ишим кеби хар ён бу можаро харгиз.

Кунгулни дахрдин ошуфта цилмаким, хуштур Ки,
тийра булмаса жоми жахоннамо харгиз.

Санга замон элидин етса куп жафо муни дей
Ки, ким куруб эди бу хайлдин вафо харгиз.

Не келса, хуш тут узунгники, халц кунгли учун Рацам
хак айламади котиби цазо харгиз.

Десангки, хом тамаъ бирла булмайин ранжур, Висол
айлама ишц ичра муддао харгиз.

Навоий, истама куп ишц аро наво, негаким Бу
бог булбулига етмади наво харгиз.

**203**

Утинг, ишрат ахлики, биз зорларбиз,
Туман минг балога гирифторларбиз.

Кунгулни цилиб юз яра ишц уци,
Тараххум цилингким, дилафгорларбиз.

Тиларбиз шифо бир Масихо нафасдин
Ки, бу кухна дайр ичра беморларбиз.

Ёрутцой дебон кузни бир саъд кавкаб,
Хар ацшом тонг отцунча бедорларбиз.

Сабукрух соций, фано жоми тутцил
Ки, узлук юкидин гаронборларбиз,

Муяссар эса дустнинг васли бир дам,
Бериб икки олам, харидорларбиз.

Навоий кеби ичгали ишц жомин
Харобот куйида хумморларбиз.

**204**

Маозаллох сиз, эй ишцу мухаббат, не балодурсиз Ки,
кунглумдин олиб сабру шикеб, утлар солодурсиз.

Сени кур айлаб, эй куз, эй кунгул, солсам сени утца,
Мухикменким, манга сиз боиси дарду балодурсиз.

Гар ахбоб этсалар гулгашт, эй жону кунгул, борманг,
Нединким, сиз бирав хажри гамига мубталодурсиз.

Насихат ахли, ултурманг дамо-дам ишку дард ахлин,
Демай бедардсиз, биллахки, дарди бедаводурсиз.

Ишингиз жону дин олмокдур, эй муг дайри атфоли,
Агар куффори хайбарсиз ва гар турки хитодурсиз.

Мени бир жом ила узлук хуморидин халос айланг,
Гурухи риндларким, сокини дайри фанодурсиз.

Танаъум ахлию базми висол, эй дарди хажр ахли,
Навоийдин сиз айрилмангкн, зору бенаводурсиз.

**205**

Не айб, ишкка бу мури мубтало ожиз
Ки, ишк агар будурур, булгай аждахо ожиз.

Рафиклар бошима йиглашурлар, улди магар
Табиб килгали бу дардима даво ожиз.

Риёга ажз кетурсам тонгиргама, эй шайх,
Ул ишда чун ёратибдур мени худо ожиз.

Нечаки тавсану тунд эрса халк кунгли булур, Чу булди
ишку мухаббатка мубтало ожиз.

Фирок илгида ожизмен, эй кунгул, не ажаб,
Кишини айласа минг мехнату бало ожиз.

Жамол мулкида сен хусн шохи, мен мунглуг, Шах этса
рахм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

Навоий ар кила олмас гадолиг, эткил рахм Ки,
булди бир йули ул зори бенаво ожиз.

**206**

Тукти конимни — менинг сари чу очти ёр куз,
Тукмайин кон найласун ул котили хунхор куз.

Кузу кунглумдин балоларга йулуктум, кошки Итса
бесомон кунгул, кур улса йиглаб зор куз.

Хажр тиги бирла урма ончаким, курсун сени, Хар не
цилсанг цил, чу топти давлати дийдор куз.

Вах, нелар булгай яна тушса кузум ул кузгаким Ул
бири хунрез куздур, бу бири хунбор куз.

Куз учидин ваъдаи васл айлаб имо олди жон, Гуйиё бози бериб жон олди ул айёр куз.

Бир юз очиб, чок этиб кунглумни, кузунг урди ниш, Булди бу иштин кунгул мамнуну миннатдор куз.

Истасангким, сурмаи мацсуд ила куз ёругай, Сурма кун тунларда хижрон шоми тут бедор куз.

Кузу кунглунгга десанг ул еткач офат етмасун, Саъй этиб тухтат кунгулни, асрагил зинхор куз.

Эй Навоий, тутиёйи васлга цобил булур,
Гам ема, гар булса хижрон хоридин афгор куз.

**207**

Ишц журмига мени, эй дустлар, ёзгурмангиз, Бегунах мен худ куярмен, сиз даги куйдурмангиз.

Хар замон чун ёгдурур бедод уцин жонимга дуст, Сиз даги таъну маломат тошини ёгдурмангиз.

Мен чу улдум ёшуруб ишцин, гар эмди сурса ёр, Холатимни сиз не билганни денгиз, ёшурмангиз.

Сурманг, эй ушшоц, мендин найлоли деб ишц ора, Гар цила олурсиз, аввалдин кунгул олдурмангиз.

Ишц оташгохида кул булмишам, эй дустлар, Кукка хар соат кулумни сиз даги совурмангиз.

Чунки ишц ошубидин хар дам ишим улмакдурур, Сиз хам, эй ахли насихат, таън ила ултурмангиз.

Ишц оламидин суруб солди Навоийдек мени, Куйига, эй ашк хайли, сиз хам андин сурмангиз.

**208**

Куксумни тиги мехнат ила яра айлангиз,
Тортиб узунг кунгулнию юз пора айлангиз.

Хар порасини куйдурубон кул цилиб сочиб,
Хар заррасини бир сори овора айлангиз.

Ул кулдин айлабон фалак охим шарорасин,
Хар жонибида кавкаби сайёра айлангиз.

Хар навъ мумкин улса, ани фоний айлабон,
Бедодидин бу шефтага чора айлангиз.

Ул шух ищцин истаган эл, солмангиз назар
Анинг сорики, кунглума наззора айлангиз.

Чарх улди золи хийлагар — анинг тарици макр,
Тажрид эли, талоци бу маккора айлангиз.

Овора кунглн келса Навоийнинг озибон,
Эй хайли дуди оц юзин цора айлангиз.

**209**

Киши курмайдурур ицш ичра зоре мен кеби харгиз,
Еами хижронда бесабру цароре мен кеби харгиз.

Хаданги гамзаву ошуфта зулфунгдин йуц эркандур
Дил афгоре, паришон рузгоре мен кеби харгиз.

Десанг ушшоцнинг хоки тани узра сурай маркаб, Куп истаб топмогунгдур хоксоре мен кеби харгиз.

Сенингдек суст паймон дахр аро харгиз йуц эркандек,
Вафога хам йуц эрмиш устуворе мен кеби харгиз.

Жафогарликда йуц эрмиш сенингдек, дерга йуц хаддим, Йуц эркандур жафокашликда боре мен кеби харгиз.

Дедимким: дахр богида йуц эрмиш мен кеби булбул,
Дедиким: борму эрмиш гул узоре мен кеби харгиз.

Магарким ёр social булса, дафъ улгайки, етмайдур
Кишига васли жомидин хуморе мен кеби харгиз.

Фироци жаврида навмид хам йуц мен кеби, гарчи Йуц эрди васлдин уммидворе мен кеби харгиз.

Навоий, демаким, хижронида сабр ихтиёр этгил, Бу ишда йуц эмиш беихтиёре мен кеби харгиз.

**210**

Васл уммидидин бошимга ёрни келтурдунгуз, Окибат юз хажр тоши бошима ёгдурдунгуз.

Синди бошим косаси андокки кунглум шишаси,
Мухтасибдек ишратим асбобини синдурдунгуз.

Юз тамугча ут не хожат эрди, эй хажру фирок Ким,
ёкарда эмганиб хасдек таним куйдурдунгуз.

Тинмагур агёр зохир айлабон куп изтироб,
Дажр аро катлим учун мендин кунгул тиндурдунгуз.

Майга афюн солиб, эй дарду бало сокийлари, Турфа
буким, маст булдунг деб мени ёзгурдунгуз.

Чун вафо йук дахр гулзорида, эй тонг кушлари,
Сахвдурким, бесамар ашжорида ултурдунгуз.

Сизга хам, эй ишрат ахли, колмагай жовиди васл, Буки
зулм айлаб, Навоийни అродин сурдунгуз.

**211**

Йук хадим куймокка анинг рахши туйногига юз,
Басдурур, гар сурта олсам йули туфрогига юз.

Тунунгга юз сурта гар олмон, чаманда хар шажар
Ухшаса каддингга, суртай барча яфрогига юз.

Рахшининг догига мумкин булмаса юз суртарим,
Суртайин жисмимда ишки утининг догига юз.

Куйига йул топмасам, дузах сари борганча бор, Кому
осойиш учун куймок Эрам богига юз.

Дустлар, катлимга андок келди ул султони хусн Ким,
салотин куймагайлар катл учун ёгига юз.

Ишкдин Фарход ила Мажнунча мен куймок била Гах
жунун даштига гому гах бало тогига юз.

Эй Навоий, васл осон эрдию хижрон котиг, Курки,
осонлик тилаб, куйдум катикрогига юз.

**212**

Кузу кунглумга то булди аён ул зулф бирлан юз,
Кузумдин уйцу учти тун, кунгулдин сабр хам кундуз

Югурмактин сиришким хажр шоми юзда хатлардур,
Тулуъ эткач югурмак одат эрмиш гам туни юлдуз.

Хаёлинг бирла мен то бодаи ишцинг била сархуш,
Эмасмен ишцинг ицболидин, эй жон, бир нафас ёлгуз.

Янги ой ботти, наргис итти, барбод улди сарву гул,
Таололлох, не цошу куз экин, ё раб, не цадду юз.

Тонг эрмас, соядек оллингда сарви рост бош цуйса,
Тушар чун хар кишининг цадди туздур, сояси хам туз.

Чаманда сарву гулнинг ишваси кунглумга ёцмайдур,
Фидо жоним санга, цаддингга бергил жилва, юз кургуз.

Келурмен хонацахдин дайр сари, базм туз, эй муг,
Мугона тут суруд, эй мутрибу эй мугбача, май суз.

Чу муг дайрида зикрим дуст оти булди, эй соций,
Манга-уц тут цадахни, гар эрур туцсону гар туццуз.

Санамлар хуснидин мацсуд ёр улмиш
Навоийга, Агар барлос, агар тархон, агар
арлот, агар сулдуз.

**213**

Качон булгай манга вaслида имкони тараб харгиз,
Хаёлинда чу айлай олмадим тарки адаб харгиз.

Агарчи халц жон топмиш лаби оби хаётидин, Манга
жуз хажр захми бермади ул нушлаб харгиз.

Висол ахли сизу ишратким, анинг завцини билмас,
Биравким курмади умрида жуз ранжу тааб харгиз.

Табибо, цилса кунглум утин афзун шарбатинг, тонг
йуц, Су бирла шуъла табъидин кетарму тобу тоб
харгиз.

Чу Лайли цилди Мажнун кунглининг сарманзилин
хилват, Не суд ар цуймаса Х,ай гирдида ани араб
харгиз.

Ялинсам ултурур, цилсам ниёз, огози ноз айлар, Киши
курганму эркин буйла хуйи бул-ажаб харгиз.

Качон равшан кунгулни нафс ути дуди цилур тийра,
Нубувват шамъини не навъ учургай Булахаб харгиз.

Нечаким саъй бирла топмаса матлубини солик
Керакким, жонидин кам булмаса ранжу талаб харгиз.

Навоийдин киши ошицлиц отин махв эта олмас, Качон кетгай, киши салб айламак бирла лацаб харгиз.

**214**

Эмди гами йуц, солди чу кунглум ар минг суз, Охим утидин учса хамул шамъи дилафруз.

Кунглум яросин тикти ва лекин уци бирла,
Жонимга алифдек дурур ул новаки дилдуз.

Васли аро, курдум, тенг эмиш буйию сочи, Тун-кун тенг экан зохир улур булди чу навруз.

Ишц айлади расво мени, эмди бошинг ол, кет Юз хижлат ила, эй, хиради маслахатомуз.

Жоним эвида онча гаминг нацдини йигдим Ким, булди кунгул махзани бу жони гамандуз.

Бир субх ангаким толеъ улур бода цуёши,
Хуш бахти хумоюн била хуш толеи феруз.

Дерларки, Навоийму экин дашти фанода, Чун сарсари хижрон совурур бир соридин туз.

**215**

Эй юзунг боги насимида хавойи навруз,
Лаъли тожинг булуб ул богда бустонафруз.

Зулфу рухсор ила комимга мени еткурсанг,
Хар тунунг цадр улубон, хар кунунг улсун навруз.

Кунглум ул луъбат илигида гирифтор улмиш, Кушни ул навъики лаъб ахли цилур дастомуз.

Дарди хажрингда куяр кунглуму уз холимга
Кишисизликдин узумдурмен узумга дилсуз.

Дахр золига кунгул бермаки, Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамгора ажуз.

Кук жафосидин улур хобгахинг буз туфрог, Булса остингда сипехр ашхаби янглнг кук буз.

Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври Санъату рангни цуй, сузда керак дард ила суз.

**216**

Дустлар, махрам деб элга роз ифшо цилмангиз,
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо цилмангиз.

Фош цилманг роз, чунким асрай олмай цилдингиз
Узгалардин асрамоц боре таманно цилмангиз.

Ишц асрорига тил махрам эмастур зинхор Ким,
кунгулдин тилга ани ошкора цилмангиз.

Чун кунгулдур цалбу тил гаммоз, махфий розни Жон
харимидин бу иккига хувайдо цилмангиз.

Чун кунгул тил бирла махрам булмади, хожат эмас
Айтмоцким, элга андин нукта имло цилмангиз.

Сахв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим булуб,
Охнинг дудин сахобу кузни дарё цилмангиз.

Чок-чок айлаб кунгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга аларнинг ёди цатъо цилмангиз.

Менда хижрон дардию йуц сабр, бори дустлар, Чорае
гар цилсангиз, жуз жоми сахбо цилмангиз.

Чун Навоий ишц розин асрай олмай цилди фош, Отини
роз ахли туморинда инжо цилмангиз.

**217**

Нозанинлар, бенаволарга тараххум айлангиз, Лутф
агар йуцтур, газаб бирла такаллум айлангиз.

Гах бийик, гах паст гирён курсангиз ушшоцни, Фош
кулмассиз, нихон боре табассум айлангиз.

Хажр зулмидин цотиц холимни, эй жону кунгул,
Билдингиз, ёр оллида бориб тазаллум айлангиз.

Эй балову дард, утлар худ солибсиз жонима,
Лек сиз хам гах-гах ул уттин таваххум айлангиз.

Кон агар ютсам царориб ахтарим, эй хатту
хол, Сиз майи лаъли била боре танаъум
айлангиз.

Биз фано туфроги булдук дайр аро, эй ахли зухд,
Хонацах сахнида сиз бахси тацаддум айлангиз.

Эй муганнийлар, Навоий маст эди — кеч уйгонур, Ани
уйготмоцца бир дилкаш тараннум айлангиз.

**218**

Мени бир нома бирла дилбарим ёд этмади харгиз,
Кулин цайгудин ул хат бирла озод этмади харгиз.

Сиришким сайли йицмай цуймади худ сабр бунёдин,
Бузуг кунглумда тархи васл бунёд этмади харгиз.

Балолар тогини хажринда тирногим била цоздим, Мен
эткан ишни ошицлицда Фарход этмади харгиз.

Чу нацди сабр торож айладинг, кунглумга ут солдинг,
Бу навъ уз кишварига шох бедод этмади харгиз.

Фироц айёмида куп нафъ еткурди буким, кунглум Узин
ул шухнинг васлига муътод этмади харгиз.

Не тонг девона кунглум итларингга таън цилмоцким,
Ебон юз дарду мехнат тоши, фарёд этмади харгиз.

Эрур, ишц оллида жоним фидо цилсам, хануз озким,
Ул ойдин узгани цатлимга жаллод этмади харгиз.

Не тонг, эй мугбача, ишцингда маст улсамки, пири
дайр Бу икки ишдин узга бизга иршод этмади харгиз.

Агар бузди Навоий кунглини ул бевафо, тонг йуц,
Вафо ахли уйин чун ишц обод этмади харгиз.

**219**

Бор анингдекким керак ул кузу цошу цадду юз,
Оллох-Оллох, ким курубтур хусн бу янглиг тукуз.

Зулфунг эгрилик, цадинг тузлуктадурлар уйлаким,
Сунбул эрмас мунча эгри, сарв эрмас онча туз.

Сен эрурсен хусн шохи, мехри сойир тожири Ким,
чекибтур оллинга афлок жинсидин туцуз.

Хажр заъфидинки жон бир риштага боглицдурур,
Жонга рахм эт, эй ажал, бу риштани хам тортиб уз.

Неча кунглум кишваридин сабр тархин бузгасен, Бир доги бу хаттидин зулму ситам тархини буз.

Куз аёгингга етар уммид бирландур буким, Оллинга юз цатла хар соат цуярмен ерга юз.

Социё, даврон ишида йуцтурур жуз тийралик, Дафъига анларга доир давр аёгин бода суз.

Фацр куйи туфрогиким, улдур иксири хаёт,
Жон бериб куз ёритурча олсанг — олмишсен учуз.

Эй цаландарваш муганний, гар Навоий кунглини
Истасанг хар лахза бехол айламак, тузгил цубуз.

**220**

Эй муганний, чун нихон розим билурсен — соз туз, Тортибон мунглуг наво созинг била, овоз туз.

Навха оханги тузуб, огоз цил махзун суруд, Ул суруд ичра хазин кунглумга махфий роз туз.

Тузма огоз айлабон Фарходу Мажнун циссасин, Десанг эл куйсун, менинг дардим цилиб огоз туз.

Истасангким, нагманг ичра куп халойиц улмагай, Ул икавдин куп, вале мендин тарона оз туз.

Гар менинг холим десанг туз барча достони ниёз,
Дилбаримдин нагмасоз этсанг, суруди ноз туз.

Чун бу гулшанда нишиман цилгали цуймас хазон, Гул фироци савтин, эй булбул, цилиб парвоз туз.

Базм аро уртар Навоийни нихон мунглуг суруд, Эй муганний, чун нихон розим билурсен — соз туз.

**221**

Бормаким, бир дам узумни била олмон сенсиз, Келки, бир лахза тахаммул цила олмон сенсиз.

Чикма кунглумдин, улар вактким ул гурбатда,
Жону тан кишваридин айрила олмон сенсиз.

Бода базмида нишотим тиласенг, сокий бул Ки,
майи кавсар ичиб, очила олмон сенсиз.

Майи ишкинг била бехудмен, агар хуш манга
Истасанг, кел бериким, ойила олмон сенсиз.

Гулу булбулдек отим сенсиз эмас эл тилида,
Шукрким, сузда доги айтила олмон сенсиз.

Не гам оворалигим, жоним аро чун сенсен, Истаган
элга доги топила олмон сенсиз.

Чун Навоий сени курмай нафасе билмас узин,
Бормаким, бир дам узумни била олмон сенсиз.

**222**

Йигитлигинда килур кадни бенаволар куж, Магарки
фока юкидин булур гадолар куж.

Не рост кад била магрурсиз, йигитларким,
Сипехр айлар ул укларни мисли ёлар куж.

Хавас корилиг этиб, гуйиёки айларлар Кунгул камини
учун кадни дилраболар куж.

Не шух туз кад ила жилва килдиким, килди Гаму бало
юкидин кадни порсолар куж.

Асо тутуб не илож айлагай гадоки, булур Чу вакти етти
— фалаккадр подшолар куж.

Аларки куж кадим бирла хазл этарлар, хайф Ки,
булмагумдурур ул дамки, булгайолар куж.

Навоий итти йигитлик, магар вафосизлик
Килдилар карибон кадни бенаволар куж.

## СИН ХАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

**223**

Даврон гулию гулшани хорига арзимас,
Гулгун майи балойи хуморига арзимас.

Минг йил киши жахон элига цилса шохлиц, Бир дам
алар ихонату орига арзимас.

Манцалда уду сандал агар айласанг утун, Бир лахза дуд бирла шарорига арзимас.

Офоц мулки фатхи учун тортмоц сипах
Билким, сипох гарду губорига арзимас,

Юз цари олам ахли аро айламак нашот, Бир дам алар нифоцу ницорига арзимас.

Йиллар хабиб васли муяссар эса, гахе
Майли рациб жониби борига арзимас.

Киргил фано йулига, Навоийки, дахри дун Бу умри бесаботу мадорига арзимас.

**224**

Эй, цуёшдек оламоро хуснунга хайрон улус, Зарра янглиг ул цуёш давридa саргардон улус.

Уйла расвоменки, борсам хар тараф беихтиёр, Тортар ийнак, келди ул девона деб, афгон улус.

Жилвагохи хуснида бир дам тамошо истарам, Нетти бир дам булса олам даштидин пинхон улус.

Дузах утидин улус тенгрига элтурлар панох, Не учунким, курмамишлар шуълаи хижрон улус.

Хажрдин юз саъб холат ичрамен, эрмас ажаб, Гар тамошога цилурлар бошима тугён улус.

Гар улус изхори ишц айларлар, аммо чекса тиг, Мен цолурмен тиг остида, цочиб хар ён улус.

Тийр боронким гаминг цилди, туганмас царнлар, Терсалар анда бошоц терган кеби пайкон улус.

Чун фалак жавфин цазо цилмиш хаводис хуццаси, Буйла ерда фитнадин цочмоц зихи нодон улус.

Гар улус ахду вафосида Навоий улди, лек Йуцтурур бу ахд аро цилмоц вафо имкон улус.

**225**

Хар ниёз этсам аён, жуз ноз ойин айламас, Неча аччиг йигласам, бир лабни ширин айламас.

Истаса хар кимни ултурмак учун жаллоди дахр,
Вахки, мендин узгани ул гамза таъйин айламас.

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг Шавци
булса, хотири майли раёхин айламас.

Жилваким цонлиг кунгулда айлар ул цад бирла юз,
Сохати гулзор аро шамшоду насрин айламас.

Ашк уткунча юзумдин цахрабо ранги тутар, Суни
харгиз заъфарон бу навъ рангин айламас.

Вах, не холатдурки, ул хусн айласа хар кимни шод,
Ишц мендин узгани бу ишда гамгин айламас.

Эй Навоий, суз деким, давронни гардундек цазо Жуз
бу дурри кавкаб ойин бирла тазйин айламас.

**226**

Йуц дамеким, фурцати жонимга бедод айламас,
Еайрни шод эткали кунглумни ношод айламас.

Улмакимни билмайин гуё дер эрмиш ул парий Ким,
неча тундурким, ул девона фарёд айламас.

Улча багримга цилур гам нишидин хижрон гами,
Тогнинг багрига метин бирла Фарход айламас.

Солди кунглум утига пайконларин хижрон, ажаб Ким,
манинг цатлимга боштин тиги пулод айламас.

Кайси бир дамдурки солмон сабр авроцига куз Ким,
борин охим ели бир дамда барбод айламас.

Бевафолар рагмига севдим парини, эй кунгул Ким,
вафо изхори жинси одамизод айламас.

Оцибат чун айрулуцдур, ул киши айлар галат, Ким
висол ичра узин хижронга муътод айламас.

Мугбача цурбони булсак йуц ажабким, пири дайр
Бизга ойини фанодин узга иршод айламас.

Эй Навоий, булма анинг ёдидин гофил даме, Сен ким
улдунг дегаликим, ул мени ёд айламас.

**227**

Йук манга хад айламак бошингга эвоулмак хавас,
Итларики бошига эврулмак муяссар булса бас.

Чун хаддим йук эткали жавру жафосин илтимос,
Кайда мумкнн айламак мехру вафосин мултамас.

Эй Масихим, чун улармен — бир васият айлагум,
Халкдин махфий кулок огзимга куйгил бир нафас.

Кечалар хажрингда фарёдим утар афлокдин,
Махвашим, фарёдким, булмас манга фарёдрас.

Гулмудур куйгон кафас устида, эй булбул, санга Ёхуд
афгонинг утидинму туташибтур кафас.

Гулшани ишк ила олийшон эрурким, анда бор Сидра
шохи бирла туби бир-ики хошоку хас

Гар Навоий ёрнинг васлин таманно килса бор,
Уйлаким, булгай гадо кунглида шох улмок хавас.

**228**

Менга, согинмаким, ул дилрабо эрур мунис Ки, дарди
хажрида юз минг бало эрур мунис.

Ниёзу ажзидин ар улса дам-бадам, не ажаб,
Гадовашеки, анга подшо эрур мунис.

Чу ишк бодияси келди дашти истигно, Шах
улди зор анга, гар гадо эрур мунис.

Вафосиз англаса уз умри-ук гумон килдик, Ангаки
умрида бир бевафо эрур мунис.

Хаёл булди таним заъфдин таносиб учун, Бу
дамки ёр хаёли манга эрур мунис.

Бу дашт катъида хамрох эрур кадам урмай, Ангаки
сокини дайри фано эрур мунис.
Навоий унски булбул била тутар, тонг йуц, Бу
бенавога гар ул бенаво эрур мунис.

**229**

Бир ойни тилаб, хаста кунгул зорму эрмас, Хажри
гамидин юз туман афгорму эрмас.

Сурмастин анга цатл тилар, йуц эса кунглум Ошицму эмас, бекасу беморму эрмас.

Ишцида ситамлар била улсам, ке ажаб, ёр Котилиму эмас, шуху ситамкорму эрмас.

Диним бошига титрар эсам, тонг эмас, ул куз Кофирму эмас, масту дилозорму эрмас.

Чун сурди самандин нега улдунг дема, эй шух,
Сархушму эмас, чобуку айёрму эрмас.

Гар дахр арусига дедим берма кунгул, боц: Мухтоламу пурхийламу маккорму эрмас.

Гар булса харошида Навоий уни, тонг йуц Бир гул гамидин кунглида юз хорму эрмас.

**230**

Айлаган цадду юзунг боринда сарву гул хавас, Дахр бустонида андоц булмагай бир булхавас.

Нозанин цадднинг нихоли бирла рухсоринг гулин
Кургали не сарв цилдим орзу, не гул хавас.

Сарвинозим бошида то курди мушкин кокилин, Шамъ айлабтур муанбар дудидин кокил хавас.

Курди то сарв цаду гулдек юзунгни богбон, Гулшан ичра цилмади шамшод ила сунбул хавас.

Куллию жузвий йуцу борим санга булди фидо, Сен керак булсанг, манга йуц эмди жузву кул хавас.

Шоми савм ифторига, эй шайх, шарбатни нетай,
Айласам бир шух илгидин сабухий мул хавас.

Айлади бир холи хинду рузгоримни цора,
Эй Навоий, тонг йуц, этсам Хинд ила Кобул хавас.

**231**

Кимгаким булса насиб ул офати жондек анис, Бебахо булгай цошинда мохи Канъондек анис.

Кайда бу гулшанда унс улгай мангаким, истарам
Орази гул, цомати сарви хиромондек анис.

Кофиреким нацди диним олдию ёшурди юз, Топмогум юз саъй ила ул номусулмондек анис.

Унс тутцоч, ваъдаи васл эттию цилди хилоф, Хеч кимга булмасун ул ахди ёлгондек анис.

Ул пари мен телба бирла унс агар тутмас, не тонг, Дашт аро Мажнунга бас гули биёбондек анис.

Не ажаб даврон аро ошуб тушмак хар замон, Менки истар булсам ул ошуби даврондек анис.

Килгай инсоният ар куз мардумига тутса унс, Эй Навоий, яхшидур инсонга инсондек анис.

**232**

Килса булгай мехрни нуринда ёшунган циёс, Жилва цилган чогда ул хуршиди кофури либос.

Йуц кунгул султони хифзигаким, ул ой йулида Уйцусиз кузлар тонг отцунча тутар хар кеча пос.

Ул цуёш чицмай солур чарх узра юз тархи жафо, Вах, бор эрмиш хусн шохи, не бало олий асос.

Пойбусунг ваъдасига жон олиб, дерсен манга, Хожатингни илтимос эт, вах, не хожат илтимос.

Кирпикимдин реш булгай деб тахайюл ичра хам, Кузни цилмон барги гул янглиг табонингга мумос.

Эй висол ахли, сизу ицбол ташрифики, чарх Тикти цаддимга менинг идбор торидин палос.

Халцдин навмидлик еткурди рохат кунглума, Эй Навоий, билдим ихдар-рохатайн эрканни яъс.

**233**

Мен киму мехру вафо — зулму итоб айласа бас, Жаврини лутфча жонимга хисоб айласа бас.

Кайда ул хад мангаким, лутфидин обод улсам, Зулм ила кишвари жонимни хароб айласа бас.

Эмон ул итки, рикобин тамаъ этсам упмок, Катл учун зулфини буйнумга таноб айласа бас.

Ун куёшча юзида нуру анга турт никоб, Етти
гардунча жамолига никоб айласа бас.

Минг балокашни килиб катл гунах козгонди,
Мени тиргузгуча умрида савоб айласа бас.

Мен киму лаъли умидики, хаёл ичра гадо Шах била
майли нишоти майи ноб айласа бас.

Чарх зулм этса, Навоий тиламас дод андин,
Азм даргохи шахи арши жаноб айласа бас.

**234**

Уйла булмиш нотавон кунглумга жонон бирла унс
Ким, баданга харгиз андок булмагай жон бирла унс.

Кунглума киргач анисим булди, тутконму экин Бир
замонда хеч ким бу навъ мехмон бирла унс.

Одамийлардин чу куп вахшатка колдим, истарам
Тутмок элни тарк этиб, вахши биёбон бирла унс.

Куздин учкунг, унс тут бир дам бу шайдо бирлаким,
Йук ажаб, тутмок парий мажнуни хайрон бирла унс.

Лаъли жонбахшингга маънус улса рухсоринг, не тонг
Ким, Масихога булур хуршиди рахшон бирла унс.

Дайр аро булмиш анисим пири дайру мугбача,
Тутмишам холо бир-икки номусулмон бирла унс.

Нотавон кунглунгга мунис кимни истарсен, деманг
Ким, мени шайдога йук жуз кунглум олгон бирла унс.

Дахр боги гулларида йук вафо, эй андалиб, Зийрак
эрсанг, тутмагил бу турфа бустон бирла унс.

Чун итимен, итлари хайли била хуй этмишам, Эй
Навоий, не ажаб хайвонга хайвон бирла унс.

**235**

Гар манга бор эрса ул дилдори зебо бирла унс, Ул
мухицдур, тутмаса мен зори шайдо бирла унс.

Олам ахли муттафицдурлар мени ултургали,
То тутубмен ул жамоли оламоро бирла унс.

Лаъли маънусумдурур, ултурса ултурсун кузи, Не гами жаллоддин тутцай Масихо бирла унс.

Мен киму ул хублар шохи била улфат, магар Вахш тутцай дашт аро Мажнуни шайдо бирла унс.

Тулганиб зулфунг бу мажнунга не саркашлик цилур, Чунки савдо ахлига бор ахли савдо бирла унс.

Эй мусулмонлар, чу бир кофир асиримен, не тонг, Бор эса кунглумга зуннору чалипо бирла унс.

Сарви нозим кийгали сариц, цизил булмиш манга Хам гули раъно била, хам сарви зебо бирла унс.

Гар десанг дунёда хар дам юз балият курмайин, Эй кунгул, зинхор тутма ахли дунё бирла унс.

Эй Навоий, гар десанг социйлиг этсун мугбача, Тут кириб муг дайри ичра жоми сахбо бирла унс.

**236**

Йуц тамаъ агёрдин, гар душман зрмас ёр, бас, Ёрдин нуш истамон, ниш урмаса агёр бас.

Васли богидин, демонким, муддаи гул термасун, Терса терсун, урмаса багримга юз минг хор бас.

Кимга цилдим бир вафоким, курмадим юз минг жафо?! Эй кунгул, гар худ хавасдур ишц бу мицдор бас.

Булмаса огзимда май ёхуд куз ул гулдин цизил, Охи оташнок бирла дийдаи хунбор бас.

Касдима чекма халокинг тигини куп, эй сипехр Ким, ул ойнинг тиги зулмидин кунгул афгор бас.

Дахр бустонида гулгун хона Килсанг орзу, Бодаи гулранг цуйгон кулбаи хаммор бас.

Эй Навоий, сузда маъни йуцтурур, маънийда суз, Дурри маъни истар улсанг, айлагил гуфтор бас.

**237**

Еамингдин, эй парий, девоиа
булмас, Кишиким хуш топцоч, ёна
булмас.

Жамолинг шамъига кунглум цушидек
Малойик хайли хам парвона булмас.

Анга йуц ишц бирла ошнолиц
Ки, ацлу хуштин бегона
булмас.

Кишига васл ицболи не мумкин,
Агар хижрон аро мардона булмас.

Керакмас май, агар худ жон багишлар,
Манга соций агар жонона булмас.

Хирад муг дайри сари
истамангким, Бу йулда оцилу
фарзона булмас.

Навоийга бузуц, булбулга гулшан
Ки, хузну айш эли хамхона булмас.

**238**

Мени мен истаган уз сухбатига аржуманд этмас, Мени
истар кишининг сухбатин кунглум пнсанд этмас

Не бахра топцамен андинки, мендин истагай бахра, Чу
улким, бахраи андин тилармен, бахраманд этмас.

Нетай хуру пари базминки, цатлим ё хаётимга Аён ул
захр чашм айлаб, нихон бу нушханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, хусну малохатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак уз чобуки цотилваши мажнун шиоримким,
Бузуг кунглумдин узга ерда жавлони саманд этмас.

Кунгул уз чархи золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин узга буйнунгга каманд этмас.

Ул ой утлуг юзин очса, Навоий, тегмасин деб куз,
Мухаббат тухмидин узга ул ут узра сипанд этмас.

**239**

Лабингдин айру багир лахт-лахт цонму эмас, Бу цон назар йулидин дам-бадам равонму эмас.

Юзунгни пардада десам, парий, тонгиргомогил,
Мениму цилмади мажнун, узи нихонму эмас.

Жахону жон хазар этса, не айб гамзангдин, Балойи жонму эмас, офати жахонму эмас.

Кунгулга куйунг аро рахм невчун айламадинг, Гариб телбаму ё зори нотавонму эмас.

Не айб, лаъли лабинг хасратида жон берсам, Хаёт чашмаси ё умри жовидонму эмас.

Кадахни яхши тула айламайсен, эй соций,
Хумор мехнатидин холатим ёмонму эмас.

Кадам Навоий махзун бошига цуймас ёр,
Губори рахму эмас, хоки остонму эмас.

**240**

Олам ичра манга ул хури малак снймо бас,
Ул цачон булса муяссар, цадахи сахбо бас.

Гар шабистон ичида хожат эса шамъ ила нуцл, Хам ушул махжабину лаби шаккархо бас.

Нацди жон берсаму лаъли лабидин цут олсам, Умр бозорида мен хастага бу савдо бас.

Кимга бу даст берибтурки, санга бергай даст, Айла бу фикри мухолотни, эй шайдо, бас.

Гар будур ходисаи давр харобот ичра,
Хирцаи чок била дурди цадахполо бас.

Хашмат ахли хазу хорода ёшунсунки, манга Нотавон жисм фано гардида нопайдо бас.

Эй Навоий, етаринг ёрга эрмас мумкин, Килмасанг кунглунг аро гайри хаёлин то бас.

**241**

Биров анинг лаби жонбахшидин нишон бермас Ки,
хар кишики цилур истимоъ, жон бермас.

Адам тарицига туштум, тилаб анинг огзин, Суруб
киши манга ул роздин нншон бермас.

Абад хаёти кеби васлига етишкунча, Фироц
махлакаси ичра умр омон бермас.

Лабингдин улди таним риштае табиби хирад
Иложин эткали шарбат багир цон бермас.

Еанимат англа кузу кунглум ашк ила цонин Ки,
мунча инжую лаъл элга бахру кон бермас.

Замона цилди мени гох масту, гах махмур
Ки, бир замон май агар берса, бир замон бермас.

Навоиё, гами жоним олурда саъй этти, Согиндиким,
тилагач ушбу нотавон, бермас.

## ШИН ХАРФИНИНГ ШУХЛАРИНИНГ ШАМОИИЛИ «БАДОЕЪ»ДИН

**242**

Зихи отинг била хайли малойик ичра хуруш, Фалак
сенга янги ой наъли бирла халцабагуш.

Гахики фикрати зотингни ацли кул айлаб,
Бурунги жомда хайрат ани цилиб бехуш.

Сипехр жомида цахринг хароратидин захр,
Куёш замирида мехринг хароратидин жуш.

Хам этти нофаи мушкунг цамарни мушки давож,
Хам этти гулшани лутфунг шафацни гулгунпуш.

Не цахринг утидин эмин фацихи сойими дахр, Не
рахматингдин новмид ринди дурднуш.

Навои хамдинга булбул тили булуб гуё
Ва лек хайрати васфингда гунча огзи хамуш.

Навоий узни сотар цуллугунг била, юз шукр Ки,
худфуруш эмастур, йуц эрса зухдфуруш.

**243**

Келки, хижронинг мени махзунни бадхол айламиш, Юз
туман дарду бало хайлига помол айламиш.

Оразингдин узга юз курмактин айлаб кузни кур, Дарди ишцинг элга айтурдин тилим лол айламиш.

Хам бошимни гард ила манкуби хижрон айлабон, Хам танимни бош ила мажрухи атфол айламиш.

Сен гули раъно фироцидин сариг чехрамни ашк — Катра-цатра цон ила тим-тим томиб ол айламиш.

Хотирим озурда айлаб ёр ила агёрдин,
Ёру агёримни мендин форигулбол айламиш.

Фироцингдин улмаган булсам, эмас мендин гунах, Чарх ани комим куруб саъйида ихмол айламиш.

Тушканим Мажнун била Фарход аёгига куруб, Гах танимни нун цилиб, гохе цадим дол айламиш.

Эй кунгул, дин ахли зарцидин малул эрсанг, сипехр Дайр пирин буйла мушкилларга халлол айламиш.

Хажр аро маст ул, Навоийким, фарах касбига ишц
Майни ёцути музобу лаъли сайёл айламиш.

**244**

Кайси ишрат меваси нахли хаётим цилди фош Ким, париваш тифллар ёгдургай ул ён мунча тош.

Олам ичра ул цуёш зохир вале мендин нихон, Эй ибодат ахли, цуйсам, тонг эмас, оламга бош.

Оц уцор утогаси чобуксуворим бошида,
Уйлаким, хатти шиои айлагай зохир цуёш.

Гам туни саргашта бошим, хам сипехредурмудир, Анда кавкаб зохир улгон юз уза хар цатра ёш.

Куз ани кургач, кунгул севди, бу иш булган замон
Кузларим куру кунгул нобуд булгай эрди кош.

Гар десанг каттик балога колмагайсен чархдин, Олам ахли бирла юмшоглиг била килгил маош.

Чун Навоий улди, итлар дардпарвар жисмини Туъма килмок йукки, рад айларда айларлар талош

**245**

Авжи хусн узра юзунг хуршиди фаррухбол эмиш,
Холинг ул хиндуи мукбил, кавкаби икбол эмиш.

Дедим: айтай хусни васфи бирла ишким хиркатин,
Билмадимким, тил булар васфин демакта лол эмиш,

Хусн хаттин пар чикариб учмоги эрмиш сазо, Ишк ила
дард ахлидин хубеки форигбол эмиш.

Манъи ишк айлар эдим кунглумга, курдум холини,
Шиддати шавк изтиробидин басе бадхол эмиш.

Куз юмуб очкунча юз кон айлар эрмиш гамзаси, Мен
ёмон бахтига етканда иши ихмол эмиш.

Ул париваш сувратин сизгач мусаввир, англадим Ким,
хираднинг айлаган девона бу тимсол эмиш.

Хонаках шайхи кошинда колди куп мубхам ишим,
Буйла мушкилларга пири майкада халлол эмиш.

Сокиё, жоми висолинг нушидин тиргуз мени Ким,
хумори согари хижрон ажаб каттол эмиш.

Гар Навоий пирларга муршид эрди, киргали Ишку савдо
куйига бозичаи атфол эмиш.

**246**

Шамъ учини олмог учун, эй махваши фаррош, Парвона
канотларидин эт сифраи минкош.

Йук-йукки, юзунг шамъига парвонадур анжум, Ким,
бир-бир алар шоми висолингда булар фош.

Ой шамъига минкош муносиб янги ойдур, Андогки,
юзунг шамъига минкошдур ул кош.

Бошимдур аёгингга фидо, хар не керак — кил,
Туцмоцца муносибдур, агар истар эсанг бош.

Ул ой агар илгига супургу олур, эй чарх,
Хуршид шиои хатидин цилсанг ани кош.

Хар тун чу фалак боргахи вазъи нигундур, Гардун кузи
гуё бу жихатдин тукадур ёш.

Кунгли уйидин сабр матоъини супурди Бечора
Навоийким, эрур дилбари фаррош.

**247**

Мен гадога хар неча куйи сари бормоцдур иш, Туъма
солмоц итгаю дарбонга ёлбормоцдур иш.

Кон булуб итган кунгулни истаю ул равзада Еунчалар
хайлини гулбунларда ахтармоцдур иш.

Ул сари борурда жон бирла кунгулни рашкдин Хар
бирисин юз бахона бирла цайтармоцдур иш.

Тийра кунглумда хаёлига малолат вахмидин Нотавон
жисмимни хар ёндин тутуб ёрмоцдур иш.

Тушса илгимга ити, азбас ниёзу мехрдин,
Ани мен Мажнун цулидин элга цутцармоцдур иш.

Май тагорин тут десам, соций, тожонмаким, санга Иш
ани тутмоц ва лекин бизга сипцармоцдур иш.

Телбараб хар дам булур гойиб Навоин, нечаким, Бизга
ани ацл куйи сари бошцармоцдур иш.

**248**

Охким, ул шух эрур хам мохваш, хам шохваш, Балки
хам цулдур анга юз шохваш, минг мохваш.

Гар цуёш эрмас юзунг, невчун нишотим мазранн
Тобидин айлаб цуруц, рангимни цилди кохваш.

Кунглум олиб будурур мацсуд ангаким уртагай, Буким
узни дилситоним кургузур дилхохваш.

Васл аро узни хаёл айлаб нишотим бордур, Сойил
андоцким ясагай узни ахли жохваш.

Эй цуёш, охим не тонг оламга солса рустахез, Хар
дамим гардунга чунким шуъла тортар охваш.

Уздин огах эрмон, огохе керак сарвацтима, То
ул огах давлатидин булгамен огохваш.

Эй Навоий, гар хидоят етса йулга киргамен,
Гарчи муг дайрида холо бор эсам гумрохваш.

**249**

Базми васл ичра манга тутти цадах ул махваш,. Бода хуш, базм хуш — ул иккисидин соций хуш.

Бир-бир офоц элин ултурди, не бир-бир — минг-минг, Оллох-Оллох, не бало цотил эмиш ул махваш.

Лаъли кунглумни чекиб, гамзаси цоним ичти, Нечаким бу бири хунхор эрур, ул дилкаш.

Тавсани чарх уза гуёки цуёшдур сойир, Шахсуворим чу цилур жилва, миниб кук абраш.

Лаби хайвон суйидин гар мени цилди фориг, Не ажаб, бода эрур хору цилур дафъи аташ.

Хусн чун жилва цилур, оцу цорада нуц фарц, Кишига келса бало — хохи хито, хохи хабаш.

Сарви нозим цошида келди Навоий туби Ламским, суврати хатти уцидим ани ламаш.

**250**

Кадинг нихолики боги хаёт тарфини тутмиш, Магарки Хизру Масихо сую хавосида бутмиш.

Кунгулнн гавхари ишцингки равшан айлади, гардун Магар бу упни дурри шабчарог бирла ёрутмиш.

Кунгулни цон ёшу гохи юзум била овутурмен. Сариг-цизил била андоцки халц тифлин овутмиш.

Дедингки, хажр аро бер ишц сузу тобига таскин, Киши тамугда цачон кунглининг утини совутмиш.

Кунгулга хар неча сабру царор панди берурмен, Бирини, войки, бишцармайин, бирини унутмиш.

Умнд нахлини ашким била не тоза цилайким, Самуми хажр ани кул айламиш деманки, цурутмиш.

Навоий, эмгак ила дема тарки ишцим этибдур, Качон замири уйи гирдига бу ишни ёвутмиш.

**251**

Неким цилур, курунур ул бути ситамгар хуш, Чу нозу ишза била базмдин чицар сархуш.

Юзунгда хуш курунур жоми лаълинг, ул янглиг Ки, тоза гулшан аро лаълранг согар хуш.

Камарнинг икки ёнида Сухайлу Зухра кеби. Курунди ики цулогинда дурру гавхар хуш.

Кузунгки ораз уза ётти — хуш курундики, бор Еазола ётмоц учун лола барги бистар хуш.

Не навъ жинси башар сухбатини хуш кургай, Биравга булса паризоди хур пайкар хуш.

Мену жамолин анинг бир курарга бермак жон, Агар бу нохуш эрур ахли давр аро, гар хуш.

Навоиё, санга гар ёрдин гараздур, ёр Жафову лутфини курсанг керак баробар хуш.

**252**

Юзу энгида мунча латофат булур эрмиш,
Кошу кузида мунча хам офат булур эрмиш.

Хуснидин анинг хур итиб цочди, парий хам, Бир одамида мунча латофат булур эрмиш.

Мохим юзини чунки цуёш курди — тутулди, Мунча фалаки элда касофат булур эрмиш.

Лаълинг майига чашмаи хайвонни цилиб зам, Усрукрак эрур мунча сарофат булур эрмиш.

Жавр этганида улмас эдим, гар анга сунгра, Билсам эдиким, лутфи изофат булур эрмиш.

Кирганда бало даштига фикр эткай эдим гар,
Юздин бири, билсамки, махофат булур эрмиш.

Дебтурки: Навоий сузининг бандасидурмен, Бу лутф ила ул шахда зарофат булур эрмиш.

**253**

Эй мусаввир, лутф этиб сизгил мени жононга туш,
Уйлаким, тушкай юзи бу дийдаи хайронга туш.

Юзи булсун юзума туш, кадди хам туш каддима, Лек жонпарвар лаби лаълини тарх эт жонга туш.

Рубару хар узви хар узвумга тушдек тушмагай, Юзи кузгуси вале бу дудлиг афгонга туш.

Куксини куксумга туш сизгил демонким, тушмагай
Нозанин жисми анинг багримдаги пайконга туш.

Оллох-Оллох, телбалик солди хаёлоти мухол Кунглума, йукса не лойикдур гадо султонга туш.

Кайси ёнким итларин тарх айлагунгдур базм аро, Сиз мени туфрокка юз куйгон вале ул ёнга туш.

Чекти чун хар кимсани бир ишга туш килки казо,
Охким, бу телбани килди ракам хижронга туш.

Айш жомин тутманг, эй даври тараб сокийлари,
Бизгаким, чарх этти бизни мехнати давронга туш.

Эй Навоий, телба кунглум зор танга келмади, Токи эл мажнунни бир курсатсалар вайронга туш.

**254**

Чекиб жон риштасин чобуксуворимким, каманд этмиш,
Кунгул сайдин хамоно ул каманди бирла банд этмиш.

Фирок ичра ажал захрин тут, эй сокийки, ишк андок
Ачиг шарбатни бу котик маразга судманд этмиш.

Тукулмак конингиз куйида, ушшок, орзу килманг Ки тиги ишк бу давлатка бизни аржуманд этмиш.

Бул охимдин фалакка етсанг охир ишки Мажнунким, Бу ел имдод ила ул шуълани андок баланд этмиш.

Бу хам хуштурки, мониъ булгай эл наззора айларга,
Буким майдонида хоки таним гарди саманд этмиш.

Аниким севдиму юз минг балога учрадим, йуцким
Манга ёлгузки, юз минг мен кеби бедилга панд этмиш.

Ризо берким, цазога йуц тафовут, кимса юз цатла Не келса оллига хурсанд ёхуд бад писанд этмиш.

Сиёсат айларам мужгон синони бирла мундоцким, Кузум ул юзга густохона боциб бахраманд этмиш.

Навоий тарки зухду илм цилди, токи дилдори Ичиб май туну кун худройлиц бирла лаванд этмиш.

**255**

Нечакнм цатл била ноз эрур ёрга иш,
Улмаку арзи ниёз улди мени зорга иш.

Хаста кунглум тиласа васли шифосин, не ажаб, Гайри сиххат не хавас булгуси беморга иш.

Банди зулфида тилар кунглум узин махкамроц, Гарчи махлас талаби булди гирифторга иш.

Кони тулган неча дин ахлин асир этти кузи,
Булди пайдо яна ул кофири хунхорга иш.

Мархам урнига кунгул захмини тирмар ул шух,
Дустлар, саъб тушубтур бу дили афгорга иш.

Ултурур уткану цолган бошоги кунглумда, Эй фалак, цатлим эрур собиту сайёрга иш.

Жуз зафо ахлига саргашталик этмак ойин,
Гуйиё цисмат эмас гунбади давворга иш.

Олам ахлида чу йуц ёрки, мехр улгай иши, Сен циёс айлаки, не булгуси агёрга иш.

Эй Навоий, узунгга олам ишин осон тут, Гар десанг тортмасун эл буйла душворга иш.

**256**

Ул ой гар айни усруклуктин уйцу майлига ётмиш, Вале бир куз юмуб очцунча юз минг фитна уйготмиш.

Висолинг байъида суд этмиш ул тожирки, Юсуфдек Агар минг бандаси булса, барин бу важх учун сотмиш,

Тула гавхар ацицинг хуццасидин бахри ашким кур Ки, кук анжум била дурлуц садафдек цаърига ботмиш.

Сочинг савдосидин хайли малак мажнунваш улмиш бил, Магарким олами арвохца атрини бутратмиш.

Чаманда нацш банди номия куп сарву гул нацшин Чицармиш, цайси бирни сарви гулруюмга ухшатмиш.

Уцидин пар чицармишменким, ул турки ходанг афган, Каёнким гамзасининг новакин чекмиш, манга отмиш.

Кадахдин жон топибмен, гуйиёким нушлаб соций Ани мамзуж этарда оби хайвонднн анга цотмиш.

Замон ахли замона ранги бирла бевафодурлар, Замона ахлига гуё замон уз феълин ургатмиш.

Навоий хасталигдин дам урарга цуввати йуцтур, Ани гуё вафосизлар жафоси асру эмгатмиш.

**257**

Эй жамолингнннг хаёли хотири вайронда нацш, Шамсадин цолган асар янглиг бузуг айвонда нацш.

Тегди бир новакки, сахмидин улуб эрдим, валек Янги жон топтим анинг отин куруб панконда нацш.

Кеча ул гул фурцатидин, кундуз атфол илгидин Хору хора захмини кур бу тани урёнда нацш.

Оразинг нацшики чицмас тийра кунглумдин даме, Килдилар гуёки Юсуф сувратин зиндонда нацш.

Эй мусаввир, сизмагил Мажнуну Лайли сувратин, Бас мену ёрим хадиси сафхаи давронда нацш.

Нацш судин чун булур зойил, ажабдурким, эрур Йиглаган сойи хаёлинг дийдаи гирёнда нацш.

Дахр элидин гар вафо Килдинг тамаъ, эй соддадил, Истадинг амреки, тутмас, хайнизи имконда нацш.

Килди куп девонни эл нацши нигор, аммо эмас Уйлаким, цилдим нигорим васфини девонда нацш.

Богламас нацш улки булгай сендин узга ёр учун, Базми дард ичра Навоий богласа хижронда нацш.

**258**

Шафац жинсин цуёш зарриштасидин чорцаб цилмиш,
Шафацгун цилгали мехр ахлининг ашкин сабаб цилмиш.

Санга тацлид цилмиш гулки, осиб куза буйнидин, Тикан устига ани тургузуб гардун адаб цилмиш.

Фалак жавфи тула захр улса, мунча цатл эмас мумкин
Ки, анфоси Масих ойин била ул нушлаб цилмиш.

Замонда бул-ажаб осеблар солмиш, фалак токим Бу янглиг ул замон ошуби таврин бул-ажаб цилмиш.

Не умр улгай мангаким, маст бебоким мени ногах Тирик курганда ултурмиш ва гар улсам, газаб цилмиш.

Жамол авроцида хар нукта бор ул юзда зохирдур, Магар ул сафхани даврон боридин мунтахаб цилмиш.

Мени девонага юз шиква бор уз цавму хайлимдин
Ки, Мажнунга не турлик зулмким цилмиш, араб цилмиш.

Сен ани истамакдин тинмагил бир лахзаким, солик Агар матлуб топмиш, андин эрмишким, талаб цилмиш.

Висол ахли, сизу айшу фарогаткым, Навоийга Азал цассоми рузи ишц аро ранжу тааб цилмиш.

**259**

Менга номехрибон ёр узгаларга мехрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, агёрга оромижон эрмиш.

Тан узра эмди фахм эттим ададсиз тоза догимни
Ки, хар бир-бир цорарган шоми хажримдин нишон эрмиш.

Бузулган кунглум атрофиндаги захм ичра новаклар
Балият цушларию захм аларга ошён эрмиш.

Рациби синдуруб кунглину мен йиглаб анга, лекин
Су келтирмак хамону куза синдурмоц хамон эрмиш.

Балият даштида зоре куруб Мажнун согингайлар,
Кунгул отлиг бизинг овораи бехонумон эрмиш.

Хаёлинг хайли кунглум даштида чун цилдилар манзил,
Х,ар ут ёццан ер ул манзилда бир доги нихон эрмиш.

Замон ошубидин кунглумга юз шиддат етар эрди, Чу
фахм эттим — мунга боис ул ошуби замон эрмиш.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким муътарифдурмен,
Узин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Навоий назмини курдум цуёш лавхига сабт эткан,
Буюрган ани олий цадр шохи хурдадон эрмиш.

**260**

Лабинг бу хастага невчун такаллум этмади иш Ки, бир
сукунж била хосил этса юз олциш.

Отар хамиша цоши ёси бирла гамза уцин,
Агарчи булмас уц отмоц, йуц эрса ёда кериш.

Бошогларингму экин багрим ичра ё цолди Итинг чу
туъма учун анда махкам айлади тиш.

Тарици ишц аро комилдурур кунгул, не ажаб,
Камол топмоц этиб ишни ишц ила варзиш.

Заиф жисмни то тиги ёрди — нолонмен,
Нечаки чицмас уни, неча чок булса цамиш.

Чекар гул оллида булбул фигон, магар билди
Ки, утса васл бахори, хазони фурцат эмиш.

Навоий, асра нихон ишц нуктасин зинхор Ки,
ишц пири манга ёшурун бу нукта демиш.

**261**

Манга бор ул санами раъно хуш,
Курунур узга санамлар нохуш.

Ёлгуз ани севарамким, манга
бор Ул хуш, узга киши йуц асло
хуш.

Халц нохушлигидин цайда гамим,
Бор эса ул санами зебо хуш.

Юзунгга юз цуяйин хат ораким,
Сабзада келди гули раъно хуш.

Кеча хижронида май тортар эдим,
Кирди гул гулрухи мах сиймо хуш.

Менда юз биймки, тутцач олибон,
Чекти ул шухи цадахпаймо хуш.

Дайр аро узни, Навоий, хуш тут, Чун
келибтур санга ул тарсо хуш.

**262**

Невчун юзида цахр ила чин зохир айламиш,
Хуршид чашмасида киши мавж курмамиш.

Васлинг сузин эшиткач этар кунглум изтироб,
Согинмагил аники, фироцингда тухтамиш.

Лаълингни истамонки огиздин чицаргамен,
Бир хастадекки, жонини огзинда асрамиш.

Булдим халок—чун белига боглади камар,
Катлимга гуйиё белин ул шух богламиш.

Беморлигда жон итига цилмишам нисор, Куйи
сари келибки сунгакимни судрамиш.

Social, кетур цадахки, чу гам айламиш хужум, Бу
етмайин кунгулдин алар барча бутрамиш.

Юз пора кунгliniки Навоий йигиб эди,
Ул шух кирмишу яна борини цузгамиш.

**263**

Не хам цошлардурурким, хасрати цаддимни ё цилмиш,
Не кирпиклар уциким, рузгоримни цора цилмиш.

Не печу тоби хадсиз доми зулф эркинким, очилгач,
Демай кунглум цушиким, уйла юзни мубтало цилмиш.

Не кузлардурки, олмиш куз юмуб очцунча кунглумни,
Килиб хар гушада бемору цисми юз бало цилмиш.

Не ораз лоласидурким, кунгулни кон этиб дарди, Тугон
куйган била дафъига ул коннинг даво килмиш.

Не нозук хуй эрурким, айламиш утруда юз дашном,
Гадоеким анинг зулфу кузу каддин дуо килмиш.

Биравким, жаннату дузах сузин шарх айламиш, гуё,
Киноят важхи бирла васлу хижронни адо килмиш.

Ажаб кур ишк ароким, мур этарга аждахоларни,
Фусундин мурхатлар кайди зулфин аждахо килмиш.

Казодиндур манга ишк уйнамок, эй носихи нодон,
Курубсенму киши харгизки, тагйири казо килмиш.

Навоийдек халосим йук эди ул гамза куфридин,
Хусусан зулфи зуннори доги буйнумга токилмиш.

**264**

Латофатда юзунг хам гул эмиш, хам гулситон эрмиш,
Халоватда лабинг хам жону хам оромижон эрмиш.

Бу маънидинки доим чун нихондур ул парий куздин,
Иши жону кунгулга уртамак доги нихон эрмиш.

Ити багримни ер чогда аёги конга булганди, Кузум
богида гул анинг табонидин нишон эрмиш.

Шарарлар бирла охим дудини сахрои ишк ичра Киши
курса, гумон килгай: минг утлуг корвон эрмиш.

Чаманда хар сари килдим гули раъно гумон, ул худ
Сариг гул жомида гулгун сиришким бирла кон эрмиш.

Согиндим куйида хар кеча итлар ноласи, лекин
Начукким телба ит ушшок кунглидин фигон эрмиш.

Тукуб май мухтасиб, мен йигладим, лекин ул усрукка
Су келтирмок хамону куза синдурмок хамон эрмиш.

Фано дайрики гардун хиснидин махкамдурур, билдим
Ки, гардун зулмидин факр ахлига доруламон эрмиш.

Навоийни дедим ишк ичра сомоне топиб эркин, Вале
курдум — хамул девонаи бехонумон эрмиш.

**265**

Ишц кунглунгга солиб дард, ани цон этмиш, Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Кузларинг шухлугидинки эл эрди гирён, Ани
бир шух кузи ишваси гирён этмиш.

Эмди ахволима шоядки ичинг куйгайким, Шарари кунглунг аро ишц ути пинхон этмиш.

Билгасен тиги фироцинг била кунглум чокин, Эмдиким хажр санга чоки гирибон этмиш.

Хори хижрон танига чун тикилур англагасен, Улча жонимга менинг ханжари хижрон этмиш.

Сенча кимдур боцибон кузгуга ошицлиц цил, Кунглунг ар чошни ишц ила тугён этмиш.

Эй Навоий, магар охинг ани тутмишки, кеча Нечаким сен чекибон ох, ул афгон этмиш.

**266**

Септи тун мушкига сийми судадин кофур циш, Айш учун оцу цорани айлади масрур циш.

Гарчи Хиндистонда цор улмас, вале оц рахтини Ёйди Хиндистон кеби бу тунда номацдур циш.

Гар эрур занг ахли зулмони ва лекин цор ила Килди тун зангисини ахли сафову нур циш.

Бода оц уй ичра ичмак расм эрур циш булгали, Хац юзин оц айласунким, цуйди хуш дастур циш.

Базмни утдин цизитти, базм ахлин бодадин, Сахв эмишким, булди совуглуг била машхур циш.

Киш эмиш май боиси, зоти бурудатдин бирав Зухд этиб совуцца гар тунгса, эрур маъзур циш.

Уйи вайронларга цаттигдур, вале бил мугтанам, Булса кулбанг май била асбобидин маъмур циш.

Мулки Жам истар эсанг, албатта чек жоми сабох, Кечаги майдин сени субх айласа махмур циш.

Эй Навоий, дузах эрмиш гард ила иссиг булут, Кору муз бирла совугдин бор эса махжур циш.

**267**

Хуши йуц кунглум жунун даштида бир шайдо эмиш Ким, анинг цошида Мажнун асру-куп доно эмиш.

Тутти сариг лолалар рухсори ашким бирла ранг, Дема, эй раънои гулрухким, гули раъно эмиш.

Хар бир охим дудининг мадду саводин курган эл Зулфи хажринда, согингайларки, бир ялдо эмиш.

Телба кунглум холини билмак таманно айладим, Йиллар эрмишким, жунун даштида нопайдо эмиш.

Дедим: ислай анбарин зулфунгни ол, бошим эваз, Дедиким: сен телба бошинда ажаб савдо эмиш.

Эй ганий, ушшоцдин мустагний улдунг, билмадинг Ким, фано ахлига султонлигдин истигно эмиш.

Англамас эрдим Навоий холин ул ой куйида, Хар кеча то субх иши фарёду вовайло эмиш.

**268**

Жавзо кунидин доги ул чехра жамил эрмиш, Ялдо тунидин доги ул зулф тавил эрмиш.

Хар цатра кунгул цони жон берди улук танга, Хосиятини сурдуц— лаълингга цатил эрмиш.

Гулзор аро нилуфар очилди, гумон эттим — Хол урнига хар юзда бир нуцтаи нил эрмиш.

Хижрон туни дафъ улгач, билдимки, юз очибсен, Хуршид вужудига тонг нури далил эрмиш.

Овора кунгул истаб жон тандин олур ишцинг, Ул телбагаким итмиш гуё бу кафил эрмиш.

Ойини цаноат тут, иззат тилар эрсангким, Эрмиш тамаъ ахлидин хар кимки залил эрмиш.

Кунглини Навоийнинг олсанг, назар айлаб кур Ким, дард ила дог ичра жони не катил эрмиш.

**269**

Сувратингдур уйла кунглум байтулэхсонида накш, Ким,
парий тимсоли шахнинг касри айвонида накш.

Анга ёндошмок менинг хаддим йук, эй суврат нигор,
Чексанг анинг накшини, килма мени ёнида накш.

Гуй килганда бошимни юкти хар ёнига кон, Лайлию
шингарф ила согинма чавгонида накш.

Жисми урёнимки, куп толпинди тогу дашт аро, Хору
хородин, тамошо айла, хар ёнида накш.

Зор кунглум ё мусаввир булди, ё сувратпараст, Хар
тарафким сувратингни килди вайронида накш.

Зухд аро йук жуз малолат, негаким, килки казо Айш
тархин килди жоми бода давронида накш.

Ул парийким, хажридин улди Навоий, эй рафик,
Сувратин килдургасен зинхор девонида накш.

**270**

Сарви раъно каддидин раъно кадинг чолок эмиш,
Оташин гулдин гули рухсоринг оташнок эмиш.

Улки айтур кунглакинг ул гул гамидин чок эмас,
Англамайдур бегами гофилки, куксум чок эмиш.

Базмдин усрук чикиб тукти улуснинг конини, Ахли дин,
кочингким, ул кофир ажаб бебок эмиш.

Ишким утин шохаи туби уруб паст истаган, Билмадинг,
ул шох бу ут оллида хошок эмиш.

Тушта Мажнунни хазину зор курдум, англадим Ким,
бир ой хажридин ул хам мен кеби гамнок эмиш.

Бир куёш хажри мени холимга куймас заррае, Демангиз
бу ишга боис анжуму афлок эмиш.

Воиз айтур хур уммиди бирла ул ой таркин эт, Эй
Навоий, курки, ул пургуйи беидрок эмиш.

**СОД ХАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «БАДОЕЪ»ДИН**

**271**

Бир киши узни цилур ахли фано базмида хос
Ким, цилур узлуки бирла узидин узни халос.

Дарду гам хосларидинмену улмакдур ишим,
Булур эрмиш гам ила дардга бу навъ хавос.

Булмайин гарци фано, истамагил гавхари васл, Дур
топилмас, киши то бахрда булмас гаввос.

Килмай ул Зухра жабин базмда бир даври симоъ, Не
учун булди экин шефта кунглум раццос.

Менки куз цонин оциздим, оцизур хажр доги,
Коним ул цон учун ийнак цилиб изхор цасос.

Фатх толибга етишмас, агар эрмас мухлис Ким,
ушул фотиханинг лозимасидур ихлос.

Файзи ом истар эсанг, айла Навоий узни Бу фано
дайри аро мугбачалар базмига хос.

**272**

Эй кунгул, зохир этиб ищцинг ути догига хирс,
Булбул ул навъки гулшан гули яфрогига хирс.

Уйлаким, кур гадо кухли басират тилагай,
Кузума рахшинг аёги изи туфрогига хирс.

Булди Фарход ила Мажнунча кунгул мундоцким,
Кургузур дашти жунун бирла бало тогига хирс.

Ёр бедилларига цайда кунгул берсунким, Иш анга
булди улустин кунгул олмогига хирс.

Гар харис улсам анинг куйи тавофига не айб, Булур эл
табъида фирдавси жинон богига хирс.

Дахр аро маст ила хушёр тамаъ зоридурур,
Негаким голиб эрур усрук ила согига хирс.

Куллуги догидин озодалиг ицболи етар,
Не ажаб, булса Навоийда гаминг догига хирс.

**273**

Гар этти ишщини ахли жахон учун тахсис Валек
хажрини бу нотавон учун тахсис.

Висол айшини махсусларга цилди рацам, Нечукки,
хажр гамин мен ёмон учун тахсис.

Демангки, цатлига махсусменки, айлабдур Киличи
кесмакида имтихон учун тахсис.

Чу бог эрур ватанинг, шодмон бул, эй булбул Ки,
гамгадур мени бехонумон учун тахсис.

Бошимни туфрог эт, эй муддаию ташламагил Ки, ани
цилмишам ул остон учун тахсис.

Агарчи дахр элида мехр йуц, сипехр этмиш Бу ишни
ул махи номехрибон учун тахсис.

Хуш улки, ёр Навоийни цилмайин мазкур Деди,
жафони цилибмен фалон учун тахсис.

**274**

Эй доги мехнатингга мени мубталога хирс, Ул
навъким, дирам сари булгай гадога хирс.

Хажрида васлин истабон айлармен изтироб,
Кургузган эл кеби мараз ичра давога хирс.

Мен даври рузгор цоралигин истарам, Катлимга тонг
йуц ул кузи цоши цорога хирс.

Махруммен висолидин, ушбу эмиш асар, Хар кимки
зохир айласа бир муддаога хирс.

Атфол гунча узгали онча харис эмас
Ким, бор кунгуллар олгали ул дилрабога хирс.

Мен чеккали жафосини хирс айларам аён, Не тонг,
агар ул айласа зохир жафога хирс.

Соликка хеч мазхаб аро хирс хуб эмас, Илло
бу эски дайрда жоми фанога хирс.

Махрумлуц харисца ойин эрур валек Васли ишида
кирмайин утмас арога хирс.

Дарду гамин куп истаю булди Навоийга Мунча
керакмас эрди бизинг бенавога хирс.

**275**

Эрур ишкинг мени махзунга махсус Ки,
Лайли дардидур Мажнунга махсус.

Куюнг, эй сарву савсан, жилваким, бор Бу
иш ул комати мавзунга махсус.

Куруб маст айламак лофин куй, эй май Ки,
бу бор ул лаби майгунга махсус.

Куй, эй ой, тунни ёрутмогниким, бор Бу иш
ул хусни рузафзунга махсус.

Кузум гирдоби жисмимни чумурди,
Эмас бу Дажлаву Жайхунга махсус.

Манга бемехр сенсен хам, фалак хам, Бу иш
бор ой ила гардунга махсус.

Навоий, оташин гул гунчасидек Эрур
куймак сени дилхунга махсус.

## ЗОД ХАРФИНИНГ ЗАМИРОН БУЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «БАДОЕЪ»ДИН

**276**

Файз таквида чу нук бил ким эрур, эй муртоз, Мабдаи
файз купу майкада пири файёз.

Ботину зохиринг ахволини кур ким килмиш Зойиъ ул
бирни хавотир, бу бирисин агроз.

Пир нутки кетарур ужбу риё бирла хасад, Исо улди чу
муолиж, нетар этмай амроз.

Фард бул динию укбодин, агар васл керак, Истаган
ёрни кавнайидин этсун эъроз.

Киргову корда ёшунган кебидур айбларинг, Элга бас
зохир, агарчи сен этарсен игмоз.

Кузунг оллида хатинг мушки чу кофур улди, Кур ани,
гар кузунга кирмади эрса бу баёз.

Кимки иллаллох ила кунглига истар пайванд, Нафъи лосидурур элдин кесилурга мицроз.

Килма кунглунгни савол ахли каду кажкули, Солма бир зарфца юз навъ мухолиф агроз.

Дуст ёди тирик асрар чу Навоий кунглин Еайр
зикри била доим нега булгай хамроз.

**277**

Баслига жон истар ул хури малаксиймо эваз, Мунча билмаским, эмас юз жон анга асло эваз.

Ул парий побусин айлар ваъда, вахким, топмагум Булса юз минг жон мени девонаи шайдо эваз.

Жон лабига бердиму еткурса басдур цатрае, Лаъли теккан майдин ул шухи цадах паймо эваз.

Тубию кавсар санга, эй воизу булсун, манга Ул
лаби гуё била ул цомати раъно эваз.

Риштаи динимни узди, лек басдур цилса лутф, Риштаи зунноридин ул махваши тарсо эваз.

Еофил улма ёрдинким, бир нафаслиц ёдига,
Солик оллинда эмас дунёю мофихо эваз.

Йулида улсанг, Навоий, еткура олур санга
Юз туман жон рахши гардидин бизинг мирзо эваз.

**278**

Килган эрмиш нотавон сарвиравонимни мараз, Зор уларменким, цилибтур зор жонимни мараз.

Чу топар озор жононим мараздин, йуц ажаб, Айласа озурда жони нотавонимни мараз.

Гар маразнинг лозими дард улди, билмон, эй кунгул, Дардманд этгайму, оё дилситонимни мараз.

Садцаси айланг мени мардудни, эй дустлар Ким, заиф этмиш улустин тонлагонимни мараз.

Дардлиг кунглум халокин истарамким куйида,

Йицмиш ул овораи бехонумонимни мараз.

Юз туман мендек кухан пир улса анинг садцаси, Килмасун озурда, ё раб, навжувонимни мараз.

То мариз улмиш нигорим — цон тукар гирён кузум, Эй Навоий, дей олурмен — тукти цонимни мараз.

**279**

Эй, цуёш васфин демактин, мохи рухсоринг гараз, Оби хайвон зикридин лаъли шакарборинг гараз.

Улки, дебтурлар бадан бустонида руху равон, Ахли маъни оллида цад бирла рафторинг гараз.

Жилвагар кавсар зулолида цуёшнинг ламъаси,
Кузгу ичра чехра аксидин намудоринг гараз.

Сайл мавжидин рациби хона пардозинг мурод, Абр сайридин саманди барцкирдоринг гараз.

Эй кунгул, Фарход тоги бирла метин захмидин Дарду мехнат шиддатидин жисми афгоринг гараз.

Ул цуёшца, эй фалак, хар заррани зор этмакинг, Зарраи мацсуд йуц жуз бизга озоринг гараз.

Эй Навоий, умр бобида вафосизлиц сузи
Ким, булур мазкур, эрур шухи жафокоринг гараз.

**ТЕ ^АРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «БАДОЕЪ»ДИН**

**280**

Дайр пири хидматида цилса хар хаммор шарт, Ким белин руст айлагай, аввал эрур зуннор шарт.

Шарт цилдимким, вафосизларни эмди севмайин, Ишц зур эткач вале ботил булур бисёр шарт.

Тавба цилмоц истар эрсанг, цилма даъво ошкор, Тенгрига топшур узунгни, цилмагил изхор шарт.

Ишцни жабборлар фахм айламаслар, негаким,
Бордур анда жон решу хотири афгор шарт.

Булмагил озурдаву озурда цилма кимсани,

Фацр ойинида невчунким эмас озор шарт.

Шарт ила даъво фано ичра эмас шарти адаб,
Беадаблигдиндур, этса шайхи даъвивор шарт.

Солик эрсанг, ишга машгул ул, вале дам урмагил, Ким,
бу йулда шарт эрур кирдор, эмас гуфтор шарт.

Истар эрсанг тенгрини, бутларни синдуркким, эрур Ушбу
йулда динию уцбодин истигфор шарт.

Эй Навоий, чархдин жуз эгрилик куз тутмаким, Хожат
эрмас цилмоц ани чархи кашрафтор шарт.

**281**

Гул уза анбар ёйилди, зохир эткач ёр хат,
Орази гулнор уза ким курди анбарбор хат.

Хаттини курдик лаб узра, гар зумуррат хат киши
Курмади лаъл узра ё шингарф уза зангор хат.

Демаким, хат ёзмадинг хажримдаким, элтур киши
Йуцтурур, лекин ётур хужрамда юз тумор хат.

Ул парий цасрида хомам нугидин, ох, уц келур, Ох уци
бирла ёзар холатда мажнунвор хат.

Конима хижрон агар хат олмамиш, не важхдин Ашки
гулгундин аён цилмиш сариг рухсор хат.

Ул цуёштин айру сариг чехрам устурлобдек, Кургузур
тирноғ ила бехад рацам, бисёр хат.

Жоми Жам даврида шавкат ахлининг тарихидур Ким,
аён айлабтурур ул согари заркор хат.

Даври гардун сайридин тузлук таваццуъ цилмаким,
Мумкин эрмас мустацим этмак рацам паргор хат.

Ёр хаттидин Навоий хаста кунгли заъф этар, Заъфца
мужиб булур, чун куп уцур бемор хат.

**282**

Хат чицардинг, цилма хусну ноз аро эмди галат Ким, яна
бедод цилман деб юзунг кургузди хат.

Куйки, мовий ёглигингни юздин олмай бир замон, Не
учунким, хуш курунур зарварак узра шамат.

Бокмади холимга айни ноздин усрук кузунг, Нечаким
оллинда ёлбордим, бокардим хар намат.

Хомадек гарчи курубмен катл учун шак килгали,
Куксум ул шух истамайдур тигким, истар микат.

Асру беандом эрур тубию шамшод асру паст,
Коматингдур муътадил, мен толиби хадди васат.

Шоми хижримга агар йук субх, хуштур интиком Ким,
фалак булди фироким тоги оллинда сакат.

Эй Навоий, ул паридин одамилиг курмадинг,
Улки согиндинг парини одами килдинг галат.

**283**

Юзу лаълингдин топар хар лахза кунглум инбисот,
Уйлаким, хотирга юзлангай гулу мулдин нишот.

Оразингни ой десам йук айб, чун кургузмадинг, Эй
куёш, чехрангни очким, яхши айлай эхтиёт.

Айласам зохир анинг мехрин махалли рашк эмас,
Заррага не булгуси хуршид бирла ихтилот.

Дилбаро, базминг бисоти нотавон ушшокдин Чун
тулубтур, гофил улмаким, эмас холи бисот.

Хажрдин етмак висол ичра не мумкин сабрсиз Ким,
тамугднн утти учмог сари катъ этмай сирот.

Боглама кунглунгни бу манзилга, невчунким, эрур Бир
янги мехмон ери хар лахза бу эски работ.

Эй Навоий, дахр аро не келса, булгил мунбасит, Гарчи
лаззатсиз булур куч бирла килмок инбисот.

## ЗЕ ХАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУХУРИ «БАДОЕЪ»ДИН

**284**

Уйла килдим дафтари ишкингда хар дастонни хифз Ким,
килур атфол сура-сураи куръонни хифз.

Телбаликдин гарчи йуцтур хотиримда хеч харф, Лек бас хуб этмишам афсонаи хижронни хифз.

Оразу куюнгни васф айларни цилган орзу, Айламак авло бахористон билан бустонни хифз.

Юз балога учраса жоним гамидин, гам емон, Хар балиятдин керак хац айласа жононни хифз.

Ёр дерлар айламиш кулбамга келмак ихтиёр, Вахки, айлай олмогум беихтиёр афгонни хифз.

Шоми зулфи цайдию мехри узорин кургали
Айламишмен сураи валлайлу вал-рахмонни хифз.

Эй Навоий, ишщ атворини хифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, цилсун бизинг девонни хифз.

**285**

Эй, улукни тиргузур чогда суруб дурбор лафз,
Дам-бадам зохир цилиб лутфунг Масих осор лафз,

Каддинг ул нахлики, бори гавхари алфоз эрур,
Оллох-Оллох, не цад раънову гавхарбор лафз.

Лаъли хар лафзида маъни куптурур, йуц тифлдек, Бир адое маъни айларда дегай бисёр лафз.

Оразинг васфида куп сурсам цуёш лафзин, не тонг, Ажз эса маъни адосида топар такрор лафз.

Хажр аро андоц топибдур ноладин бугзум хирош Ким, булур дарди дилим айтур замон афгор лафз.

Бемалохат хубким дебо киёр бор уйлаким, Маъни улгай чошнисизлик анга паргор лафз.

Эй Навоий, кунглунгга берсанг сафо, ёр оллида Фош улур сирринг, не хожат айламак изхор лафз.

**286**

Тонг эмастур, тоби ищцингдин кунгул гар топса хаз, Не ажаб, ут шуъласи бирла самандар топса хаз.

Хаста кунглум бир лабинг цандидин, эй оби хаёт, Топти хаз, шарбат ичиб нетти мукаррар топса хаз.

Жоми лаълингдин кунгул махзуз булди, вах, не тонг,
Тушса махмур илгига бу навъ согар, топса хаз.

Тун-кун ул бебок май ичкандин ар гамгин эсам, Бок йуц,
майдин керакким ул ситамгар топса хаз.

Мен ютуб цон йигларам, лаълинг ичиб согар кулар, Тенг
цадах ичкан керак эрди баробар топса хаз.

Ишци комил курки, юз минг зухд бирла бодадин, Гуйиё
мен хаз топармен, ул саманбар топса хаз.

Не ажаб, ахли хирад хушдил Навоий назмидин, Жавхари
топцанда, тонг йуц, яхши гавхар топса хаз.

**287**

Кунгулки ишцини жон ичра айлади махфуз,
Гухарни нацди нихон ичра айлади махфуз.

Кунгулки куйида эрди гариб, дарду гамин Не
бас, гарибн макон ичра айлади махфуз.

Начукки руху равон тандадур нихон, ишцин
Курингки, руху равон ичра айлади махфуз.

Юзию огзида асраб кунгул била жонни,
Яцинда доги гумон ичра айлади махфуз.

Ёшурди догини цонлиг кунгулда, вах, курким,
Тугонни лоласитон ичра айлади махфуз.

Лабида асради жонимни, ишци жон фарсой
Курутти цонину цон ичра айлади махфуз.

Навоий улди фигондин, бу турфароцки, анинг Чу
жонин олди, фигон ичра айлади махфуз.

## АЙН ХАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

**288**

Хацдин азизлиц тиласанг, элдин уз тамаъ, Ким
халцнинг ааззи деди azза манцанаъ.

Мазмумдур цаноатидин цонеъ этса фахр, Томеъ
хисолидин киши не айлагай тамаъ.

Ким туъма топмас эткали ифтору рузадур,
Эрмас вараъ бир очка гизо базлидур вараъ.

Мотам узунгга тутки, уларсен гунох ила, Бе
журм тифлинг улганига недурур жазаъ.

Бир дардманд кунглида курсанг важаъ, анга Гар
кунглинг огримас, ул эмас, будурур важаъ.

Нафс улса тобиъинг кишисен, йукса булмагунг Харгиз
киши, булуб санга юз минг киши табаъ.

Коккил, Навоий, ушбу эшикни лажож ила Ким,
собит улди факрда мазмуни манканаъ.

**289**

Улки, айлармен гами хажринда жон бирлан видоъ, Кош
жондек айласа бу нотавон бирлан видоъ.

Гар жахону жон ила килмок видоъ осон эрур, Лек бас
мушкулдур ул жону жахон бирлан видоъ.

Гар видоъ этсам замону юз минг ошуби била, Найлаб
эткаймен ул ошуби замон бирлан видоъ.

Хонумонимга видоъ эттим гамидин, вах, анга
Ким, дей олгайким, кил ул бехонумон бирлан видоъ.

Мен улуб ул яхшилар султонининг хижронида, Ул топиб
жон айлаганда мен ёмон бирлан видоъ.

Айладим куп мехрибон бирла видою улмадим, Вах,
улармен, килсам ул номехрибон бирлан видоъ.

Дахр бустонига магрур улма куп, эй богбон, Охир эткунг,
чун гулу сарви равон бирлан видоъ.

Гар видоъинг вакти улсам бориб уздин, не ажаб Ким,
эрур куп саъб сендек дилситон бирлан видоъ.

Эй Навоий, хайрбоди вакти хилват истаким, Айлагунг
ошубу фарёду фигон бирлан видоъ.

**290**

Килур кайгу кунглумга ул нозанин жамъ,

Жарохатца андоцки булгай чибин жамъ.

Лабингда халоват булур муфрит андоц Ки,
гул яфрогида булур ангубин жамъ.

Йигар цатл учун элни ул кофир, аммо Дуосига
анинг булур ахли дин жамъ.

Иши дашт уза гайри расволиг эрмас, Неча булса
куюнгда хилватнишин жамъ.

Танингча эмас, кунглакинг ичра цилса Киши
хулла ичра гулу ёсмин жамъ.

Юзинг даврида зулфу машшоталар кур Ки,
гул хирманида эрур хушачин жамъ.

Кавнайн ранжидин халос улдунг, не нуцсон айладинг.

**362**

Курган эл бедоди хижрондин мени ер бирла тенг,
Курсангиз ишц ахлини, мендин упуб ер, ишц денг.

Сарв тенг тутса узин цаддинг била, ул навъдур Ким, гиёх
улгай цад ичра сарви раъно бирла тенг.

Еунча ичра жола лоф урса тишинг бирла не тонг,
Бу адам кунжига цолиб, ул топибдур ерни кенг.

Турфадурким, куфр шоми рафъ улуб, цилгай тулуъ Субхи
имон зулфин очиб, ошкор этса ул энг.

Турфароц буким, саодат субхида чицмиш дегай Тийра
бахтим ахтариким, курса ул энг узра менг.

Ацл васвоси хароб этмиш мени хужжат била,
Социё, бир айш жоми тут мангаву ани енг.

Эй Навоий, енгда пинхон этма ул ой руцъасин, Чун санга
улдур хамиша ашк оритмог бирла енг.

**363**

Менинг фироциму анинг висоли тун била тонг, Бу
навъ дахрда йуц эхтимоле тун била тонг.

Еариб зулфу юз эрмасмуким, жахон элига Курунмамиш бу
икининг мисоли тун билан тонг.

Тонгим ёругу тунум тийрадурки, чирмашадур Кунгул
аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.

Не тунда айш насими, не тонгда мехр, магар Ки, булди
зулфу юзунг поймоли тун била тонг.

Тунунг хужаста, тонгинг цутлуг улсун, эй махваш Ки, икки
банда санга булди холи тун била тонг.

Биравки, тонгу тунин бода бирла уткаргай, Яцинки,
булмагай анинг малоли тун била тонг.

Навоий этмади зулфу юзунг висолин кашф, Валек
эрур гаминингг иттисоли тун била тонг.

## ЛОМ ХАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «БАДОЕЪ»ДИН

**364**

Эй кунгул, бир навъ улубмен ахли даврондин малул Ким,
эрурмен кимки андии яхши йуц, андин малул.

Хажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени Ким,
эрур хар лахза мендин жону мен жондин малул.

Тенгри халц этмиш мени гуё малолат чеккали
Ким, даме йуцким, эмасмен халци нодондин малул.

Неча диним узра титрай дилраболар куйида,
Эй, мусулмонлар, булубмен кофиристондин малул.

Истасанг мацсад, цадам цуй, таън тошидин не бок, Каъба
топти булмагай хори мугилондин малул.

Эй кунгул, фикрингни цилким, дусту душманлар юзун
Курмас эрди, булмаса сен зори хайрондин малул.

Эй муганний, тут «Ироц» охангию кургуз «Хижоз» Ким,
Навоий хотири булмиш Хуросондин малул.

**365**

Эй кунгул, мен тарки ишц эттим вале фош этмагил, Мен
сенга сиррим дедим, сен элни сирдош этмагил.

Эй куз, эмди айладим хар чехрадин цатъи назар, Кил
тахаммул доги атрофимни цон ёш этмагил.

Социё, цуйдум аёгингга сиришким лаълини, Лутф этиб, бу
майга жоми хажр подош этмагил.

Риштаи мехр уздум, эй машшота, зулфи циссасин Куп
узатиб, нотавон кунглумга чирмош этмагил.

Гар десанг цаддинг булуб хам, цолмагайсан фитнага, Куз солиб хуснига, майли ул кузу цош этмагил.

Хажр тошин ёгдурубким цавди, улсам, эй рафиц, Кабрим устида тукар тошинг жуз ул тош этмагил.

Эй Навоий, фацр йулинда ер упкил хар цадам, Яъни ул йулда цадам сайр ичра жуз бош эгмагил.

**366**

Косидо, оллинда ахволи харобимни дегил, Муфрит андух бирла мухлик изтиробимни дегил.

Ишци ичра заъфлиг жисмим шиканжи шархин эт, Тору зулфидек ут узра печу тобимни дегил.

Куйи сайрида куруб ани мулойим гайр ила, Равзаи жаннат аро дузах азобимни дегил.

Тан тирикларнинг хисоби топмаганни доги айт, Жонда хам дарду балойи бехисобимни дегил.

Хажр дардидин вужуд уйида бир дам тухтамай, Хар замон мулки адам сари шитобимни дегил.

Сурсаким, гам базмида менсиз тузарму базми айш, Кон ёшимдин бода, багримдин кабобимни дегил.

Эй Навоий, гам била бехудлугумдин нукта сур, Ёр хажринда бу янглиг хурду хобимни дегил.

**367**

Эйки, ишк ошубида холим сурарсен, сурмагил, Кузларимда су куруб, кунглум аро ут англагил.

Эй парий девона деб кунглумни кавма хар замон, Даъвойи дилдорлиг килсанг, кунгулни асрагил.

Эй, бахори хусн, барки васл ила кул кил мени, Нотавон кунглумга лекин доги хижрон куймагил.

Шухлуктин буки бог ичра тиларсен уйнамок, Кузларимнинг боги серобинда бир хам уйнагил.

Телба кунглумни хамиша килма мажрух, эй парий, Тиги кин юз катлаким сурсанг, бирор хам алдагил.

Кирди ишк ахли фано даштига, эй мажнун кунгул,
Истасанг йул озмагайсен, корвондин колмагил.

Эй Навоий, дайр аро булсанг гадолиг бирла маст, Бош куяр булсанг, сафолингни бошингга ёстагил.

**368**

Не атову не угул, сен шах йигит, мен кори кул, Хеч ато курмайдур эркин сен кеби бадмехр угул.

Ишкинг оташгохига хар нечаким килдим назар, Шуъласи утлук нафасдур, ахгари конлиг кунгул.

Рузгорим хажр даштида корарган, айб эмас
Ким, анинг мушкин насими дуд эрур, туфроги кул.

Доми ишкингдин гар озод айласанг кунглум кушин, Узга ён килса хаво, синган пару болини юл.
Неча цилгай дарди дил хар дам санга жон, эй ажал, Рахм этиб, андин мени цутцар, узунг доги цутул.

Истасанг махлас цора цайгудек андух шомидин, Субхдек оллингга даврондин неким юз берса кул.

Эй Навоий, саъй ила чун васл хосил булмади, Ёр лутфига тикил эмдию гайридин тунгул.

**369**

Гах-гах, эй шух, мени бошинг учун ёд этгил, Ё бошингдин эвуруб бир йули озод этгил.

Бийми хижронинг ила неча цилурсен гамнок, Нетти бир муждаи вослинг била хам шод этгил.

Бордингу узр буким тузмади бедодимга, Кел доги
ончаки мумкин эса, бедод этгил.

Ноладин ишцки кунглумни йитиб, етти фироц, Эмди, эй телба, фигон чеккилу фарёд этгил.

Базмдин сурдингу кетмакка эрур мониъ заъф, Социё,
бир-икки согар била имдод этгил.

Фацр даштида десанг форигу озода борай, Кир таваккал билаю вахмни барбод этгил.

Эй Навоий, тиласанг ишцда эмганмагасен, Узни хижрон гамию дарди била муътод этгил.

**370**

Кошларингдинким эрур цонлиг кунгул ичра хаёл, Ул цизил когазда нундур, бу шафац ичра хилол.

Тутмайин кунглумда таскин цадди васлин истамон, Кайда пайванд этсалар, тутцай узи, тутмай нихол.

Сарвнинг сени кеби бошинда дастор узра чин, Наргис узра нуцта монанди кузунг устида хол.

Заъфлиг жисмимдадур хар ён бугинлардин гирих, Нол торига эрур гарчи тугун тугмак мохол.

Лолагун май тобидин ул ой цизармиш ё магар
Шухлуцтин лолазор устида агнаптур гизол.

Давр элида гар вафо йуц, сен вафо цилгил, валек Кимни хушхол этсанг, андин тут узунгга юз малол.

То Навоий зулфи янглиг пойбусин истади, Гах паришонхол эрур ул зулфдек, гах поймол.

**371**

Дустлар, ул сарвцад хажринда чун булдум цатил, Сарв экинг, гар цуймоц истарсиз мазорим узра мил.

Кухи хажр эгнимда истармен ани суръат билан, Шавцдин хасдек танимга эрмас андоц юк сацил.

Заъф аро сунбулни гар зулфунг дедим, тонг йуцки, бор Хастага жавзо туни ялдо туни янглиг тавил.

Рашкдин бир-бирга циймас мехрини жону кунгул, Рост андоцким хасуд эл молига булгай бахил.

Буки хижрон тигидин куксумни юз чок айладинг, Юз далилим бор, агар хар чок булса бир далил.

Дайр жаннат, хури айндур хублуцтин мугбача, Май зулоли бирла куп айнан тусаммо салсабил.

Гар юзунг истаб Навоий кузларингга хордур, Не ажаб, дин ахли куффор оллида булмоц залил.

**372**

Хажринг кунин бир йилчаву хар соатин бир ойча бил,
Хайрат махалли булмагай ун икки ой гар булса йил.

Ул ишвагар чун очти юз — кузга назар йуц, тилга суз Ким, ашкдин богланди куз, хайратдин ул янглигки тил.

Чун шахсуворим отланур, андин фалак лаъб урганур,
Ишцида жисмим тулганур, ул навъким ут узра цил.

То чицмас ул гул богдин, булмиш бу дарду догдин, Дардим огирроц тогднн, хошокдин жисмим енгил.

Эй хусн аро сохиб гино, хуршид отангдур, ой ано, Истар эсанг нисбат яна, хам сарв ого, хам гул сингил.

Кук мехридин айёрроц, Бахромдин хунхорроц,
Сен ё фалак гаддорроц, эй мехри йуц мохим, дегил.

Курди Навоий жон аро гам шуъласи хирмон аро, Куз мардумидек цон аро, кургач либосингни цизил.

**373**

Ул гули раънога номам хуб эмас яксон цизил, Сафхаси булса керак бир ён сариг, бир ён цизил.

Хажр утидин цони кунглумнинг цурубтур, гар ул ут Зор кунглумни цизитмайдур, недур пайкон цизил.

Сарвга гулнор баргидин либос эткан кеби, Чекти гулгун хулла нахли цаддига жонон цизил.

Бесутун Фарход цабридур цизарган лоладин, Ё анинг цонидин улмиш туфроги хар ён цизил.

Оримас ашким била кузнинг цизарган раглари, Бахр мавжидин оцаргудек эмас маржон цизил.

Кон ёшим сероб цилди богни, мундин нари Анда тонг эрмас кукармак сабзаву райхон цизил.

Гар кузунг захмин кунгуллар цонин этмайдур гизо, Бас,
недин цон туккали булмиш начукким цон цизил.

Чарх бахридин бу янглиг булса цон ютмоц мудом, Йуц
ажаб, эмди садаф бермак дурри галтон цизил.

Лаъли шавцидин саросар лолагундур куз ёшим, Эй Навоий,
ким курубтур бахри бепоён цизил.

**374**

Ёр хижронида сарвацтимга еттинг, эй ажал,
Жон фидонг этсам хануз оздурки, келдинг дармахал.

Жон талашмоглицца цуйма лаъли хажридин мени, Чун
эрур таъхир аро офат, куп цилма хаял.

Жонни бот олмоц санга мушкул эса, жон чекма куп, Куйки,
бу мушкулни бот айлар анинг хижрони хал.

Хажридин улмай висоли нушидин топсам умид,
Айлагумдур саъй улмактин тирилмак филмасал.

Хажр беморига цотил захр эрур хайвон суйи, Эй Масих,
асра нафас бу нуктада, цилма жадал.

Сунгги кундин халц тарсон, мен бурун кундин вахим, Элга
гам шоми абад келди, манга субхи азал.

Ич Навоий, гусса тахлилига гулгун бодаким, Бир
пиёла лаъли махлул улмади андин бадал.

**375**

Жонга зулмунгни нечаким кунглунг истар, онча Кил, Мен
чека олганча демон, сен цила олганча цил.

Кузгади кунглумни бедод айлабон хайли гаминг, Гар риоят
айласанг, ул мулк цузголганча цил.

Жонима минг дард солдинг, айла мингдин бирни дафъ,
Айтмон анда даво хам дардни солганча цил.

Гам юки остида тавшалдурди хижронинг мени, Илтифот
этсанг доги мен зор тавшолганча цил.

Жавру бедодинг туганмай цолган эрса жонима, Чархдин
хам унтуж олсанг, ол демон, цолганча цил.

Ваъдаи мехрин манга юз цатла ёлгон этти чарх, Сен доги бемехрлик цилсанг, юз ул ёлганча цил.

Эй Навоий, навха охангида куп цилдинг фигон, Эмди мажлис мутриби бу нагмани чолганча цил.

**376**

Бу не цомат, бу не рафтору на шаклу на шамойил Ким, этар ацлни мадхуш, доги хушни зойшк

Юзи куйдурмакима ут, сочи йиглатмогима дуд, Кузи торожима соий, цоши хунрезима цотил.

Жонфизо хусни ницоб ичра, доги эл талашиб жон, Колмагай эрди тирик бир киши, ул булмаса хойил.

Тигин эгнимга тушурмакни хамойил тилайолмон, Кайда ул бахтки, булгай цули буйнумга хамойил.

Эй хабиб, этма Масих оллида изхори фасохат, Чун эрур дам ура олмасца лабинг оллида цойил.
Аклу хушу хираду жонни анинг йулида куйдум Топмадим васл мухайё килибон мунча васойил.

Чунки ушшок уни ёкмас эмиш ул гул кулогига, Эй Навоий, неча булбул кеби бу наъраи хойил.

**377**

Эй мусаввир, оразин кур, мехри рахшон чекмагил, Жондин ортикдур лаби, зинхорким жон чекмагил.

Келди ул миръоти хусну учмок истар жон куши, Эй кунгул, бир лахза урма оху афгон чекмагил.

Новакидин жон топиб эрдимки чектинг, эй рафик, Эмди боре захмидин бир лахза пайкон чекмагил.

Эйки, буйнум богладинг куйида журми ишк ила, Асра гарданбаста кулни, лек хар ён чекмагил.

Гамза тигидинки кунглумни коворсен ошкор, Чин эса куллоб, зулфунг бирла пинхон чекмагил.

Мумкин эрмас кисмат улган ризкнинг афзунлиги, Бас халойик миннатин, то булгай имкон, чекмагил.

Эй Навоий, хонаках шайхи куп эткай зарку макр, Йуклук асбобини муг дайридин осон чекмагил.

**378**

Начукки дард кироги аёгинг остида дол, Узор нуктаси янглиг узоринг устида хол.

Алиф кеби кадинг ул икки ломи зулф ичра Курунгач, улдум алар васфин айламактин лол.

Танингки мовийи бехол хулладин курунур, Танимни су кеби, тонг йук, гар айласа бехол.

Гариб холим агар ёр сурмаса, не ажаб
Ки, огзи йуклугидин йуктурур махалли савол.

Малолат этти мени гард, лек куркармен
Ки, еткай, ани десам, хотирингга гарди малол.

Бу бог гуллари чун бевафодур, эй булбул,
Хуш ул цушеки, тааллуцдин улди форигбол.

Навоий, истаса дилбар сени фироц ичра, Мурод топма, агар худ муродинг улса висол.

**379**

Ики куз манзилинг, эй мохи махмил, Кунгулга
азм цил манзил-баманзил.

Кузунг цотилдур, аммо захр чашминг Эрур
ултурмакимга захри цотил.

Эшикингда ёзармен охлар, лек Булур, бир ох
чексам, барча зойил.

Мени мажнун деди лайливашим, вой Ки, бу
девонани согинди оцил.

Кузунг чун нимхоб эрди, не тонг, гар Кунгул
сайдини цилди ним бисмил.

Эрур бир хол бирла мабдаи файз, Санга
гар етмас, айла узни цобил.

Навоий, узлукунг рафъ этким, ул бут Эрур мацсуд рухсорига хойил.

**380**

Ёцинг ут бергали, эй ишц, хаётимга халал, Доги хажр уртагуча уртаса нодоги ажал.

Деб эмишсенки, фироцимдаги ушшоц ичра Нечасин айлагум охир, мени бори аввал.

Номаи хажрим аро сафхаи тацвим кеби Ашк цони била хар сари чекилмиш жадвал.

Барци тигингки вужудум хасини куйдурди, Дудидин тийра гар улса, кулидин бер сайцал.

Бошима шуълаи хижрон туташибдур, не осиг Ким, ёрутмас цора хажрим кечасин бу машъал.

Зохидо, бода гунах булсаву лекин не гунах Бизга бу ишни насиб этти чу цассоми азал.

Ишцдин куп гала назм этти Навоий, билмон, Найлагай, турфа газолига етушса бу газал.

**381**

Гуё лабу хаттингни тарх этканда наццоши азал, Шингарфу зангор урнига лаълу зумуррад цилди хал.

Фош этти гохи риццати куз цони томган хайъати Ким, куз цорасин фурцати цон бирла айлабтур бадал.

Доги фироц, эй дилрабо, андоц кузум цилди цора Ким, куз цорасидек манга матлуб эрур доги ажал.

Сен фурцат истаб кин ила, мен ер упуб тамкин ила, Катл ахлига таскин ила цилмоц намоз эрур хиял.

Хджринг утидин хар замон андоц куяр озурда жон Ким, согинур боги жинон дузахца кирса филмасал.

Юз йилга умр улсун царин бир дам курар ахли яцин, Бас недур, эй хилватнишин, мунча санга тули амал.

Васлу замони бул-ажаб, соций, цадах тут лаб-балаб, Мутриб, тузат савту тараб, уткар, Навоий, бир газал.

**382**

Ишцинг утидин таним кул булди, эй бадмехр, бил, Мехр уйи цилсанг бино, ул кул била тарх айлагил.

Гар бузуцта чугз нолон курмамишсен, захми куп Тан аро афгон чекар кунглум цушин наззора цил.

Келди чун охимдин ут олмоцца Мажнуни заиф, Тулганиб чурканди ул ут ичра ул янглигки цил.

Гам туни заъф эттим андоцким сахар ул куйдин Субх анфоси учургудек таним булмиш енгил.

Кунглаки гулгун бехол улди чун жисмин цучар, Найласун бехол булмай, эн кунгул, охир дегил.

Умрга хеч эътимоде йуцтур, эй гофил кунгул, Ою йилни неча маст уткаргасен, бир хам ойил.

Неча ул кирпик синонига Навоий кунглини,
Х,ар замон илгайсен, эй бадмехр, ани бир кузга ил.

**383**

Ким деди мехрингни ул махвашка равшан айлагил, Куч била жонингга жононингни душман айлагил.

Ул парий чун борди, хохи телбалардек дашт тут, Хох зухду офият кунжини маскан айлагил.

Чун булур ул турфа куш купрак рамида, не осиг, Хар замон юз катла гар фарёду шеван айлагил.

Эй куёш, ишкингда гар саргашта булди заррае, Гарм улуб куйдурма, балким мехр анга фан айлагил.

Булмаса ул сарви гулрух, эй кунгул, дузахча бор, Хохи азми дашт кил, гар майли гулшан айлагил.

Хар не даврондин келур, таслим хуштур, эй рафик, Нафъ чун йук, узни гар юз катла тавсан айлагил.

Гам сипохи катлига майхонадур дорул-омон, Эй Навоий, зинхор ул уйни маъман айлагил.

**384**

Эй парий, юз ёралик кунглум сари наззора
Кил, Ёрасиз хар кайдаким топсанг, ани хам ёра кил.

Пора-пора айлагач бир-бир анинг ажзосини, Юзларин
борининг охим дуди бирла кора кил.

Хайли хиндудекки, душман илгида булгай асир, Хар
бирисин олам ичра бир тараф овора кил.

Чун алар овора булди, кузларимни хам уюб, Утка ташлаб,
уйларин хам тош била юз пора кил.

Ул икавдин бошима келган балову гуссани Айлабон
мундок укубатлар замоне чора кил.

Кузу кунглум булмаса неткунг агарчи, эй сипехр, Хубларга
сарвдин кад, мехрдин рухсора кил.

Эй Навоий, уйнагунг йук ишк то юз курмагунг, Узр айтиб,
ер упу суз таркини якбора кил.

**385**

Эй кунгул, хижрон кунидур, тортиб афгон йиглагил, Вай
куз, айрулгунгдур ул гулчехрадин, цон йиглагил.

Куз тутармен, эй булутким, утсанг ул гулшан сари, Чун
согинсанг бизни, ун тортиб, фаровон йиглагил.

Ростлиц хацци учун, эй шамъ, бир тун базмида Чицса суз
мендин, куюб бехадду поён йиглагил.

Эй цадах, цон ютмагимни мажлисинда согиниб, Чекса
гулгун бода ул гулбарги хандон, йиглагил.

Кунглум олган чогда, эй куз, манъи ашк эттим, валек Касди
жон хам цилди чун ул кунглум олгон, йиглагил.

Йул цотиц, мацсуд мубхам, яъс голиб, эй кунгул, Ун чекиб
бу холинга, то бордур имкон, йиглагил.

Эй Навоий, белу огзидин санга йуцтур насиб, Хох
пайдо нола чеккил, хох пинхон йиглагил.

**386**

Хажр уцидин, эй кунгул, хар ён цанотлар соз цил, Ул парий
васли хавосин истабон парвоз цил.

Истасанг бир цисса, эй ровийки, эл куп йиглагай, Ишц аро курганларимнинг шархидин огоз цил.

Биз ниёз ахлию сен ноз ахлисен, рахм эт гахе, Куй ниёз этмакка бизни гох, узунг хам ноз цил.

Гар десанг цатлим сузинким йуц дегум йуц, эй Масих, Улгум армон бирла, бир дам хам мени хамроз цил.

Рахм озу жавр куп цилмоц санамлар даъбидур, Гар цила олсанг ани купрак, бу бирни оз цил.

Берма, эй зохид, тааюндин узунгга имтиёз, Узни элдин бетааюнлуц била мумтоз цил.

Гар бегонамассен Навоийнинг нихоний дардини, Ёна, эй ишц, охи бирла ашкини гаммоз цил.

**387**

Тиги хижронинг била кунглумни юз парканд бил,
Хар бирин юз ёралиц багримга бир пайванд бил.

Дема хар торида зулфининг нединдур юз гирих, Хар бирин ул торлардин юз кунгулга банд бил.

Ою кун гар волидайи улса ул афзун хусн аро, Айб эмас, икки садафца дур кеби фарзанд бил.

Ёлгон ахли ишц янглиг цатлим этма, чехра оч, Бир куруб ишц ичра улмакка мени хурсанд бил.

Хуснига ухшаттинг, эй гардун, цуёшингни, валек Он анга монанддек, ани мунга монанд бил.

Эйки шахсен, лек цилмайсен раво эл хожатин, Узни хам уздин улугроц шахга хожатманд бил.

Эй Навоий, панд эшитмай телба кунглунг булди гум, Десанг андоц булмай, ахволин узунгга панд бил.

**388**

Хулласин ул сарв цилди нахли раънодек яшил, Лек охим дудидин вахм айлаб осродек яшил.

Эврулур бошига булбуллар кеби парвоналар, Килгали ул шамъ кисват сарви раънодек яшил.

Ранги лаъли гар дурур цонлиг мужам, токим эрур Вусма бирла цоши мино туслуц ёдек яшил.

Истамас булса цора эл рузгорин ул цуёш, Хулласин бас невчун этмиш чархи хазродек яшил.

Гар муаллим лавхи мино жаврин ургатмас, недин Лавхаи таълимин этти лавхи минодек яшил.

Реву ранг ахли муриди булмагилким, Хизр эмас, Хирцасин хар ахмац этса бацли хамцодек яшил.

Эй Навоий, юз гул очти жонинга ул сарвиноз, То либос этти бахори оламородек яшил.

**389**

Юзига, англамадимким, ницоб эрур хойил, Куёш жамолига ёхуд сахоб эрур хойил.
Узори устида кокилму булди ошуфта, Йуц эрса гул юзига мушки ноб эрур хойил.

Уцунг курунмас эса пора-пора кунглум аро, Не тонгки, сих курарга кабоб эрур хойил.

Бузуг кунгул аро ул ганжи хусндур, юз шукр Ки, эл кузидин анга бу хароб эрур хойил.

Фигонки, турфа муганний уни била хушмен, Вале нетайки, юзига китоб эрур хойил.

Курарсен ани, гар узлук хижобин этсанг рафъ, Агарчи кургали юз минг хижоб эрур хойил.

Навоий, айлама курмак хаёл ул гулни Ки, баргдин юзига бехисоб эрур хойил.

**390**

Оразингни бог аро чун курди, хайрон булди гул, Баргсиз цолди, нединким, бас паришон булди гул.

Бодадин гул-гул куруб ул юзни, анинг хажридин, Чок-чок улган кунгулдек тах-батах цон булди гул.

Гулузорим кишвари хусн ичра булди подшох, Рост андоцким, чаман мулкида султон булди гул.

Сайри бог айларда даврон чашми захми дафъига, Х,ар тарафтин чобукум даврида цалцон булди гул.

Лаъли комимдур, цошимда келса ул гул хирмани, Май тилар кунглум, чу базмимда фаровон булди гул.

Кеча-кундуз цилма гулбонгингни бас, эй андалиб Ким, санга беш кун бу гулшан ичра мехмон булди гул.

Гул чоги ёри сафар айлаб, Навоий жонига
Х,ар бири бир тоза цонлиг доги хижрон булди гул.

**391**

Оташнн гул гунчасидур утлугу цонлиц кунгул, Зор булбул тумшуги чокидин афгонлиц кунгул.

Бустонафруз эрур хар ён нихон тухми анинг, Х,ажр хуноби аро юз доги пинхонлиц кунгул.

Хаста жоннинг сугида девонаедур мотами, Кукрагимнинг захмидин чоки гирибонлиц кунгул.

То булуб юз пора, хар бир пора зулфунг торидин Бирга богланди, басе топти паришонлиг кунгул.

Бирки хайрон булди ул оразга, курди халцдин Хар нафас юз цатла уз холига хайронлиг кунгул.

Еунчалар эрмас тиконлар ичраким, ушшоцдек Чархдин кургузди ул хам неча лайконлиг кунгул.

Эй Навоий, кунглунг олдурма, йуц эрса сен улуб, Не осиг, юз цатла гар цилса пушаймонлиг кунгул.

**392**

Юзини курди бадан чокидин хароб кунгул,
Узулди, баски аён цилди изтироб кунгул.

Чу булди жилвагар ул ганжи хусн хасратидин, Хароблиг циладур хар замон хароб кунгул.

Магар шиканжаи зулфунгга цолдиким, урди
Узига гунча кеби мунча печу тоб кунгул.

Балодурур гами ишцинг сенинг вале юз вой
Ким, ул балодин эта олмас ижтиноб кунгул.

Шарори ох масаллик ул ой хавосида кур Ки,
пора-пора цилур кук сари шитоб кунгул.

Риоят айла судек соф халц кунглиниким, Синар
нафас била ул навъким хубоб кунгул.

Навоий онча лабингдин дедики, булди анга
Тешилмаки била цон ичра лаъли ноб кунгул.

### МИМ ХАРФИНИНГ МАХБУБЛАРИНИНГ МАЛОХАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

**393**

Борму ул икки урулгон гесуйи анбар шамим,
Ё этак солмиш Мухаммадда ёзилган икки «мим».

Хамд важхида бири сарчашмаи оби хаёт, Хадди лутф
ичра бири сархалцаи ахли наъим.

Ул биридин рухпарвар топти анфоси Масих, Бу
бирисидин асосин аждахо курди калим.

Жахл аро улган кунгулларга дами Исо булуб, Чун эсиб
танлар цубурига риёзингдин насим.

Курмаган булсанг ато, маъни анга бу булдиким, Сен
кеби чицмай нубувват бахридин дурри ятим.

Турфа буким, бул башар келди атоларга ато, Лек
Булцосим деди фарзанд ани бевахму бийм.

Кидмат ичра барчадин булдунг муцаддамроц, валек
Улки сендиндур муцаддамроц, эрур хаййи цадим.

Ё набииллох саломатдин булуб мен мунхариф, Бир
иноят бирла ахволимни цилгил мустацим.

Тонг эмастур, гар наво бустонида топцай мацом, Чун
Навоий узни наътинг куйида цилди муцим.

**394**

Неча хижрондин бузуг кунглумда булгай дам-бадам Гам
уза гам, дард уза дарду алам узра алам.

Ёр хижрони, ватан таркию гурбат шиддати, Чарх бедодию даврон мехнати, эл жаври хам.

Сабр озидин азоб, андух купидин изтироб, Ашкдин сайли бало, ох утидин хар дам алам.

Субху шом эмгак купидин кунглума юз минг бало, Шом то субх уйцу йуцтин жонима юз минг ситам.

Барча бир сари, мангаву ёр заъфи бир сари,
Кош анга сиххат булуб, булгай манга юз мунча гам.

Садца айларга анга лойиц, манга йуц тухфае, Хаста жоним нацди бордур элт, эй пайки харам.

Эй Навоий, шархи холимни дедим ирсол этай, Сузидин хам сафхага ут тушти, хам куйди цалам.

**395**

Субхидам гул ёцти шамъу лола зохир цилди жом,
Яъни ёкиб шамъ, ол жоми сабухий бирла ком.

Жоми гулгун хуштурур бир сарвкад шух илгидин, Ул нафаским, тонг елидин гулга сарв айлар салом.

Субхким булбул макоми «рост» тузгай сарв уза, Базм учун тут сен доги бир сарв аёгинда маком.

Субх невчун умрдин май бирла коме топмагай,
Кимсаким, умрига йуктур эътимод улгунча шом.

Сокие хуштур сабохатлиг сабухи вактида,
Лек андин хушрок улдурким, бу айш улгай мудом.

Гул арусига берур зийнат чаман машшотаси, Су била хар субх то булмиш зилол ойинафом.

Сен доги бир гул иси бирла димогингни кизит, Васл савдосин пишур, гарчи эрур савдои хом.

Мен худ ул сарви хиромонни дедим, умри азиз, Вахким, ул сарви хиромон бас итик айлар хиром.

Эй Навоий, умр ишида худ куп ихмол айладинг,
Килмасанг дунё ишига хам булур куп ихтимом.

**396**

Холи хаттинг уза, эй турфа санам,
Айладинг нукта хат устида ракам.

Тушти куз зулф ила огзингга, не тонг,
Айласа ишк вужудумни адам.

Ут солиб бошима ишку тан аро, Шамънинг
риштасидек печ ила хам.

Уки захми уза куйдурдум дог, Кораси
захм уза булди мархам.

Узига килмаган узлукни харом,
Харами ишк аро булмас махрам,

Сокиё, ойинагун жом била
Бир дам этгил мени Искандару Жам

Ки, на Жам колдию не Искандар, Итти
ул жом ила ул кузгу хам.
Шод булким, икки олам коми
Арзимаским, егасен бир дам гам.

Эй Навоий, санга саъб улса хирад,
Телбалик силсиласин тут махкам.

**397**

Ёрга еткач алам, тутти кунгул хайлини гам, Шахга чун
ранже етар, ранжур улур мулк ахли хам.

Ёр уйдин чикмаса, олам кузумга тийрадур,
Чун куёш чикмас, жахондин муртафиъ булмас зулам.

Не хароратдур сангаким, куйди андин оламе, Уйлаким
уртар жахонни мехр ути ургач алам.

Не аракдурким, ичинда гаркадур нозук таниng, Барги
гулдекким, гулоб ичра чумар сар то кадам.

Сарвга бог ичра хар ён жилва килмок хуштурур, Соядек
невчун ётибдур сарви гулзори Эрам.

Сенсиз ичмак уйладурким марг жоми ичра захр, Оби хайвон бирла гар булса лаболаб жоми Жам.

Эй Навоий, садкаси булгил алам дафъи учун, Мен улуб, гар ул саломат булса, хеч эрмас алам.

**398**

Ер узра тим-тим кон ёшим гуёки томмас дам-бадам Ким, накди враслинг байъига кузлар санар бир-бир дирам.

Ишкингда булгач хоки рах, булдум балокашларга шах, Гам хайлидин тортиб сипах, ох утидин чектим алам.

Бир катла курсанг ани, бас, таъи этмагай эрдинг хавас, Ишкига, эйким, хар нафас бизни килурсен муттахам.

Эй сарв кадди махлико, тенгри качон кургай раво Мендин вафо узра вафо, сендин ситам узра ситам.

Йук фикри бу девонанинг, титрар ичи хамхонанинг Ким, сакфи бу вайронанинг ашким суйидин булди нам.

Мутриб, навое ком тут, муг дайрида ором тут, Соций, лаболаб жом тутким, цасди жоним цилди гам.

Берганга гам дахри дани майхона басдур маскани Ким, бода дафъ айлар ани, етса кишига хар алам.

Дайру харамда сар-басар, ул юздин истарлар хабар, Куп хам низоъ этма агар ул дер самад, бу дер санам.

Дединг топиб жонон иси, топтим лабидин жон иси, Келур бу суздин цон иси, тинма, Навоий, асра дам.

**399**

Тутцали бодаи гулгун цади савсан мохим,
Савсани хонадурур хар кеча манзилгохим.

Вахки, васфида тилим лолдурур савсандек,
Савсани тун ила то жилвагар улмиш мохим.

Кургали цаддини савсан сари туз боцмаймен,
Ушбу суз тузлугига тенгри эрур огохим.

Манга дилхох анинг цадду юзидур, гарчи
Савсану гул сари куп майл цилур дилхохим.

Коматинг хижлатидин савсан улубтур неча ранг, Ё бу
навъ этмиш ани шуълаву дуди охим.

Бу чаман савсану сарвига бацо чун йуцтур, Булса гул
гаштидин анинг, не ажаб, икрохим.

Эй Навоий, нетайин сарв ила савсанки, эрур
Савсани тун била ул сарви равон хамрохим.

**400**

Качон курсам ул ойни, куйдурур жонимни афгоним,
Агар курмак муяссар булмаса, мискин менинг жоним.

Кузум ёши таним захми била куюнг йулин туттум Ки,
бир сари борур ашким, яна сари борур цоним.

Танимда буки пинхон доглардур, айлагай пинхон
Танимни, хар тарафдин булса пайдо доги пинхоним.

Куюндек дашт уза саргаштадур хоки таним, ёхуд Либос
этмиш цуюннинг пардасидин жисми урёним.

Танимга келмади овора кунглум куйидин, гуё
Унутмиш хонумонин ул алохону аломоним.

Ёнимга келди ул махваш, дам урмон, лек найлайким,
Кунгулнинг изтиробидин тешилгудекдурур ёним.

Аёцчи махвашу май дилкашу ахли тараб сархуш, Кадах
келтурки, цилмоц порсолиц йуцтур имконим.

Замон асхобининг хажри цошимда васлидин хушроц Ки,
хушроцдур висолимдин алар оллида хижроним.

Навоий ишц аро зуннор боглаб кирди дайр ичра, Мугона
бир цадах бермас хануз ул номусулмоним.

**401**

Не гам, кургузса куксум ёрасин чоки гирибоним,
Курунмас булса кунглум ёрасидин доги пинхоним.

Багирдин узга йуцтур туъма, куксум чокидин ерга
Ичимга бошини солиб итинг гар булса мехмоним.

Булубтур заъфим ул янглигки, боссам мурни улмас, Вале
ул жисмим узра чицса, дардидин чицар жоним.

Танимга мунча заъф улдики, рангин ашк ифроти,
Не тонг заъфим, чу икки захмдин турмай борур цоним.

Сабохи васл ул ой истаб мени туфрог аро топмас Ки,
шоми хажр куп гарди фано ёгдурди вайроним.

Чамандин ел равоносо келур хар дам, ажаб эрмас Ки,
гулгашти чаман айлар бугун сарви хиромоним.

Тиярмен оху ашкимни улус бедодидин, йуцса Олур
додим алардин ушбу сарсар бирла туфоним.

Мени мацсуддин махрум этибсен, эй кунгул, хар дам
Жафо доги била куйдурмаким, бас доги хирмоним.

Килибтур ваъдаи васл, эй Навоий, вах, не хуш булгай,
Сузин бир цатла гар чин айласа ул ахди ёлгоним.

**402**

Сахар курдум юзин — ацшомгача куйди хазин жоним,
Бу эрди субхи васлим то не булгай шоми хижроним.

Куёш кулбамга ингандин манга юз цатла хушроцдур
Кора шомимни равшан айлаган шамъи шабистоним.

Не янглиг ёшурай хижрон гаминким, фош этар хар дам
Огиздин шуълалиц охим, назардин ашксиз цоним.

Ажабтур тоири васл истамак кулбамга цунмоцким,
Яциндур насри воциъни учургай куктин афгоним.

Кадинг нахли хаёли куздадур, эй навбахори хусн,
Маозоллох, агар ани цунгаргай сайли мужгоним.

Дедим, сузон кунгулдин чекмагил бир дам хадангингни,
Дедиким, цолса бир дам су булур ул утда пайконим.

Балият тоши ёгдурган кеби вайронима гардун, Мазаллат
гарди хар дам ёгдурур бошимга вайроним.

Кадах даврин эвур, эй дайр пири, токи мумкиндур Ки,
даврон ранжини тортарга эмди йуцтур имконим.

Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал захри, Навоий,
жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним.

**403**

Суда курмак юзунг душвор эди, эй хусн аро мохим,
Хусусанким, анга тахрик бергай сарсари охим.

Не янглиг ул цуёш куйига ёлгуз азм цилгаймен Ки,
булмоц истамон ул ён борурга соя хамрохим.

Кунгулни истади ул, ани кунглум истади, юз шукр Ки,
холо даст бермиш хар неким бор эрди дилхохим.

Биравни куз куруб, кунглум асир улганни ёшурсам, Гах
ашким имтидоди фош этар, гах охи ногохим.

Гар улсам итлари хамкосаси, ахбоб, таън этманг, Алар
икрохи гар йуцтур, менинг худ цайда икрохим.

Неча дог истарам кунглум аро, тенгри учун урта Ки,
сойилмен, бу икки-уч дирамдур шайалиллохим.

Мавокиб гарди ул ёндин, бу ёндин халц наззора, Магар
йулинда мен улган, тамошога келур шохим.
Ажаб йук пирларнинг нуктасидин булмогим огах, Фано
йули сулуки ичра булса пири огохим.

Танимни, эй Навоий, хар тараф куйида ох элтур, Тилаб
ул хирмани гулни, учар хар ён пари кохим.

**404**

Жунундин уйла туфрог улди жисми ранжпарвардим Ки,
хар тош урсалар атфол жисмимга, чикар гардим.

Неча хажринда улсам оху ашкимдин солиб туфон, Вале
куйманг, курарга келса сарви нозпарвардим.

Йулида баски куйдум чехра санчилган хасу хошок,
Сомонлар билки чекмиш кахрабодек чехраи зардим.

Паёпай не экин абри бахордин чокин тушмак, Булут узра
бир учкун солди гуё шуълаи дардим.

Куюндек гар талаб даштида йук мен етмаган водий Не гам, саргашталикда учраса мохи жахонгардим.

Вафо бустонин ашким бирла сероб айладим, умре Эрур гам новаки-сарвим, багир парголаси вардим.

Мухикдур, эй Навоий, ул парий мендин малул улмок, Нединким, куйида девоналигни хаддин уткардим.

**405**

Эй, юзу каддинг ошики гулу сарви равон хам, Мунунг ичида укдур, анинг багрида кон хам.

Куюнг эрур ул равзаки, хижлат топиб андин,
Гум булди гулистони Эрам, боги жинон хам.

Огзинг била лаълингни тилар жону кунгулким,
Гунчангга кунгул садка, фидо лаълинга жон хам.

Кунглум кебидур гунча, экан лолаки бордур,
Пайдо тошида кон, ичида доги нихон хам.

Гах бул-ажаб ахволима, гах дардима булмиш Ул куйида хар кечаки гавгову фигон хам.

Мен телбаки кургач ани фарёд этиб улдум,
Гар яхши эмас эрди, эмас эрди ёмон хам.

Гам хайли хужум этса, югур майкада сари, Невчункн, эрур хисни хасин дори омон хам.

Тут мугтанам, улдунг эса хушхол замоне, Невчунки, замон хосид эрур, ахли замон хам.

Хар ён борур ул шуху Навоийга хам уммид Ким, сахв ила шояд цилгай майл бу ён хам.

**406**

Ишц утидин танда андоц саъб улубтур куймаким Ким, шарарлар торидин гуё туцилмиш кунглаким.

Багриму кунглум итига туъмалиц душвор эди, Шукрким, чок улди ишцинг тиги бирла кукрагим.

Заъфдин куюнгга бордим сурганиб атфолдек, Рахм цилгилким, бу йулда хаддин ошди эмгаким.

Дема уйцусиз кузунг хажрим туни очилмади, Не цила олгай ажал уйцуси бирла сергаким.

Бир цадам вайронима цуйким, гамингдин туну кун Юзга илгимдур сутун, туфроцца ботиб тирсаким.

Дард куркким, дев сийратлар биландур ул парий, Гарчи бор андин малак хайлига доги тергаким.

Эй Навоий, хажридин йиллар цуюб, ул бевафо Демадиким, найлар ул ушшоц ичинда эртаким.

**407**

Хажрингда цону гуссадур ичмак-емакларим, Ишрат суруди нолаи зор айламакларим.

Махфий гаминг ёзарда йигилган битикча бор Дардинг нихон тутардин оцарган сунгакларим.

Жону кунгул фироц хужумида иттилар, Мендин забуну зорроц эрмиш кумакларим.

Упмак изингни йуц хаддим, аммо хаёл ила Лаълингни ёлцитур мутаоциб мучакларим.

Гарди бало бошимга ёгар ончаким, магар Чамбарларидин айлади гардун элакларим.

Юз пора багрима тиш урар мен ютарда цон, Бу булса май, не тонг, алар улмоц газакларим.

Огзинг гумони эрди Навоийда, шукрким, Нутцунг яцинга цилди бадал барча шакларим.

**408**

Йигларимни, эйки, куп манъ айладинг, йуцтур шаким, Ашкинг улмоцда садим гар булса дардинг садъяким.

Ул цуёш васлин тиларда пуям ул гоятдадур
Ким, эмас мумкинки, бир кун соя булгай хамтаким.

Жон бериб, васлингни байъ этканни ёздим кунглума,
Дарду ишц икки гувохим, чоклик кунглум чаким.

Шоми хажр уйгоцмен бехад келурдин кузга ёш, Уйцуга
цуймас югурмакдин бу хайли гудаким.

Кунглума жузв улди пайконингки, чицмас тортибон
Жузв-жузв улса кунгул, ул жузв эрур лоянфаким.

Социё, миръоти идрокимни майдин равшан эт Ким, эмас
бу коргахда бир сариму мудраким.

Эй Навоий, огзидин кунглумда гар бор эрди шак,
Катлима чун демади суз, бартараф булди шаким.

**409**

Киши хам эрмас эмиш ишц сирригa махрам,
Тахайюлига кунгул хам, хадисига тил хам.

Насиме гунча ичидин чу ёйди гул атрин,
Димогларга етардин не чора, эй хамдам.

Ёшурди одам агар тенгри сиррини, курунгуз
Ки, халц сиррини тутмас нихон бани одам.

Таашшуцум сузини, эй рафиц, куп сурма Ки, бу
фасонанинг авлодур улмаги мубхам.

Агар гунохим эса дарду ишц изхори,
Бу сузда яхши ёмоннинг цошида мен мулзам.

Хаёт булса цилилгай талофийи мофот,
Фигонки, умр биноси эмастурур махкам.

Хуш улки, маст улуб улгай халос оламдин Ки,
келди олами бехушлуц ажаб олам.

Мен улмадим эса гамсиз даме, гам эрмастур Ки, гам
хужум этар, улган замон даме хуррам.

Не тонг, Навоий улустин гар улди озурда Ки, курди куп
алам узра алам, гам устида гам.

**410**

Фурцати заъфида цон ёш ичра ётмиш пайкарим,
Гулузоримдек цизил атластин улмиш бистарим.

Юз била ашким оритти ёр, шод улсам не тонг Ким, тулуъ
этти саодат матлаъидин ахтарим.

Оташин лаълинг гами цонлиг танимга солди ут,
Учцунум гулбарг улуб, лаъл улгусидур ахгарим.

Ох шояд куйи сари элтгай деб шодмен,
Гарчи гард улди йулинда жисми мехнатпарварим.

Уйла хижрон бирла хуй эттимки, гар дерлар бирав Ёри
бирла васл топмиштур, эмастур боварим.

Итларинг синган сафоли ичра булдум дурдкаш,
Булмасун харгиз тихи ул бодадин бу согарим.

Эй Навоий, хажр уцидин пар чицармог не осиг, Чун
парий руюмга етмакка ярамас бу парим.

**411**

Кунглуму жоним фидо огзига, гуфторига хам, Куфриму
диним доги зулфига, рухсорига хам.

Итти цонлиг кунглум, узгил гунчаларни, эй сабо Ким,
анга куз солмайин, балким намудорига хам.

Зор кунглумга агар боциб ани зор айладинг, Жони
беморимга хам боц, жисми афгоримга хам.

Боргач ул сарви равон, жисмимда жон цолгаймуким:
Каддига жон риштаси богланди, рафторига хам.

Мен киму дин, эй мусулмонларки, бир кофир куруб,
Жон фидо килдим чалипосига, зуннорига хам.

Дахр богининг гули утдур, бийик ашжори дуд, Елга бер
ул гулни хам, ут солгил ашжорига хам.

Эй Навоий, дахр йуку бори тинмаслигдурур, Тингасен,
гар килмасанг парво йуку борига хам.

**412**

Эмас жунундин, агар тогларда булса карорим Ки, колди бахри сиришким тубида мулку диёрим.

Жамолинг ойинасин хат чу тийра айлади — улдум, Не айб, килса куёш кузгусини тийра губорим.

Чу итларинг ялади конларимни захмларидин, Еариб мархам эди буки топти жисми афгорим.

Сиришк кони чу накш айладим, нигор етишти, Бихишт килди бузуг манзилимни накшу нигорим.

Халоким ул каду юздин чу булди, туфрогим узра Булур, чу сарв уза гул эгилса, шамъи мазорим.

Кадах олиб лаби жон бахшинга, куй огзима, сокий Ки, жонни айлагудекдур халок ранжи хуморим.

Навоиё, су агар килса тошни, не осигдур, Нигор кунглига килмас асар чу нолаи зорим.

**413**

Не рафикеким, давосиз дарди холимни десам, Не шафикеким, нихоятсиз малолимни десам.

Етти чарх авроки тулгай, етти бахр улса мидод, Ул куёш васлига бир дамлик хаёлимни десам.

Истимоъ улса хирад савдои улгай шаммае,
Зулфи занжирида савдои мухолимни десам.

Чунки козибдур мунажжим укса мехрин ордур, Утруда ул ахтари фархунда фолимни десам.
Дема тубидинким, ул эски дарахт утрусида
Номуносибдур, агар наврас нихолимни десам.

Ринд эмасмен дайр аро, гар жоми Жамдин утса суз, Май гадолиг цилгали синган сафолимни десам.

Эй Навоий, хублар ичра менинг мохимдадур Табъи мавзунни десам ё зихни солимни десам.

**414**

Фироц утидин анингдек цизибтурур баданим Ким, ани сокин этар жонни уртаган туганим.

Гамингдин уйла улуклар хисоби булмишмен Ки, хужра мадфану идбор гардидур кафаним.

Сиришк бахри аро уйла хуй цилмишмен Ки, су кишисидек улмиш тенгиз аро ватаним.

Фаришталиг тиламон, истарам итинг булсам, Агар булур эса зулфунг камандидин расаним.

Агарчи юз тикан ул гамза тикти багримга, Юз очсанг, очгуси юз гул багирда хар тиканим.

Хуш улки, йиглар эдим зор-зор дайрда маст, Санам гамидин улуб чок-чок пираханим.

Навоиё, цани ул файз хонацох ичра Азимат этки, эрур хушроц анда-уц эканим.

**415**

Ишц таркин цилдиму чицти кунгулдин ёди хам, Сизга васлининг нишоти, хажрининг бедоди хам.

Ишц бузсун деб кунгул мулкини обод айладим, Ер цуйи эмди аннинг вайрони хам, ободи хам.

Зор эдимким, шод эмас ишц ичра кунглум хотири, Эмди кунглум цолмади, ул хотири ношоди хам.

Курса Лайли бирла Ширин рухи жаврин, рахм этиб, Куйгай анинг хаста Мажнуни, мунунг Фарходи хам.

Дахр богидин, кунгул, нафъи вафо куз тутмаким,
Бесамардур сарв хам, саркашдурур шамшоди хам.

Мен вафо кимдин топай, бу шевани чун топмади
Офаринишда парий жинси, башар авлоди хам.

Ёрсизлигдин Навоийни яна цурцутмангиз
Ким, бу саъб ишга юрак бости кунгул туцтоди хам.

**416**

Келди тиргузгали заъфим куруб ул Исо дам, Келгани хам уз ишин цилди, вале кетгани хам.

Келмаки жон берибон цайтури ултурди яна, Гуйиё цайтгали бошима еткурди цадам.

Бориб ултурмади жон нацд нисор этти кунгул, Уйлаким, халц сочар, шох аёгига дирам.

Шоми хижроники, гоятсиз эрур тийралиги, Адам ицлимига ул келди саводи аъзам.

Кузни суртуб, гар итингнинг тобонин реш эттим, Х,ал цилиб куз цораю оцини айлай мархам.

Вах, не янглиг бу харобот аро хушёр булай Ки, дацойицдур анга бир-бирисидин мубхам.

Мен киму васл, ани хосларингга еткур Ким, Навоийга етар хажр аро бедоду ситам.

**417**

Х,ажр цоним туккудекдур, буйлаким зор улмишам, Бот цутулгум гарчи бас цоттиг гирифтор улмишам.

Уйлаким, урён танимга ёгди тош хижронида,
Эй Масих, асра дамингким, бехад афгор улмишам.

Кеча теграng айланиб, кундуз юзум девор уза, Уйдаги парвонадин гуё намудор улмишам.

Мумкин эрмас мен цори сойилга куюнг фурцати Хоссаким, ишц офатидин саъб бемор улмишам.

Куйи деворига орцам ёпишиб, мен волихи Суврати наззорасида нацши девор улмишам.

Гар курунмас ул парий, истаб анга якранглик,
Заъфдин мен телба хам эмди паривор улмишам.

Эй сабух ахли, мени бир жом бирла тиргузунг Ким, улум холи хумор илгида бедор улмишам.

То мулозим пири дайр улди, муродим мугбача, Сокини дайру муцими куйи хаммор улмишам.

Эй Навоий, сарв бирла гулни найлай, чунки мен Волаи
бир гул узори сарв рафтор улмишам.

**418**

Кариган чогда бир махваш йигитга мубтало булдум,
Узум уз жонима бедод цилмоцтин бало булдум.

Манга хам ошно бегона хам бегона хасм улди, Хам ул
чогдинким, ул бегонавашца ошно булдум.

Жунун сахросида деманг цачондин булдунг овора,
Анинг ишцида токим ацл мулкидин жало булдум.

Юзумга чархдин юз кожу ул ой оллида мардуд,
Корарган рузгоримдек ажаб юзи цора булдум.

Хино ёцган кеби жисмимга мархамни сувадиклар Ки,
боштин то оёц хажр уцлари бирла яро булдум.

Манга дорул-цазойи ишц аро цон даво этти шавц, Анга
хунрез куз бирла бу давога гуво булдум.

Мугона нагма бирла мугбача май тутти оллимда, Чу бир
иршоди бирла сокини дайри фано булдум.

Мураццаъ бас манга юз доглиц тан, чунки дайр ичра,
Сафол илгимда дурди бода истардин гадо булдум.

Навоий барча эл бир ёну сен бир ён, ёмон эрмас Гар ахли
ишц топтилар наво, мен бенаво булдум.

**419**

Кунгул жарохатига васлидин даво курсам, Назар
муродин анинг хуснидин раво курсам.

Бу номурод юзин бир назар куруб хар дам,
Муродим ушбудурурким, ани ёно курсам.

Не навъ эл кузи оллида курмакига чидай, Эрур чу
мардумидин рашк куз аро курсам.

Кора куруб, не бало цузгалурлар эл манга хам, Не айбу
хам хатидин цора бало курсам.

Улус жафосидин этмон шикоят улча келур,
Не шиква, ул улус ошубидин жафо курсам.

Кошимда жоми Жаму салтанатча бор урни, Сафол
алимда харобот аро гадо курсам.

Бу коргахда хато келмади чу бир саримуй, Хато менинг
назаримдандурур, хато курсам.

Качонгача булай узлук музийци ичра батанг,
Хуш улки, жилвагахим водийи фано курсам.

Навоиё, мени гар ёр бенаво цилса,
Куп ортуг андинким, гайрдин наво курсам.

**420**

Жонга куксум чокидин жононни мехмон айладим,
Гавхаре топтим, ани кунглумда пинхон айладим.

Кавкаб эрмас, пахталар тицмиш цулогига сипехр, Ул
цуёш хажрида тунлар, баски, афгон айладим.

Жонга, эй гул, хори гам куп урдунг, эт вахм эмдиким,
Хар бирин бир новаки охимга пайкон айладим.

Куксум узра хар не мархам эрди, ашк оцизди, вой Ким,
саломат тархин ул су бирла вайрон айладим.

Фитна тоши ё саломат сохили тенгдур манга Ким,
хубоби ашкдин бошимга цолцон айладим.

Боиси мацсуд— зохид зухд цилди, мен — фано Фацр
ицболидин ул мушкулни осон айладим.

Эй Навоий, боглаб эрди Каъба эхромин кунгул, Куйидин
бир нукта шарх айлаб, пушаймон айладим.

**421**

Бодадин жон иси касб этти машом,
Гуйиё лаълинга етмиш эди жом.

Курмаган Хизр суйининг боришин, Келу
кур оби хаётимга хиром.

Тулин ойни недин эл васф килур Ки,
мушобихдурур ул юзга тамом.

Мехри гардун чамани вардидурур
Ким, эрур кузга юзунгдек гулфом.

Кадам, эй рухи равон, бошима куй,
Негаким, рух бийик топти маком.

Холу зулфига кунгул бермангким,
Кушни бандур этар ул донау дом.

Огзи васфида Навоий суз дер
Мухтасар, чунки эрур хайр калом.

**422**

Лахза-лахза кундуз анинг зулмини ёд айларам, Кеча уз
жонимга бедод узра бедод айларам.

Акл ёд айлаб, яна хижронида булсам хамуш, Чун жунун
тугён килур, бехост фарёд айларам.

Буйни боглик кул килур, кургач агарчи хажрида, Узни
юз таъкид ила ишкидин озод айларам.

Ишк сайли чун утар, топмон тилаб осорини, Хар неча
кунглумга тархи сабр бунёд айларам.

Куш кочар сайёд домидин, ажаб кушменки, мен Зулфин
истаб орзуи доми сайёд айларам.

Аклу хуш, авроку ажзосин жунун охи била
Девбод уткан кеби борини барбод айларам.

Сокиё, мухликдурур кайгум ушул уммид ила
Ким, майи жонбахш туткунг, хотирим шод айларам.

Факрдин юз йилчилик йул мен йирок, аввал далил Буки,
факр ойинини узумга иснод айларам.

Эй Навоий, зулмким, номехрибон мохим килур,
Мехрибон шохимни кургач, кичкириб дод айларам.

**423**

Дардоки, лахза-лахза фузундур малолатим, Хижрон
малолатидин эрур саъб холатим.

Бошимки, тиги касрати еткач, тушар цуйи, Алтофи утрусида бу эркан хижолатим.

Десамки, эй жамол элининг шохи, цилма зулм, Дер, шохлиц тарицидадур бу адолатим.

Менда мацол цуввати нуц заъфдин, валек Хар анжуман орасида йуц жуз мацолатим.

Кунглум утинки шарх цилурмен, булур самум, Ул гулга тонг насими гар этса рисолатим.

Дашти жунунга кирмангиз, эй ахли ищцким, Гум айлар анда халцни дуди залолатим.

Ёр этмай илтифот Навоийга булса яъс, Не гам, чу цатл ваъдаси бор истимолатим.

**424**

Булганда хажр тунлари бехушлуг ишим, Куз мардумидурур юзума су урар кишим.

Демангки, ёр очса узор, айла жон нисор, Не хожат айтмоц, ул эрур худ менинг ишим.

Хажрида уйла телба булубменки, телбарар Хар итни ёр куйидаким захм этар тишим.

Куп сурди тиги цатл фироц, эмди сен доги Бир цатл тиги сур, етишибдур чу варзишим.

Жонон муроди цатлим улуб, цилса жон ибо, Жонимга царгишимдуру жононга олцишим.

Ул гул харими гулшанида бир гиёх эдим, Навъе цунгарди хажрки, цолмади циртишим.

Деманг, Навоий асру тирик цолди хажр аро, Васли уммиди бирладурур мунча цолмишим.

**425**

Куяр хажрингда жисми нотавоним,
Не жисми нотавонким, хаста жоним.

Гар ултурсанг мени, цил тиг ила цатл Ки,
булсун куюнга огушта доним.

Фироцинг сузидин бир шуъладурмен, Ути ул
шуъланинг сузон фигоним.

Мени цовма эшикдин, чун итингмен,
Ажаб йуц, гар эрур куюнг маконим.

Ёриб куксум, сени жонимга тортай,
Тараххум цил, куруб доги нихоним.

Амон бермас эди даврон жафоси, Харобот
улмаса дорул-амоним.

Анинг куйида цил цабрим, Навоий, Дер
эрсангким, етушсун ерга ёним.

**426**

Фироц даштида туфроц булуб эди бошим, Кутармаса эди
туфрогдин ани ёшим.

Бошимни гуй цилибмен йулунгда, эй чобук, Отинг аёги
цаён булса, андадур бошим.

Йул уйла цатъ этарам ул цуёш хавосинда Ки,
соя цилгудек эрмас узини йулдошим.

Хаёт нацдини найлайки, майфуруш олмас, Ушанча
майгаки очцай хумор цаллошим.

Юзунг хаёлида охим шарар сочар хар ён,
Самуми хажрдурур бу насими гулпошим.

Кетур пиёлаки, хар нечаким вафо цилдим, Жафодин узга
улустин йуц эрди подошим.

Навоиё, агар иккинчи Одам эрмасмен, Недин жахон
юзини тутти сар-басар ёшим.

**427**

Кориган вацтда бир тифлга шайдо булдум Ким, гамидин
цорию тифл аро расво булдум.

Хайли атфол аро тош ёгдурубон цовларлар, Х,ар цаёндинким анинг куйида пайдо булдум.

Кайси Мажнун соголур, курса мени телба булур,
Телбалар хайлига сармояйи савдо булдум.

Итлари силсиласида кечалар нола чекиб,
Хайли ахбобца сархалцайи гавго булдум.

Гохи энг узра, гах тим-тим курунур куз ёшим, Ишц боги аро шохи гули раъно булдум.

Демаким, тавбаю тацвони цачон тарк эттинг, Социйи гулрух даме шифтаси то булдум.

Лаби васфида Навоий дами тиргузди улук, Файзи цудс чу мадад цилди — Масихо булдум.

**428**

Эй парий, рахм этки, кунглум зор эрур, бечора хам,
Ишцу савдо даштида Мажнун эрур овора хам.

Тандаги пайконлару ашким ёрутмас уйниким, Дуди охимдин цорармиш собиту сайёра хам.

Захми куп багримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиц Ким, эрур гоз пораву мажрух эрур хар пора хам.

Васли ицболию мен, хайхотким, рухсорини Тоцатим йуцтур йироцтин цилгали наззора хам.

Уйла су цилди бало кухсорини охим ути
Ким, олиб куксумга ургунча топилмас хора хам.

Чарх макру фитнасидин гофил улманг зинхор, Чунки бу шохид басе фаттон эрур, маккора хам.

Телбараб иттим Навоийдек жунун сахросида, Килмади ёдимни харгиз бир парий рухсора хам.

**429**

Х,ажр ароким, узни май бирла фасона айларам,
Йигламоцца бода ичмакни бахона айларам.

Лаългун хар майки ичтим ул майи лаб хажридин, Куздин ашки лаългун янглиг равона айларам.

То ичармен май, кадахдек йигларам бехуд булуб, Топмасам бир дам, фигони бехудона айларам.

Завраки май булмаса, билким, улармен, эй рафик, Русса бахридин анинг бирла карона айларам.

То тула тутсун дебон сокий манга еткач кадах, Тошки даври хаттини анинг нишона айларам.

Сокиё, тут бодаким, купрак мени мабхут этар, Нечаким андишаи бу корхона айларам.

Не осиг, чун ёр кунгли айламас бу ён кашиш, Эй Навоий, нечаким дилкаш тарона айларам.

**430**

Хиркаи зухд уртамак кунглум шиори айладим, Субха торин уздуму кукурд тори айладим.

Чун туташти ут, бир овуч донасин тасбихнинг Устига сочмок била ул ут шарори айладим.

Дафтару сажжодаву наълайинни хам дам-бадам Ташламок бирла равон ул шуъла сари айладим.

Зухду такво, балки чун узлук нишони колмади, Расм сайр айлаб, фано дайри гузори айладим.

Ичмайин бир журъа андок жилва килди мугбача Ким, кошинда сажда килмок ихтиёри айладим.

Мунча давлат касбиким айлаб экин олам аро Ким, фано икболидин мен хаста боре айладим.

Эй Навоий, менда бир жон накди колмиш эрди бас, Шукр, ани хам маю мутриб нисори айладим.

**431**

Эй, хилолингга нигун кад била пайвасталигим, Дилкушо гунчаи хандонингга дилбасталигим.

Тушкали жонима бемор кузунг хижрони, Улгудекменки, басе саъбдурур хасталигим.

Чун фано ахлига кайд улди сочинг силсиласи,
Килмади нафъ тажарруд била ворасталигим.

Юз шикаст улди жунун тошларидин жисмим аро, Гарчи кунглумда эрур онча юз ишкасталигим.

Ишц сахросидаким пуя уруб секрермен, Бу экин зумраи ушшоц аро баржасталигим.

Истицомат чу замон табъида йуцтур, не ажаб, Бир замон тезлигим, бир нафас охисталигим.

Юз балиятца Навоийдек улуб шойиста,
Не балодурки, анга булмади шойисталигим.

**432**

Нома ёздим ёр учун, лекин жавобе топмадим, Жисмима ул номадек жуз печу тобе топмадим.

Хар кишига жон бериб, цилдим тамаъ мехру вафо, Бу гунах подоши жуз нозу итобе топмадим.

Дарди келди цасдима, итмиш эди вайрон кунгул,
Куйгали бу ганжни, вахким, харобе топмадим.

Чирмадим жон риштасин новакларингга най кеби, Уйла цушлар цайдига мундоц танобе топмадим.

Чун хаёлинг кузда мехмон улди, май цон ёш улуб, Баглаган кирпикда цонлардек кабобе топмадим.

Нечаким матлуб рухсорин дедим айлай назар,
Узлугумдин узга ул юзга хижобе топмадим.

Эй Навоий, хажр аро цил ишц бирла машварат Ким, мен истаб ацлдин ройи савобе топмадим.

**433**

Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам, Балки жон хилватсаройи ичра мехмон айласам.

Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун Танда жон янглиг сени жон ичра пинхон айласам.

Анда хам жон пардасин хар сари осиб сатр учун,
Вaслинг ихфосин нечаким, булгай имкон, айласам.

Чун бу хилват ичра не узлук эрур махрам, не мен, Х,ар не номахрам дурур, уздин паришон айласам.

Дафъ улуб агёр, топсам бор ул хилват аро, Безабонлиг бирла шархи дарди хижрон айласам.

Умри боций топцамен, бир лахза ушбу хол аро Узни бехуд, кузни рухсорингга хайрон айласам.

Эй Навоий, дема ицрор айла ишци таркини Ким, инонгай, гар узумга буйла бухтон айласам.

**434**

Кимга цилдим бир вафоким, юз жафосин курмадим?! Кургузуб юз мехр, минг дарду балосин курмадим?!

Кимга бошимни фидо цилдимки, бошим цасдига Х,ар тарафдин юз туман тиги жафосин курмадим?!

Кимга кунглум айлади мехру мухаббат фошким, Х,ар вафога юз жафо анинг жазосин курмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним цатлига, Еайр сари хулцу лутфи жон физосин курмадим?!

Кимга солдим куз цораву оцини ишц ичраким, Кон аро пинхон кузум оцу цоросин курмадим?!

Сен вафо хусн ахлидин цилма тавацциъ, эй рафиц Ким, мен ушбу хайлнинг хусни вафосин курмадим.

Эй Навоий, тавба андин цилмадим шайх оллида Ким, бу ишда дайр пирининг ризосин курмадим.

**435**

Сочинг саводига харгиз назора айдамадим Ки,
дуди ох ила оламни цора айламадим.

Йулунгда кимса бошин курмадимки, гайратдин
Бошимни ерга уриб, пора-пора айламадим.

Багирни чоклар эткандин айлама инкор, Мен
ани тиг ила худ мунча пора айламадим.

Манга гаминг аро бечоралигдурур чора, Не
гам, агар мени бечора чора айламадим.
Ёранг хисобини касратдин англамон, эй ишц, Санаб
туганмади, йуцким, шумора айламадим.

Таваккул айлаю кир ишц йулига, эй шайх Ки, мен
цилурда бу азм истихора айламадим.

Навоий охни ифшои ишц учун ёзгур
Ки, кунглум утини мен ошкора айламадим.

**436**

Орзу тухмига бар хирмон эканни билмадим, Васл
нахлига самар хижрон эканни билмадим.

Хажр водийсига кирган чогда билдим тули бор, Лек
мунча бехаду поён эканни билмадим.

Англадимким, саъб эмиш бемори фурцат ранжи, лек
Шарбати захру гизоси цон эканни билмадим.

Бистари хижронда билдим санчилур хори фироц, Хар
сариму танда бир пайкон эканни билмадим.

Чарх афсун бердиким, бот улгуси хажрингга васл,
Мунча анинг ваъдаси ёлгон эканни билмадим.

Гам туни билдим булур ошицнинг оху ашки, лек Ул
бири сарсар, бу бир туфон эканни билмадим.

Эй Навоий, васл агар топсанг, ганимат билки, мен
Рузгори васл хуш даврон эканни билмадим.

**437**

Шоми васлингни куруб, субхи дилафруз дедим, Субхи
хажрингга етиб, шоми жигарсуз дедим.

Тенг курунди кузума васл аро цаду зулфунг, Кеча кундузни куруб тенг, ани навруз дедим.

Ишцидин тонди кунгул, солди цора кунга фироц, Ажаб эрмас, гар ани цалби сияхруз дедим.

Чини зулфунг гами мухлик дедим, ултурма мени, Чин дедим, хар неки мен зори гамандуз дедим.

Янги урганди кунгул булбули ул гул юзига,
Тонг эмастур, агар ул кушни навъомуз дедим.

Тикти панд игнасидин дахр эли кунглум ярасин, Халк нишини бу маъни била дилдуз дедим.

Эй Навоий, ёруди шомим ул ой партавидин, Не таажжуб, гар ани мохи шабафруз дедим.

## НУН ХАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

### 438

Эй, келиб минбаринг уч поя била сидрагасен, Сен чу анда тутуб ором, булуб сидранишин.

Ул сафар ичраки сен сидра сари айлаб азм, Маркабинг рухи равон, пайкинг улуб рухул-амин.

Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди, русул Жамъи булган эди эшиткали оёти мубин.

Уйлаким, сидра кеби минбар уза гохи хадис,
Йигилур хар сари асхоби рисолат ойин.

Даргахинг аршдурур, анда малойик, не ажаб, Зикру тасбих дебон суртса хар сари жабин.

Сен чу арш узра чикиб, чарх нисорингга ясаб Бу тукуз хон ичида анжум ила дурри самин.

Журму исён купидин булди Навоий бехуд, Бир назар айла анинг сарики, бор асру хазин.

### 439

Бизга ул ой хажридин бир йилчадур хар тийра тун,
Кундузин англа бу тундин хам коронгу, хам узун.

Балки йуктур бу туну кунда тафовут, лек бор Хар бирида
бир гами мухлик бу махзун жон учун.

Гар утар юз минг суубат бирла кундуз мехнати,
Вою юз минг вой, мен бекасга булгач кечкурун.

Гар бутун эрмас ёкам, эй дуст, хайрат килмаким, Тош
урардин куксум ичра бир сунгак эрмас бутун.

Хажридин уртанса жисмимда сунгаклар, тонг эмас
Ким, эрур ут асру итик, доги бас цоцшол утун.

Ишц нахлининг бари хижрон эмиш, эй дустлар, Бу
насихатдин енгиз бар ошиц улмастин бурун.

Неча тун хижрон аро олди Навоий жонини, Кимга етса
васл, тутсин мугтанам бир неча кун.

**440**

Ишц даштин хеч гурбаткаш мусофир курмасун, Мен
гариб ул дашт аро курганни кофир курмасун.

Ёрмангиз Фарходу Мажнун оллида куксумниким,
Ботинимнинг дарду догин ахли зохир курмасун.

Дахрни цил тийра, ё рабким, анинг туфрогидин Хар не
куз мумкин эса булмоцца нозир, курмасун.

Хар боцишда цатли ом айлар кузунгким, дахр эли Хеч
кимни сен кеби бу фанда мохир курмасун.

Воизо куп васф цилдинг сомирининг сехрини, Хозир
улгилким, сени ул кузи сохир курмасун.

Кимки ошицлик асиридур, тахайюл бирла хам Ишц
куйида узин осуда хотир курмасун.

Ким, Навоийдек фано водийсида истар хузур, Кечсун
уздин, балки худ узлукни хозир курмасун.

**441**

Субх чун боргунг, келиб кулбамга пинхон кечцурун,
Хажр уцин жонимга сен отма тонг отмасдин бурун.

Неча эл мендин ёшургайлар сени, вах, бир кеча Нетти кулбам сари келсанг, барча элдин ёшурун.

Жон магар чиццай ва ёхуд сайли ашким куйидин Чиццудекмен, бори ул куй ичра тутмай мен урун.

Жилва цилганда курунмаслар кузумга шухлар, Эй парий, сен бори бу девонага гохи курун.

Нолам андоц булди, багрин ёраси ислангали Ким, ёнимдан утмас, эл тутмай цулоц бирла бурун.

Чирмабон беркит сурохи огзини, эй пири дайр, Кайда курсангким, узулмиш чоки хирцамдин бурун.

Эй Навоий, тифллар цовгон замон мажнун дебон, Бу бахона бирла уз лайливашинг сари урун.

**442**

Богладим афгонга бел найдек, сени курган замон,.
Заъфдин цилдинг мени охир бели боглиц сомон.

Эмди рухунг тоза эт ул оташин рухсордин
Ким, мени махжур ани курмак хамон, куймак хамон.

Куз юмулмиш хажрдин, ул юзга очмоц истарам, Лек хижрон куз юмуб очцунча хам бермас омон.

Дашт аро дерлар мени Мажнун, ани мен курган эл, Чарх золи бизни гуёким кетирмиш тавъамон.

Яхшилардин яхшидур ёрим, не навъ айлай тамаъВаслин анинг, менки бордурмен ёмонлардин ёмон.

Кил зулоли васл ила булбулни, эй гул, шодким, Бу чаманда доимо шодоблиц йуцтур гумон.

Азм этиб эрмиш Навоийни сурарга ул Масих,
Эй ажал, жонинг учун жонимга рахм эт бир замон.

**443**

Махвашеким чехра даврида цирон этмиш аён, Даврнинг махвашларида улдурур сохибцирон.

Не цийиг эркин ул ой тунидаким, тиккан чоги Мехр анга зарришта еткурмиш, фариса осмон.

Тугма гулгун деклайида лаъл пайкони эмас,
Гулга боглабтур кунгул булбуллар, аммо барча цон.

Титрагуч эрмас мурассаъким, цуёш боши уза Хушаи парвин шиои хат аро цилгил макон.

Вусмаю гулгунадин ул орази зебо эрур, Сабзаю гулдин начукким зеб топцай бустон.

Оллох-Оллох, англамонким, хурсен ёхуд парий, Одами бу шакл ила харгиз киши цилмас гумон.

Эй Навоий, яхши эрмас эрди ул ён борганинг, Чун бориб утлуц юзин цилдинг тамошо, эмди ён.

**444**

Еунчаи хандон уза холингмудур, эй махжабин, Ё магар шахд истай ул гулбарг уза цунмиш чибин.

Дашт уза Мажнун кеби саргаштадурмен, то эрур Ул мусофир махвашим Лайли кеби сахронишин.

Чин-бачин зулфунг тушар эл буйнига, юз войким, Бизни чун курдунг — тушар цошинг уза чин узра чин.

Корвони мушк эрур зулфу бапогушингда хол, Нофаи мушк угриси бир гушада цилган камин.

Юзунг узра зулфу зулфунг халцасидин юз эрур, Кишвари дин ичра куфру халцаи куфр ичра дин.

Юз утидин уртадинг булбул кеби кунглумнн, лек Гар тукулмас, хуштур ул гулким очилмиш оташин.

Уйла махзундур Навоий ёр хижронидаким, Гар
чекар ишрат суруди халцни айлар хазин.

**445**

Доги куп танники хирцам ёпмишу эй сийминбадан,
Англа хар теврук юрун остида бир теврук туган.

Эй цуёш, онча шахидинг бордурурким, етмагай Пардаи афлоктин гар цилсалар йиртиб кафан.

Буки рухуллох цуёш чархига рухум куйига Булдилар мойил, не тонг, хар ким цилур майли ватан.

Юзу зулфунг хажридин хар тун сиришким кавкаби Чарх янглиг кургузур сунбул уза барги суман.

Ашк ила кирпикни куп юрменки, булгай нисбати, Тутса бир кун ногахон ул пок этакни бу тикан.

Хонацах ичра риёйй зухддин булсанг малул,
Эй кунгул, шод улки, йуцлугдур фано дайрида фан.

Хар цаён азм айласанг, цолмас Навоий, негаким Тори зулфунгдин анинг буйнига боглицдур расан.

**446**

Лабингда нилгун холингдур, эй жон,
Начукким шарбат ичра тухми райхон.

Кизил раглар кузумда хажр утидин
Бало бахрида буткан шохи маржон.

Юзунгким, майдин улмиш гул уза гул,
Кунгул богланмиш андин цон уза цон.

Сени бармог била курсатмас элким, Билиб
улмакни арз айларлар имон.

Кунгул сайди кузунгдин чун цутулмас, Не
мунду туздилар ул хайли мужгон.

Вафо ахли эсанг, ич давр аёги Ким,
асру бевафодур ахли даврон.

Сену гулбонг, эй булбулки, тортар
Навоий гулрухидин айру афгон.

**447**

Хизрваш хат бирла чун хуснунг самандин сургасен, Юз Скандарни суга элтиб, сусиз келтургасен.

Уртанурмен, гайр ила хар кеча ичсанг, вах, неча Шамъи базмингни ёрутмацца мени куйдургасен.

Буйнума еткурдинг илгин тиг урарга, эй сипехр, Мен худ ул эрманки, илгим буйнига еткургасен.

Йуцки курмайдур, куриб умдо назар солмас парий, Бир боциш уммидидин, эй куз, неча телмургасен.

Ул жамол авжида сен мунглуг не мумкин, эй кунгул Ким, фусун бирла цуёшни чархдин индургасен.

Ашк ила кунглум ути учмас, цадах тут, социё Ким, бу су бирла магар ул шуълани сундургасен.

Телбалик айлар Навоий, эй сабо, холин магар Ул парийга хазл тацриби била билдургасен.

**448**

Вах, неча тортай ул ой дарду гамин, Ё гаму дарди йуц элнинг ситамин.

Манга ортуцсидур агёр алами, Торта олсам бас эрур ёр аламин.

Халц кунглини паришон цилди, Тонг ели тарцатиб ул турра хамин.

Ишц ёрутти тамуг хиймасини,
Еткуруб охим утининг аламин.

Эй фалак, бу кеча ул ой биламен,
Субхнинг бир нафасе асра дамин.

Адам истар чу вужудумни сипехр, Тенг курай эмди вужуду адамин.

Пири дайр оллида кам хидмат эсам,
Тенгри бор айласун анинг карамин.

Истаган Каъбаи мацсад васли,
Олмасун фацр йулидин цадамин.

Кил Навоий кеби тинмогни хаРом,
Истасанг ёр харими харамин.

**449**

Гамингда бузди кунгул хонумонини хижрон, Тараххум айламадинг хонумонинг ободон.

Кунгул шикофи эмаским, яцосин айлади чок, Яцода тугмалар урнида хар тараф пайкон.

Не айб, охим ути кунглунг ичра цилса асар Ки, барц тошца хам тегса, цолур анда нишон.

Киличинг элга тегиб, рашкдин мен уртандим, Не лаъб эрурки, су ичра цилибсен ут пинхон.

Фироц заъфида сиххат манга не мумкинким, Гизо ерида багир булди шарбат урнида цон.

Май ички, мугбачалар сухбати ганиматдур, Бир-икки кунки бу дайри фанода сен мехмон.

Навоиё, неки олам ишида мушкилдур,
Десангки килгасен осон, узунгга тут осон.

**450**

Кани улким, кузум кургай жамоли оламоройин, Кузумни суртмак килсам хавас, сунгай кафи пойин.

Мени мундокки захри хажри анинг талхком этмиш, Эмас инсоф, упмак истасам лаъли шакархойин.

Менинг васлим кунин чун хажри шоми айлади тийра, Не суд ар ёр ораздин олур зулфи сумансойин.

Тараб шамъи, ажабким, нур зохир айлагай бу навъ Ки, мен курдум корангу хажр шоми мехнатафзойин.

Келур чун ризк иси, рози эмастурмен, агар зохид Ридо бирла олишса дайр пири бодапоройин.

Буким андишаву гам ёмгури майхонадин утмас, Сувар гуёки пири дайр томи узра куп лойин.

Навоийга дединг хижронда бир ук ёдгор откум, Тирик колсам, алифдек ани жоним ичра асройин.

**451**

Кизил ёхуд кора ё кук тунунг хар бир эрур мавзун,
Нечукким ой либоси хам шафак, хам кеча, хам гардун.

Чу мен кургач сени бехуш улуб, шафкат била элтиб,
Кириб икки кулумга йиглаю Фарход ила Мажнун.

Рамим хайли туз этти тогни, тог этти сахрони,
Бу хомун бирла тог эрдики, булмиш тог ила хомун.

Юзунг шавкида охимдин булутларга туташмиш ут,
Сахоб эрмас куёшнинг партавидин хар тараф гулгун.

Гар эрмас насси котиъ катл учун хар куз била кошинг,
Начук бас зохир этмиш хар бири сод устида бир нун.

Тулуб, лаълинг хаёли окизур куз шишасидин кон
Анингдекким, тукулгай бода булса зарфдин афзун.

Эшит майхона ичра дайр пиридин хак асрори
Ки, воиз хонакахда гох дер афсона, гах афсун.

Согинма бодага машъуфмен, эй мугбача, биллах
Ки, усрук кузларингнинг фитнаси килмиш мени мафтун.

Навоий, олам ахли гар вафосиз келди, май
ичгил, Анга чун чора йук, боре узунгни
тутмагил махзун.

**452**

Эрур саргашта хоки тан аро мажнун куйгул хар ён, Тун
эткандек куюндин жисмига Мажнуни саргардон.

Ёланг жисмим куруб онча бало тигини ёндурдунг Ки,
захмим богламоктин эмди эрмастур таним урён.

Жунунум хайратига вахш даврумга уруб халка,
Мушаъбид лаъбига хангома ахлидек булуб
хайрон.

Менингдек тоза доги захмидин кон гаркидур
лола, Магарким догини багрига куйди шуълаи
хижрон.

Тузалди Нухнинг туфонидин сунг дахру ашкимдин
Киёмат ошкоро булди ул туфону бу туфон.

Ичиб гардунча согар, кош андок бехуд
улсамким, Икинчи сурдин хам булмагай
уйгонмагим имкон.

Жахон осойишин оллингда мушкил килмаким, бордур
Тутай мушкил десанг — мушкил ва гар осон десанг
—осон.

Куп, эй гул, урма булбул жонига бедод хоринким, Сену
мендек гулу булбулни куп уткарди бу бустон.

Навоий, килма айб афгону фарёдимки,
даврондин Не бир фарёду ун афгонки, юз
фарёду минг афгон.

**453**

Ишкинг утига курук жисмим
утун, Кунгул ахгардур анга,
ох-тутун.

Тиг ила ёрдиму куксунгни,
деманг, Айламас тиг ила худ ани
бутун.

Рузгорим корариб
зулфунгдин, Тори умрумга
тугун узра тугун.

Васл аро дебсен олурмен жонин, Хажринг
олмаймудурур англа бурун.

Ваъдаи васлин этар тонгла нетай,
Интизори мениултурса букун.

Бода зарфи бошига тицмац учун,
Социё, цолмади хирцамда юрун.

Уйнаб ултурди Навоийни, куринг, Чини не
эркин, агар будур уюн.

**454**

Куйида итлар мени гах тирмабон, гах тишлабон, Заъфдин
улганда бир-бирдин узарлар судрабон.

Мен киму цилмац хавас анинг цулидин муттако Куйида
бас ётсам илгимни бошимга ёстабон.

Не жунундур, вах, буким йиртуц яцони чок этиб, Ашким
оццанда кулуб, турган замони йиглабон.

Элни гофил айлабон узни солурмен куйига,
Хар тарафдин урсалар тош, ит масаллик цавлабон.

Тифли мактабдек цочиб борур яна ул ой сари, Телба кунглумни неча топиб кетурсам албадон.

Умр утуб бир учрабон холимни сурса, войким, Айта олмасмен жавоб, ошуфта кунглум тухтабон.

Хазл кунглум била ул шуху кунглум тортар ох,
Тифлдекким, дуд этар ут бирла хар дам уйлабон.

Ацл учуб бехудлуг айлармен, йулуцсанг ногахон, Кимсадекким, телбалик цилгай парийга учрабон.

Социё, мухлик хуморим узрига солма цулоц, Бир цадахни огзима цуйгил цулогим тулгабон.

Умр торин чун кесар даврон жафо тиги била, Жазм билгилким, анга булмас кунгулни боглабон.

Эй Навоий, чун замон ахлига асло йуц вафо, Топмагунг харгиз вафо ахли, аларни танлабон.

**455**

Жилваи цаддинг куруб, сарви равондин ким десун?
Жавхари лаълинг боринда нацди жондин ким десун?

Дуст куюнда ватан чун туттилар ахли висол,
Мен кеби овораи бехонумондин ким десун?

Куп дема воизки, ул цадду лабу юз оллида, Тубию кавсар била хури жинондин ким десун?

Огзи васфида дейилгай хурдадонлар, эй кунгул, Сен кеби маъдум, беному нишондин ким десун?

Бордурур ани юзунгдаким, цуёшта онча йуц,
Сен боринда худ цуёшким булгай андин ким десун?

Ёрга холин демакка онча яхши ёри бор,
Эй кунгулким, яхши боцсанг, мен ёмондин ким десун?

Шайх анда жуз фано йуц хар цаёндин ким десун?

Гах замондин шиква, гах али замон жаврин дема, Бода ич, ахли замон бирла замондин ким десун.

Гар Навоий деса ул юз гулшанидин цилма айб, Демайин булбул хикоят гулситондин ким десун?

**456**

Буки зулфунг домига кунглум цуши урмиш узин,
Курмакинг эрди муроди, тикмагил боре кузин.

То сени курдум, кузумдин узлугум булди нихон Ким,
сени курса, яна курмас эмиш харгиз узин.

Йуцки ошицлик, сузумдин фахм улур маъшуцлуц, Баски,
дермен уз-узум бирла анинг бир-бир сузин.

Субхи давлат талъати бошида дурри шабчарог, Тонг
бошида кур тулуъ эткан саодат юлдузин.

Хони хусни ичра сабзи хатти сабзу туз лаби,
Сен не огах ул наими равзадин, тотмай тузин.

Бахра хурду хобдин ул топти, бу даврондаким, Килди эхё
кечасин, сойим кечурди кундузин.

Кунглини истай Навоий бу сабабдин
иттиким, Уз била цилгай икавлон ул
гарибий ёлгузин.

**457**

Манга хар нечаким йуц захра дам урмоц висолингдин Ва
лекин ком олурмен улча мумкиндур хаёлингдин.

Вафо богида туфрог улдум, аммо, войким, тушмас Гахе
бир гул бу туфрог устига саркаш нихолингдин.

Висолингдин кунгул навмид эса, дардинг чекар невчун
Ки, андин доги куп навмидрокдур чун мисолингдин.

Ики зулфунг кунгул доми, не янглиг асрай ул цушни,
Ани тутмоцца жидд маълум улур чун «жим»у
«дол»ингдин.

Начукким булса дил лафзига нуцта «зул», булур хосил
Мазаллат икки айрилгон кунгулга етти холингдин.

Латофат суйи ул юз, «жим» ила «лом» икки ёндин зулф,,
Бу сузни фахм айлар бахравар булгон жамолингдин.

Тамаъ элдин вафо цилгон, судин ут истадинг чицмоц,
Агар топсанг, доги куйгунг бу савдои махолингдин.

Дуруст мехр зарфида тула хайвон суйи ичмак
Эмас ичканча дурд, эй мугбача, синган сафолингдин.

Навоий, гар бошинг гуй этса ул чобук, ёмон эрмас, Ёмон
будурки, эрмас воциф ул саргашта холингдин.

**458**

Кунгулки, хар сари чок улди тиги
хижрондин, Бир уйдурурки, топибдур
шикаст хар ёндин.

Сиришким айлади афлок жавфини мамлу,
Киши не суз дегай анинг цошида
туфондин.

Яцоси чокини Мажнуннинг асру куп укма,
Уял бу кукси уза чок жисми урёндин.

Хаёли кунглум аро сокину паришонмен
Ки, гайри гарди фано ёгмас ушбу
вайрондин.

Бало уци кузи ёгдурди, эй мусулмонлар,
Нелар келур манга ул икки
номусулмондин.
Етур кунгулга неча давр аёги бирла нишот,
Неча малол санга етса ахли даврондин.

Навоий, айтма, гар жон керактур, андин ут,
Нединки утсам юз жондин, утмагум андин.

**459**

Хажр шоми баски сайли ашк окиздим кайгудин, Куздин
улдум ноумид ул навъким, куз уйкудин.

Уз кузунг бирла узунгни гарчи курдунг кузгуда, Кузгу
аксидек ва лекин музтарибмен кузгудин.

Чок этиб ёнимки, кургуздунг сунгак дандонасин,
Бул-ажаб холимга килди заъф жисмим кулгудин.

Куюнга борурда гохи вахм, гах рашк ултурур, Соя
тебранса кейиндин, мехр чикса утрудин.

Кон ёшим сайлики тутмиш дашт бирла тогни, Аргувону лоладин узга не буткай ул судин.

Чарх мино согаридин истама нуши хаёт, Не учунким, бодаси мамзуж улубтур огудин.

Масти ишк улмиш Навоий, бермагил панд, эй хаким
Ким, магар сокий айилдургай бу майнинг бехудин.

**460**

Чархдин жонимгадур юз тиги котил хар замон, Даврдин жомимда минг захри халохил хар замон.

Асру мушкилдурки, юз мушкил гамимдин бирни чарх Килмайин хал, еткурур юз онча мушкил хар замон.

Умрида Фарходу Мажнун хосил этканча бало, Ишкдин бордур мени махзунга хосил хар замон.

Хар замон кунглумга ишк афсонасин ёзмок не суд,
Чайкалиб дарёйи гам айлар чу зойил хар замон.

Жаннати васл истаманг, ахбобким, сахросида Бир томуг эрмиш сафар ахлига манзил хар замон.

Сиххатим тутмок вужуд имкони йуктур, эй табиб
Ким, эрур жоним адам куйига восил хар замон.

Деманг осойиш хадисинким, булур афлокдин Юз балият ояти шаънимга нозил хар замон.

Дахр аро йуц нушу юз минг ниш хар дам, эй рафиц,
Етмагай йуц нуш учун юз ниш оцил хар замон.

Булса юз жоним бериб улмакни олсам, муфт эрур, Жонга мундоцким етар юз тиги цотил хар замон.

То абад булсун жахон мулки анинг фармонида, Юз жахонча мулк бу мулкига дохил хар замон.

Эй Навоий, назм мулки чун сенингдур айлагил, Шох
Гозий васфи ичра тилни цойил хар замон.

**461**

Дема гулгундур либосим ашкнинг хунобидин,
Шуъладурким, уртанурмен хажр утининг тобидин.

Кузларин кофир десам йуц, эй мусулмонлар, ажаб Ким,
иковлон юз эвурмишлар цоши мехробидин.

Гунчаи сероби хайвон чашмасидур гуйиё, Анда су
инмиш оциб хар ён гули серобидин.

Куш солиб сайд этмагилким, махласи йуц беркишиб,
Жон цуши бошингга санчилган гажак цуллобидин.

Хублар ошицларига мехрин эткан чогда арз, Лофдур, хар
неки сен дерсен мухаббат бобидин.

Бодаи софу, харифи содаю мушфиц рафиц, Гар муяссар
булса бас, оламда айш асбобидин.

Уйцудин куз очмадинг, гуё ани бахтим кеби
Айладинг ягмо Навоий дидайи бехобидин.

**462**

Хар цатра цонки томди кунгул тоза догидин, Бир тоза
лола очти гаминг хажр тогидин.

Демон, ичинда хурда нихон цилди гунчаким, Лаълинг
гамида ут чицар анинг димогидин.

Тенгдур шаху гадо хатиким, дуда бирдурур Шах базми
шамъидин, доги гулхан чарогидин.

Эрмас учуц, шакарга ёпишти чибин пари,
Икки лабим била ани олсам дудогидин.

Маст уйцу ичра топсаму бир кеча олмасам
Икки кузумни тонггача анинг аёгидин.

Гулда вафо йуцин цаю бир цушки англади,
Харгиз вафо гули тиламас дахр богидин.

Доим юзунг хаёли Навоий кузиндадур,
Еойиб эмастурур пари анинг булогидин.

**463**

Сиришким лаъли оташноку хатти мушкборидин,
Чицарди дуд жоннинг ут туташцан рузгоридин.

Ел элтур хорнию сел хорони бил, эй булбул

Ки, гам йуц дашту тог ахлига Мажнун рахгузоридин.

Сариг когазда жадвал машцидур шингарф ила ёхуд
Юзумда чекти хатлар ишц гулгун ашк торидин.

Танимда дог ила цонму экин ёхуд бу Мажнунни Вухуш
уткарди судраб ишц дашти лолазоридин.

Дема кун тушкача уйцуга цолмишким, оча олмас Кузин ё
ноздин ёхуд сабухи май хуморидин.

Малойик ишцсиз гар эрди сен бор улки хажрингда,
Туташти барчага ут шуълаи ишцим шароридин.

Аёц иззат била бос ергаким, хар сабзаву лола Нишон бир
юз гулидин айтуру бир хат губоридин.

Ажаб йуц, дашт аро Мажнун цуюндек садцаси булмоц,
Каён бир ноца курса согиниб Лайли цоторидин.

Навоий истаган ёр ихтиёри бирла мацсудин, Магарким
кечкай уз мацсуди бирла ихтиёридин.

**464**

Вафо йулинда, эйким, топмадинг истаб асар мендин,
Дегайсен билганинг ул бевафо сурса хабар мендин.

Танимда цаддингу лаълинг фироци тийри боронин Киши
курса, гумон цилгайки, бутмиш найшакар мендин.

Жигаргун булди цасринг тоши лаълинг хажрида баским,
Сиришк урнига хажр оцизди цон булган жигар мендин.

Анингдек солди ишцинг шуъла жоним ичраким, шаксиз,
Малойик барча куйгай, кукка тушса бир шарар мендин.

Булубмен ул париваш фурцатидин телба ит янглиг, Каён
юзлансам, эй ахли салох, айланг хазар мендин.

Килиб Фарходу Мажнун ишци утин шарх, эй ровий,
Булуб гарми такаллум фориг улмишсен магар мендин.

Не тонг, сиймоб янглиг оцса куздин сиймгун ашким Ки,
сиймоб айламиш хушу хирад бир сиймбар мендин.

Амал сарриштасин цилма мутаввал, келганин хуш кур,
Тутунг ахбоб, ёд ушбу каломи мухтасар мендин.

Жахону жонни тарк айлаб, анинг куйига азм эттим, Навоий, бас муносиб эрди бу янглиг сафар мендин.

**465**

Йуцтурур мажлисда айше фурцатинг бедодидин Юз фигон, гар булмасам хурсанд васлинг ёдидин.

Нечаким тушсам йироц бу маслахатца, яхшиким, Тингасен хар кеча кунглум нолаву фарёдидин.

Зулфу цаддинг фурцатидин неча цилсам гашти бог, Овуна олмон чаманнинг сунбулу шамшодидин.

Панд ила сабрим уйин, эй ацл, маъмур истама Ким, цунгармиш куз ёшим сайли ани бунёдидин.

Деб эдинг жононсиз улсанг, жонинг олгум, эй ажал, Жон фидонг, ар ваъдани уткармасанг мийодидин.

Савмдин кунглум цуши майл этти сую донага, Лекин огзин богладим, цурциб ажал сайёдидин.

Эй Навоий, кимдурур бу дайр аро ахли нажот, Улки чицмас дайр пири амрию иршодидин...

**466**

Кузгу хар дам судур ул рухсори оламсуздин, Муз анингдекким эрир мехри жахонафруздин.

Юз очиб, билдирди цад бирла сочи тенг эрканин, Зохир улгондек туну кун тенглиги навруздин.

Истасангким, тиккасен юз пора кунглум чокини, Яхшироц хеч игна йуц ул новаки дилдуздин.

Ишц гард эткан танимдин хажр ути учцунлари, Тир хар ён ламъа кургузган кебидур туздин.

Овладинг кунглум, чу соид кургузуб цовмац недур, Жавр ила кетмак чу келмас сайди дастомуздин.

Социё, даврон гамидин ранжамен, кунглум аро Паст цил андух утин жоми нишот андуздин.

Кеч, Навоий, жону кунглунгдинки, йуцтур ишц аро Чора
охи жонгудозу нолаи дилсуздин.

**467**

Эй мусулмонлар, фигон ул кофири худкомдин Ким,
чицарди кукка афгон лашкари исломдин.

Лаъли рухафзосидин бир буса пайгом айлади, Гарчи
ёлгон эрди, мен жон топтим ул пайгомдин.

Зулфу рухсорингдин айру гарчи йуц шомимга субх,
Шамъдек хар кеча то субх уртанурмен шомдин.

Зулфидин кунглумки махлас топти, бор ул телбаким,
Банддин цочмиш ваё цушким цутулмиш домдин.

Фурцат айёмидаким ёд этмас ул махваш мени, Васл
топсам, мен доги ёд этмай ул айёмдин.

Жоми майда булди чун ул бут жамоли жилвагар, Кофири
ишц улгамен, гар бош кутарсам жомдин.

Дайр аро, эйким, Навоийдин тиларсен ному нанг,
Билким, ул бу ерга цочиб келди нангу номдин.

**468**

Васл этти ёр ваъда лаби жонфизосидин, Гуё бу
сузни айтти жоним аросидин.

Гар курмадинг шафак уза хуршид, эй кунгул, Эхсос кил
ани юзу гулгун кабосидин.

Мунглуг кунгулнинг охидин этмас ракиб вахм, Йук итка
бок ишк гадойи асосидин.

Ишк ичра улдум, охки, куткармади мени,
Давр офати ул офати даврон жафосидин.

Оламни хажр зулмати туткай, совурса ел
Куйган фатилани янги догим коросидин.

Чарх данида бодаи гам тулмиш, эй рафик, Жуз хажр
захри килма тамаъ давр косидин.

Сабт улмаса, Навоий, ани назми зайлида, Фахм
айлар ахли дард каломи адосидин.

**469**

Яна не чехрага ут солди майки, хайронмен, Яна не туррани ел очтиким, паришонмен.

Учурки, эй куюн, ул ой бошига эврулайин, Бу дамки йулида туфрок бирла яксонмен.

Бири фусуну бири симёга хамл этарлар эл, Чу заъфдин келибон кузларига пинхонмен.

Вухуш аро мени дашт ичра курди чун Мажнун, Тасаввур эттиким, ул хайлга нигахбонмен.

Чу халкдин кочибон дайр сари юзландим, Рафиклар, билингиз, вахшийи биёбонмен.

Чу билмай элга вафо айладим — жафо курдум Не суд эмди, агар нечаким пушаймонмен.

Навоий эмди килурмен Хижоз оханги,
Согинмагил янаким азими Хуросонмен.

**470**

Шахру кишвардин илик юб, хонумондин кечкамен,
Хонумондин ким десун, икки жахондин кечкамен.

Хар замон бошимга юз тиги бало айлаб цабул, Умрдин тортиб этак, биллахки, жондин кечкамен.

Шахру кишвар, хонумон, икки жахону, умру жон, Худ не булгай, мунча юз ком улса, андин кечкамен.

Гар Скандар мулки бирла Хизр умри берсалар, Уйла мулку буйла умри жовидондин кечкамен.

Мумкин эрмастур валек, эй мехрибонларким, даме Килса юз бедод, ул номехрибондин кечкамен.

Воизо, айлаб енгиллик, нечаким кавсар майин
Мацтасанг, хошоки мен ратли гарондин кечкамен.

Эй Навоий, цон ёшим бахр улди бу дам истасам Ким, етай ул цотилимга, эмди цондин кечкамен.

**471**

Хар тарафким борур агёр ила жонон талашурмен, Чун ажал цасд цилур улмакима, жон талашурмен.

Хажр тиг урса, талошимни улум хавфи согинма Ким, шахидинг булайин деб мени хайрон талашурмен.

Бошоц устида талашцон кеби мазраъда гадолар, Дашти ишцинг аро ушшоц ила пайкон талашурмен.

Эй парий, чун кийик ухшар ики кузунга биайних, Бу жихатдин мени девона биёбон талашурмен.

Гарчи агёрдин олмоглиг эмастур сени мумкин, Турмогумдур боцибон, ончаки имкон, талашурмен.

Аччигим келгали кавсарни ачиг бодага таржих, Хирад ахли чу цилурлар мени нодон, талашурмен.

Кул солиб хажр утида ул киши янглигки су ургай, Эй Навоий, чу ошар шуълаи хижрон, талашурмен.

**472**

Оразинг нацшин кунгул лавхида тасвир эткамен,
Булмаса тацдир ани курмак, не тадбир эткамен.

Эй цора куз, булмас ул юз шавцидин юздин бири, Куз цорасидин агар юз нома тахрир эткамен.

Ёшурун цолгайму ишцим, буйлаким ул шухдин Чицса бир суз бехабар, юз цатла тацрир эткамен.

Не жунундур буки, хар тун ул париваш васлига, Юз хаёл айлаб, яна борига тагйир эткамен.

Эйки, дерсен васл коминг булса, жон цилгил фидо, Ул муяссар гар булур, мен худ не тацсир эткамен.

Ишц азалдиндур насибим, носихо, манъ этмагил, Манъ цилсанг хам, нетиб мен манъи тацдир эткамен.

Эй Навоий, нацди жон бергил деding савдосига, Буйла савдо гар муяссар булса, тавфир эткамен.

**473**

Базм ичинда андоц ул махваш хаёли бирламен Ким, хаёл андоц цилурменким, висоли бирламен.

Сузлашурда уз-узум бирла жунун ахли кеби, Ул париваш белу огзи, цилу цоли бирламен.

Гах кулуб, гохики йиглармен хаёл айлаб ани, Васли уммидию хижрони малоли бирламен.

Демагил майдин юзум рангин, цулогимдур цизиц Ким, бу янглиг хажр кожу гушмоли бирламен.

Огзию зулфи гамидинким эрур ноламда мад, Буйла мад тортарда анинг «миму» «доли» бирламен.

Социё, бир жоми май бирла мени девона цил Ким, мушавваш ацл савдойи мухоли бирламен.

Эй Навоий, ацл сари эмди булма рахнамун Ким, булуб девона, ишци лоуболи бирламен.

**474**

Бир юзи утлуц шарори ишцидин махрурмен, Дустлар, уртансам, этманг айбким, маъзурмен.

Ишцини не суд пинхон тут демактин, эй рафиц, Эмдиким ишц ичра расволиц била машхурмен.
Мен киму уйкуга куз юммок, чу йуктур токатим, Оразидин куз юмуб очкунча гар махжурмен.

Не ажаб Фарходу Мажнун зикриким, булмиш унут, Ким, мен эл ичра жунуну ишк ила мазкурмен.

Оби хайвон ичмагаймен истабон дафъи хумор, Менким ул майгун лаби жонбахшдин махмурмен.

Кимсага чун йуктурур бу коргахда ихтиёр, Йук манга айбу хунар, гар маст, агар мастурмен.

Эй Навоий, васл умидин ёкмогил тухмат манга Ким, мен ул махвашни бир курмак била масрурмен.

**475**

Азимат айлама, эй шухи бехабар, хар ён, Мени фирокинг аро килма дарбадар хар ён.

Фирок шомида анжум эмаски, охимнинг Ути шафак булуб, улди жудо шарар хар ён.

Дема танимда янги догларки, ишкинг ути Чу
тушти кунглум аро, айлади асар хар ён.

Юзунгда холлар эрмас, кузунг газолидур Ки, тушти
нофасидин катра мушки тар хар ён.

Курунг заиф таним теграсида жаври тошин,
Ягоч тубида сочилгон кеби самар хар ён.

Кадамни факр тарикида хар тараф урма, Туз
уйла катъки, бордур басе хатар хар ён.

Навоий учкали шавкунгда тиги хажрингдин, Алифлар
англама жисмида, чикти пар хар ён.

**476**

Сокиё, очтинг чу май тутмакка жоми Жам юзин, Юз
гамим дафъ айладингким, курмагайсен гам юзин.

Уйла рухафзо лабинг анфосидин топтим хаёт Ким, гар
улсам, курмагаймен Исою Маръям юзин.

Ёр мехмон булмок эрмиш, боринг, эй жону кунгул,
Истарамким курмагай, албатта, номахрам юзин.

Гар вафо ахлига олам зулм цилмас, бас недур,
Дуди охимким цора айлабтурур олам юзин.

Тун эмас, баским, фалак жонимга цуймиш доги зулм, Ул
тугонлар дуди тутмиш нилгун торам юзин.

Эйки, кунглунг чоки бутти васлдин, шукр айлагил Ким,
менинг захмимдур улким курмамиш мархам юзин.

Онча юзсизлик улустин курмишам, гар берса даст,
Истарамким, курмасам харгиз бани одам юзин.

Баски, курмишмен цуёш юзлук улустин тийралик,
Дермен охим тийра цилса найири аъзам юзин.

Эй Навоий, тушса маст илгингга бир кун, упкасен Хам
цабогин, хам сацогин, хам дудогин, хам юзин.

**477**

Минг утум бор, айлай олмасмен аён мингдин бирин,
Дахр куйгай, зохир этсам ногахон мингдин бирин.

Минг тугон жисмимда курсанг, куп таажжуб цилмаким,
Ичдагидин зохир айлабмен аён мингдин бирин.

Дема дардингни нихон тутцилки, юз минг дардни Махфи
этсам, цилмиш улгаймен нихон мингдин бирин.

Уйла юз минг пора кунглумни паришон этти хажр Ким,
топа олмон тилаб мен нотавон мингдин бирин.

Гарчи цилди хажр ути уртанмакимни бирга минг, Олам
уртангай, агар цилсам баён мингдин бирин.

Охким, ахбобдин хар кимга айлаб минг вафо, Топмадим
яхши узумга мен ёмон мингдин бирин.

Эй Навоий, дахр эли гар мингу гар бир тонима Ким,
вафолиг айлай олмасмен гумон мингдин бирин.

**478**

Лабинг майи хавасидин мудом йиглармен,
Пиёладек булубон талхком йиглармен.

Еаминг тунида куюб шамъдек сахарга дегин, Узумга
уйцуни айлаб харом, йиглармен.

Узумни хар нимага кундуз айларам машгул,
Еариб холима, чун булди шом, йиглармен.

Торицти чарх йигимдин, магарки билмас эди Ки, дарди
хажр замонин тамом, йиглармен.

Хаёл ила анга деб, дам-бадам саломимни Бериб
уз-узума, андин паём йиглармен.

Булуб ичим тула цон давр эли нифоцидин,
Сариг узор ила андоцки жом йиглармен.

Навоиё, яна бир лоларух фироцинда, Кузум
ёшин цилибон лолафом, йиглармен.

**479**

Гар деса куз бирла рухсорин тамошо цилмайин, Васлини
найлаб кунгул бирла таманно цилмайин,

Гавхари ишцига кунглумни нетиб цилмай садаф, Мунча баским кузни ифшосига дарё цилмайин,

Ох утию ашк сайлидин булур ер-кук тула, Неча дермен ишц асрорин хувайдо цилмайин.

Ут тушуб кунглумдаву куксумда равзан захмидин,
Дудини анинг не янглиг ошкоро цилмайин.

Ул парий хар жилвасида ацли кул шайдо булур,
Телбаликдиндур, десам кунглумни шайдо цилмайин.

Килмагил, эй шайх, усруклар унидин шикваким, Маст улуб майхонада булмас алоло цилмайин.

Социё, андоц тула тут бодаким, бехуд булай, Токи давр ошубига бир лахза парво цилмайин.

Килди ул куз ёдидин кунглум кийиклар сари майл, Неча мен Мажнун дедимким, азми сахро цилмайин.

Эй Навоий, оламоро хусн невчун очти ёр, Булмас эмди узни олам ичра расво цилмайин.

**480**

Кил бу ён жавлонки, жонни хоксоринг айлайин,
Бошинга эврулгали цупцон губоринг айлайин.

Бу бахона бирла чунким жонни садцанг айладим, Ацлу хушу сабр нацдин хам нисоринг айлайин.

Юз агар очсанг, назарнинг цушларин сайдинг цилай, Уц агар отсанг, кунгул сайдин шикоринг айлайин.

Кочиб эл наззорасидин гар кирарсен аксдек, Кузгудек кунглумни темурдин хисоринг айлайин.

Сен лабингдин жон бериб,васлингдин элнинг кунглин ол, Мен хазин жону кунгулни хору зоринг айлайин.

Хонацахда, эйки, узлук жомидин махмурсен.
Кир фано дайригаким, дафъи хуморинг
айлайин.

Тулса паймонинг, Навоий, дайр аро май бирла юб,
Бошининг хум кирпичин хишти мазоринг айлайин.

**481**

Оху вовайлоки, олам ахлининг бадхолимен,
Хар нафас бир дарду мехнат хайлининг помолимен.

Куздин оццон тийра цоним зоржисмимни буяб Ким,
цурубтур хома янглигдурмен анинг нолимен.

Токи кунглум иттию фориг булубмен дардидин, Ишц аро кунглин итурган хайли форигболимен.

Баски бедодинг юкин тортиб цадим булмиш нигун, Гуйи ул бедоднинг остида цолгон долимен.

Рухи Мажнуннинг магар жисмим аро цилмиш хулул,
Буйлаким, заъфу жунун бирла анинг тимсолимен.

Ишц аро васл истамон, цонимни то цилдим халол, Хар неким ишц ахлига мушкулдурур, халлолимен.

Ёр ила ушшоцу мен махжур холим сурмаким,
Эй Навоий, бу жамоатнинг хароб ахволимен.

**482**

Жонга хар дам ишцидин юз минг бало кам истамон,
Узгага минг йил утуб, юздин бирин хам истамон.

Ёр чун истарки, гамнок улгамен хижронидин, Не ажаб гар васлидин кунглумни хуррам истамон.

Тиги ишцинг захмидин жоним бир осойишдадур Ким, агар юз цатла улсам, доги мархам истамон.

Дев сийратлар била курсам не хол улгай манга, Ул парийга чун малак хайлини хамдам истамон.

Не тахаммул, гар юзига тушса номахрам кузи Уз кузумни айни гайратдин чу махрам истамон.

Онча эл жаврин куруб менким тилармен фардлиц, Булса ёре хам вафолиц, жинси одам истамон.

Эй Навоий, ишц агар оламга расво цилмаса, Мен худ узни куч била расвойи олам истамон.

**483**

Ултурур куйида ишц ахлин алолоси учун, Шох цатл эткан кеби итларни гавгоси учун.

Тийра зулфидин кунгул рухсорин айлар орзу, Гуйиё равшан су истар дафъи савдоси учун.

Чун булур хар тун шабистон ичра шамъи анжуман, Хайли анжум эврулур ул ой тамошоси учун.

Каддида гулгун либос эрмаски, устоди азал Барги гулдин хулла цилмиш сарви раъноси учун.

Зулфи занжирига хаддим йуц, ити занжири хам Яхшидур, цайд этса бу мажнуни шайдоси учун.

То тирикдурсен, цадах даврин ганимат тутки, чарх, Эврулур теграngга нацди умр ягмоси учун.

Эй Навоий, тарки дунё айла, иззат истасанг Ким, мазаллат келди саъй анинг таманноси учун.

**484**

Масканим хижронда булса эрди Марви шохжон, Бергай эрди хажрдин улсам, танимга шох жон.

Рашкдин жону кунгул бир-бирга душман булдиким, Гох васлингни кунгул айлар таманно, гох жон.

Нома сабт айларда чицти жон, вале куйди кунгул Ким, цошингга нома бирла бормагай хамрох жон.

Жон била кунглумни асрармен фидо айлай дебон, Йуцса эрмас хам кунгул матлубу хам дилхох жон.

Еайрдин холи висолингни тилармен, охким, Курмагай куз, булмагай воциф кунгул, огох жон.

Фурцатингда бода цуймас улгаликим, цайтарур, Чиццали огзим сари майл айласа ногох жон.

Эй Навоий, уйла жон огзимга етмишким, чицар, Фурцатида хар неча охиста чексам ох, жон.

**485**

Йуц дамеким, ул цуёш ёдида фарёд айламон, Айламон фарёдким, гардунни барбод айламон.

Нола цилмонким, халойиц кунглини цилмон хазин,
Навха чекмон эл ароким, элни ношод айламон.

Оразу цадди хаёли бас менга, эй богбон,
Гул сари цилмон тамошо, майли шамшод айламон.

Куйма юз хуру парий васфига, эй ровийки, мен, Киблаи жон гайри ул хури паризод айламон.

Айламон маъмур ацлу сабр ила кунглум уйин, Чун мени бузди, мен ул вайронни обод айламон.

Хар неча цилдим вафо, кургуздилар жавр, эй кунгул, Айб цилма, гар замон абносидин ёд айламон.

Эй Навоий, тарки ишц этким, цутулсам мен доги,
Кимсага кунглумни мундин нари муътод айламон.

**486**

Куз била цошинг аро ул холи мушки нобдин, Нуцта кофир узра тушмиш ё цуйи мехробдин.

Ул огиз оллидаким хар лаълидур оби хаёт,
Номуносибдур демак суз гунчаи серобдин.

Уйлаким, зулфунг гамин оламга тарцатмиш насим, Не ажаб, судралса юз жон буйни хар цуллобдин.

Нуцтаи мавхум эрур огзинг, нетиб ком истайин Ким, таматтуъ касб цилди жавхари ноёбдин.

Хажр тобу печидин цисцарди умрум риштаси Тор ул янглигки булгай цисца печу тобдин.

Олам асбобидин ут, гар истасанг кунглунгни жамъ Ким, паришонлигдин узга етмас ул асбобдин.

Эй Навоий, ёр куйида цора туфроц аро Колибон ортуц курармен бистари синжобдин.

**487**

Неча гамим утин ахли замонга еткурайин, Шарору дудидин анинг осмонга еткурайин.

Кадам бошимдин этиб куйи азми цилдимким, Бу макр ила ани ул остонга еткурайин.

Лабингга май била нуши хаёт еткандек, Анинг хаёлини мен доги жонга еткурайин.

Кунгул чу куйида гум булди, не кунгул бирла Узумни ком тилай гулситонга еткурайин.

Кунгулни истаю вайрон баданга элтурмен Ки, хонумонини бехонумонга еткурайин.

Жахонда фитнадур айлаб сурог майхона, Узумни саъй ила дорул-амонга еткурайин.

Навоий охи санга заъфдин чу етмас, кел Ки, васлдин мадад ул нотавонга еткурайин.

**488**

Ишц ичра цани мен кеби зеру забар улган Хар кимки йуц андин батар, андин батар улган.

Чун дилбари кирпиклар уци хар сари отцан, Аъзоси аро хар сариму ништар улган.

Менмен лаби жонбахшинг учун лаъл масаллик, Багри тешилиб, гаркаи хуни жигар улган.

Дехкон деки, мендек яна даврон чаманида Ким курди вафо нахлига хижрон самар улган.

Жисми шарар айрилмок ила билки туганди, Кунглида мухаббат шараридин асар улган.

Маст улки, жахон мехнатидин топти фарогат, Давронга келиб кетканидин бехабар улган.

Факр ичра, не тонг, узлукидин кечса Навоий, Фард улди фано шевасидин бахравар улган.

**489**

Ой ботти мунфаил булубон ул жамолдин, Шоядки, чикмагай яна бу инфиолдин.

Зулфунг хаёли кунглум уйи ичра тулгали Холи эмастурур нафасе ул хаёлдин.

Ким курди хусн богида сарве кадинг кеби Харгиз
тажовуз айламаган эътидолдин.

Сабрим уйини йикса кадинг нахли, тонг эмас, Харгиз
сутунким айлади наврас нихолдин?

Дардоки, улдуму анга дардимни демадим, Кунглин
мукаддар айламайин деб малолдин.

Юз жон бериб, вафо бани одамда топмадинг, Кеч эмди,
эй кунгул, бу хаёли махолдин.

Хурсандлик Навоийгадур бу умид ила Ким, васли
тошкори худ эмас эхтимолдин.

**490**

Рахшингки, хиром ичра утар кабки даридин, Истармен
анинг наълини товус паридин.

Утган йулида наълидин ут жонима тушти, Жонимга
нелар келди анинг рахгузаридин.

Гулгунмудурур ё жулини айлади ул навъ, Хайёти фалак
санъати гулбарги таридин.
Гулрухлар аро чунки сурарсен, хабар айтур
Эскан гулу сарв узра насими сахаридин.

Отинки, парий чехра дединг, сендадур ул от,
Англар кишиким, ори эмас табъ асаридин.

Нехожат эди суръат анга, мунчаки ошик
Кузни юмубон очкуча уткай назаридин.

Мужгон била истар кашигай суртуб анга куз,
Фахм улса Навоийга ризо сиймбаридин.

**491**

Куйдум гами ишкимни аён айламакимдин,
Чеккай эдилар кош тилимни кумакимдин.

Бир лоладурурким, ичида доги нихондур, Хар
конки томар доги нихони юракимдин.

Дашт ичра жунун ахлига булди алами ишк, Хар
хор уза парголаки колди этакимдин.

Ишк ичра тирикликда паришонлигим англар, Курган
киши сахрода ёйилгон сунгакимдин.

Мажнундек элармен этаким бирла чу туфрок, Гуёки фано
гарди ёгар ул элакимдин.

Хасрат иликин тишлаб ичармен гамидин кон, Айшимни
хаёл эт бу майю ул газагимдин.

Хажрида Навоий кеби матлубум эмас умр, Хар кимни
тилармен чу йирокмен миракимдин.

**492**

Киши ойирса бир бедилни ёри дилпазиридин, Умид
улким, айиргай тенгри ани ногузиридин.

Агарчи мен асири булдум ул бадмехрнинг, ё раб, Жудо
килма асирин андину ани асиридин.

Деб эрмишким, замиримда анга зулм айламак йуктур,
Чикаргил, ё раб, ушбу зулмни анинг замиридин.

Димогим топмасун максуд иси, гар куни туфрогин
Топиб, ани муаттар истасам жаннат абиридин.

Мену, цон ютмогу майхона туфроги, деманг зинхор
Манга Жамшид жоми бирла Афридун сарирдин.

Очилди чун эшиклар дайрга, май ичмай улдум маст,
Нечукким ахли рахмат жаннат абвоби сариридин.

Навоий шодмондур барча, гар ултургали ул шах
Килибтур ёд ахли ишц аро ушбу фациридин.

**493**

Келса бир кун, неча кун келмаслигидин лолмен, Бир кун
уз холимда булсам, неча кун бехолмен.

Неча кунким келмаса, айлар улум холи мени, Келса бир
кун ултурур, бу ишвалардин лолмен.

Йулида туфрог агар булдум, гараз побусидур, Булса бу
комим раво, гам йуц агар помолмен.

Дилбарим Ширин била Лайлига гар ацрон эса, Мен доги Мажнун бирла Фарходга амсолмен.

Х,инду улдум, хажр эткач рузгоримни цора, Ё балога нуцта, ё андух юзига холмен.

Социё, хижрон гами тугёндадур, лутф айлаким, Дам-бадам ошуфтаи бир жоми моломолмен.

Эй Навоий, бошима курким нелар келтурди ишц, Пири ацл эрдим, бу дам бозичаи атфолмен.

**494**

Ул парий махжуб булгай деб мени девонадин, Чугздек чицмон туну кун гушаи вайронадин.

Ошнолар таъни ищцида халок айлар мени, Мунча шиддатлиц эмас, неким келур бегонадин.

Айтсамким, садцанг улдум, нега куйдурдинг мени? Дерки, бу мушкулни фахм эт шамъ ила парвонадин.

Ёр мехмон булса, бермасмен ризо, чун бир нафас Мехнату гам хайли чицмаслар бизинг кошонадин.

Чунки ёйилди хаводис фитнаси хар гушада, Маслахат эрмаски чицсам гушаи майхонадин.

Мен ичиб майхонада май, жаннату кавсар сузин Воиз айтиб, булмади кунгли малул афсонадин.

Бир парийдин гар санга банди жунун тушти, не тонг, Эй Навоий, цочмагай девоналар зулонадин,

**495**

Неча курган сойи ажзим жавр огоз эткасен, Англаган сойи ниёзим шиддатин ноз эткасен.

Мумкин эрмас чун цуёш васли кеча хуффошца, Эй кунгул, ул ён неча хижронда парвоз эткасен.

Булса хаддим, дер эдим оллингда кунглум розини, Гайрни рагмимга гарчи махрами роз эткасен.

Лаъли ул кофирнинг элга жон багишлар, эй Масих, Неча анфосинг била даъвою эъжоз эткасен.

Дам-бадам шавцум санга купракдур, аммо сабрим оз,
Гарчи сен бедодни куп, мехрни оз эткасен.

Эй фалак, зулму ситам ичра уз овозинг учун, Неча бизга хар замон бир иш саровоз эткасен.

Эй муганний, баски йиглатгайсен элни базм аро, Гар Навоий охи бирла нагмани соз эткасен.

**496**

Кориган чогда бир махваш йигит шайдоси булмишмен
Ки, ишцидин цари бирла йигит расвоси булмишмен.

Куюндек пуяда майдон манга гах тог эрур, гах дашт,
Магар Мажнун била Фарходнинг хампоси булмишмен.

Багирдин итларига туъма цон ёшимни май цилдим,
Жунун базми аро ул хайли базми ороси булмишмен.

Мени кургач булур ишц ахли мажнун, берма панд эй ацл,
Чу мен девонларнинг мояйи савдоси булмишмен.

Булур ишц ахли таълим олсалар девоналиг мендин,
Нединким, мен бу нодон хайилнинг доноси булмишмен.

Деманг ахли хирад ишцу жунун савдосидин чицким,
Мени бехонумон бу даштнинг насноси булмишмен.

Навоийдек цориганда йигит булсам тонг эрмаским,
Кориган чогда бир махваш йигит шайдоси булмишмен.

**497**

Кеча асру музтар эрдим, вахки, шайдомен букун, Тун худ утти, лек онсиз ношикибомен букун.

Не сузумни фахм этарлар эл, не мен элнинг сузин,
Билмон элнию узумни — асру расвомен букун.

Рузгорим зулфу, холу хаттидин булмиш цора, Эй хирад ахли, билингким, махз савдомен букун.

Элга жон бермакка чицти, гуйиёким рашкдин, Улмагай оллида анинг кимса иллох мен букун.

Мултафитдур элга, мен махрум, бу дамким чекиб Тиг,
истар бир киши цатлин, мен овлимен букун.

Эй кунгул, сен онсиз эрмассен даме, бу дамки мен
Васлига еттим, сен улгунг оллида ё мен букун.

Йуцтурур Фарход ила Мажнун магарким билдилар,
Тогча андухи бирла даштпаймомен букун.

Ул парий ищцида узлук тарки туттим, социё,
Бодаким, девона булмоцца мухайёмен букун.

Дустлар, цочинг Навоийдинки, зулми хажр аро, Дарди дил айтурдин элга мехнатафзомен букун.

**498**

Тугун бир-бир демон, юз-юз мусалсал зулфи торидин,
Нишондурлар саросар мур хайлининг цаторидин.

Юзи гул, зулфи сунбул, огзи гунча, цомати савсан,
Назохатда уятлигдур бехишт анинг бахоридин.

Хаводис шоми солса рузгор ичра паришонлиг, Нишон
бил зулфида кунглум паришон рузгоридин.

Ани кургач неча ищцим ёшурсам, халц англарлар
Кунгулнинг изтиробидин, баданнинг изтироридин.
Мен онсиз туфрог улдум, эй сабо, сен рахм этиб боре,
Котиштур куйининг туфрогига жисмим губоридин.

Мени ишк ила расво килдиким, эмас менинг сари,
Насиме келса ногах офият мулку диёридин.

Бу дайр ичра фано расмин биравким ихтиёр эткай,
Кушод имкони йуктур кечмайин ул ихтиёридин.

Майи васл, эйки, нуш айлаб, узунгни айладинг сархуш,
Гуворо булсун, ар бийм улмаса бу май хуморидин.

Навоий сабру ишкидин ул ой форигдурур, яъни Хабар йуктур анга бу бенавонинг йуку боридин.

**499**

Курса не фикри таним захмию кунглум куйганин, Улки наълу догдин хайф этмас уз нозук танин.

Кайда курсун, курса не килсун ёкам чоки асар,
Мастлигдин улки хар дам чок этар пироханин.

Хирмани сабрим куярдин не гам ул кофиргаким, Ут солибтур бодадин, кургил жамоли хирманин.

Гарчи ранжим саъб эрур, вах, кайда парво айласун,
Котилеким, курди тиргузмакча ултурмак фанин.

Англагач катл айлар эрди, шукрким, билмас киши Базми гавгоси аро ахли мусибат шеванин.

Неча тавсанлик сукун андин бурунрок кузлаким,
Олмагай коме, неча сурсанг йигитлик тавсанин.

Гулшани ишратка сиз азм айлангиз, эй ахли айш Ким, Навоий бас огир олмиш мазаллат гулханин.

**500**

Кирпикимдур ашк кони бирла шохи аргувон,
Рахм кил, эй аргувони ранг тунлук навжувон.

Ул ики куздурму ё ишкингда айни заъфдин
Гушаи гулзор аро ётмишлар икки нотавон.

Дуди охимни шарарлар бирла курган согинур
Ким, етишти дард мулкидин юз утлуг корвон.

То лабинг нацши кузумда лаългун ашким кеби Тутти ер, хайвон зулоли юз сари цилдим равон.

Шод эдим хусн ахли онидин, цани ул ахли хусн, Эй кунгул, мен гофилу эрмиш ганимат ул авон.

Эй висол ахли, сизу иззат бисоти узра айш Ким, етибдур бизга цисмат ишцдин хажру хавон.

Эй Навоий, ёр агар зулм этса, шахга цил дуо Ким, анга тобиъдурур адл ичра юз Нуширавон.

**501**

Ёзарда ишцинг утин секрир охимдин шарар хар ён,
Варацда нуцталар ийнак шарарлардин асар хар ён.

Рациб илги жафо тоши куп отса, боис охимдур,
Анингдекким, итик ел шохидин сочцай самар хар ён.

Дам урмассен, лабинг ширинлигин васф айласам, гуё
Ики лаълингни бир-бирга ёпиштурди шакар хар ён.

Кукарган догидур гам тошларининг хаста жисмимда,
Куруг шох узра чирмашиб очилгай нилуфар хар ён.

Суда гул барглар оццон масаллик лаъли хажринда, Оцар
ашким аро хар цатра цон булган жигар хар ён.

Кунгулда ухларингдин бар есам бир кун, ажаб эрмас,
Мунунгдеккнм бу бог атрофида эктинг шажар хар ён.

Белинг сарриштасига мубтало булгон кунгул сайди,
Кийикдекдурки, махкам айламиш йулин камар хар ён.

Не мухлик водий эрмиш Каъбаи мацсад биёбони Ки,
адно мурдин бор аждахоларга хатар хар ён.

Навоий риштаи зухди узулса, цилмангиз хайрат.
Мунунгдекким ани усрук чекар бир сиймбар хар ён.

**502**

Ичимдаги ёшурун гамки, айта олмасмен, Бир ут солур
манга хар дамки, айта олмасмен.

Еамики, улсам эмас айта олмаги мумкин.
Агарчи ултурур ул хамки, айта олмасмен.

Десамки, дардини дей, ишци илги
бугзумни Тутар анинг кеби махкамки,
айта олмасмен.

Не нукта ищдин айтай десам, мени ул
шух Килур анинг кеби мулзамки, айта
олмасмен.

Еаминг нихон мени ултурди зулм тиги
била, Эрур букун манга мотамки, айта
олмасмен.

Кетур пиёлаки, иш сиррини хакими азал
Анингдек айлади мубхамки, айта
олмасмен.

Навоий айтсун уз дардиники, дард мени
Килибтур ул сифат абкамки, айта
олмасмен.

**503**

Кунгул тошлар царасин догларким, цуйди гам хар ёнг
Жунун ифротидин девона сочцондек дирам хар ён.

Мен ашк ичра чумуб, хар тун цилиб хамсоялар ошуб,
Менинг холимга йуц уткан учун уйларга нам хар ён.

Эрур хар сари ушшоц охидин, мендин эмас буким, Булур нахли цадига жилва айлар чогда хам хар ён.

Булутца хумрат эрмас мехрдин, балким тутошибдур,
Момуцдек баски чицти охим утидин алам хар ён.

Булур цон мушки, ищцинг мушкини цон эттиким, булмиш Кора шанжарф, холим ёзгали цуйсам цалам хар ён.

Итибтур телба кунглум хар тараф, эй ищцу дард, истанг,
Сурайин ул париваш куйида мен хаста хам хар ён.

Не водий цатъи цилмоцдур, фано дайрида сокин бул Ки, цай равзанга цуйсанг куз булур маръий харам хар ён.

Даме уксутмагил, ё раб, харобот ахли гавгосин Ки, ул ундин кудурат цушларига булди рам хар ён.

Навоийдек цадам майхонада беркит сутун янглиг, Десанг оллингга юз гам келмагай, цуйсанг цадамхар ён.

**504**

Ахд цилдим, ищц лафзин тилга мазкур этмайин, Тил неким, хомам тилидин доги мастур этмайин.

Барча элга фитна булган кузга мафтун булмайин, Хар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Ищц куфри бирла тацво хонацохин бузмайин, Бут хаёлиднн кунгул дайрини маъмур этмайин.

Хар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст, Хар кун анинг хажрида кунглумни махмур этмайин.

Гар чидай олмай кунгул берсам бировга ногахон, Бори эл ичра чидай олганча машхур этмайин.

Ишцу май анжоми чун хажр улди, цуй, эй шайхким, Узни бу ицболдин куч бирла махжур этмайин.

Зулм ила эл жонига ут ёцма, эйким, шохсен, Гар десанг дузах утига жонни махрур этмайин.

Гарчи маъзур улди маъмур, эй Навоий, узни мен Дуст маъмур айлаган хидматда маъзур этмайин.

**505**

Музайян цилма мармар тоши бирла туфрогим бошин Ки, кунглум дуди Машхад тоши айлар машхадим тошин.

Булут бирла ёгин эрмаски, ул ой хажрида хар дам Тия олмон дамим дудин, йига олмон кузум ёшин.

Азал наццошиким чекти янги ой нацшини, гуё Калам соф айлар эрди сизгали ул дилрабо цошин.

Кувонди шайх зикри халцасидин найласун мискин,
Алоло ичра курмайдур маломат куйи авбошин.

Халойиц улганимни бахтим уйцуси согинмишлар,
Нечукким тонимаслар тавъамоннинг курса цардошин.

Сочинг фикрига то туштум, мусалсал булди ул савдо,
Качон билдим мен ул сарриштанинг бу навъ чирмошин.

Жахонни куйдурур, эй мугбача, паймонаи лаълинг,
Магар кунглум ути бирла цизитмишлар анинг дошин.
Ажаб мехру шафац эрмасмудурким, топмади харгиз Хирад
бу тоц меъморин, назар ул шамса наццошин.

Навоий, хонацахда хирцаву сажжоданг улмиш цайд,
Булардин махлас истарсен, фано дайри сари ёшин.

## ВОВ ^АРФИНИНГ ВИЛОЯТ АФЗОЙЛАРИНИНГ ВА^ОЕЙИ «БАДОЕЪ»ДИН

**506**

Сужуд этар цуёш оллинда уйлаким хинду,
Юзунг цошинда цуёш ло илоха иллоху.

Куёш юзига боцардин назар эрур ожиз,
Юзунгдин этти магар акс зохир ул кузгу.

Юзунг нишонига хар зарра гар эмас толиб,
Куёш жамолига заррот невчун этти гулу.

Магар тажаллий хуснунгга мазхар улди цуёш Ки,
зохир айлади онча жило била ёгду.

Юзунг хижолатидин мехр ила саргормиш Ки,
субх айлар анинг заъфаронидин кулгу.

Юзунгни тушта курар мумкин улса, истармен
Анингдек уйцуки, андин сунг улмагай уйцу.

Навоий, иста висолин, бихишт истамагил,
Киши бихишт боринда тамугни истарму?

**507**

Не ажаб, гар цилмасам гул рангу буйин орзу Ким, эрур андин
димогим ичра ут, кузумда — су.

Сарвни хам истамонким, кузга андин уцдурур,
Кимса бир уцни кузига цайда цилгай орзу.

Гулжабинлик сарвцад мохим керак, йуц сарву гул, Ул юзу
цадсиз манга не ул керакликдур, не бу.

Комату рухсори комимдур, йуц эрса бог аро
Хар тараф куп саф тузатгай сарву гул цилгай гулу.

Сарвцадлар бирла гул рухсорини куп истадим, Ул цаду
юздин йироц кунглумга таскин булдиму?

Азми дайр этсанг, цилиб гусли тарицат, гом цуй, Лекин
аввал дин ила исломдин илгингни ю.

Эй Навоий, дахр бустонида куптур лавну атр, Лек йуц
мехру вафодин анда мутлац рангу бу.

**508**

Юзунга ошуфта цошлар булмаса ошиц нагу, Булдилар
хар цайси бир девонаи жулида му.

Булмаса девона, бас, не важхдин занжир этиб,
Келтурубтурсен аёги сари зулфи мушкбу.

Ул арацнок оташин рухсоринга майл эттилар, Телбалар мойил булурлар, курсалар ут бирла су.

Телба эрмас, балки икки хиндуи сохирдурур, Бош цушиб афсун учун гуё цилурлар гуфтугу.

Ё тамошо цилгали, ё сехр таълим олгали, Зулфининг хиндулари хар саридин цилмиш гулу.

Шухларнинг цошларига, эй кунгул, майл этмаким, Офият куйига хожиблардур икки рубару.

аро уйлаким Хижоз ахли.

Бузди хусн ахли кунглум андокким, Ёги
мулкини турктоз ахли.

Риштаи жоним узди мутриби базм, Узса
торин начукки соз ахли.

Мену ишки мажози, элтур эса
Йул хакикат сари мажоз ахли.

Шамъ янглиг Навоий уртанса, Тонг
эмас, буйладур гудоз ахли.

**580**

Богдин келди насиму гул исин келтурмади,
Не тиконларким бу гам кунглум аро синдурмади.

Лаъли ёдидинки юттум дам-бадам хасрат суйин,
Оллох-Оллох, цайси цонларким бу гам юттурмади.

Шоми хажрим тийрадур андоцки, кундуз хам булуб, Х,ар нечаким эхтиёт эттим, цуёш билгурмади.

Х,ажр зулмидин дедим айлай ажалга дарди дил, Оцибат жонимга рахм айлаб, анга еткурмади.

Васл аро куп истади жонимки бир дам тинмайин, Х,ажр то жонимни тандин олмади, тиндурмади.

Кайси гул бедоди бир булбул парин совурдиким, Чарх зулми хам анинг яфрогларин совурмади.

Эй Навоий, бевафодур хублар, булди халос, Улки баъзига кунгул, баъзига куз олдурмади.

**581**

Демаки, цатлима ушшоци нотавон яхши Ки, буйла жаврунга бир мен кеби ёмон яхшн.

Хуш улки, цатлга ушшоц аро ёмонлардин Ул ой мени согиниб дедиким, фалон яхши.

Кишики васл тилар, гурбат ихтиёр этсун, Ул орзуга бурун тарки хонумон яхши.

Анинг висолида жону кунгул эмас махрам, Гар
ул муяссар улур, гайрдин нихон яхши.

Кадахни ташлаки, бас ташналабмен, эй соций, Менинг сумурмакима бахри бегарон яхши.

Не айб, мугбачага дайр томи узра хиром, Ёреки цилса цуёш жилва, осмон яхши.

Ажаб малохат эмасму юзунгаким, курунур
Сенга, сенга чу боцармен замон-замон яхши.

Агарчи келмади бемехр ёр жаври ёмон, Чу яхши боцсанг, эрур ёри мехрибон яхши.

Навоиё, ёмон элтур чу ноладин ул гул, Не суд,
булбул агар айласа фигон яхши.

**552**

Яна хнжрон ути жонимга тушти Ки, анинг
тобидин цоним цурушти.

Хумори хажрдин, эй социйи базм,
Кадахким, чиццалн жоним ёвушти.

Илик бер, кузга суртай бушмас, эй шух, Кафи
пойингниким уптум, не бушти.

Менинг холимга афгон чекти ахбоб, Кеча
куюнгдаким итлар улушти.

Азалда ринд хушхол улди майдин Вале
хилват аро зохид тумушти.

Сафар ранжи кунгулдин чицтиким, ёр Мени
кургач, равон истаб курушти.

Навонй хажр ути урганда тугён, Чу урдум
бодадин су, ултурушти.

**583**

Кирциб эрди цошин ул бодапараст худрой, Тоза чицмиш,
не ажаб, гар десам ани янги ой.

Кирццандин ики-уч кун утубон булмиш эди, Уйлаким
ханги пай эткайлар ики дилкаш ёй.

Ёпти цаввоси цазо хар бирига мушкин цавс, Отцали
кирпик уцин жон била кунглум сари, вой

Кошки хаттига еткурмаган эрди поки
Ким, бу тути булур ул кузгу била болкушон.

Лули улмоц тонг эмас, бор эса шахларга хавас, Гар бу юз
кузгусига илги булур ошшасой.

Не ажаб, булса ерим кунжи цаландархона Ким,
цаландарваш эрур ул санами бепарвой.

Эй Навоий, етилиб цоши анинг, шукр дейким, Хусни
цасрига аён булдн яна тоци намой.

**584**

Муддаилар бетараххум, ёр бепарво, басе,
Хам алар куп зулм этарлар, хам бу истигно, басе.

Зулфи занжирн магар булгай иложим, эй хаким Ким,
димогимни паришон айламиш савдо, басе.

Мен улар холатдаю мотам эди ахбоб аро, Буки ацшом
цилди куюнг итлари гавго, басе.

Турфа менмен ищц дашти ичра, йуцса анда бор Вомицу
Фарход ила Мажнун кеби шайдо, басе.

Мен киши эрмон жунун ичра, йуц эрса кургузур Одамилиц
ул парий пайкар, малаксиймо, басе.

Эй сабо, куйида итти кунглумниким, айлар эмиш
Бул-ажабвашлицлар ул ошуфтаи расво, басе.

Хастамен даврон жафосидин, кетургил бодаким, Нофиъ
эрмиш ул маразга согари сахбо, басе.

Бода ичким, чарх рифъат ахлини куп цилди паст,
Пастларни кумди туфрог остига дунё, басе.

Эй Навоий, гар десанг куп инжимай давр ахлидин, Хар не
дерлар ё цилурлар, цилмагил парво, басе.

**585**

Эмас фироц туни, эй кунгул, нацора уни, Эрур
замона уни холима фироц туни.

Бу тийра шомим ила Нахси анжумин хар ён Фироц
дузахининг бил шароралиц тутуни.

Не навъ этай мени саргашта васл йулин цатъ Ки, хар замон
совурур хажр даштининг цуюни.

Танимни заъф цилиб субха торидек халца, Бирин-бирин
курунуб мухрадек бугун-бугуни.

Фирокнинг ути гар бот туташса, тонг эрмас Ки, ахли дард курук жисмидур анинг утуни.

Хисоб асради дин ахли катлин ул кофир Ки, бехисобдурур зулфи торининг тугуни.

Агарчи сарвга гул килди богбон пайванд Ва лек
сарв кади гулрухумча йук йусуни.

Кунгулни бузсаю синдурса ишк, бок эрмас Ки, хуб эмастурур анинг тузуклугу бутуни.

Чу хиркам улди гарав майга, кийма бодафуруш Ки, доги хажр куяр хар дирам кеби юруни.

Замона ахлига гарчи уюнчиликдур иш, Енгар хам охир аларни замонанинг уюни.

Навоий олмади куз анбарин хилолингдин, Нединким ул тилабон кукта, ерда топти муни.

**586**

Олача хошиялик тун кийиб ул рашки пари, Ол этук бирла хиром этса, эрур кабки дари.

Барча гар умр чарогин учурур, хушдилмен, Гам тунидин мени куткарса насими сахари.

Англа хар кайсини ишк ахлига бир хажр укича, Чикса хажрим утининг хар сари юз минг шарари,

Рутаб лаъликим эрур комати нахлига самар, Не чучук мева эмиш нахли малохат самари.

Гул рухсорики май суйи била топти фуруг, Суда гул аксимудур ё юзида май асари.

Дустлар, кукси шигофини тикардин не осиг, Уйла мажрухки, юз порадур анинг жигари.

Йул хатарликдур, илик чекма таваккулдинким, Йук бу йул соликинннг мундин улугрок хунари.

Эй хуш ул риндки, то келгаю кетгай бир дам, Булмагай дайри фано ичра узидин хабари.

**587**

Онча кунглумдадурур гулшани хижрон тикани Ки, назар солмас анга гамзаи новак фикани.

Кузга сарриштаи тавфиц хати улдурким, Судралиб ерга тишон келди итингнинг расани.

Куз цорасин уюбон ташлаганим саъб эрмас, Ончаким солса цорасин гами ищцинг тугани.

Еарци май кунглак эрур хушида йуц мастингда, Ё шахидингнинг эрур цонга буялган кафани.

Лолазореки тукар жола, эрур зорингнинг Дам-бадам тиш била парголалар эткан бадани.

Гарм мехр улган ила золи фалак топма фириб Ким, бу айёранинг асру куп эрур макру фани.

Эй Навонй, цаддинга солди шикаст узра шикаст, Чун санга булди ватан зулфи шикан баршикани.

**588**

Кош булса хар туган жисмимда жавшан яфроги Ким, уци кунглумга еткач, утмаса тандин доги.

Ишц абвобин чекар дафтарларинда ахли дард, Буйлаким, шингарфгун булди шахиднинг туфроги.

Сунбулунгга бир хитое бандадур мушки Хутан, Гар далил истар эсанг, бордур либоси ёргоги.

Гуё ул шухнинг кунглин олибтур узга шух, Гар эмас бедил, недур элдин кунгул олдурмоги.

Ваъда цилдинг хам вафо, хам цатл, парво цилмадинг, Кил вафо ваъдангга, ёхуд бурнаги, ё сунгроги.

Эйки гул фасли йигитсен, бир нигорнинг доги бор, Келса илгингдин май ичкилким, будур ишрат чоги.

Зулфи савдосида билмаслар Навоий нуктасин Ким, жунун гуфторидур ёхуд йилоннинг арбоги.

**589**

Куз била кунглумга булмиш гуйиё вослинг чоги Ким, кузумнинг учмоги тез улди кунглум солмоги.

Дема кунглунг мулки цай чогдин бу навъ улмиш хароб, То бу кишвар ахлига тушти фироцинг булгоги.

Эй кунгул, цилма аёги туфроги хаццин цасам Ким, кузумнинг хаццидур анинг аёги туфроги.

Гам туни кунглум харошиа гар истарсен далил, Ийнак-ийнак чарх тахрикию анжум тирноги.

Катл хангоми шахидингким кутарди бармогин, Гуйи анинг оти мундиндур шаходат бармоги.

Дахр гулзорига, эй кунглум цуши, майл этмаким, Анда булбул цонидин рангин эрур гул яфроги.

Хажр аро цуйдум дирамдек доглар куксин ёриб, Васл эрур мумкин, Навоийнинг чу куптур ёрмоги.

**590**

Уйцу хамсояларимдин кетарур хажр туни, Гах бошим ерга уруб, гах юраким солмоц уни.

Гам туни тийра доги анжуми рахшон демаким, Ер юзин тутти шарарлар била охим тутуни.

Мени саргашта эмон водийи хижрондаки, бор Гусса туфрогию андух елининг цуюни.

Риштаи жонима хар ён тугун андоцдурким, Тори жисмим аро фарсуда сунгаклар бугуни.

Ишц расвоси деб узни тикар эгнига тироз, Дайр аро тушса фалак энгига хирцам юруни.

Дахр богида нечук васл гули бутсунким, Хажр уцидур ёгини, ашк суйидур жувуни.

Гар Навоий сунгакига туташур кунглидин ут, Не ажаб, ишц утидур улу бу анинг утуни.

**591**

Ул цуёш оцуйдаю мен музтарибмен хар сари,

Уйлаким, фонусдин парвона цолгай ташцари.

Садцаси булмоц эрур мацсуд мен саргаштага,
Оцуйи даврига буким айланурмен хар сари.

Ичкари ул гул тувурлугни кутармаслар, нетай, Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.

Парда кетгач, мен заифи зорга осон эрур,
Йулларидин чигнинг солмоц узумни ичкари.

Оцуй ичра хар недур, зохирдур ул юз тобидин, Шамъ булса уйда, ташцардин булур зохир бари.

Гар фалак хиргохи булса пешхонанг, не осиг, Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.

Эй Навоий, ул махи хиргахнишин хифзи учун Кузанак эрмаски, хар сари тикилмиш кузлари.

**592**

Хаста жоним риштаси курганда хажр озорини Гар узулди, цил анга пайванд зулфунг торини.

Дема огзин гунча, цаддин сарвким, эл курмамиш,
Сарвнинг рафторини ё гунчанинг гуфторини.

Гулда холу мехрда хат йуц, не янглиг ухшатай, Мехру гулга хол ила хатлиг ики рухсорини.

Ёгмади харгиз чу шабнам инжуси гул баргидин, Анга ташбих этса булмас лаъли гавхарборини.

Не цилурдин цасди сунбул, не этар жон санди дом,
Айламон монанд аларга зулфининг зуннорини.

Чарх цасринда цуёш узра кунгул майл айламас Ким, ганимат тутмиш анинг сояи деворини.

Сайридин пайконларинг кунглумда топмишдур сабот, Кузга илмасмен фалакнинг собиту сайёрини.

Давр сирри пардасин гар очмамишсан, социё, Бода тутким, дей санга бу парданинг асрорини.

Эй Навоий, дахл цилма, гар тилар эрсанг наво, Хар неча хориж наво курсанг сипехр адворини.

**593**

Зихи нахли цаддингдин хижил сарв бустони, Хат ичра лабингдин мунфаил рохи райхони.

Тушумга юзунг кирди хам яхши толиъдин, Куз очтим, тулуъ айлаб эди субхи нуроний.

Еаминг доги жонимга лабинг холи янглигдур Не булди сурушсоц биз муни доги, сен они.

Фироц ичра рухсоринг цуёшига бер жилва Ки, бас тийра айлабтур мени шоми зулмони.

Дема, ёшурун догим сенинг ичингда йуцтур, Ичим ёру кур улким, эрур нацди пинхони.

Бацо чун эмас мумкин, мудом узни хуш тутцил Ки, цайгургали цилмас гари олами фоний.

Навоий, бехишт ичра фарогат йулин сурдунг, Намудоридур анинг Хирининг хиёбони.

**594**

Сиёсат этти сочинг мушк чун хато цилди Ки, борча жисми цорариб терига тортилди.

Кадингга цуллуги ахдини найшакар бузмиш Ки, буйла бир-биридин банди-банди айрилди.

Бошинда тож зар улди, аёги остида натъ, Чу шамъ хидматинг айларда поясин билди.

Магарки куз юмуб очцунча ноз уцин оттинг Ки, бир ажаб тикони кунглум ичра сончилди.

Кузи хаданги бало ёгдурурни фахм эттим Ки, рахши наълидин утлар кузумга чоцилди.

Кадах кетургилу дам урма дахр сирридин Ки, мубхам улди бу суз хар нечаки айтилди.

Жигари кабобга майл этмаган эса ул маст, Навоиё, нега багрингни хар тараф тилди.

**595**

Сайлларким тукар кузум ёши,
Сойининг тошидур ядо тоши.

Даъво этгайму эрди кошинг ила,
Булмаса ёйнинг икки боши.

Кахрдин чинки тушти манглайига, Чиннинг
остида нун эрур коши.

Рангин эзмакка солмиш оби хаёт, Чехранг
очканда сунъ наккоши.

Кариган чогда айлади расво Мени,
гарчи кичикдурур ёши.

Не рафиъ улди дайр токики, бор Мехр анга
шамса, кук анга коши.

Гар Навоий кочар фано йулидин, Не ажаб,
чун йук анда йулдоши.

**596**

Жон мазраида булса, не тонг, дард хирмани, Охимдин
улди чунки фалак ел тегирмани.

Хаттинг хаёли кунглум аро килди юз тешук, Бу навъ улур
бузугда колин мур маскани.

Кунглум ёрур, чу номасини куздин олмасам, Уйдекки, зеб
когаз ила топса равзани.

Захми доги фатилага ут тушти, эй рафик, Дард уйининг
магар будурур шамъи равшани.

Басдур юзу каддинг, гулу савсан, яна недурур Гулгун
йилакнинг устида такбанд савсани.

Булбулга, эй гул айла вафо тоза-тозаким, Серобу
тоза доим эмас дахр гулшани.

Гамдин Навоий улгусидур, кунглин асрагил, Чун сенча
кимса билмади дилдорлик фани.

**597**

Интизоридин ул ойнинг кузки солдим хар сари,
Куз юмуб очцунча утти куз ёшим андин нари.

Ёлиниб ул куй ити бирла борурмен куйига, Вахки, ул куй
ичра бормен мен кейин, ит илгари.

Дарду гам турмиш ясовулдек кунгул чоки аро,
Куймамоцца келса хушу сабр хайли ичкари.

Курмасангким утни су тез айлагай, бир-бир турур
Кунглум ичра цатра-цатра су кеби пайконлари.

Лаб аро огзинг чучук тил бирла гуё англасам, Шахдлиг
ниши била гул баргини тешмиш ари.

Зохиду хар лахза улмак хонацах фикридаким, То тирикмен
чицмагум дайри фанодин мен бари.

Эй Навоий, дема хар дамким цадахни цуй тула, Майни
охир цуйса худ булмас цадахдин ташцари.

**598**

Не ишц эдики, адам айлади вужудумни, Чу
урди соица, гардунга чекти дудумни.

Не нукта буду набудумдин айтайинким, ул Набуд цилди
фано ути бирла будумни.

Агар шикоф эса куксум яцо кеби, не ажаб Ки, хажр
бир-биридин узди тору пудумни.

Бу йулда суду зиёндин такаллум этмангким, Тугатти
ишцида савдо зиёну судумни.

Чу ишц куфри аро белга богладим зуннор, Бут оллида яна
айб айламанг сужудумни.

Юзунг мушохадаси цилмиш уйла мустаграц Ки, хажр салб
цила олмас ул шухудумни.

Навоий уздин асар топмон улгали ошиц, Не ишц эдики,
адам айлади вужудимни.

**599**

Тилармен ислаб-ислаб габгабингни, Гах
упсам оразингни, гах лабингни.

Эрур бу бир таманно баски топсам,
Юзум суртарга наъли маркабингни.

Юзу зулфин кураргга боргум, эй чарх, Жудо
цилгил цамардин ацрабингни.

Фалакдин утти гарди анбаролуд,
Чу майдон ичра сурдунг ашхабингни.

Юзи, эй чарх, бурцаъ очти терлаб,
Булутца чирма ою кавкабингни.

Кади боринда тубидин дема суз,
Кил, эй зохид, бийикрак машрабингни.

Навоий, ёр рахм эткайму, ё раб, Эшитса
мунча «ё раб-ё раб»ингни.

**600**

Тушта сарву гулдин ислаб бирни, цучтум бирини,
Айлагил, эй сарви гулрух, бу тушум таъбирини.

Англадик утлуц юзи, кунглум не янглиг цилди су, Мум
ароким курмамиштур шуъланинг таъсирини.

Дустлар, дафъи жунунум гар тиларсиз, боглангиз, Ул
парий куйида бу девонанинг занжирини.

Сувратингдин ожиз эрса Моний, эрмастур ажаб, Кайда
наццош айлагай килки цазо тасвирини.

Васл ила цилгил бузуг кунглум иложинким, Килур Шох
адл этмак била вайроналар таъмирини.

Ишцу май, эй шайх, азалдин сарнавишт эрмиш манга, Вах,
нетиб хуш курмагаймен тенгрининг таццирини.

Эй Навоий, дерсен ул ой ищцини элдин ёшур, Оти мазкур
улса, найлай холатим тагъйирини.

**601**

Куксумда наъл булди хадангинг нишонаси,
Куксум уйи эрур анинг омочхонаси.

Пайконларингки, тил кеби кунглумдин урди бош, Гуё бир утдур улки, булардур забонаси.
Куп суз ясади Лайлию Мажнун сузида халк, Эрмас начукки хуснунгу ишким фасонаси.

Деб эрди бир бахона била сени ултурай, Ултурди, вахки, хар дам анинг бир бахонаси.

Мехри рухунгда мехригиях сабзаи хатинг, Гуёки холинг улди хамул сабза донаси.

Муг дайри пирининг кулименким, гам этса касд, Айлар халос бир тула жоми мугонаси.

Ишкинг Навоий айлар улустин нихон, валек Фош айлар элга замзамаи бехудонаси.

**602**

Сахар куяр гами хажрингда хаста жисм хаси, Магар утумни килур тез субхнинг нафаси.

Кунгулга онча хадангинг тикилди хар ёндин Ки, булди хаста кунгул андалибининг кафаси.

Кунгулки толпинадур танда, куюнг истайдур, Кафасда секреса куш, учмок улгуси хаваси.

Ул ойга етмаса кул утлук ох ила, не ажаб, Чинор куйса, булурму куёшка дастраси.

Не ринд улса сочинг куфрида етар зуннор, Жахон юзидаги дин ахлига анинг мараси.

Талаб йулидаги овораларга мужда денгиз Ки, йулга ходий эрур дуст махмили жараси.

Фигонки хасталарин ул Масих тиргузубон Вале Навоий дилхастани унутти басе.

**603**

Вахки, хажринг ути жисми нотавоним уртади, Нотавон жисмимга тушкан шуъла жоним уртади.

Кузгабон кунглум алохону аломон айлади, Не алохону аломон, хонумоним уртади.

Барки ишкинг чунки тушти, хонумоним булди кул,
Турфа ут эрдики, пайдову нихоним уртади.

Дема, ишцим найладиким рузгорингдур цора, Уртади, эй цотили номехрибоним, уртади.

Лаъли махлул айлагандин ут ёциб хошок ила, Хажри жоним куйдуруб, жисмимда цоним уртади.

Булмаса ному нишоним, айб цилмангким, фироц Рузгор авроцида ному нишоним уртади.

Шоми хажрида шафац курсанг, Навоий, бил яцин Ким, фалакни шуълаи оху фигоним уртади.

**604**

Гул не булгайким, юзунг хажрида кургаймен ани, Солсалар кулбамга, хас янглиг супургаймен ани.

Базмидин булса насибим бир сунгак, то умр бор
Ислагаймен, йуцки ит янглиг кумургаймен ани.

Жон чицар холатда келди ёру таскин топти жон, Эмди номахрам деб истармен итургаймен ани.

Кунглум утидин ёрут мехринг чарогин, эй сипехр, Сарсари охимдин ул дамким учургаймен ани.

Лабларинг хажринда гар худ бода хуро лаълидур, Мумкин эрмастурки, огзимга етургаймен ани.

Уйла хижрондин тилармен бехуд улмоц, эй рафиц Ким, фалак жомин тула тутсанг, сумургаймен ани.

Эй Навоий, телба кунглум итти, эмди истамон, Неча тогу даштдин истаб кетургаймен ани.

**605**

Йуцки, ёмгурдин мени холимга даврон йиглагай, Кургузуб гулгун булут истар магар цон йиглагай.

Анжум эрмаским, эрур афлок ашки донаси,
Хар тун ахволимга баским чархи гардон йиглагай.

Чок багрим цону догин куз ёшим дафъ этмади, Лола нафъидур, нечаким абри найсон йиглагай.

Куз цурубтур ашкдин ул ой хавоий ищцида, Бас цилур охир булут чун улча имкон йиглагай.

Парда ичра йиглаб ашким, вахки, пинхон цолмади, Шамъ фонус ичра элдин цайда пинхон йиглагай?

Муътабар эрмас, агар зарц ахли куп туккай сиришк Ким, мушаъбид оз дирам истаб фаровон йиглагай.

Хажр тигидин не гам хар дам Навоий йигласа, Кимки булди пора-пора багри, осон йиглагай.

**606**

Гар бахор эл топса бустондин гулу райхон иси, Келур ул райхон ила гулдин манга хижрон иси.

Менки бир гулдин жахон богида буе топмадим, Найлайин, цилса муаттар дахрни бустон иси.

Лаъли хажринда нихон ашким сузин агёр аро Деса булмаским, келур ул навъ суздин цон иси.

Кайдаким жонбахш лаълидин Масихосо калом Сурди, ул ердин келур юз царидин сунг жон иси.

Жон иси тутти жахонни, мен борурмен куйига Ким, тилар эл жон иси, мен истарам жонон иси.

Эй гадо, олам элига шайалиллах демаким, Бу чамандин келмади харгиз гули эхсон иси.

Чун Навоийга келур хижрон иси хар дам, не суд, Гар бахор эл топса бустондин гулу райхон иси.

**607**

Тан цора туфрог улуб, ох ути охир булмади, Гарчи хас кул булгач, андин шуъла зохир булмади.

Хуснунга мехр этти даъво, зулфдин чиццач юзунг, Тун хижобига кириб мажлисца хозир булмади.

Дема куксунг чокини ёпцилки, куп ёптим валек Чоклик кунглак анинг чокига сотир булмади.

Орзу айлармен упсам, деб кузумни хар замон Ким, сенинг юзунгдин узга юзга нозир булмади.

Уртамакта фурцатинг шогирдидур дузах, валек Пеша айлаб касб устодича мохир булмади.

Вах, не манзилдур фано куйиким, анда етмайин Кимса икки кавндин осуда хотир булмади.

Эй Навоий, цайгу етса чархдин, ич бодаким, Кетмади даврон гами, то жоми доир булмади.

**608**

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг отцунча уйцу келмади.

Лахза-лахза чицтиму чектим йулида интизор, Келди жон огзимгаю ул шухи бадху келмади.

Оразидек ондин эрканда гар этти эхтиёт, Рузгоримдек хам улганда цорангу келмади.

Ул париваш хажридинким йигладим девонавор, Кимса бормуким, анга курганда кулгу келмади.

Кузларингдин неча су келгай, деб ултурманг мени Ким, бори цон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиц топилмас, йуцсаким цуйди цадам Йулгаким аввал цадам, маъшуци утру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кунглунг уйин, Не учунким бода келган уйга цайгу келмади.

**609**

Нозук харир агар танингга хойил улмагай, Курса жамод мумкин эмас мойил улмагай.

Чун тору пуди лутфда жон риштасидурур, Тонг йуцтурур, агар танингга хойил улмагай.

Лаълинг хаёли жон аро бир нацш туттиким, Оби хаёт ила ювсалар, зойил улмагай.

Осори хажр агар будурурким, курар кунгул, Дузах аломати бу сифат хойил улмагай.

Килдим кумуш билакларидин бусаи савол,
Мендек жахонда хомтамаъ сойил улмагай.

Исботи жузви лоятажаззо цилиб хирад, Огзинг вужуди нуктасига цойил улмагай.

Йиллиц ибодат эрмиш аёгингда саждае, Бошин Навоий олмагуси то йил улмагай.

**610**

Чехра ути бирла кунглум хонумонин уртади, Оташин гул ишци булбул ошёнин уртади.

Ишц кунглум богин асраб тоза, охир солди ут, Богбони мастдекким, бустонин уртади.

Оташин лаълингда хол эрмаски, цуймиш тоза дог, Хар бахона айлабон ушшоц жонин уртади.

Ишц утидин зор кунглум ичра солдинг сузи хажр Ким, бу янглиг бирта куйган нотавонин уртади.

Сузи ишцим дафтарига хар кишиким солди куз, Уртаниб Фарходу Мажнун достонин уртади.

Ишц зухдум хайлига ут солса, тонг йуцким, бу барц Дахр аро куп буйла тацво корвонин уртади.

Хонацахга солди ут киргач Навоий дайр аро, Хирфавардек ганжким топти, дуконин уртади.

**611**

Охким, номехрибоним азми бедод айлади, Бир йули мехру вафо расмини барбод айлади.

Курцарам, ахли вафо охи анга цилгай жафо, Бу жафоларким вафо ахлига бунёд айлади.

Булмади ношод охир дам гунах булгай дебон, Бегунах ахбобни мундоцки ношод айлади.

Бир дам нчра тунд сайле цахр ила цилди хароб, Хар вафо цасрики, йиллар ани обод айлади.

Дам урарга топмади хад кимса то ушшоц учун, Шахна айлаб гамзасин, кирпикни жаллод айлади.

Тинди абнойи замоннинг ихтилофи табъидин, Кимки уз табъини бекасликка муътод айлади.

Кунгли мулкин истар обод, вах, бузар хайли фирок, То Навоий азми мулки Астробод айлади.

**612**

Гар яна бир катла уз враслингга еткурсанг мени, Истасам хажринг, бихилдурмен гар ултурсанг мени.

Ул эшикдин киргум уй тошини итдек айланиб, Бу эшикдин тош ила юз катла гар сурсанг мени.

Колгуси бир дог куюнгда кулумдин ёдгор, Ёзгуриб хижрон гунохи бирла куйдурсанг мени.

Орзудур остонинг туфрогида улмаким,
Тоза жон топкум, гар ул туфрокка топшурсанг мени.

Гарчи журмум куп, хушо ул журмким, тахкик учун
Сургали гах-гохи уз кошингга келтурсанг мени.

Тарки жон эттим, бошим булгусию ул остон, Сен билурсен, лутф килсанг, хох ёзгурсанг мени.

Каъбаи куйига юз куйдум, бу йулдин ёнмагум, Эй Навоий, хар нечаким йулдин озгурсанг мени.

**613**

Чу ул хури париваш жилва айлар вакт, ноз эткай, Малак хайли куруб андок балони ихтироз эткай.

Таолаллох, не истигнодур ул хусн ичраким, нозин Юз онча айлагай, ошик неча арзи ниёз эткай.

Ёруткай эл кузин барки жамолинг ламъаси хар дам, Вале мен хаста кунглининг ишин сузу гудоз эткай.

Купу озим фидосидур анинг, яъники шавку сабр, Агарчи ул санам куп жавр килгай, рахм оз эткай.

Узин пок айламай ошикки, ёр оллинда куйгай бош, Эрур ул навъ, зохидким тахоратсиз намоз эткай.

Куп улмиш бул-ажаблик ишк аро ул жумладин бир бу Ки, шохи Газнавий махкум булгай, хукм Аёз эткай.
Чу хац нури юзунгда зохир улди, бебасар улким, Хацицат расми бор эрканда ишцингни мажоз эткай.

Торицтим хонацахдин, хуштурур майхонаким, анда Аёцчи жоми май тутгай, муганний нагма соз эткай.

Чу солсам эски хирцамни, харобот ахли, тонг эрмас Ки, хар бир-бир юрунни андин эгнига тироз эткай.

Эрур хисни хасин матлубу зикри булгали эмин, Хавотир хайли солик кунглига чун турктоз эткай.

Навоий ёр ила булса, харамдур анга дайр ичра, Агар майли Ажам цилгай, гар оханги Хижоз эткай.

**614**

Менинг бахтим юзи гам кочидин ул кун цора булди Ки, кунглум ул кузи, цоши цорага мубтало булди.

Кутулмиш эрди ошиглиц балосидин кунгул, кетмиш Ул ой куйига, билмон, ёна анга не бало булди.

Кошу киприкларинг кунглум уйин цилди камонхона, Алифлардин уцу хар наъл анга бир халца ё булди.

Бузулган хаста кунглумдин уцин зинхор чекмангким, Ул уйга бу сутун, ул нотавонга бу асо булди.

Лабингга цайси тил бирла фидо дей хаста жонимни, Анга жоним фидоким, жони лаълингга фидо булди.

Ажаб мухлик эмасму ишц дашти, эй мусулмонлар Ки, бир мурига хар кун туъма икки аждахо булди.

Фано истар эсанг, тут дайр пири илгидин жоме, Нединким хонацах шайхи иши зарцу риё булди.

Вужудум фоний айлаб олди дин бир мугбача, тонг йуц,
Агар зуннор боглаб, масканим дайри фано булди.

Навоий, гуссадин махлас тиларсен, масту бехуд бул Ки,
даврон дарду ранжига даво бу булди, то булди.

**615**

Бир кун мени ул цотили мажнуншиор ултургуси,
Усрук чициб, жавлон цилиб, девонавор ултургуси.

Гар заъф ила ожизлигим кунглига рахме солса хам,
Бошимга еткач, секретиб беихтиёр ултургуси.

Васли аро гар ултурур, жонимга юз минг шукр эрур, Чун
цолсам андин бир замон, хижрони зор ултургуси.

Ошиц булурда билмадим, мен нотавони хастаким, Хажр
улса, гам куйдургуси, васл улса ёр ултургуси.

Майдон аро, эй ахли дин, кирманг тамошосигаким, Юз
курмайин ул кофири чобуксувор ултургуси.

Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй мугбача, Дайр
ичра мен дилхастани ранжи хумор ултургуси.

Дерлар Навоий цатлига гул-гул очибтур оразин, Кургунча
ани, войким, бу хор-хор ултургуси.

**616**

Гар аламимга чора йуц, булмаса булмасун, нетай, Вар
гамима шумора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Ранжима йуц эса адади хост бу эрса найлайин, Дардима
гар канора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ улурига, зохидо, Хожати
истихора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Ёрдин элга комлар, буки менинг сари гахи
Куз учидин наззора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Машъали васл ила улус шоми мунаввару менинг, Бахтима
бир шарора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Кисми азалга шодмен, буки фалак риояти, Холима ошкора йуц, булмаса булмасун, нетай.

Дедим, эрур Навоий уз дардига чорасиз, деди, Гар аламимга чора йуц, булмаса булмасун, нетай.

**617**

Вахш хайлин дашт аро мен телбаи махзун сари, Ом гавгоси хаёл эт шахр аро Мажнун сари.

Хам борурда, хам ёнарда уткудекдур чархдин, Чицса ул ой хажрида охим ути гардун сари.

Шамъига парвона майлидекдурур кунглум цуши, Борса ногах ул цаду рухсори оташгун сари.

Турфа курким, носихим Фарход ила Мажнун эрур, Бул-ажаб холимга боциб тог ила хомун сари.

Хар тун афзун булган охим утига жоним сипанд Ким, газанде етмагай ул хусни рузафзун сари.

Социё, куп кунжидин тут бизга лаъли нобким, Бу боринда майл булмас ганжи Афридун сари.

Эй Навоий, мажмаъул бахрайн булгай ошкор, Майл цилса сайли ашким ногахон Жайхун сари.

**618**

Ашк хунобидин улмиш кузларим уммон кеби, Кон ёш аритмогдин илгим панжаи маржон кеби.

Кунглум утидин цизорган хар тараф пайконларинг, Су булуб эмди томарлар захмлардин цон кеби.

Танни гар дузах ути куйдурса, жонни уртамас, Килмагил хеч утни, ё раб, шуълаи хижрон кеби.

Ишц даштида цуюн чекмас фигон, вах, булмасун, Хоксори бодпаймое бу саргардон кеби.

Сабзаи хат ёпцан огзинг упсам, эй гул, не ажаб, Туфрогимдин гунча бутса захмлиц пайкон кеби.

Дахр богинда неча кунким тириксен, айш цил Ким, яна топмоц эмас маълум бу бустон кеби.

Эй Навоий, ишциму хусни эрурлар ончаким, Мен анга хайронмену ул доги мен хайрон кеби.

**619**

Бир парий пайкар гами ошуфтахол этмиш мени, Элга ахволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен хавойини, не тонг, кургузсалар бир-биргаким Эгма цошинг фикри андоцким хилол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишцин, вале уткан кеча Бода зур айлаб, йиги беэътидол этмиш мени.

Ёр куйи ичраким туфрог ила тенг булмишам, Ишц гавгоси бу янглиг поймол этмиш мени.

То танимга ут туташмиш, барцдекдур хайъатим, Фурцатинг то заъфдин андоцки нол этмиш мени.

Ут солурмен ох ила оламга мен ким, зухд ким, Зохиди афсурда оё не хаёл этмиш мени.

Дашти вахшига анис улсам Навоийдек, не тонг, Ул парий савдоси чун Мажнун мисол этмиш мени.

**620**

Хижрон куни хар хастаки жононга йулуцти, Кил уйла тасаввурки, улук жонга йулуцти.

Зулфунг цора цайгусида жононга йулуццан, Зулмат ичида чашмаи хайвонга йулуцти.

Кочти кунгул ашкимдину охим аро тушти, Ёмгур суйидин цочтию туфонга йулуцти.

Мажнунга йулуцти, манга гам даштида иткан Мажнун демаким, гули биёбонга йулуцти.

Хайронлигима хайрати мендин доги ошти, Ишц ахлидин улким мени хайронга йулуцти.

Давронда камол ичра цуёштин бийик улди, Хар зарраки бир комили давронга йулуцти.

Ишц ахли иши топти бори васл ила чора, Бечора Навоий гами хижронга йулуцти.

**621**

Кимки бир кунгли бузугнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон булса, обод айлагай.

Гарчи халц озодасимен, ёр агар бандам деса, Андин ортуц англаким, бир банда озод айлагай.

Ёрдин хар кимки бир суз дер, туганмасдин бурун, Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ёр хижронидин улгумдур, бу навъ эрмиш сазо Ул кишигаким, биравга узни муътод айлагай.

Неча сабр авроки ёзгай кунглуму бир ох ила Сарсари ишкинг етиб, борини барбод айлагай.

Шайхдин зухди риёйи касб улур, ё раб, кани Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Одам авлодида камдур одамилик шеваси, Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Не балодурким, фалак хар кимга чекса тиги кин, Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлагай.

Беша ичра девлар мактули улсун, эй парий, Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

**622**

Тиги хижронинг кириб кунглумни гамнок айлади, Ичкаридин кукрагимни сар-басар чок айлади.

Айлади мен зори махзунни балову жаврkаш, Улки дилдоримни мундок масту бебок айлади.

Хусн аро улким насибинг килмади жуз поклик, Хотирим лавхини гайринг накшидин пок айлади.

Зор жисмим ламъаи хуснунгдин уртанмак не тонг, Чунки ишк ул бирни ут, бу бирни хошок айлади.

Дам уруб, гардимни еткур куйига, эй субхи васл Ким, танимни хажр бепоён туни хок айлади.

Маърифат нахлидин ул ориф хамоно топти бар Ким, тафаккур бирла фахми моарафнок айлади.

Носихо, ул хусндин килмас Навоий манъини, Хар кишиким ишк атворини идрок айлади.

**623**

Чун илик бермаски упсам, ул ситамкор илгини, Бир киши илгин упайким, упкай ул ёр илгини.

Чун аёги туфрогин упкунча топмон эътибор, Суяса хам ногах, упарга не хадим бор илгини.

Жон сотармен хоки пойингга, нединким, ахли байъ Туттурурлар соткучи бирла харидор илгини.

Зулфидин, тонг йук, калимуллохдек этса аждахо Ким, яди байзодин айлабтур намудор илгини.

Сургали келса Масихим бошима доманкашон, Ул этакдин ким олаолгай бу бемор илгини?

Догу кондин бордурур улким очилмиш лолазор, Хажринг айёмида чексанг ошики зор илгини.

Эй Навоий, билки, хижрон даштидин булмас халос, Сайр аро матлуб агар тутмас талабгор илгини.

**624**

Биравки ишк била килди муттахам бизни, Не навъ йук дейликим, этти мухтарам бизни.

Еамингда бир-ики дам колди, жонни ботрок ол, Хаёт вахмидин ултурма дам-бадам бизни.

Кунгул не мужда берурсенки, базм аро туно-кун Харифлар аро ёд этмиш ул санам бизни.

Демангки, тиг суруб, бошимизни солди куйи Ки, килди хажрда шарманда ул карам бизни.

Фирок мухлику васл ичра шодлиг мухлик, Фироки ултурур эрмиш, висоли хам бизни.

Ичарда дурди май айлаб синук сафолни жом, Булур бу жох ила давр ахли деса Жам бизни.

Навоий айлади хижронда нолаю фарёд,
Хароб килди ул оханги зеру бам бизни.

**625**

Вахки, савдодур димогимда, паришонлиг доги, Телба кунглум ичра уз холимга хайронлиг доги.

Гар мени олам эли бедоди бузди, бок йук, Оламедур бу бузуг оламда вайронлиг доги.

Хонумоним гах бало тоги, гахе гам даштидур, Буйла ким курди алохонлиг, аломонлиг доги.

Катлим айлаб цонимаким кирдилар кузу кунгул, Иккиси душмандururлар жонима, цонлиг доги.

Ёр келгумдур дебон бордию келмас, вах, яна Бевафолиг зохир этти, ахди ёлгонлиг доги.

Хажрида ултурмадим узни агар курсам юзин, Инфиолим доги суд этмас, пушаймонлиг доги.

Фурцати даштида хам саргашта, хам оворамен Ким, цуюнлугдур ишим, гули биёбонлиг доги.

Дахр элининг зулми гар будурки етти жонима, Килмайин анда ватан биллахки, мехмонлиг доги.

Эй Навоий, сен худ иттинг, кимса сендек итмасун, Шохидин хирмонлигу мохидин армонлиг доги.

**626**

Коми лаълингнинг хаёлидин кунгул цозгонмади, Тушта су ичкан била лаб ташна харгиз цонмади.

Ох саргардон кунгулдинким, ул ой куйи сари Боргали бир хам бизинг сари яна айлонмади.

Кур, не ут булгайкн уртандим, цаёнким солдинг ут, Ёлгиз ул утдинки мен куйдум, кунгул уртонмади.

Хажр аро улмакни хуй эттимки, чун топтим висол, Улмак эткач орзу оллинда жон эмгонмади.

Хажр ултургон циёмат доги цупмас, курмадик Уйцуким, гавгое рустахез ила уйгонмади.

Улмак осондур, кунгул узмак биравдин саъб эрур, Эй хуш улким, кунгли бир бадмехр ила ургонмади.

Гар Навоий заъфи тебрангунча бор эрди, валек Хажр уци куксигаким тегди, яна тебронмади.

**627**

Не чоглиг тошким Фарход ушотти,
Фалак борин йигиб бошимга отти.

Менинг афсонам эрди бул-ажаброц, Неча
Мажнун сузин ровий узотти.

Тахаррук цилмади хажр ацшоми чарх,
Сиришкимдин магар болчицца ботти.

Улум сардобаси эрдики, гардун Манга
ором учун маскан ясотти.

Фироц оллинда эрди шахд янглиг,
Мазоцимким улум захрини тотти.

Куп эрди ишц бозорида савдо, Мени
гардун вале оламга сотти.

Навоий лаъли серобинг гамидин Юрак
цонини куз ёшига цотти.

**628**

Барча базм ахлига луъбатбоз ишининг хайрати, Келтуруб хайрат манга хар лахза ул Чин луъбати.

Чун царигон чогда мен луъбатца булдум шефта, Вах, не тонг, атфол лаъбининг бошимга мехнати.

Шайх пандидин не осигким цилур луъбатни манъ, Менки, жонимни олур бир шух луъбат хасрати.

Гарчи луъбат бирла бут бир-бирдин эрмаслар йироц, Вахки, луъбатлар аро ул бут эрур жон офати.

Хам ани луъбат дейин, хам бут дейин, невчунки бор Зотида бут хуснию хуснида луъбат зийнати.

Чарх золиким узин луъбатдек оройиш берур, Кочцил андинким, эмас луъбат, эрур хац лаънати.

То Навоий булди луъбат сари вола, вахки, бор Барча луъбатбозлар хангомасига улфати.

**629**

Эй хуш улким, багрима бир лоларухдин дог эди Ким, хавосинда сабодек жилвагохим бог эди.

Утца ёгин гар берур таскин ва лекин шавцида Куз ёшимнинг ёгини утлуг кунгулга ёг эди.

Майдек икки лаълу ул мусхаф кеби юздин кунгул Усрук эрди икки соат, гар замоне сог эди.

Тутиёлардин кузум айлаб эди цатъи назар, Сурмаси чун чобукум майдонидин туфрог эди.

Риндлар, тавбам не тонгким, умр утуб исён била, Дусти олий даргахига азм айлар чог эди.

Барци рахмат чоцилурда тог эмас хошокча, Тавба вацти гам йуц, ар журмум нечукким тог эди.

Вацт чун етти, Навоий хацца цилди бозгашт, Гарчи золи чарх иши юз лобаю минг лог эди.

**630**

Дашт аро дерменки Мажнунни узумга учратай, Хуш андин урганиб, девоналигни ургатай.

Зухду тацво ахли пандимга агар жам улсалар, Гам эмас, бир ох барцидин борисин бутратай.

Бог гулгаштида беинсофлигдур, гар десам Сарвни цаддингга, гулни оразингга ухшатай.

Ул гул уйгонмас цуёш чиццунча, хар тун неча мен Нолаи шабгир ила тонг цушларини уйготай.

Ул парийваш тифл махтабдин торицмиш, пири дайр Куйки, бир дам ани мажнунлуглар айлаб уйнатай.

Булсалар Фарходу Мажнун бул-ажаб холимни деб, Гох ани кулдурай, гохи бу бирни йиглатай.

Деб эмишсен бир ханданг отцум Навоий кунглига, Туцта ончаким, царори йуц кунгулни туцтатай.

**631**

Уцунгким жисми урёнимга етти,
Танимдин утмайин жонимга етти.

Булут гар зохир этти барц ила раъд, Качон
бу утлуг афгонимга етти.

Чаманда жилва айлаб нахл хошо Ким, ул сарви
хиромонимга етти.

Кочиб чицсам, не тонг, гам тоги узра, Бало сайли
чу вайронимга етти.

Дедим, невчун сабо келди паришон? Деди,
зулфи паришонимга етти.

Бир уцким элга отти ул цоши ё, Юз уц бу
жони цурбонимга етти.

Навоий, багриму кунглум утидин Туташти,
чунки бир ёнимга етти.

**632**

Хаво хушдурур, тут цадах, ёр, ахи, Кадахни
узунг бурна сипцор, ахи.

Чу сипцардинг, ани ёна цил тула, Улугроц топиб
жом зинхор, ахи.

Узунг бирла тенг тутма согар манга, Сен
озодасен, мен гирифтор, ахи.

Хилолий цадах бирла сен бода ич, Манга
жом тут чархикирдор, ахи.

Еамимдин булур чарх жавфи тула, Муни
хам цил андин намудор, ахи.

Майи соф хам тутмасанг, яхшидур, Еамим
дафъига дурди хаммор, ахи.

Замон жаври бирла замон ахлидин Замоне бу
бедилни цутцар, ахи.

Манга гар бу навъ айласанг ёрлиц, Санга доим
улсун худо ёр, ахи.

Навоий жахондин кечиб иста ёр, Санга буйла
гурбатда не бор, ахи.

**633**

Келса ёру булмаса хамрах рациби тийра рой,
Килмаса гард имтизожи оби хайвонимни лой.

Келса ёру хамрахи булса рациб, озурдамен, Келмаса ёру
рациби келса сарвацтимга, вой.

Ёр чун ёлгуз цошимга келмаки мумкин эмас, Чорае
йуцтур, агар шабгун булутдин чицмас ой.

Гар иковлон келсалар хам бок эмастур, негаким, Бу бир
этса гамфизолиц, ул бир улгай гамзудой.

Дахр богида тикандин айру чун гул бутмади, Гар тикан
жонкохдур, аммо эрур гул жонфизой.

Васл софи гар йуц, эй соций, манга тут журъае, То цуяй
бир дам балойи хажринг устига лой.

Эй Навоий, юзига юз суртмак цилма хавас, Кониъ ул,
булсанг эшики туфрогига чехрасой.

**634**

Сура келмади ёр беморини, Бу иш
цилди беморроц ёрини.

Кунгулсизлик андухидин, вах, не гам, Киши
курса ёнида дилдорини.

Анингким цадин тубий этти худой, Бихишт
этти гулзор рухсорини.

Не хад кунглакинг истамаклик, валек Ярам
тиккали бир анинг торини.

Мусаввирга жоним фидо айласа, Эзиб
лаъл ул лаб намудорини.

Юзунг даврида гуё наццоши сунъ Куёш
бирла тенг тутти паргорини.

Кунгулни фироц уйла зор эттиким, Магар
васл дафъ эткай озорини.

Хумор олди жон, эй кунгул, ишц де, Чу
курсанг фано дайри хамморини.

Навоийга жавр этма, кур лутф ила Тани
зорини, жони афгорини.

**635**

Поклар кунглидур ул орази махваш сари,
Ростлар майли хам ул комати дилкаш сари.

Кунглум ул ён чекадур, негаки Мажнун кунгли Ё парий
сари чекар, йукса парийваш сари.

Зулф очиб, бизни мушавваш килиб утти, лекин Илтифот
этмади бир дам бу мушавваш сари.

Халк майдон аро хар сари бокиб, вахки кузум Рокиби
махваш ила маркаби абраш сари.

Онча накш уйнади афлок менинг бирланким, Бока олмон
яна бу сакфи мунаккаш сари.

Ахтари нахсдурур мухтасиб, ар бода тукар,
Зузанб дер, киши солса назар ул фаш сари.

Жонни бир дов ила гар хаста Навоий уйнар, Ул
мукаммир сифат, албатта, эрур гаш сари.

**636**

Бизга етмас эрди бир номехрибон дарду гами Ким, фузун хам булди ёри мехрибоннинг мотами

Икки ёр эрди манга — номехрибону мехрибон, Мехрибон борди, колиб номехрибон дарду гами.

Борди улким бор эди хам махраму хам мехрибон, Жон бериб булмон бу бир номехрибоннинг махрами.

Хар жарохаткйм урар номехрибоним багрима, Мехрибоним бу жарохатларнинг эрди мархами.

Вахки, минг захм урса жонга эмди бу номехрибон, Йук иложига кунгулнинг мехрибону хамдами.

Мугтанамдур, ул парий бор эрса хам номехрибон, Дахр аро чунким топилмас мехрибонваш одами.

Мехрибоним чикса оламднн, Навоий, чора йук, Ёрдин хам хуштурур номехрибонлиг олами.

**637**

Ёр борган чогда бормиш бедилин ултургали Келдию келган эмиш ултурганин куйдургали.

Оллох-Оллох, эй хаётим, ул боришца бу келиш Ким, бири куйдургали булгай, бири ултургали.

Хох ултур, хох куйдурким санга бердим ризо, Рози эрмасмен вале, жоно эшикдин сургали.

Итларин анинг аяб бошимни цилмон туъма хам, Ишц юз турлук балият бошима келтургали.

Хони васлингдин улусца бахра еткургилки, мен Яхшимен сойил кеби хасрат ебон телмургали.

Дахр элидин ихтироз эт, эй кунгулким, мен доги Мухтариздурмен вафосизлиглари билгургали.

Эй Навоий, ишц бизни гарчи расво айлади, Ул не цилса, пардаи китмонга ани чуркали.

**638**

Улус цузгалур, гуё ёрим етишти, Улус
офати, гул узорим етишти.

Яна гард кузга эрур тутиё ранг, Хамоноки
чобуксуворим етишти.

Томар цатра-цатра кузум ёши гул-гул, Магар
боиси хор-хорим етишти.

Жахонга агар узга зеб улса, тонг йуц, Жахон
зеби бирла нигорим етишти.

Не тонг, нолада цолмаса ихтиёрим Ки,
зулм ичра беихтиёрим етишти.

Очилса нишотим гули, йуц ажабким, Бузуг
богима навбахорим етишти.

Хуш улким, Навоий етишкач, деди ёр Ки, овораи
бецарорим етишти.

**639**

Охки, ишц айлади шайдо мени,
Солди жунун куйига савдо мени.

Ишц ила савдо булубон муттафиц,
Айладилар дахрда расво мени.

Дашт аро Мажнун демайинким, вухуш, Келдилар
айларга тамошо мени.

Кимники ишц истади цатл эткали,
Хажр равон айлади пайдо мени.

Кимки мени ултурур, ул тиргузур,
Йуцса цочар, курса Масихо мени.

Дайр эмас эрди ерим, озгуруб, Солди
буён бир бути тарсо мени.

Войки, ултургали цилмас писанд, Ишц
яна кимсани илло мени.

Социйи гулчехрадин ошуфтамен,
Демаки, маст айлади сахбо мени.

Ёр Навоийни тилаб, эй кунгул, Ё сени ултургусидур, ё мени.

**640**

Гулшан ичра жилваи ноз этса жонон цомати, Туфрог улган соядек сарви хиромон цомати.

Нозанин цаддинг тириклик гулшанининг нахлидур, Сарву туби сендек улмоцнинг не имкон цомати.

Сарвдек уксуни ахзар бирла Лайли цаддидур, Токдек юз хам била Мажнуни урён цомати.

Гарчи цомат чексалар, элга булур майли намоз, Вахки, дин цасди цилур ул номусулмон цомати.

Васл шоми равшан улди партави рухсоридин, Йуц ажаб, десам эрур шамъи шабистон цомати.

Дахр элидек эгридурлар шухлар боштин аёц, Тик назарда туз экин ул ахди ёлгон цомати.

Эй Навоий, хублар цаддида йуцтур эътидол, Нега ухшар сарвдин ундуррак инсон цомати.

**641**

Вахки бир гойиб хаёлидин паришонмен, басе, Хуш мендин гойиб, уз холимга хайронмен, басе.

Ул куёш борди бузуб кунглумни, сен хам, эй сипехр Бир йули бузма мени, невчунки вайронмен, басе.

Оллида жон бермадим васли замонин кизгониб, Фуркатида ул тирикликдин пушаймонмен, басе.

Лахза-лахза буки йиглармен гамидин талх-талх, Айб эмаским, мубталои дарди хижронмен, басе.

Тог ила водийда, эй Фарходу Мажнун, сиз топинг Офиятким, мен алохону аломонмен, басе.

Васли комин сабру сомондин топарлар, вахки мен Хажр ошуби аро бесабру сомонмен, басе.

Ёрдин косид келур дерлар, фироку васлдин

Не хабар келтурмакин билмай харосонмен, басе.

Дину дониш ахлига бер тавба, эй носихки, мен Маст тун-кун дайр аро бебоку нодонмен, басе.

Эй Навоий, дашти вахши ичра булсам, шод бул Ким, кириб хуш ахлига бу вакт инсонмен, басе.

**642**

Не кун улгайки, нигорим келгай, Боги
умрумда бахорим келгай.

Умр богида бахор улдурким,
Сарв кад лола узорим келгай.

Улмагаймен йулида, гар бошима
Секретиб шахсуворим келгай.

Ул гадо жонига ут тушкайким, Олгали
шамъи мазорим келгай.

Куйида итти кунгул, вах, качон ул
Масти девона шиорим келгай.

Кани майким, чу ичиб маст улсам,
Кукка туз боккали орим келгай.

Эй Навоий, тиламон хуру парий, Шояд
ул базмда ёрим келгай.

**643**

Юзи хуршидидин кузлар цамошти Ва лекин
тобидин жонлар тутошти.

Бу хуршид узра майдин гуллар улгон, Гул
узра цатралар янглиг ярошти.

Сочи савдосида ошуфта циссам
Тасалсул бирла бир-бирга улошти.

Ажални жон олурда енгди хажринг,
Нечаким ул мунинг бирла учошти.

Кулини тулгади ишцинг хираднинг, Агарчи
ул мунунг бирла талошти.

Фалактин нолани, тонг йуц, ошурмоц,
Фалак зулми чу бизга хаддин ошти.

Шафацдин кук юзи гулгун эмаским,
Фироцингдин Навоий цони тошти.

**644**

Бог аро гуё сабо солмиш эди жонон иси
Ким, етишкач гул иси, мен топтим андин жон иси.

Лаъли кунглум цатлини цилмоцца булди нуктасанж, Эй кунгул, дам асраким, келди бу суздин цон иси.

Юзу хаттининг насимидин чу топтим тоза жон, Вах, не жонимга керак эмди гулу райхон иси.

Борди ул ён зор кунглум, бермагай ташвиш анга, Захми исланган кунгулнинг етса ногохон иси.

Огзию дур тишларидин рухума айтур хабар, Келса ногах жола тулган гунчаи хандон иси.

Еунча атрин хушламасмен менки, кунглум богида Дарк этарга урганибмен занглиг пайкон иси.

Холи савдосин дема кунглунг нега фош айлади
Ким, ёшургон бирла булмас мушкнинг пинхон иси.

Мухтасиб гар ахли фахм улса, йицилгай маст улуб, Куп ушатцондаки айлар боданинг тугён иси.

Гулдин ул гулрух исин топцач Навоий очти куз, Уйлаким, Яъцуб кунглакдин махи Канъон иси.

**645**

Бошни гар ерга цуя олмон, боциб мохим сари, Бошима туфрог совурмоцца борай шохим сари.

Тун аро анжум тутунда учцун англар, солса куз Кимса, кунглум утидин булса аён, охим сари.

Мен кунгулдин рашк элтурмен, кунгул мендин хасад, Истаса кунглумки, цилсам азм дилхохим сари.

Ул цуёш сари борурда соя хамрохимдурур, Рашкдин боцмон кейин бир цатла хамрохим сари.

Жон лабинг шавцидин огах булгали айлар Масих, Жон берур чогда таважжух жони огохим сари.

Эй кунгул, ул хусн ганжидин гадолигдур ишим, Гарчи йуц парвойи анинг шайалилохим сари.

Хусни богидур назаргохим, Навоий, зинхор Солмагил гохи назар боги назаргохим сари.

**646**

Бу сабабдин ёрумиш гуё Хуросон кишвари Ким, чицибдур бохтардин офтоби ховари.

Бохтарга тегру ховардин ёритмоц жуз цуёш, Равшан эрмас барча гар худ булса моху Муштарий.

Кайси моху Муштарий улким цуёш бир ламъадур, Нуридин, вах, буйла ким курмиш саодат ахтари.

Ул не юздурким, ёзарда васфини юз минг цуёш Сафха гар еткурса юз йилда туганмас дафтари.

Хуснини анинг цуёш ташбихи цилмоц уйладур Ким, дегайлар хублицда девга ухшар парий.

Булса хусни юз цуёшча, ишцим утидин эрур, Бир шарар юз минг тамугнинг шуъла бирла ахгари.

Эй Навоий, сен кеби ошиц магар лойиц экин, Хар кишиким, дилбарингдек булса анинг дилбари.

**647**

Истамон кунглумни айларда хаёл ул мохни Ким, тахайюл бирла сайр айлар, нетар хамрохни.

Кунглум истарни тилармен боринг, эй ою цуёш, Сизни кунгли истамас, улким тилар дилхохни.

Уци захмин тан аро ул юз хаёли ёрутур, Уйлаким, Юсуф жамоли равшан эткай чохни.

Жону ацлу хуштин кечкил дединг, цилдим цабул, Тарк эта олмон, нетай наззораи гах-гохни.

Гарца булди нотавон жисмим сиришким бахрида, Гарчи су неча теранг булса, чумурмас кохни.

Ошиц эрсанг курмагил, эй шах, гадоларни хацир Ким, балолиг ишц фарц этмас гадою шохни.

Эй Навоий, ёр эшиги покларга цибладур, Килмагил куз цонидин огишта ул даргохни.

**648**

Заъфлицдур, дедилар, ул бути мах сиймони, Жон фидою тан анга садца, кунгул цурбони.

Улки жонимдурур, ул булса бу янглиг ранжур, Кайда булгай мени бедилга хаёт имкони.

Кур недек хуллаи гулранг уза ётмиш бемор, Ё эрур давридa цатл айлаган элнинг цони.

Дустлар, оллида отимни тута олмасангиз, Нацди жонимни бошига эвурунг пинхони.

Барги гул узра дегай шахд ёпушмиш курган, Буки тутмишдур учуц ул лаби шаккархони.

Садаца, чунки балоларни рад айлар, ё раб, Жон анга садца цилай манга багишла они.

Эй Навоий, яна дам урмаким, ул ой дер эмиш Ким, кеча уйцуга цуймас мени ит афгони.

**649**

Не дилоромеки, сургай дарди холимдин гахе, Не дил афгореки, цайгургай малолимдин гахе.

Сарсари охимга ут тушсин, хушо, мушкин насим Ким, берур эрди хабар наврас нихолимдин гахе.

Эй Хутан жайранлари, неткай бу мажнун кунглума Нафхае еткурсангиз мушкин газолимдин гахе.

Тийра нахсият дурур кулбамда, ани, эй сипехр, Равшан эткил ахтари фархунда фолимдин гахе.

Турфа кургилким, лаби зикрин топармен жон аро,
Айласам гойиб маозаллох хаёлимдин гахе.

Телба кунглум итти, лекин ул парийга ёд бер, Эй сабо,
девонаи беэътидолимдин гахе.

Фикр этармен васлини гохи, вале кирганда хуш, Асру куп
шармандамен фикри махолимдин гахе.

Ул цуёштин мехру, мендин тийралик, вах, истарам Ер
ёрилса, ерга кирсам имфиолимдин гахе.

Эй Навоий, зулми куп эрса, пушаймонмен яна, Узни озод
истасам ул шухи золимдин гахе.

**650**

Ёйиб оразда мушкин холларни сунбулунг доми,
Кунгулнинг цушлари ул дому су донанинг роми.

Чаманда сарву гул булгай, не сарву цайси гул вах-вах,
Качон булгай чаманнинг сен кеби сарви гуландоми.

Не янглиг субхи васлидин тутай уммиди равшанлиг,
Сахардин чун эрур новмид хажримнинг цора шоми.

Дема парвона, де Жибрил, агар бир гам туни ногах Кишига
берса бир шамъи шабистон васли пайгоми.

Кунгул заъфи кам улмас фурцатингда, вах, унгалгайму
Маризеким, цилур хар дам балият захри ошоми.

Аёгимга тикан синжобу хоро хулла, тонг эрмас Бу дамким
богламишмен Каъбаи куйининг эхроми.

Бу йулда гармруларнинг тонг эрмас гар чоцин янглиг,
Жахонпаймолиг этса, ёрутуб оламни хар гоми.

Фано дайри доги зуннор ила буттин уятлигдур, Риёйи
шайхнинг афсурда дини ботил исломи.

Навоий фарду бехуш улганин деманг цачондиндур,
Хамондинким, ани маст этти вахдат жомидин Жомий.

**МУСТАЗО
Д**

Не вусмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
не гамзаи жоду, Машшота
санга золи фалакдур магар, эй ой,
хуршид анга кузгу. Кош ёси
била кирпик укин хар сари отсанг,
имкони хато йук, Хар
кимсаки, булгай анга бу навъ уку ёй,
туз булгуси кобу. Масжид
йулин асраб неча дин ахли йулукса,
рахзанлик этарсен, Тенгри
йулини асрамок, эй кофири худрой
бу навъ булурму?
Гар истамади субхи уммидимни ёшургай
мехнат кора шоми, Хар ён
сочилиб, бас, не учун булди сумансой
ул турраи хинду. Хижрон
тунининг тийралигин кавкаби ашкин
дафъ айласа, тонг йук, Анжум
сипахи купрак эрур анжуманорой,
тун булса коронгу. Гам
даштини катъ айлабон ул куйга етмон,
курмон ани туш хам. Ким
булса харам шавки била бодияпаймой,
куздин учар уйку. Ул
шух Навоийни, дедиким, килайин катл
бир куз учи бирла, Эй войки,
бир хам анга куз солмади, эй вой,
катл ушбудур, ушбу.

## МУХАММАС
## ЛАР

### 1

Шарбати юхйил изом эрни майи нобиндадур,
Сураи «вашшамс» тафсири юзи бобиндадур,
Шархи мозогулбасар наргислари хобиндадур,
Лайлатул меърожнинг шархи сочи тобиндадур,
Коба цавсайн иттиходи цоши мехробиндадур.

Ул цади тубидин ортуц юзи ризвондин жамил, Ким берур жон лаъли хар ким булса кузидин цатил, Лаъли рашкидин фигон айлаб, цилиб ашкин сабил, Куп югурди равзада айнан тусаммо салсабил, Топмади ул чошниким, шаккари нобиндадур.

Жон берур эрди Хизр суйи халойицца сарих, Исо улук тиргузур эрди деб алфози фасих, Лаълидин токим-такаллум цилди ул шухи малих, Хизрнинг айни ёшунмиш кукдин инмас хам Масих, Нетсун ул, муъжиз бу дам ёцути серобиндадур.

Хаттидин булди хижил сунбул била мушки татор, Коматига сарв ила шамшоддин юз цатла ор, Фаррух эрмас орази наврузидек ийду бахор, Зулфига цадру барот ухшар вале юз фарци бор, Суз анинг ёниндаги хуршиду махтобиндадур.

Хар гадо эгнида булса эски тун ё чоки жайб, Билмай асли ниятин цилмоц галатдур шакку райб, Эй Навоий, чун санга маълум эмастур сирри гайб, Лутфини майхонада ошуфта курсанг, цилма айб Ким, бу мажнун ихтиёри зулфи цуллобиндадур.

**2**

Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени, Булмагай йилларда курмак бир нафас имкон сени, Жон тилар, кунглум уйинда айлагай мехмон сени, Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени, Чехра очким, курмак истар дийдаи гирён сени.

Боргали ул шухким жоним сурогин олмади, Жисм ани истаб не сахроким цадамни солмади, Йуцтурур бир дамки, бу водийда багрим толмади, Эй газоли мушкбу, келким, цуюндек цолмади Водие ахтармаган, истаб бу саргардон сени.

Фуркатингдин, эй парий, кунглум хаёли заъфдин Фориг эрмастур замоне килу коли заъфдин, Демаким, невчун курунмайсен малоли заъфдин, Сен парий пинхон учун мен хам камоли заъфдин, Гойиб улдум эл кузидин кургали пинхон сени.

Чикти ул ой хуонига зийнат бериб, зевар такиб Катл этарга жонни зор айлаб, кунгулга ут ёкиб. Ани кургач, кузни дарё килди кон ёшим окиб Кон аро гар гаркасен, эй куз, не тонгким, бир бокиб, Зор кунглумни чу кон эттинг, тутубтур кон сени.

Кани улким, согари васлингни берсанг илгима, Хазл этиб гохи гулу гах нукл терсанг илгима, Ноумид эрмон, нечаким кирмас эрсанг илгима, Гарчи мумкин йук, вале

бир катла кирсанг илгима, Борса бош, элдин чикармок узга не имкон сени.

Гарчи дей олмонки неткил, нетмагил, эй мугбача, Хажр ила жонимга хар дам етмагил, эй мугбача, Рахм этиб хар дам кошимдин кетмагил, эй мугбача, Куз юзунгдин олмасам, айб этмагил, эй мугбача, Айлай олмон дийдадин гойиб мени хайрон сени.

Гар мени мажнуни шайдо пуя килсам бахру бар, Йукса шахру куй аро хар ён югурсам бехабар, Демагилким, хар эшикка невчун айлабсен гузар, Эй парий, гар телбараб булмиш Навоий дарбадар, Будурур максуд ангаким, истагай хар ён сени.

**МУСАДДАСЛ**

**АР 1**

Жоним уртарга ул утлуц чехра гулзори Халил, Ани равшан айлаган кукурд ути ёнида нил, Ё раб, ул хусну жамол авжида юз минг ою йил Не жамолингга завол улсун, не хуснингга бадил Эй жамолинг лоязолу бебадал хуснунг жамил, Ой юзунгдур ахсани тацвим учун равшан далил.

Турфадурким, юз уза икки лабинг гуё булур, Бир цуёш икки Масихога цачон маъво булур, Кунглум ичра цошларингдин хайратим пайдо булур. Ким, цачон бу навъ бир цурбонда икки ё булур, Зулфунгиз хайронименким, йилда бир ялдо булур, Ойда ким курди ики ялдо туни мундоц тавил?

Ул огиз пайдо эмастур нуктае айтилмайин, Бил доги зохир эмас борикбинлиц цилмайин. Ул аён эрмас адам сари назар очилмайин, Бу яцин булмас, вужуд асбобидин айрилмайин, Огзингу белингнинг асрорин камохи билмайин, Мушкофу хурдабинлар ичра тушти цолу цил.

Кузларинг бодоми хажридин булуб жисмим сацим, Чицти жоним, эй цора куз, баски хажринг берди бим, Бу васийят цилмишамким, мушфицу ёру надим Наъшима ул куй туфрогини цилгайлар харим, Чун цора бодом тобут узра расмидур цадим, Куз жанозам сари солким, сенсизин булдум цатил.

Боракаллох, эй сабо, ахлан ва сахлан мархабо Ким, хабар куп бердинг ул гулчехрадин цилмай ибо, Васлига чун еттиму очти жамол ул дилрабо, Узлукум борди фано елига андоцким хабо, Ишц махв этти мени, сен чиц ародин, эй сабо, Лима Оллохнинг мацомида не хожат Жабраил.

Нечаким сурсун Масих анфоси жонпарвар калом, Ёки жаннат васфида Идрис цилсун эхтимом, Чарх боги бирла жаннат гулшанин цилман мацом Ким, манга холо банацд, эй зоди сарви хушхиром, Сунбулунгдур уцтаи раъсу юзунг мохи тамом, Оразинг фирдавсу, цад тубию лаълинг салсабил.

Ул парийнинг чун эрур цон туккали мохир кузи,
Ул сабабдин хар нафас юз цатл этар зохир кузи,

Эй Навоий, сехр бирла чун булур нозир кузи, Хар назарда ултурур мен хастани сохир кузи, Жон берур Лутфию килмас бир назар кофир кузи, Толеъимга, охким, усрук экач булди бахил.

**2**

Ишк зор этти халойик ибтилосидин мени, Хар замон бир таънагир мухлик адосидин мени, Хажр худ куйдурди дарди бедавосидин мени, Хам улум килгай халос анинг жафосидин мени, Эй ажал, озод кил хижрон балосидин мени, Бир йули куткар улуснинг можаросидин мени.

Ишк боги холатин сур ошики огохдин Ким, казосинда тафовут йук гадога шохдин, Хам суйи пайкон юраклар ичра козгон чохдин, Хам хавоси утлук охи нолаи жонкохдин, Заъфим ошти хажр богида сиришку охдин, Куткар, эй васл, ул чаман обу хавосидин мени.

Неча хижрон утига онсиз мени куйдургасен, Жонима хар лахза фуркат шуъласин еткургасен, Нотавон кунглумга хар дам юз бало келтургасен, Зор жисмимни ажал водийси сари сургасен, Эй ажал, куркутма ултургум дебон, ултургасен, Гар тирик топсанг фирокининг жафосидин мени.

Кофири ишк улмишам, ишкингга имоним фидо, Булса юз имон санга, эй номусулмоним, фидо, Ишк аро рашк айлади бу жисми вайроним фидо, Хажр худ килди неким бедоду пинхоним фидо, Ишку рашку хажри мухлик, вах,

анга жоним фидо Ким, чикаргай бу балоларнинг аросидин мени.

Муддаий ким хар замон айлар жафо бунёду зулм, Сабру хушумни берур андок жафо барбоду зулм, Жон била кунглумни айлар ул жафо ношоду зулм, Гарчи табъига анинг булмиш жафо муътоду зулм, Хар неча уткарса хаддин муддаи бедоду зулм, Уткара олмас висолинг муддаосидин мени.

Дарди хижрон касди жоним айлади бил, сокиё, Хажрдин жонимгадур хар лахза юз йил, сокиё, Уйла дард ичра эрур худ сабр мушкил, сокиё, Ушбу дардимга даво жоме карам кил, сокиё, Дерки, сабр эткил хакими акл, килгил, сокиё, Бир кадах бирла халос анинг давосидин мени.

Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур, Йук гадоликка ажаб майхоналарда гар юрур, Журъаи дайр ахли бергунча замоне телмурур, Шох агар мундок гадони салтанатка еткурур, Эй Хусайний, салтанатдин онча фахрим йуктурур Ким, дегайлар куйининг хайли гадосидин мени.

### ТАРЖИЪБА

### НД I

Эй кирпики нешу кузи хунхор,
Жонимни неча цилурсен афгор.

Лаълинг гамидин кунгулда эрди, Хар цонки сиришким этти изхор.

Хайхотки, хажринг илгидиндур
Жонимда алам, танимда озор.

Юзунгни куруб мени рамида, Ишц утига булгали гирифтор.

Сен эрдинг мажлисим харифи
Ким, еди хасад сипехри гаддор.

Юз хасрат ила мени айирди
Васлингдин, аё, хужаста дийдор.

Эмдики фироц аро тушубмен,
Топцунча яна хариф, ё ёр.

Ёдингни цилай харифи мажлис,
Фикрингни этай кунгулга мунис.

**II**

Жонимга цилур эсанг жафони,
Гах-гох арода кур худони.

Дардинг била уйла шодменким,
Улсам доги истамон давони.

Сендин дер эдимки чора булгай,
Хажр этса хазин бу мубталони.

Хар лутфки, мен тутар эдим куз,
Юз войки, сенда курмон они.

Враслинг била дедим айлайин шод,
Бу шифтаи жони бенавони.

Касдимга вале чекибдурур халц
Юз ханжару новаки жафони.

Мен доги цачон зарурат улса, Бир
гушада ултуруб нихони,

Ёдингни цилай харифи мажлис, Фикрингни
этай кунгулга мунис.

**III**

Гах-гох итим деб айлагил ёд Девона
цулунгни, эй парийзод.

Бир лахзада бузди сайли ашким Хар тархки
сабр цилди бунёд.

Хар руцъаки ёзди сабр ила хуш, Совуг
нафасимдин булди барбод.

Куп истама кунглум изтиробин, Куш
талпинурин нечукки сайёд.

Сен гарчи гамимдин этмадинг фикр Ё
телбалигимни цилмадинг ёд.

Султонсену йуцтурур санга хукм, Лекин
мени дардманди ношод.

Бу гуссага топмасам чу тадбир, Хар
лахза чекиб фигону фарёд.

Ёдингни цилай харифи мажлис, Фикрингни
этай кунгулга мунис.

**IV**

Билмонки, юзунг парийдек, эй жон, Невчун
яна куздин улди пинхон.

То булди юзунг нихон кузумдин, Ашк
урнига тинмайин оцар цон.

Лутфунг била бир кун этмадинг ёд, То
тушти манга балои хижрон.

Вах, цани бурунги мехру пайванд, Гуё
унутулди ахду паймон.

Бахтим кеби душман улдунг охир, Бу дардга
юз нафиру афгон.

Сендин манга чун гараз сен-ук сен, Бас
булди фироку васл яксон.

Тахкик чу англадимки, эмди Васлингга
етарга йуктур имкон.

Ёдингни килай харифи мажлис, Фикрингни
этай кунгулга мунис.

**V**

Жисмингки эмас хаётдин кам, Не жисмики,
рух эрур мужассам.

Бир-бир согиниб лабинг хадисин, Кон
йиглар ики кузум дамо-дам.

Еамгин тиласанг мени кутилмай, Еамдин тиласам узумни хуррам.

То булди бу зори хаста махрум Васлингдину гамга булди махрам.

Чекти кунгул андок утлуг охе Ким, куйди шарори бирла олам.

Бу навъ шароралиг утумнинг Таскини учун мени хазин хам.

Ранжингни тилай танимга рохат, Нишингни дейин ярамга мархам.

Ёдингни килай харифи мажлис, Фикрингни этай кунгулга мунис.

**VI**

Ул дуржи акику лаъли сероб, Жузъимдин окиздилар дури ноб.

То жоми мухаббатингни тортиб Кунглумга етишти ишкдин тоб.

Хам дустлар улди манга душман, Хам тарки мухаббат этти ахбоб.

Сендин ажаб эрди бори, эй дуст,
Душманлар учун тузатмак асбоб.

Махрум цулунгни махрам этса Васлинг харамига хайи ваххоб,

Куюнгни цилай узумга цибла,
Кошингни этай кузумга мехроб.

Ёхуд етибон хумори хижрон, Враслинг майи булди эрса ноёб,

Ёдингни цилай харифи мажлис,
Фикрингни этай кунгулга мунис.

**VII**

Эй кишвари хусн узра хоким, Хублар
бори хазратингда ходим.

Буздунг бу кунгулни ложарам мулк — Вайрон булур, улса
шох золим.

Х,ижрон мени чунки ултурур зор, Сен хам
мадад этмагинг не лозим.

Х,ар нечаки беиноят улуб, Килдинг
мени бегунох мужрим.

Уммид будурки, ёна тенгри Килса мени
мацдамингга азим.

Ицбол кеби туруб цошингда, Булсам яна
хидматингга жозим.

Васлингда газал тафаккур айлаб,
Унутгамен ушбу байтниким.

Ёдингни цилай харифи мажлис,
Фикрингни этай кунгулга мунис.

**КАСИДА**

Чун нихон цилди турунжи мехр рахшон талъатин, Ошкор
этти фалак бир тавци габгаб хайъатин.

Бас хаёли равшани эрди вале андоц дациц
Ким, назаргох англар эрди гах йуц анинг диццатин.

Уйла зохир булдиким, цилгай ани курган киши Дилбарим
цошигаю менинг цадимга нисбатин.

Ё хуруси чарх цилди ошкоро шахпарин, Ёки Бахром
айлади зохир циличи хиддатин.

Ё тушуб цолди алам устидаги рахшанда наъл, Чун
нигунсор айлади хуршиди рахшон раъиятин.

Ё Уторуд килкида зархал туганди, кукта чун Ёзди айни
ийднинг аввалги жузвий сувратин.

Ё фалак цаддин хам айлаб, келтуруб бир халца ёй, Ихтиёр
айлайдурур Доройи аъзам хидматин.

Бу ажойибдинки етти рахбанинг аввалгиси, Зохир этти, солди тугёнга кунгулнинг хайратин.

Мойил улди кук тамошосига хисси босира, Топти чун хар лахза бир аъжуба пайкар руъятин.

Бор эди иккинчи масканнинг муциме нодире, Куп билик ахли дуруст эткан анга уз хирфатин.

Су кеби хар зарф аро тутцан хам анинг рангини, Уз димогига солиб гарро цасида фикратин.

Айламакка тахният арзини байрам жашнида, Шах вужуди чун мушарраф цилса тахти шавкатин.

Жилвагар учинчи гулшан ичра раъно шохиде, Бутратиб булмоцца ацл ошуфта зулфи накхатин.

Соз этиб чангу тузуб ул унга рухафзо суруд Ким, малак кунглига солиб айш ила май рагбатин,

Чолибон нацшу амал боглаб Навоий шеърига, Ийд жашни хуш тутарга шох базми ишратин.

Йуц эди туртунчи манзилнинг шабистонида шамъ,
Бориб эрди ёрутурга шах харими хилватин.

Не учунким руза юбсидин димог айларга ратб Айлабон майли сабухий, тузса базми химматин.

Х,ар тараф шамъи муанбар дуди ногах цилмагай Тийра хам нозук димогин, хам эрамваш сухбатин.

Хукмрон бешинчи торам авжида бир цахрамон, Тиги цахридин томиб цон, сурса кину вахшатин.

Худ ила жавшан кийибу боглабон тигу камар, Рустам ойин соз этиб пархош хайжо олатин.

Ким, сахаргах чун цабоц майдонига отланса шох, Оллида цилгай ясовуллуцца зохир журъатин.

Ултуруб олтинчи манзар узра бир фархунда зот Ким, вужуди айлабон зохир малойик исматин.

Рух англаб жабхасидин нури тацво ламъасин, Ацл топиб зотидин илму саодат савлатин.

Айлабон иншоки минбар узра тангла хутбада, Зохир эткай шох отидин сунг дуою мидхатин.

Мустицан еттинчи дайр ичра муаммар хиндуе, Рангу сайри кургузуб ушшоц шоми фурцатин.

Сабрдек кохил хирому хажр янглиг тийраруй, Кимса билмай жунбушу ороми тули муддатин.

Шохдин байрам шараф топцонни англаб, гум цилиб Оби хайвондек адам сари нухусат зулматин.

Секкизинчи сохат узра юз туман сиймин бадан Зохир айлаб сабза узра жола ёццон хайъатин.

Йуцки гардун, ложуварди атласин ёпиб цазо, Гавхару дур бирла соз айлаб саросар зийнатин.

Ёпцали шахнинг фалакваш тахтига байрам куни Чун ёпар жинси башар хайлига хони раъфатин.

Туццузунчи боргах андоцки луъбат чодари, Уйнатиб чархи мулоиб анда юз минг луъбатин.

Ким чу шах байрам нашоти цилгали тузганда жашн,
Хар уюнчи зохир эткан чогда лаъбу санъатин.

Шохнинг инъому эхсонидин улгай бахравар, Кургузуб уз фаннида ул хам камоли диккатин.

Бу таажжублук сафардин чун тааккул килди уд, Сайр аро килган кеби зохир Уторуд ражъатин.

Чун Уторуд чархига еттим, табиат килди майл, Кургали назминки зохир килди табъи жавдатин.

Ул худ эткан эрмиш ушбу шеърима фикри жавоб, Матлаъи бу эрди, курдум чунки назми риккатин:

«Эй, сенинг кошинг килиб зохир янги ой хижлатин, В-эй, юзунг шарманда айлаб ийди акбар талъатин»

Чун бу матлаъни эшиттим, рашк тугён айлади, Фош килмок истадим оллида табъим кувватин.

Шох мадхида бу матлаъни ракам килдим равон Ким, кулок тутти Уторуд зохир айлаб хайратин.

«К-эй кошингнинг рашки айлаб хам янги ой коматин, Ийди рухсоринг килиб нобуд байрам зийнатин».

Чун Уторудни хижил килдим нишоту завк ила, Уйга кирдим, курдим анда сархуш ул жон офатин.

Келган эрмиш махвашим байрам хилолин кургач-ук, Зойил айларга кунгулдин савму такво мехнатин.

Хам хаёда кургузуб акли мужаррад пайкарин, Хам сафода англатиб рухи мужассам сувратин.

Лафзи зохир айлабон хар лахза рухуллох дамин, Нутки айлаб хар дам ифшо рухи кудси холатин.

Хам узори синдуруб хуршиди рахшон равнакин Хам дудоги паст этиб лаъли Бадахшон кийматин.

Чун мени курдики, кирдим музтариб, килди савол: Ким не хол улмиш санга, шарх эт анинг кайфиятин?

Юз тафохур бирла арз эттим Уторуд холини
Ким, бу матлаъ бирла синдурдум шукуху шавкатин.

Анингу уз матлаъимни чун укудум оллида,
Табъидин айлаб тамаъ кунглумда тахсин гоятин.

Кулдию оллинда бор эрди цалам бирла давот, Ёзди бу матлаъни бир соатца бермай мухлатин:

«К-эй, юзунг зохир цилиб байрам сабохи сафватин, Анда цошинг айлабон пайдо янги ой хайъатин».

Мен булуб бехолу масруъ уйлаким кургай хилол, Оби хайвондек куруб жонбахш лафзи лийнатин.

Хайратимдин шох базмига узумни еткуруб, Шарх этиб бу сузни хайратца солурга хазратин.

Хам Уторуд, хам узум, хам ул париваш назмини Бир-бир айлаб шарху айтиб хар бирининг риццатин.

Айлабон даъвоки, мумкин йуц яна матлаъ демак, Шах кулуб, зохир цилиб бу фанга табъи улфатин.

Филбадиха деб бу матлаъни уцуб юз офарин, Хусраву Салмону Жомий рухи англаб надратин.

«К-эй, хилолинг майли айлаб тоц кунглум тоцатин, Жон бериб, ёд айлагач ийди висолинг жаннатин».

Шох чун цилди бу матлаъни адо, мулку малак Чекти ун, деб офарин бирла дуойи давлатин.

Кайси шох улким, азалдин хацца ул эрмиш мурод, Халц цилмоцца салотин гавхарининг хилцатин.

Шох Абулгозий саодат ахтари Султон Хусайн Ким, цуёшни зарра дер курган сипехри хашматин,

Шохлар шохи демай, ул шохларнинг шохиким, Хар бири юз шохлар шохича тутцай мукнатин.

Шохлигда гояти дарвешлигдин курмайин,
Бурёйи фацрча заркаш сарири рифъатин.

Шохлар дарвешию дарвешлар шохики, хац Шох цилди сувратин, дарвеш цилди сийратин.

Эй жанобинг паст этиб гардуни воло поясин, В-эй, замиринг синдуруб фирдавси аъло нузхатин.

Тигинга цозиб цазо «инно фатахно» сурасин,
Тугунга ёзиб цадар «насрун миналлох» ояти.

Жаннати лутфунг насими эсса, рухуллах дами Нисбатида кургузуб дузах духони хирцатин.

Дузахи цахрингдин айрилса хавога бир шарар, Айлаб анфоси Масихо барци офат хислатин.

Зотинг ичраким эрур хар яхшилигнинг жомиъе Хайи цодир зохир айлаб уз камоли цудратин.

Ройинг ичраким келибдур хар ёруглуг манбаъи, Фарди вохид бохир айлаб уз жамоли рахматин.

Чун саховат илги очсанг, дахр чекмас заррае Зарфишонлигда цуёш сарпанжасининг миннатин.

Чун зиёфат хони ёйсанг, жанбида топмас сипехр, Жашни луъбат Хотаму Бармак бисоти неъматин.

Табъинг оллинда сахоб андоц хаёдин терлабон Ким, хамул судин юб уздин дурфишонлиг тухматин.

Хилминг оллинда жибол андоц узин топиб хафиф Ким, тахаттукда бегонмай барци Хотиф суръатин.

Иш куниким кук темур бирла таковар гардидин Ер фалак рангин тутуб, кийгай фалак ер кисватин.

Ер била кукни совурмог бирла офат сарсари, Зохир эткай олам ахлига циёмат шиддатин.

Чархи золим кийнаварлар тигин айлаб восита, Катли ом ойинида тутцай ганимат фурсатин.

Тиглар пулодидин парголаларни тоси чарх Жамъ цилгай, муздек эзмакка ажалнинг шарбатин.

Хар цизил воло ялов булгай сариг, баским цилич Бошца келган чогда, зойил цилгай анинг хумратин.

Шахс жисми лойи нафй улгай бацоси шонида, Хасми топцоч хасм илгидин балорак зарбатин.

Дулугодин тигким ут секретиб, рангин цилиб, Шуъласи Бахром важхин, дуди Кайвон жабхатин.

Чарх миръотида аксидин шафац цилгай зухур,
Баски цондин лаългун цилгай цазо ер сохатин.

Ул замон хар сари юзланса хумоюн мавкабинг, Солиб офоц ичра рустохез шайну хинжатин.

Тушса хар ён тигинг, олгай бенихоят халцнинг Жисмидин бош захматин, боштин таманно захматин.

Разм майдонида тигинг чицса хиндин бир нафас, Кимса тахмин айлай олмай хасм жисми касратин.

Х,ар бирига юз туман ётцон улук булгай насиб, Юз туман минг мурнунг гардун айирса цисматин

Лахза-лахза рояти мансурунг улгай жилвагар,
Эстуруб хац фатх богидин насими нусратин.

Разм аро хар шохнинг мулкинки олиб базм аро, Бир гадога жуд этиб ани, куруб чун зиллатин.

Хусраво, зотингни васф этмак Навоий хадди йуц, Авло улким, зохир эткай бенаволар одатин.

Токи байрам шоми савм ахли талаб цилгай хилол, Руза ният айламай цилмац май ичмак ниятин.

Х,ар кунунг байрам булуб, жоминг хилол улсун мудом, Курмагил беайш умрунг муддати бир соатин.

Лек умрунг тули юз навбат Зухал давронича, Фарз эта олса хирад минг йил анинг хар навбатин.

Янги ою ийд икки цуллугчинг улсун, айлаган Сен хилол анинг отин, байрам бу ернинг кунятин.

## КИТЪАЛАР

### 1

### БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ МУКАТТАОТИНИНГ САРСУХАНЛАРИ ТЕНГРИНИНГ ХАЗОНАИ КАРАМИН МАМЛУ БИЛИБ ЭЛДИН ТАМАЪ КАЛГАН ДАРЕБОРИДА ХУЙ СУЙИДИН ДУР ТИЛАГАН БУЛГАЙ

Хац таоло махзанин англабки холи булмамиш,
Халцдин хар кимки жамъиятца асбоб истагай.

Мехр оламни мунаввар айлабон ул кулбасин
Ёритурга тийра тундин гарм шабтоб истагай.

### 2

### НАБИ ШАРЪИДИН АЁК ЧИКАРГАН КАЖРАВ ВА КУЗИ ЗУЛМАТ БОДИЯСИДА ХИДОЯТ ШАМЪИДИН БЕПАРТАВДУР

Бу йулда кимки наби шаръидин чицарди цадам, Йул
озди чунки мутеъ улди ацли жохилига.

Таваккул ахлики чицмас сафарда жодадин,
Яциндурурки, етар гом бирла манзнлига.

**3**

## ХАДИС МАЗМУНИКИМ АЛКОСИБ ХАБИБУЛЛОХ ХАЗРАТ ХОЖАИ НАКШБАНД КАДДАСА СИРРАХУ МУНДОК БАЁН КИЛИБДУРКИМ:

Нукта асносида Хабибуллох
Деди, алкосибу хабибуллох.

Маъни айтур бу сузга пири комил Ки,
сузи эрди хац сари шомил.

Еараз эрмас бу касбдин дунё, Бал
эрур касбдин мурод фано.

**4**

## ХАДИС ТАРЖИМАСИ САХИЙНИНГ УТДИН НАЖОТИ БОВУЖУДИ УБУДИЯТ ВА БАХИЛНИНГ ЖАННАТДИН ХИРМОНИ БОВУЖУДИ СИЁДАТ

Кирмагай жаннат ичра хеч бахил,
Гарчи ул булса саййиди Кураший.

Бормагай дузах ичра хеч сахий
Филмасал булса бандаи хабаший.

**5**

## АМИРУЛ МУЪМИНИН АЛИ КАРРАМАЛЛОХУ ВАЖХАХУ СУЗИГА ТАРЖИМАКИМ — УНЗУР ЛИМОЦОЛА ЛОТАНЗУР ЛИМАЩОЛА

Чун гараз суздин эрур маъни анга,
Нокил улса хох хотун, хох эр.

Сузчи холин бокма, бок суз холини Курма
ким дер ани, кургилким не дер.

**6**

## ТУЗЛУК ТАЪРИФИДАКИМ, ШИОР КИЛГАНГА САЪБ ИШЛАР ОСОНДУР ВА КУЛЛИ УМУР СУХУЛАТ БИЛА ЯКСОН

Тузлукка мойил улки, ишинг боргай илгари, Юз
мушкил улса йукса минг оллингда хар забон.

Юз сафха бир калам била котиб килур ракам, Минг
куйини бир асо била хар ён сурар шубон.

**7**

**ХУСННИНГ ЗОТИ ИСТИГНОСИ ШАРХИДАКИМ, ТО ШАММАЕ АНДИН БОЦИЙДУР, ИПЩ АХЛИГА АЖЗ ВА ЗАБУНЛЩ МУЛОЦИЙДУР**

Тах-тах юрагим кон эди бир-бир ситамидин,
Куп-куп келури чогида келса эди оз-оз.

Кеч-кеч келури вактида хам рози улибмен
Бот-бот келурига киладур анда доги ноз.

**8**

**ФАНО АХЛИНИ УЗ ВА^ТИНИНГ ПОДШОХИ ДЕБТУР, БАЛКИ ВА^Т ПОДШОХИНИ АНИНГ ГАДОЙИ**

Гадолиг яхширок ахли фанодин Ки,
олам ичра килсанг подшолиг.

Жахон ахлига, курким, шах не айлар,
Жахон таркини килгандин гадолиг.

**9**

Тирик чу охир улар, бас, укуш гам мухлик,
Чекиб ажал мададига бу изтироб недур.

Чу хар кишики тугар, улмайин йуц имкони, Не ишки
булмайин имкони йуц, шитоб недур.

**10**

Ажал чун муцаррардур улмак учун, бас тамаъдин Недур
юз гам утига куйдурмак узни,

Чу тугмоцдур улмак учун, бас не яъни Улардин
бурун хар дам ултурмак узни.

**ХУКАМО КАВЛИНИНГ ТАРЖИМАСИ**

Уч кишидин уч иш ёмон куринур, Санга арз
айлай ахли дунёдин:

Шохдин тундлуг, ганидин бухл, Молга
майлу, хирс донодин.

**12**

## УГУЛГА АНО ХАККИ АТОДИН КУПРОК ЭКАН БОБДА АНДАКИ, ДУРГА ДАРЁ ТАРБИЯТИ БУЛУТДИН ОРТУГРОКДУР

Ано урнин ато тутмас угулга
Ки, мумкиндур угул булмоц атосиз.

Масихо бирла Маръямдин циёс эт Ки,
имкон йуцтурур булмоц аносиз.

**13**

## ГУЛШАНДА БИР САРВИ ГУЛАНДОМДИН АЙРУ БАХРАМАНД БУЛСА БУЛУР КОМДИН ДЕБТУР, БАЛКИ НОКОМДИН ДЕБТУР

Гулшан аро гул хадде агар йуц, Гул, бас,
кишининг тараб физойи.

Гар лоларух хитойи анда
Топилмаса, лолаю хитойи.

**14**

## ЯХШИ ХОТУНЛАР САФОЙИ РУЗГОРИ КУЁШ НУРИГА МИСОЛДУР ВА ШАМСНИНГ МУАННАС ЭКАНИ МУНГА ДОЛ

Яхши хотунлар сафойи зухдидин Олам
ичра гар ёруглуц булса фош,
Йук ажаб, чунким араб алфозида
Истилох ичра муаннасдур куёш.

**15**

### УЗ МАНЗУРИНИНГ КАЖ НАЗАР ТАВОБИЪИДИН БАДХОЛ ВА БЕБАСАР ЛАВОХЩИДИН ХОТИРИДА МАЛОЛ ИЗХОРИНИ КИЛУР

Бизинг газолаи мушкин тавобиъин курким, Кадим
нигундурур ул хайл мехнати юкидин.

Агарчи итча эмастурлар одамийлигда,
Бу турфадурки, калинрогдурурлар ит тукидин.

**16**

### САБЗАИ ХАТНИНГ АВВАЛ ЧЕКИНУ УЛГАЯ ЦИЁГ ЭКАНИ ВА АВВАЛ ЧЕКИЛУРИН ВА СУНГРА КИЁДИН ДЕГАНИ

Чекилур эрди сабзаи хатти, Кунглум
ичраки дедим ани чекин,

Бу чекин куйи эмди булди киёг Ки,
кунгулни кияр киёг бикин.

**17**

**САЛОМАТ АХЛИНИНГ МАЛАКВАШЛИВДА МАЙЛИ ВА УЗИДЕК МАЛОМАТИЙЛАРНИ ШАЙТОН ХАЙЛИ ДЕБТУР**

Малак атбоъидурурлар ул хайл Ким,
алар келди саломат ахли.

Мену шайтонга татбигким, эрур
Мендек ул доги маломат ахли.

**18**

**АРЗИ ХОЛИНИ ХИММАТИ ЧАРХ ПАЙВАНДЛАРГА ДЕМАК ВА САВОЛНИ ЗАМИРИ ХУРШИД МОНАНДЛАРДИН Ь^ИЛМОК; МУНОСИБ ДЕБТУР**

Бийик химматлик элга арзи хол эт,
Замири нурпош элдин савол эт.

Ки бор абри бахоре гавхарафшон,
Чокин хам олам ахлига зарафшон.

**19**

**МУТАСАЙИДИ НОПОК, НОДОН, ФОСЩ БОБИДА**

Сени сайиди пок, донойи зохид Дедим, эй
улусца сузунг фитна солгон.

Ажаб кимсасенким, хам аввалги мисроъ, Сенинг
давлатингдин дедим турт ёлгон.

**20**

**БОБОБЕК УГЛИ ФАВТИНИ АДО ^ИЛИБТУР ВА УЛ УГИЛ БОБОСИНИ ДУО**

Агар Бобобек угли айлади нацл, Хац
этсун равзани маъвоси анинг.

Угил гар борди тенгри рахматига,
Яшасун царилар бобоси анинг.

**21**

**МАХФИЙ РОЗНИ ХУВДА ИЧИНДАГИ МУШК ИСИ ДЕБТУРКИМ, ХУВДА ОЧИЛСА, УЛ ИСИНИ НЕ ЙИГИШТУРСА БУЛУР, НЕ ЁШУРСА**

Розни асра, чунки фош эттинг, Яна
пинхон булурни цилма хавас.

Кунглунг ичра нафас кебидур роз,
Кайтмас, кимсадин чу чицти нафас.

**22**

## МАЗЛУМ ОХИ БАР^ИДИН ХАБАР БЕРУРКИМ, ЯШМ БИЛА ДАФЪ БУЛМАС БАЛКИ ЛУТФ СУЙИ БИЛА УЧУРМАГУНЧА ДАФЪ БУЛМАС

Эйки, истарсен чоцин дафъига яшм,
Узга текмакка бериб имконга йул,

Бехабар мазлум охи барцидин Ким, чоциндин
доги сузонроцдур ул.

Турфароц буким, санга махсус эрур, Гар
санга жонинг керак, огох бул.

**23**

## ДОНО НУКТАСИНИ НОДОН ЭШИТМАСА, ^ОЙИЛГА НЕ ЗИЁН, ГАВХАРЕКИ БУ СОЧАР, УЛ ТЕРМАСА, МУНГА НЕ НУ^СОН

Биравким хирадманднинг нуктасин
Кулогига олмас, не нуксон мунга.

Жавохирни термак анга саъб эса, Эрур
сочмамаглиг худ осон мунга.

**24**

## ШОХИ ГОЗИЙНИНГ КАРАМИ ДАРЁСИН ВА РАВШАН ЗАМИРИ ХУРШИДИ ОЛАМОРОСИН ДЕБТУРКИ, УЛ ЕЛ БИЛА ЛОЙ ВА БУ ГАРД БИЛА ТИЙРА БУЛМАС

Шохи Еозий эрур карам тенгизи,
Поку софий замиру равшан рой.

Харза куп суздин улмаса тийра, Бахр
ел касратидин улмас лой.

**25**

## НОДОННИНГ ХАРЗАСИН АНКАР УЛ-АСВОТ ДЕБТУР ВА МУНИНГ ДАЛИР АЙТУРИН АНИНГ САВТИДА АНГА АДАМИ ИЛТИФОТ

Агар нодон махалсиз харзаким айтур, далир айтур, Кулокка
ёкмаса, манъига танбих айламак булмас.

Эшак савти каломуллода келди анкар ул-асвот,
Анинг савтига такрибу тахоши истамак булмас.

**26**

**РАЗИЛИ БЕХАВСАЛА МУКНАТ КУРСА, УЗИН АЗИЗ ТУТМОК НЕ ГАРИБ ВА ЖОХ МАЙИ НАШЪАСИДИН УЗИН УНУТМОК НЕ АЖИБ**

Чу разл хавсаласиздур, не тонг, агар ногах Етишса
мукнат анга, аржуманд туткай узин.

Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас
Ки, жох ани чу маст айлагай, унутгай узин.

**27**

**МАЙДИН ТАВБА КИЛГАНГА НИКУХИШ ВА БАНГГА БОШ ИНДУРГАНГА САРЗАНИШ**

Совукда кочибон ут шуъласидин, Тезак
дуди сари килмокдур оханг.

Киши зухд ичра майдин тавба айлаб, Нашот
андин хаёл айлаб емак банг.

**28**

**ШОХИ ГОЗИЙ БИЛА НАВВОБИНИ АНБИЁ САРАФРОЗИ БИЛА АСХОБИГА ТАШБИХ КИЛИБДУР**

Бизинг шох ул сифатким бори шахлардин эрур мумтоз Эрур
нойиблари хам буйла яъни давлат арбоби.

Узи шахлар аро хайли нубуватда Мухаммаддек, Ва лекин
беклар анинг оллида пайгамбар асхоби.

**29**

**ПОКДОМАН ЗУАФОКИМ ЭТАКЛАРИДИН ЮРУННИ ЭРАНЛАР САЖЖОДАСИ МЕХРОБИГА ТИРОЗ КИЛСА САЗОДУР ВА УЛ МЕХРОБДА НАМОЗ КИЛСА, РАВОДУР**

Покдоман зуафодин неки зоянда булур,
Рухпарвардуру жонбахш зихн хилцати пок.

Курки, Марьямга угил Исои рухуллох эрур Урса
бу холга нопок улус таън не бок.

**30**

**ЭРНИ ХУРУС ДЕБТУР ВА КУЛАХ ГУШАСИН АНИНГ ТОЖИ, НОМАРДНИ МОКИЁН**

## ДЕБТУР ЕМАКТА НАЖОСАТ МУХТОЖИ

Эр уруб лаъл тож ила гулбонг, Зангваш эл
цайси харзаким демагай,

Вацтида тортибон хурус нидо, Не
нажосатки мокиён емагай.

## 31

## УЗИН ФИСК ИЧИНДАГИ КОРИ КОФИР ДЕБТУР ВА АНИ ТАРЖИХ ХАМ КИЛИБДУРКИМ, УЗИДА БУ ХОЛ НИХОН ВА АНДА ОШКОР ЭРКАНИН БИЛИБТУР

Эй Навоий, бир цори кофирни курсанг ишц аро,
Курма анинг холатин уз холингдин куп йироц.

Сенда бу холат нихоний келди, анда ошкор, Лекин ул
якранглик бобида сендин яхшироц.

## 32

### ШАХНИНГ АДОЛАТИ ОЛАМНИ КУЁШДЕК РАВШАН КИЛУРИДА ВА ЗУЛМДИН ТИЙРАЛИК ЁЙИЛУРИДА АЙТИБДУР

Куёшдек шах адолат пеша килса, Жахон
мулкини бир дамда ёрутгай.

Агар зулм этса акшом зулматидек, Хамул дам
тийралик оламни тутгай.

## 33

### ХУБКИМ ШАМОЙИЛИДА ОНСИЗ БУЛГАЙ, АНИ СУРАТКА ТАШБИХ КИЛИБДУРКИ, ЖОНСИЗ БУЛГАЙ

Хубким, йуктур шамойил бирла ширин суз анга, Сайди
булмас эл, нечаким булса зебо суврати.

Хилъатин зарбафт дебодин гар этсун бил якин Ким, намудор
ичрадур зарбафт дебо суврати.

## 34

### МУТОЯБА РУХСАТ БЕРГАН НАВКАР БОБИДАКИМ, ЯНА ИХТИЛОТИ БЕХАМИЯТЛИГДУР ВА БЕХИММАТЛИГ

Чу навкарга бердинг ижозат, яна Келиб,
килса хидматка кулдошлик,

Бил андокки, жуфтунга берсанг талок, Яна
истагай килмок уйношлик.

## 35

### МАНЗУРНИНГ ХУСНИ БАХОРИ ОЛУ ГУЛИДИН САПИДА КИЛИБ, ШАФТОЛУ ГУЛИДИН ГУЛГУНА КИЛГОНИ

Ул бахори хусннинг рухсорини дехкони сунъ Аргувони тун
уза айлабдурур олу гули.

Турфа куркким, бир чамандур оразиким, давридa Очилур олу
гули, уртада шафтолу гули.

Хусну раънолик била дастори узра сончибон, Вахки,
шафтолу гулидур ё эрур солу гули.

Барча бир саридур, улким айлабон каддимни хам, Ашким
этти лаъл, эрур даклай уза долу гули.

## 36

### ТИЙРАЛАР ТАКАДДУМИН АХЛИ САФОГАКИМ БУЛУТ БИЛА КУЁШДИН ЗОХИРДУР, ДАЛИЛ КУРГАЗМАК

Гар тийралар такаддуми ахли сафога бор, Бу
нуктани муомаладин курма тапщари.

Даврон ароки курайи сузу гудоз эрур,
Шуъла эрур хамиша куйи, дуд юкори.

## 37

### ШАХ ЛУТФИ ОМ БУЛСА ХАМ, БАРЧАГА ТЕНГ ТАРБИЯТ БУЛМАСКА ЖИХАТ АЙТУР ВА ХУРШИДДИН РАВШАН ДАЛИЛ КУРГИЗУР

Шах лутфи гарчи булса куп кобил, топар нашву намо,
Беважхдур, бу нуктага хар кимсаким диккат тутар.

Гарчи куёштин парвариш олам юзига омдир, Сахрода
кумгогу тикан, бустонда сарву гул бутар.

## 35

### ТОЖНИНГ ТАРКИН ИСТАБ, ДАРДИСАРДИН ШИКОЯТ КИЛУР

Тож куп дардисар берур бизга,
Зулмидур аклу хуш торожи.

Бошимиздин бу тожни гум кил,
Барча гар булса салтанат тожи.

## 39

**УЗИ СУЗИ БОБИДА ДЕРКИМ, МУКОБАЛАДА ХАР КИМ ИЛИК УРГАЙ, АММО КАЛАМ СУРА ОЛМАГАЙ ВА ОРЗУ КИЛГАЙ ВА ЛЕКИН ТИЛГА КЕЛТУРА ОЛМАГАЙ**

Эй Навоий, суз ила онча гухар сочтингким, Бахру
кон кирди кора ерга сенинг килкингдин.

Бирига, ё унига, ё юзига, ё мингига,
Дегай эл найлагай ортуг эса эллик мингдин.

**40**

**УЗ НАЗМИНИНГ РУТБАСИ ПОЯСИН ТИЪДОД КИЛУР ВА ХАР БИРИГА МАРТАБАЕ ИСНОД КИЛУР**

Навоий шеъри туккуз байту, ун бир байт, ун уч байт Ки, лавх
узра калам зийнат берур ул дурри макнундин.

Буким албатта етти байтдин уксук эмас, яъни Таназзул
айлай олмас рутба ичра етти гардундин.

**41**

## ФАЛОКАТДИН АЁГИГА КАФШ БУЛМАГАНГА ЧУН КАФШ УЧУН АЁГИ БОР ШУКР ВОЖИБДУР

Улки, ифлосдин аёгинда
Кафш йули азми чоги йуктур аннинг,

Шукр килдик бокиб бирав сари
Ки, юрурга аёги йуктур аннинг.

**42**

## МАСХ БОБИДАКИМ, МАСХАРАЕДУР БЕТАРИК ТАКАЛЛУМ СУРМАК

Фалон масх агар чин десун, йукса акс,
Анинг асл зотига не бокдур

Ки, коёкни акс хам килсалар,
Вукуф ахли оллинда коёкдур.

**43**

## УЗИ ТАМАЪ ВОДИЙСИН КАТЪ ВА ТАЛАБ БОДИЯСИН ТАЙ КИЛГАНИН АЙТУР

Эй Навоий, олам ахлида тамаъсиз йук киши, Хар кишида
бу сифат йуктур, анга булгай шараф.

Сен агар тарки тамаъ килсанг, улуг ишдур буким,
Олам ахли барча булгай бир тараф, сен бир тараф.

**44**

**УЛУМДИН АШРАФ ДИН ИЛМИДУР, АНДИН ХАМ ГАРАЗ АМАЛ, ЙУК ЭРСА ДИН ВА ДУНЁДА ХАЛАЛ**

Илми дин касб килки, суд эрмас,
Чарх мушкилларини хал килмок.

Лекин ул илм доги нафъ этмас,
Билибон булмаса амал килмок.

**45**

**ШАХНИНГ КУЁПЩА МУШОБАХАТИНИНГ ДАЛОЙИЛИ ВА ХАР КАЙСИНИНГ НАФЪ ВА ЗАРАР ЖИХАТИДИН МАСОЙИЛИ**

Шахни доноким куёш дебтур, анга будур далил Ким,
куёш янглиг эрур файзи жахон ахлига ом.

Ойдин ансаб йук нима хуршиддин файз олгали, Курки, ул
доги эрур гохи хилолу гах тамом.

Бир кеча-кундузда даврон гах коронгу, гах ёрук, Чарх
анинг бир даврасинда гох субху гох шом.

Чун куёшка будурур холат, ажаб йук, шох хам Булса уз
тобиъларидин гах рамида, гох ром.

**46**

**БИРАВ ДУНЁЛИК НАЖОСАТИГА ОЛУДА БУЛСА, ДУНЁ АХЛИ ТАМАВВУЛИ СУЗИН ОРЗУ БИЛА ДЕРЛАР, БАЛКИ ХАСРАТ ХАМ ЕРЛАР**

Дунё ахлидин агар топти тамаввул бириси
Узгалар хасрат ила моли хадисин дерлар.

Бири худ ботти нажосат ичига бугзигача,
Узгалар ушбу нажосатка хасад хам ерлар.

**47**

**АМИРУЛ МУЪМИНИН АЛИ КАРРАМАЛЛОХУ ВАЖХАХУ КАЛОМИНИНГ ТАРЖИМАСИ**

Замона ахли эмаслар атоларига шабих, Эрур
замонга мушобих аларга хар хислат.

Мутиъ эрурлар ангаким, замондин олгай ком, Аду ангаки,
етишкай замонадин шиддат.

**48**

## РОЗ ГАВХАРИН КУНГУЛ МАХЗАНИДА ЁШУРА ОЛМАГАНГА, ЯНА БИРОВ ФОШ КИЛГАНДИН ШИКОЯТ ТЕГМАСЛИКДА

Хар кимки кунгул махзанида ёшура олмай, Сочкай
тилига келтурубон махзани розин,

Топшургай эшиткангаки, фош айламагайсен, Хам нуктаи
таххикину хам сирри мажозин.

Чун ганж иеси нацдни хар ён узи сочцай,
Бемузд ажаб йуцтур, агар сойгаса хозин.

**49**

## АБНОЙИ ЖИНСИМДИН ХАЛК ГИЛАМАНД ЭДИЛАРКИМ, ЭЛДИН НОМАКДУР ОЛУРЛАР, НИМА БЕРМАС ДЕБ МЕНДИН ХАМ ШИКОЯТ КИЛУРЛАР

Менинг абнойи жинсимдин шикоят бу эди элга Ки,
номацдур олурлар, бу шикоят худ ажаб эрмас,

Ажаб будурки, мендин хам шикоят зохир айларлар Ки,
номацдур олам ахли хар неким тилар, бермас.

**50**

## ХАТНИ ТАРОШ КИЛУРДИН Ё ЯРАМАСЛИГНИ ИСБОТ КИЛУР ВА Ё ЯРАР ДЕМАКИН УЁТ БИЛУР

Эйки, юз сафхасида хаттинга юзланди тарош, Яна
дерсенки, бу хат яхшилигида йуц шак,

Яхши эрса, не учун бас хар икки-уч кунда Тиг
тортарсену боштин аёг айларсен хац?

**51**

## ИССИК ХАВОДА СОВУГ СУНИ ДЕРКИМ ДУЗАХ АРО ЗУЛОЛИ КАВСАРДУР ВА АНИНГ ИЧИНДА МУЗ БИЛЛУРИ ТАР

Хуш курармен дахрни совуг су бирлаким, бу ёз Булди
иссигдин цуёш кузларга чатри санжари.

Бир аёц музлуц су жоми Жамдурур, невчунки бор Бир аёг
огзича муз ойинаи Скандарий.

**52**

**ТАМАЪ ТУХМИН СОЧМОГНИ МАНЪ КИЛУРКИМ, АНДИН ПУШАЙМОНЛИГДИН УЗГА БАР ЙУКТУР ВА МАЗАЛЛАТДИН УЗГА САМАР**

Навоий, тамаъ тухмини сочма куп, Риё
ашкидин анга су очма куп,

Амал мазраъин эккали берма ер,
Хавову хавас хирманин елга бер.

**53**

**РИЁ МАЗАЛЛАТИДА СУЗ ДЕР АГАРЧИ КАЪБАДУР ВА ФАНО МАДХИДА НУКТА СУРАРДА ГАР ХУД БУТКАДАДУР**

Риёйи Каъбадин дайри фанога Кириб, гар
бутка зохир килдим имон,

Мени ёзгурма, эй шайхи риёйи
Ки, гар кофур эдим, булдум мусулмон.

**54**

**КАЛАМ АДХАМИ ХУШ ХИРОМИДИН ВАРАК КОФУРИ МАЙДОНИДА СУРМАККА ТАСКИН ТИЛАР ВА ОКУ КОРА МАДХИ ТАРКИНИ ОЙИН ИСТАР**

Кофур уза мушк олиб куп харза ракам чектим, Эйки,
кошки бу ишдин хак берса манга тавба.

Оку кора мадхида хар неки дедим, ёкмас, Эмди бу
мазаллатдин ок тавба, кора тавба.

**55**

**РОЙИХА УЧУН ГУЛОБ ВА ОЛМА КАЗОНИНИНГ КИЧИКЛИККА ЖИХАТ АЙТУР ВА МУХТАСАРЛИГИГА МУНОСАБАТ**

Олмаву гулоб кайнатурга Табъи эрмас
улуг казонга рогиб.

Демак бу казон кичикдур асру, Эрмас
мунга химмат ахли толиб.

Ким рух гизосининг казони, Мундин
хам улуг эмас муносиб.

**56**

**ШОХИДИ РАЪНОДИН ЛАЪБ АНДУЗЛИК ТИЛА ВА РИНДИ ФАРЗОНАДИН ЖОНГУДОЗЛИК ВА ДИЛСУЗЛИК ИСТА**

Харзагард улди шохиди раъно,
Лек жонсуз ринди фарзона.

Ул парий рост уйлаким купалак Бу
бир, аммо нечукки парвона.

**57**

## УЗ ИСЁНИНИНГ ШИДДАТ ВА КАСРАТИН ДЕР ВА ХАК; КАРАМИ ОЛЛИНДА АНИ АФВ ^ИЛМО^НИНГ СУХУЛАТИН

Килибмен онча исёнким, агар дузах аро кирсам, Менинг
бехад гунохим бирла дузах сарбасар тулгай.

Худоё, афв осонроцдурур, йуцса газаб цилсанг,
Магарким узга дузах, узга ут, узга азоб улгай.

**58**

## ДУСТДИНКИ ДУШМАН ХУЙИ БУЛГАЙ, ДУШМАН ЯХШИРОКДУРКИ, ДУСТ РУЙИ БУЛГАЙ

Нихоний игна санчар ёрлардин
Адувваш новакафганлар куп ортуц.

Мунофиц шева золим дустлардин Мухолиф
табъ душманлар куп ортуц.

**59**

## АШХАБНИНГ ТУВОГИ БЕРКЛИГИН ТЕМУРГА УХШАТ^ОНДЕК УЗИН ХАМ БЕРК ЭКАН ЖИХАТДИН ТЕМУР БУЗ ДЕБТУР

Фалоннинг сархун отики гар эрур берк,
Килур таъвил ацли нуктаомуз

Ки, гуё гояти махкамлигидин, Анинг
отини дебтурлар Темур буз.

**60**

## БАРЛОСБЕК БИЛА ХОЖА МАЖИД БОБИДА АЙТИЛИБДУР ВА ДУО 1ЩЛИБТУР ВА МУСТАЖОБ БУЛУБТУР

Тутулмиш эди Мажид Барлос бекка Ким,
айтур эдиким бу янглиг цутулгай.

Кутулди улу бу тутулди, илохий, Тутулгон
цутулгай, цутулгон тутулгай.

## ЧИСТОН
## (ЛУГЗ)

## 1

## КАЛАМ

Не лулидурки, чун хангома тутса, Кадам
боштин килиб тортар навозир.

Бошин кескандин ортиб анга тахрик, Тилин
ёргандин улуб анга тахрир.

Кора суга бошин юз гута берса, Тулар
огзию булмас лек дамгир.

Киромул котибин андин килиб сабт, Эл
эткандин ямон-яхшини бир-бир.

Вале ошик била Мажнун ишига Казо
еткурмай андин ранжу ташвир.

Бихамдиллахки, оллимда азалдин
Жунуну ишк ёзди килки такдир.

## 2

## ТАНГА

Не шух эрурки, улус кунгли ичра савдоси
Анинг юзидаги хатлар кеби мухаррардур.

Кумушдурур танию киммати анинг лекин Ун икки уз
танидек важх ила мукаррардур.

Ишида ул ун икки хар бирисидур динор Ки,
адл сиккасидин юзларида зевардур.

Магарки англади хумсул муборак асрорин Ки, сони бу
адад улмиш, агарчи юз мардур.

Гадога хумсидин ар салтанатдурур, не ажаб, Качонки
беклик анинг рубъидин муяссардур.

## 3

## ИГНА

Кайси айёр эрким улким, накб урар санъатда бор

Бир синон янглиг аёгдин, бош котиклигдин тани.

Нозанинларнинг либоси нечаким сангин эрур, Тору пуди кузларидин ичкари кирмак фани.

Пардаи исматда хар гулрухки урсун лофи зухд, Кунглакининг дарз-дарзи ичра курмишлар ани.

Бу сифатким топти ул айёрлик сарриштасин, Тонг эмасдур, гар отин куйгайлар анинг сузани.

**4**

**МИЦРОЗ**

Не кушлар эркин аларким, бирардурур каноти,
Канотининг учида хар бирисига минкор.

Бирор аёглари хам бору турфарок буким, Аёг
учида бирор куз хам эттилар изхор.

Качон аёгларин олмаштурурлар, ул соат
Канот урарга булурлар туюрдек тайёр.

Канот куп урмок ила кари учарлари йук,
Учарда гарчи каридур аларга истизхор.

**5**

**УЦ**

Не кушдурурки, учар уч канот била, лекин Агар
кунар хам, очикдур канотлари бори,

Каноти саридур огзи валек доим очук, Бу
турфарокки, булур куйругида минкори.

Эрур анинг кеби туз кунгли ошёнида ук,
Сипехр жаъбасидин истасанг намудори.

**6**

**АНОР**

Не мажмардур, тула ахгар, вале ул мажмар андоми, Эрур сунъ илгидин гохи мусаддас, гах мусамман хам.

Чикар равзандин ахгар дудию бу турфаким, анинг Утига дуд йуктур, мажмарига балки равзан хам.

Уту мажмар дема, бор ул садафким, дурларин анинг
Эвурди конга даврони мушъабат чархи пурфан хам.

Агар бу навъ эмас, бас не учун бормок кучи бнрла Бушар
жисми, окар кони, анга мажрух улуб тан хам.

Нечаким табъи норидур ва лекин меъда норига
Берур таскин, мунунг нафъин топибмен вокиан мен хам.

**7**

**БЕЛ**

Не навъ пайкари конидур ул узун тиллик
Ки, огзига кокилур бир узун ёгоч махкам.

Мунунгдек огзини махкам килиб эмас мумкин
Ки, ул узун тилидин хеч навъ килгай кам.

Тепарлар ончаки макдур эрур ва лекин ул
Бу тепмак ила котик ерни чок этар хар дам.

Бу навъ ер ёра олмас жахонда ул кишиким,
Йук эрса белида куч гар ани, дегил Рустам.

**8**

**ЮМУРТК**

**А**

Ул хуккаи ожким, килурлар гулфом
Ким, жавфи паниру маскадин тулди тамом.

Ким ани уруштирмогидин истар ком,
Ноком ани ушатгусидур ани ноком.

**9**

**ПОКИ**

Не пайкардурки, айлар ножихин тез,
Узи бирладурур масофий.

Магар Бахроми Чубин наслидиндур
Ки, ахволида зохирдур хилофи.

Равондур тиги эл бошида доим,
Вале уз куксидур анинг
гилофи.

Бу холатка, тонугдур эл бошининг,
Сафоси, доги уз кукси шикофи.

Чу мен килдим аён поки нишонин,
Керакким, топкай эмди табъи софи.

**10**

**ПАРВОНА**

Ул кушки, таашшукдурур андиша анга, Бир
нахлгаким шомдадур беша анга.

Шохи учидин аён булуб реша анга, Гул
очмак ушул решасидин пеша анга.

**ТУЮЦЛАР 1**

Ё раб, ул шахду шакар, ё лабдурур, Ё
магар шахду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак откали Еамза
укин кошига ёлабдурур.

**2**

Жавр укин жонимга сокий ёзмади,
Васл жомидин хуморим ёзмади.
Килки кудрат сабз хатлар ишкидин
Узга иш оллимга гуё ёзмади.

**3**

Ё кошингдин неча бир ук куз тутай,
Отки, утрусига анинг куз тутай. Неча
кургач узга махвашлар кошин, Янги
ой курган кишидек куз тутай.

**4**

Лаълидин жонимга утлар ёкилур,
Коши каддимни жафодин «ё» килур.

Мен вафоси ваъдасидин шодмен, Ул
вафо, билмонки, килмас ё килур.

**5**

Бовужуд ул юз эрур гулгунасиз Ким, курунур оллида гулгунасиз. Юз кизиллик йуктурур, эй ахли зухд, Токи мункирсиз майи гулгуна сиз.

**6**

Чарх тортиб ханжари хижрон бу тун, Куймади бир зарра багримни бутун. Тунга бориб бизни бехол айладинг, Не бадолиг ер эмиш, ё раб, бу тун.

**7**

Уткали ул сарви гулрухсоридин, Йук хабар ул сарви гул рухсоридин.

Хажридин бог ичра берур ёдима Коматидин сарву гул рухсоридин.

**8**

Тиги ишцинг ёрасидур бутмаган, Дардини хар кимга айтиб бутмаган. Хажр сахросидур охим утидин, Анда гул ёхуд гиёхе бутмаган.

**9**

Вах, цачонга тегру ишцинг кожидин Кузума хар лахза ут чоцилгуси. Басдурур кунглумда ишцинг, ёцма ут Ким, харорат ул хам утча цилгуси.

**10**

Ул парий ишцида бу девонани Эйки истарсен, келиб гулханда кур. Бир цадах ул гулни хандон айлади, Эй кунгул, наззора цил, гулханда кур.

**11**

Ёгди жаврунг уци хажринг тошидек, Килди цон кунглум ичин хам тошидек. Сочцали мохим аёгига сипехр, Куз ёшимнинг лаълу дуррин тошидек.

**12**

Нацш тушмиш кузда ул ёшим менинг, Уйлаким, бормас буён ёшим менинг. Комим улмоцдур хабибимдин йироц, Гар худ улсун Хизрча ёшим менинг.

**13**

Неча дедим ул санамга бормагин, Килмади ул тарк охир бормагин. Мунчаким худройлиц кургузди ул, Ацл хайрат цилди, тишлаб бормагин.

## КУРСАТКИЧЛАР ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА МИФИК

## ШАХСЛАР НОМИ


**Аёз —** газал 613, 6.

**Афридун—**газал 492, 5; 617, 6.

**Бармак —** касида 7, 4.

**Бахром—** газал 372, 6; касида 1, 4; 8, 2.

**Бахром Чубин —** чистон 9, 2.

**Бобобек —** китъа 20, I.

**Булахаб—** газал 213, 6.

**Булкосим —** газал 393, 6.

**Вомик** —газал 16, 3; 79, 4; 142, 7; 155, 2; 200, 2; 202, 6; 296, 7; 584, 4. **Доро** — касида 1, 7.

**Жабраил (Жибрил)—**газал 290, 8; 650, 4; мусаддас 1, 5.

**Жам (Жамшид)** —газал 59, 5; 69, 6; 83, 7; 105, 13; 148, 9; 173, 6; 266, 8; 281, 7; 316, 6; 324, 3; 331, 6; 334, 4, 6; 361, 7; 396, 6, 7,; 397. 6; 413. 6; 419. 6; 476, 1; 492, 5; 570, 7; 624, 6; китъа 51, 2. **Жомий —** газал 215, 7; 650, 9; касида 5, II. **Зол** —газал 141, 6; 215, 5. **Идрис** — мусаддас 1, 6.

**Исо (Масих, Рахуллох)** — газал 1, 3; 6, 2; 10, 2. 4; 22, 2; 31—3 33, 1, 2; 59, 4; 82. 5; 83, 2; 87, 4; 93, 4; 101, 2; 103, 1, 9 105, 6; 121, 3; 135, 4; 145, 4; 156, 6; 176, 1; 178, 2; 193, 2 196, 2; 203, 3; 227, 3; 234, 5; 235, 3. 4; 250, 1; 258, 3; 276, 3 285, 1; 324, 5; 326, 1; 351, 2; 374. 5; 376. 5; 386, 4; 393, 3, 4 416, 1; 417, 2; 442. 7; 476, 2; 495, 4; 512, 5; 521, 3; 555, 4; 578, 1, 2; 602, 7; 606, 4; 623, 5; 639, 5; 645, 5; мухаммзс 1, 3; мусаддас 1, 2; касида 6,11; китъа 12, 2; 29. 2.

**Лайли (Лайло)** — газал 9,5; 32, 1; 43,4; 45.6; 67,2; 144,7; 146, 4; 157, 3; 161,9; 176, 2; 177, 5; 184. 5; 213, 5; 257, 5; 275, 1; 305, 4; 337, 5; 344, 1; 415, 4; 444. 2; 463, 8; 493, 4; 601, 3; 640, 3. **Лутфий —** мухаммас I, 5; мусаддас 1, 7. **Мажид барлос —** китъа 60, 1.

**Мажнун** —газал 8, 5, 6; 9, 5; 12, 9; 15, 3; 23, 8; 43. 4; 45, 6; 53, 6 56, 4; 64, 1; 67, 2. 11; 73, 3; 79, 4; 83, 1; 86, 10; 89, 2. 5 96, 7; 133, 3; 137, 6; 142, 7; 146, 4; 155, 2; 157, 3; 160, 5 161, 9; 166, 4; 174, 6; 176, 2; 177, 5; 184, 5; 198, 3; 200, 2 211, 6; 213, 5; 220, 3; 231, 5; 235, 4; 239, 2; 243, 7; 247, 5 254, 4; 257, 5; 258, 7; 259, 5; 267, 1; 270, 5; 272, 3; 275, 1 296, 7; 299, 7; 305, 4; 308, 2; 314, 3; 337, 5; 343, 4; 344, 1 382, 3; 415, 4; 428. 1; 440, 2; 442, 4; 444, 2; 451, 2; 452, 1 458, 3; 460, 3; 463, 2, 4, 8; 464, 6; 469, 4; 474, 4; 479, 6 481, 5; 493, 4; 496, 2; 497, 7; 515, 5; 536, 9; 558, 4; 572, 3: 584, 4; 601, 3; 610, 5; 617, 1, 4; 619, 7; 620, 4; 627, 2; 630,

1, 6; 635, 2; 639, 3; 640, 3; 641, 5; чистон 1, 5. Марьям —газал 10, 4; 82, 5; 476, 2; китъа 12, 2; 29,

2. Моний — газал 600, 4. Мусаи Умрон — газал 4, 4. Мухаммад — газал 393, 1; китъа 28, 2. Нух — газал 132, 7; 452, 5. Нуширвон — газал 500, 7. Одам — газал 426, 7.

**Парвез —** газал 99, 6; 149, 3; 199, 6; 556, 6. Рустам — газал 141, 6; 215, 5; касида 1, 9; чистон 7, 4. Сайид Жамолиддин — газал 91, 7. Скандар — газал 69,-1; 95, 1; 132, 8; 183, 1; 316, 6; 396, 6, 7; 447, 1; 470, 4; китьа 51, 2. Солмон — касида 5, 11. Сулаймон — газал 69, 2; 331, 6. Фарход (Кухкан) — газал 8,5; 15,3; 23,8; 53,6; 58,4; 64,1;

67, 2; 89, 2; 91, 2; 96, 7; 99, 6; 125, 5; 133, 4; 137, 6; 142, 7; 149, 3; 198, 3; 199, 6; 200, 1, 2; 202, 6; 211, 6; 218, 3; 220, 3; 226, 3; 243, 7; 272, 3; 279, 5; 292, 2; 296, 7; 314, 3; 315, 5; 373, 4; 415, 4; 440, 2; 451, 2; 460, 3; 464, 6; 474, 4; 493, 4; 496, 2; 497, 7; 523, 4; 536, 9; 544, 4; 556, 6; 557, 4; 558, 4; 584, 4; 610, 5; 617, 4; 627, 1; 630, 6;

**Халил** — мусаддас 1, 1.

**Хизр** —газал 31, 3; 74, 3, 4; 83, 7; 101, 2; 103, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7,

8, 9; 105, 8; 108, 5; 183, 1; 250, 1; 338, 6; 421, 2; 470, 4:

509, 4; 522, 4; 527, 3; 537, 5; 547, 7; мухаммас 1, 3; туюг 12,2. Хотам — касида 7, 4. Хотиб — касида 7, 6. Хусрав — газал 215, 7; касида 5, 11. Ширин — газал 67, 2; 91, 2; 125, 5; 315, 5; 415, 4; 493, 4; 544, 4; 556, 6. Юсуф —газал 4,3; 19,5; 149,7; 191,2; 256,2; 257,4; 521,8; 644, 9; 647, 3. Яъкуб —газал 79, 7; 644, 9. Корун — газал 69, 3; 296, 6. Еазнавий (Махмуд) — газал 79, 7; 644,

9. Хусайн, султон (Шох Абулгозий Боходирхон, Хусрави Еозий) —газал 134, 9; 205, 13;

мухаммас 2, 7; мусаддас 2, 7; касида 5, 4; китъа 24, I; 28, сарлавха.

## ГЕОГРАФИК НОМЛАР

**Адам** —газал 14, 3; 23, 3; 241, 2.
**Ажам** — газал 613, 11.
**Арас** — газал 356, 7.
**Астробод** — газал 611, 7; 621, 9.
**Бадахшон** — касида 5, 1.
**Батхо** — газал 6, 7.
**Багдод** — газал 99, 7.
**Бестун** — газал 544, 4.
**Биржис (Муштарий)** — газал 69, 5; 295, 2.
**Бобил**— газал 19, 5; 520, 5.
**Боги жахон** — газал 105, 11.
**Бухоро** — газал 6, 7.
**Дажла** — газал 141, 3; 275, 5.
**Жайхун** — газал 141, 3; 275, 5; 617, 7.
**Зухал** — касида 9, 2.
**Зухро** — газал 251, 3.
**Ирок** — газал 364, 7.
**Кайвон (Сатурн)** —касида 8, 2.
**Канъон** —газал 201, 1; 231, 1; 644, 9.
**Каъба** — газал 173, 4; 295, 9; 311, 8; 334, 6; 345, 9; 364, 5; 420. 7; 448, 8; 501, 8; 513, 6; 612, 7; 621, 1; 650, 6;
**Китъа** —53, 1.
**Кобул** — газал 230, 7.
**Марв** — газал 484. 1.
**Машхад** — газал 505, 1.
**Миср** — газал 571, 5.
**Ому** — газал 356, 7.
**Сухайл** — газал 251, 3.
**Табриз** — газал 99, 7.
**Уторуд** — касида 1, 6; 4, 1, 2, 6, 7; 5, 3, 9.
**Хито** — газал 204, 5; 249, 6.
**Хуросон** — газал 364, 7; 469, 7; 646, 1.
**Хутан** — газал 588, 3; 649, 3.
**Чин** —газал 22, 1; 516, 1; 628, 1.
**Эрам** — газал 397, 5; 405, 2; 510, I; 543, 4.
**Хайбар** —газал 57, 3; 204, 5; 295, 7; 337, 1. **Хижоз** —газал 364, 7; 469, 7; 579, 3; 613, 11. **Хинд (Хиндистон)** — газал 37, 7; 230, 7; 266, 2. **Хирий (Хирот)** — газал 295, 9; 593, 7.

## ЭТНИК НОМЛАР

**Лули —** газал 166, 5; 185, 2. **Турк** — газал 144, 9; 205, 5. **Киёт —** газал 73, 9.
**Кунгирот —** газал 73, 9. **Хабаш —** газал 249, 6.
**Хинду** — газал 166, 1; 181, 4; 308, 5; 344, 2; 506, 1; 508. 4, 5; касида 3, 3.